






Борис Ресков, Геннадий Седов

2 2 0 0 0
8 0
8-412

УСМОН ЮСУПОВ

~ 282964



Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
„ЁШ ГВАРДИЯ“ нашриёти

Тошкент

1977



Ресков Борис ва Седов Геннадий.

Усмон Юсупов. Т., «Еш гвардия», 1977.
272 б.

I Автордош.

**Ресков Борис и Седов Геннадий. Усман
Юсупов.**

ЗҚП1 (092) (С52)

Ушбу китобда ўзбек халқининг атоқли фарзанди, машҳур давлат ва жамоат арбоби Усмон Юсуповнинг ҳаёти ҳамда фаолияти ҳикоя қилинади. Унда бутун ҳаётини партия ва халқ хизматига бағишлаган чинакам ленинчи-большевикнинг сддий батракликдан партия Марказий Комитети секретарлигигача босиб ўтган йўлини ёритадиган талайгина қизиқарли материаллар берилган.

Р $\frac{70302—\text{№ } 64}{356(06)—77}$ 74—77

© Издательство «МОЛОДАЯ ГВАРДИЯ», 1976

© «ЕШ ГВАРДИЯ», 1977, таржима.

УСМОН ЮСУФ УҒЛИ

Мабодо ҳозирги Фарғонанинг кўп қаватли янги шақар қисмини ўнг қўл тарафда қолдириб, Скобелев замонасида бунёд этилган кўҳна рус қалъасини айланиб ўтиб, катта асфальт кўчадан қўл узатса етгудек яқин кўринган тоғ этаклари томон бурилсангиз, кўз ўнгингизда боғу роғлар, ҳовлию иморатлар исканжага олган, асрий тошлоқ тепаларни ора-лаб илгарилаб кетган илон изи Аввал йўли намоён бўлади.

Шунда сайёҳни, гўё вақту замон тек қотгандай, ғалати бир туйғу қамраб олади.

Шундоқ ёнгинангиздан чўчитиб юборилган ёввойи кабутар ғаласи қанотларини нақ милтиқ отилгандай қарсиллатиб париллаб кўкка кўтарилади. Бенхтиёр бошингизни кўтариб қарар экансиз, тепангизда бир парча феруза осмон ярқ этиб кўзга ташланади, машина эса биринчи тезликда чираниб, вағиллаб юқорилай бошлайди, ниҳоят йўловчини қияликка, чоғроққина қишлоқнинг этагидаги уйлар ёнига олиб чиқади.

Бу — Каптархона.

Бир аср муқаддам ҳам, ундан илгарилар ҳам бу қишлоқ Каптархона деб аталган. Фарғонанинг жанубидаги тоғ этакларига кўниб-ўтиб юрган кўчманчилар, улардан бора-бора Марғилонсой билан Исфайрам тева-ракларда ўтроқлашиб қолганлари — қипчоқлар, қорақалпоқлар, қурама ва қирғизлар — бунинг жонли шоҳидидирлар. Уерда юз, балки бундан ҳам ортиқроқ хонадон бўлган. Сой ҳам бор. Унинг ҳам номи Каптархона.

Ҳозирги кунда қишлоқнинг Каптархона деб аталишининг сабабини ҳатто кексалар ҳам билишмайди. Бу ҳақда ҳар ким ҳар хил таъбир айтади, атрофдаги жарларда истиқомат қилувчи паррандалар-кабутарлар важҳидан бўлса керак, деб мужмал жавоб беришади.

Кабутарлар эса бу ерда беҳисоб бўлган. Икки қўшни жарликда ғужгон ўйнаган. Ҳозир ҳам бор, албатта. Лекин кам қолган. Илгарилари бошқа гап эди. Бурунги пайтларда кабутарни қуруқ қўл билан ушласа бўларди. Кечалари ушланган. Жарликка шоти қўйиб тушилган, машъала ёқиб кабутарларнинг кўзини қамаштиришган. «Вой-бўй, жуда ширин-да, бу каптар қургур...» Илло уни тутиш осон эмас. Тунда жарга тушиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди — бунда довураклик, чапдастлик зарур, кейин эини билиш керак, дейишади.

Ҳар қалай, нега Каптархона деб аталади? Нега Каптардара ёки, масалан, Мингкаптар ёхуд Галакаптар дейилмаган?

Шунда кексалар бошларини қашиб қолишади. Бу жуда кўҳна гап, дейишади. Жарликда каптарларни улар эмас, боболари овлашган-да, ахир. Аллазо моиллардаги гаплар, эслаб қолиб бўларканми бунинг? Каптархона бўлса Каптархона-да. Шундай деб аталиб келинган, вассалом. Турган гапки, кабутарлар сабабчи бўлган бунга, бошқа нима бўларди дейсиз?

Ҳар ҳолда, Каптархона қадимда ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор. Шарқда жойларга азал-абаддан тасодифий, бежиз ном берилмайди. Академик Н. И. Вавилов «Афғонистон деҳқончилиги» китобида, Ҳирот воҳасидаги деҳқонлар қулай жойларда, атроф-теварақда яшайдиган кўк кабутарларга бошлана бўлсин деган ягона мақсадда (даштлардаги соқчи минораларини эслатувчи) гувала ёки тошдан ўзига хос қўнарғалар қуришдек қадимий одатни сақлаб қолганлар. Бу таомилнинг иаррандалар оламини асраб-авайлайдиган хайрли орнитология илмига даҳлдор жойи йўқ. Уларнинг бундан муродлари — заҳматлари эвазига аъло даражадаги ўғит — қимматбаҳо парранда гўпни йиғишдир, деб ёзади.

Осиёнинг тоғ этакларида ястанган бепоён далаларнинг ҳар ер-ҳар ерида сершовқин парранда галалари «истехком»лари — «қўлбола» ўғит тайёрланадиган даргоҳлар ҳазин манзара касб этувчи бир хилдаги ясси томли қишлоқ кулбалари орасида масжид, бозорбоши ёхуд авлиёлар сағанаси сингари маҳаллий меъморлик обидасидай қад кўтариб туради. Уларни барно этишга камқувват, парваришталаб ерни семиртириш, ҳосилдорлигини ошириш ташвиши айнан сабабчи бўлган.

Шундоқ экан, Вахш воҳасида, Олой этакларида, афгон далаларию Туркистон ялангликларида нони ўзи-

га муносиб — Қаптархона деб аталмиш қишлоғу овулларнинг асрдан-асрга кўпая боришига таажжубланишнинг ҳожати бўлмаса керак...

Бироқ Шарқ каптархоналарига абадийлик насиб этмаганди.

Зеро атрофии чеки-чегараси йўқ дашт — Византияда команлар, Русда — половецлар, бу ерда — Осиёда эса қипчоқлар деб аталган жангари-кўчманчи қабила истиқомат қилган Дашти қипчоқ қуршаб олганди. Кўчманчилар маскани бўлган ушбу дашт ҳеч қачон тинчимаган. Ўша ёқлардан Моваруннаҳр — Амударё ва Сирдарё оралиғидаги саховатли ва фаровон ўлкага кетма-кет истилочилар тажовуз қилиб турган.

Маҳмуд Ғазнавий, Қорахонийлар, Чингизхон, Шайбонийхон каби истилочиларнинг босқинчи галалари, суворо юзликлари дарёлар ирмоқлари ёқалаб, водийларга мўри-малаҳдай ёпирилиб, ўзга юртнинг экинзорлари, боғ-роғларини пайҳоп қилганлар... Маҳаллий хону беклар бир-бировига тиг кўтариб, уруш-талашдан бошлари чиқмаган. Улардан ҳар қайсисининг йўлида бундай каптархоналар босқинчиларга муқаррар кўксини қалқон қилиб, ғазабини қўзгаган.

Қишлоқлар горат қилинган, ёндирилган, яксон бўлган. Экинзорлар қақроқ чўлга айланган, ибтидий сув иншоотларини қум босган. Бироқ олисларда паҳмоқ мўғул отларининг дупури, маъданлар жаранги, кўчманчиларнинг ҳирқириқ ҳайқириқлари тингани, отларнинг ису тери қоришиқ, қуёш бетини тўсган чапг-тўзон ўтиргани замоноқ каптархона поминина қолган кул тепада кетмони елкасида инсон боласи пайдо бўлиб, кафтига туфлаб, пешонасига битилган ягона машғулотини адо этишга киришган...

Дехқончилик касбининг афсонавий тарихидан нақл этгувчи, бободехқонни шарафловчи ҳамду сано — «Рисолаи деҳқончилик» ўрта аср уломою фузалолари томонидан айнан шундай каптархоналардан бирортасида битилгани эҳтимолдан холи эмас.

Ушбу рисолада таъкидланишича, деҳқончилик тангри эҳсон этган инъом, биринчи омочни малоикалардан ҳазрати Ҷаброилнинг ўзи жашнатдаги туба дарахтидан ясаган, дастлабки жуфт ҳўкиз ҳам жаннатдан олиб чиқилган, биринчи хивич ҳам ўша ердаги гаврон бутасидан қирқиб олинган экан; рисолада айтилишича, ҳазрати Ҷаброил дастлабига омочни ўзи ишлатиб кўрсатган-да,

кейин уни Одаматога тутқазган, ниҳоят, деҳқончилик — инсон касби-ҳунарлари орасида энг аълоси эканки, уни ўзига касб этган одамзод хушҳулқлигию манъавиётини пок сақлаб қолар экан, зотан деҳқончилик заҳмати дарҳақиқат улуғвордирким, деҳқон қўли яратган неъматлар қашшоғу бадавлатни ҳам, заифу ожизни ҳам, қудратли паҳлавонни ҳам, ёшу қари, шоҳу гадони ҳам тўйғазаркан.

Нисбатан ўзига тўқ, «Рисола»ни ўқиш қўлидан келадиган саводхон кишиси бўлган бахтли хонадонларда кўклам палласида, баҳорги дала ишлари бошланиши олдидан бола-чақаларига уни албатта ўқиб берганлар. Хонадондагилар эса деҳқончилик касбининг муқаддаслигини англаб етиш, ундаги ҳикматларнинг мағзини чақиш учун нафасларини ичларига ютиб қулоқ солганлар. Кўклам сайили, наврўз байрами — булар ҳам, шубҳасиз, деҳқончиликни улуғлаш маросимларидир.

Қишлоқ болалари (аксарият ўғил болалар) қулоғига гўдаклик чоғлариданоқ деҳқончилик нодиру ноёб касб эканини қўйиб, бу фикрни таналарига сингдириб келардилар. Бу кир-чир тойчоқлар (кўпинча чорвадор қирғизларнинг болаларига қараганда ейиш-ичишлари ёмонроқ бўлса ҳамки) оталарининг кафтдаккина ери бўлгани туфайлигина ўзларини кўчманчилардан бирмунча юқори ҳис қилардилар.

Ана шулардан хулоса чиқариб, авлод-аждоди умри омон кетида ўтган каптархоналик бир деҳқон сира иккиланмай бу таомилга шак келтирувчи ишга жазм этган экан, унинг нақадар ночор аҳволда қолганини тасаввур қилса бўлади. У белга мадори, ишонган тоғи ва меросхўри — тўнғич ўғлини иш қидириб шаҳарга жўнатишга аҳд қилганди (ким билади, у ёқларда не кечади ҳоли?)... Шу пайтгача чоршанба кунлари бўладиган Шаҳрихон бозорига борганини ҳисобламаганда (шунда ҳам оила ташвишларидан аранг юлқиб олинган бир неча соатгагина), ўз қишлоғидан бошқа жойни билмаган, кўрмаган, нимага юбораётганларини, ўша ваҳимали, одам адашиб қоладиган шовқин-суронли, нақ Маккаю Мукаррамадай олисдаги азим Тошкентнинг қаёқдалигини хаёлига ҳам келтиролмайдиган ўн саккиз яшар ўспириннинг қалбига қанчалар ғулғула тушганини, қанчалар юраги увишганини тасаввур этиш мушкул эмас; тўйининг эртаси куниёқ кўзга кўринмас, қўл билан тутиб бўлмас бахтини излаб номаълуму нотаниш оламга йўл олади у. Минг

саккиз юз тўқсон тўртинчи йилнинг қишида, Усмон Юсуповнинг бобоси — Сайдалининг кулбасида ўтган тўй кечасининг нақадар бефайз ва зерикарли ўтганини тушуниб етмоқ учун бу манзарани кўз ўнгида жонлантирмоқ керак.

Тўғрироғи, тўй эмас, фотиҳа. Мана, маҳалла масжидининг имомини кутишяпти. Қариндош-уруғ ва ёр-биродарлар ёшларию мавқе-эътиборларига қараб, сандал теғрасида совқотган оёқларини бозиллаган чўққа тутиб, оҳистагина суҳбатлашиб ўтиришибди. Ҳар замон-ҳар замонда куёв бола — Юсуфга қараб-қараб қўйишади.

Отасига ўхшамаган йигит. Мўмин-қобилгина. Лекин ақлли-ҳушли, бунини ўша олис юртга пул топгани юбориш эмас, мадрасага бериш керак эди: саводхон одам, эҳтимолки мударрис бўлармиди. Ҳа-а, отасига тортмади бу Юсуф, ниямай дердик... Сайдали ҳам ўзига етгунча айёнда; ўғлини ўғайқизи билан қўшяпти. Ҳеч қанақанги харажат-паражат қилмайди деявер, қалин тўламайди, қариндош-уруғига сарпога куймайди, қўйнидан тўкилса-қўнжига. Бир кесак билан икки қуённи уряпти. Ўлгудай пихини ёрган муғомбир-да бу Сайдали чўтир.

Қишлоқ ақли тўзиган кигиз устига, сандал четига ташланган юпқагина якондозларда у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирибди. Хурсандчиликдан асар ҳам кўринмайди. Қандай ҳам хурсандчилик қилишсин? Ахир бу бахти қаро куёв — Юсуфга қараб туриб, ҳар қайсиси ўз боласини: бор, қарчиғайим, бегона жойлардан бахтингни изла, омадининг чопса бирон нима орттириб қайтарсан, деб бир-икки йил орасида йўлга отлантиришга мажбур бўлишни ўйлаб юраги эзилиб кетарди; эҳ-ҳе, пешоналари намунча шўр бўлмаса-я...

Яна меҳмонлар келишди, аксарият эркаклар (хотин-халаж эса ичкарида). Янги келганлар уйдагилар билан кўришдилар, куёв болага қуллуқ бўлсин қилдилар, таомили шундай. У минғиллаб қўя қолди, ўзи парпшон, хаёли аллақеёқларда. Ойимнисо номаҳрам кўзларидан қочиб ўтирган томонга ўғринча кўз қирини ташлаб-ташлаб қўяди. Ўлдирсангиз ҳамки у қизни хотинни ўрнида тасаввур қилолмайди. Эсини танибдики, бу шўх, қақажон, сичқондек ликилдоқ қизалоқни синглим деб биларди. Онасининг вафотидан сўнг отаси Марғилон томондаги қайсидир қишлоқдан янги ая-бева бир хотинни олиб келганди, унинг икки ёки уч яшар қизчаси ҳам бор эди. Юсуф унга лойдан ўйинчоқлар ясаб берар, кўчада ҳимоя

қиларди. Қизалоқ аста-секин улгая борди, унинг кўзи ўнгида тўқиш, тикиш, кўсак чувиш, ип йиғиришни ўрган-ди, сочини қирқ кокил қилиб ўрадиган, дўппини қўйиб, катта аёлларга ўхшаб рўмол танғийдиган, қошим ўссин деб ўсма қўядиган, катталар билан гаплашаётганда тўсатдан тили чучук бўлиб қоладиган бўлди. Бу Юсуфни кулгисини қистатар, унга тегажоглик қилар: «Ҳей, Ойим-жон, куёвга чиққинг кеп қолдими?» — деб жиғига тегарди. Буни қарангки, охир-оқибатда ростдан эрга тегадиган бўлди. Яна кимга денг, ўғай акасига... «Уйланасан,— амр қилди отаси,— кейин йўлга чиқасан, ишлаб пул топиб келасан. Хотининг қайтгунингча кута туради...»

Ҳагуз имомдан дарак йўқ — қишлоқнинг нариги чек-каси, юқоридаги Мирзакаримбойнинг қазо қилган акаси-ни жанозасига кетганди у. Шошилншдан наф йўқ унга, у ер борадиган жойидан кўра ёғлироқ. Никоҳ ўқишга кечроқ борса ҳам бўлаверади, зеро шариатдан бир-икки оғиз насиҳат қилишу никоҳ ўқиш унга куф-суф деган билан баробар, кўз очиб-юмгунча битказадн ишни...

Хулласи калом, ўша кеча никоҳ ўқилди. Эртасига саҳар палла куёвни бутун оила Аввал йўлигача кузатиб қўйди. Вазмину сиполик билан хайрлашишди. Кузатув-чилар орасида келин кўринмасди — шариатда бунга йўл йўқ эди. (Уйдалигида, хуржунини қўлига олган пайтида Юсуфали бир бурчакка қисилиб турган нозиккина қо-матни кўриб ўзини туюлмади, ёнига борган ва қўлини елкасига қўйиб: «Хайр энди, Ойим...» деганди. «Синг-лим» — деб юборишга сал қолганди.)

Уша кунн эрталаб дпл вайрон бўлиб, титраб-йиғлаб турган қизалоқ синглим бўлмай, ким эди менга, дея хаёл суриб борарди у йўл-йўлакай...

Дарбадарликдан тезда қайта олмади у, ойлар эмас, йиллар ўтди орадан. Сафарга хуржуни қандай бўш чиқ-қан бўлса, қишлоққа ҳам ўшандай пучқайиб қайтди. Уйда, Қаптархонада эса уни хонадоппнинг келини, ўн ол-ти яшар хотини Ойимнисо кутарди. Келаси йили мартда, нақ Наврўз арафасида тўнғич фарзандлари, Усмон деб исм қўйилган ўғиллари дунёга келди.

Биз тасвирлаётган замонларда Ўрта Осиёда мусул-монларнинг ой календари расм эди. У қуёш календари-дан қисқароқ. Йил саногн ҳам европаликларникидан

бошқача эди. Ҳижрий йил саноғи Муҳаммад пайғамбар билан дастлабки мусулмонларнинг Маккадан Мадинага кўчиб ўтиши (милодда 622 йил)дан бошланади.

Халифа Умарнинг амри маъруфи билан ислом мамлакатларида жорий этилган ана шу календарга мувофиқ бизнинг қаҳрамонимиз 1317—1318 йиллар ўртасида тугилган.

Дарвоқе, ўша замонларда қишлоқда юқорида зикр этганимиз устомон имомдан бўлак йил ҳисобини биладиган, бунинг устига ундан фойдаланадиган бирон билмидон одамни топиш амри маҳол эди. Қўш ҳайдайдиган деҳқон учун Муҳаммад пайғамбарининг Мадинага қачон кўчганини билишдан кўра лалмикор адирлар йилнинг қайси фаслида қурғаб-қовжираб қолиши, қачон ҳосил мўл бўлиши, йўнғичқа қай пайт яхши бўлмаслиги, қай пайтда тоққа кам қор ёғишию оқибатда ёзда ариқларда сув камчил бўлиши, қай маҳалда тошқин бўлишию чигиртка ёпирилишини билиш муҳимроқ эди (бунн эслаб, чамалаб, ёдда сақлаб қўйишарди). Қишлоқ аҳлининг оддий:кундалик ҳаётида иш берадиган мучал ҳисоби бор эди. Мучал ўн икки йилдан иборат бўлиб, ҳар қайсисига бир жониворнинг поми берилганди. Одамлар қайси жониворнинг номи берилганига қараб, ўша ҳайвоннинг феъл-атворидан келиб чиқиб йилнинг табиатини белгилардилар.

Шу боисдан ҳам одамлар танишиб, суҳбатлашиб қолганларида: «Ёшингиз нечада?»— деб эмас, «йилингиз нима?»— деб сўрар, агар яхши йилда тугилган бўлсангиз тилларини чўкилатиб, ёмон, беҳосият йилда бўлса бош чайқаб қўйишарди.

Усмон — сичқон йили тугилганди («ҳосил, дон-дун мўл, одамлар кўнгли равшан бўладиган йил...»). Худо ҳаққи, асаримиз қаҳрамони тақдирига бунинг нима даҳли бор, дея кўрманг. Дунёга чириллаб келган чақалоқ бундан буён мусулмончилик, ислом туғи остида, Синобарин, дин билан эгизак бидъат, хурофот исканжасида яшайди...

Уни бешикка соладилар, биринчи марта чўмилтирадилар. Бешикка солинган куни гўдакка биринчи марта кўйлак кийгизилади, бу эса одатга биноан кейинги фарзандларга қолади. Ана шундан кейингина қулоғига азон айтиб, исм қўядилар...

Бир кун келиб эсини таний бошлаган болакай тўсатдан ўзининг қачон тугилганини ўйлаб қолади-да, ғур-

сатини топиб онасини сўроққа тутди. Шунда аксар ҳолда шундай жавобни эшитади: «Ўрик бошини еб қилган йили...» ёки «Худо раҳмати Исмоил амаки ўлган йили...» ёхуд «Тошқин бўлиб, пастки қишлоқдаги тўғонни суриб кетган йили...»

Усмонга эса: «Наврўзда, қаттиқ зилзиладан икки йил олдин...» — деб жавоб берган бўлишлари табиий. Зеро март— албатта, наврўз, кўклам байрами, зеро минг тўққиз юзинчи йил (бу сана эндиликда маълум) бўлгач, фарғоналикларни даҳшатга солиб, талай вақтларгача халқ ёдида қолган минг тўққиз юз иккинчи йилги тўрт минг кишини нобуд этган Андижон зилзиласи назарда тутилаётгани шубҳасиздир.

Тошкентни забт этиш билан бошланиб, подшо қўшинлари зарбалари остида Қўқон хонлигининг барбод этилиши билан тугалланган — Туркистонни босиб олиш учун чоризм томонидан олиб борилган ҳарбий истилолар ниҳоясига етганидан бир йил ўтгач, 1887 йили, Фарғона воҳасига жойлашган полклардан бирининг офицери Владимир Наливкин кутилмаганда истеъфога чиқажаги ҳақида рапорт ёзди. Илтимоси қабул этилгач, у ҳамма кутганидек, олисдаги она Россияга, жонажон болутзору эманзорларига қайтмади, балки шу ерда, бу овлоқ ҳамда тушуниб бўлмас ўлкада қолди. Устига устак, барчини ҳайратга солиб, истиқомат қилгани энг чекка — Наманган яқинидаги Нанай қишлоғини танлаб, хотини ва икки ёш боласи билан ўша ерда оддий маҳаллий аҳоли қатори яшай бошлади. У ер ҳайдаб, арпа ва жўхори экиб тирикчиллик қилиб, саботу қунт билан, ниҳоятда серҳафсала, тиришқоқ ёрдамчиси — хотини Мария Владимировна кўмагида ерли аҳоли — Ўзбек ва тожикларнинг турмуш тарзи ҳамда одатларини ўрганишга киришди.

Бир оз саросималаниш, офицерлар йигинида койиб-ёзғириш ҳамда фишқу фасодлардан сўнг тентак Наливкинни тинч қўйдилар. («Келинлар, жаноблар, жин урсин уни, билганини қилмайдими...» — деган фикрга келдилар.)

Бироқ у ихтиёрий-кўнгилли сургунда вақтни беҳуда ўтказмади. Маҳаллий шевани муфасссал ўрганди... Хотини билан биргаликда «Русча-сартча ва сартча-русча умумистемолдаги сўзлар лугати, хонлиқнинг наманган музофоти лаҳжасининг қисқача грамматик иловаси»ни

тузиб чоп эттирди. «Фарғоналик маҳаллий ўтrock аҳоли аёллари турмушидан очерк»и босилиб чиқди. «Қўқон хонлигининг қисқача тарихи» ёзилди. Куни кечаги офицер билимга ташна демократик руҳдаги китобхонлар учун ўзгалар нигоҳида миллий ҳамда диний қобиқ-қалин девор билан ихоталанган халқ ҳаётининг бутун бошли бир қатламини очиб берди.

Наливкин дастлабки рус-тузем мактабларида ўқитувчилик қилди, Тошкент ўқитувчилари семинариясида маҳаллий тиллардан лекциялар ўқиди, дарслик, қўланмалар нашр эттирди, ўлкада халқ маорифи ишига турли йўллар билан қўмаклашди¹.

Наливкинлар оиласи Нанайда жонбозлик ва фидойилик кўрсатиб юрган кезларда ёш Усмон уларнинг кўзига қандай кўриниши мумкин эди? Ўша пайтларда у—Каптархона қишлоғининг камбағаллар қисмида турадиган мусулмон фарзанди—ким эди?

«Болаларга нисбатан, айниқса, самимий муносабатни қуруқ чой билан тирикчилик ўтказадиган қашшоқ хонадонлардагина кўрдик, десак асло ажабланманг,—деб таъкидлашди Наливкинлар.—Бола гап-сўзга тушуна бошлаши билан катталар суҳбатидан баҳраманд бўла боради. Ундан деярли ҳеч нимани яширмайдилар, ҳамма гап ва ҳамма нарса бемалол сўзлайверилади унинг олдида. Болаларни ошкора суйиб эркалайдилар, имкони борича ён берадилар уларга, шўхликларини кўрмаганга оладилар. Бунинг ўз фалсафаси бор, ўзига хос, истасангиз, камбағалона ҳулқи-одоб қоидаси бу. Бойларнинг ери, боғ-роғи, от-улови, қўй-қўзиси бор, бунинг устига улар оила, бола-чақаларига ҳам биздан кам меҳр қўйишмаган, деб мулоҳаза юритишади ерсиз, отуловсиз, аксарияти бошпанасиз қашшоқлар. Камбағал бечоранинг эса болаларидан бўлак давлати йўқ».

Ёш Усмоннинг болалигиданоқ ана шундай гаплар билан қулоғи пишиб борарди. Унинг бирипчи навбатда

¹ Наливкин бир вақтлар революцион социал-демократлар қапогига қўшилган бўлиб собиқ подшо армияси офицери шахсида «буржуазия сафидан ажралиб пролетариат томонига ўтиш ҳодисасини» кўрган Лениннинг эътиборига чалинганди у. Максим Горький ўз хатларидан бирида машҳур «исёнкор фабрика эгаси» Савва Морозовни хотирлаб, шундай деб ёзади: «Бундайлар бизда оз эмас. Тошкентлик... Наливкин (Мешков, Старосельский, Кугушевлар қатори) шулар жумласидандир».

фчик-ойдин англаган нарсаси ўзларининг камбағал эканликлари бўлди. Фақат гоҳи-гоҳида қишлоқларидан ўтиб қоладиган дарбадар қаландарларгина улардан камбағалроқ бўлишса керак. Балки, ундай эмасдир. Қаландарлар доим шод-хандон, улар бор жойда доим кулги, ҳазил-мутойиба, вақтихушлик, уйда эса камдан-кам кулги бўлади, ҳаминша қарз-қурз, овқат, ўтин, пойабзалдан гапиришгани-гапиришган... Баъзан қоп-қоронғи кечада чириллаб йиғлаган овоздан уйғониб кетади, қараса, онаси жажжи сингилчаси Назиранинг бешигини тебратиб аллалаётган ё эмизаётган бўлади. Шунда у қорни жуда очиб кетганини сезади... Кейин яна ухлаб қолади. Доим қорни оч, ҳатто кечалари, ҳатто тушида ҳам овқат егиси келади. Лекин у бунини ҳеч қачон сездирмайди, бу ҳақда чурқ этиб оғиз очмайди. Нега деганда, уят бўлади. У шундай тарбияланган.

Уй жуда зерикарли. Кўча бошқа гап. Ўртоқлари билан қайноқ, момикдай тупроқда гурпаклашади, шовқин-сурон солиб ошиқ, тош, беркинмачоқ «оқ теракми, кўк терак» ўйнашади, варрак учирашади. Гоҳида бирдан юқори Каптархонадаги болалар тўдалашиб келиб қолишади ва одатларича чиранчиқлик қилишади, бундай пайтда уларни сира тап тортмай, боплаб таъзирларини бериш керак. Кесакбўронга тутиб, тупроқ сочиб, ишқилиб, қандай йўл билан бўлмасин, уларни шармандаларча қочишга мажбур этиш, кейин тириқтирганча юқорига, то масжидгача қувиб бориш, орқаларидан калака қилиб, қийқариб кулиш — энг муҳими эди.

Дўнг пешана, сочи ярқиратиб қирилган Усмон одатда биринчи бўлиб югуришдан тўхтар, нафаси бўғзига тикилиб: «Бўлди... кетдик орқага», дерди энтикиб.

Ҳамма қуйи каптархоналик болалар сингари у ҳам юқори қишлоқни ёмон кўрарди. Хўш, у ернинг нимаси яхши? Биттагина масжиди бор, холос. У ёқдаги болалар девор орқасига яшириниб олиб, кекирдақларини чўзиш-гагина ботир, очиқ майдонга, ҳалол олишувга ҳолва бериб алдаб ҳам олиб чиқолмайсан. Юқоридаги катталар ҳам улардан баттар, ҳаммаси ўғри-муттаҳам. Ёзу куз қуйидаги деҳқонларнинг сувини ўғирлаганлари-ўғирлаган. Ҳаммага, юқоридагиларга ҳам, қуйидагиларга ҳам бор-йўғи битта ариқ ўзи. Юқорида, қулоқ бошида турганларидан фойдаланиб сувга ўғирлик қилишади... Катталар сувни деб нуқул уришганлари-уришган, юқоридагилар қуйидагиларнинг тепасига, қуйидагилар юқори-

дагилар устига бостириб боришади, ким-кимни алдаганни билишга уринишади. Баъзан иш бир-бировларига кетмон солишга, қон тўкиб, одам ўлдиришгача бориб етади...

Болалар шошилмай яна ўзларининг ўйнайдиган жойларига қайтишади. Анави юқоридаги бақироқларни боплаганлари тўғрисида бири олиб, бири қўйиб оғиз кўпиртиришади... Қани, тагин бир марта қораларини кўрсатишсин-чи, ўғриваччалар... Яланг оёқ, ғарққа терга ботиб, чанг-чунгга беланиб, аммо мамнун қайтишади. Йўлда оғир юк ортилган, бир маромда чайқалиб бораётган туяларни кўриб, бараварига шовқин солишади:

— Туялар, туялар!

— Вуй, анави бечора туяларни қаранглар!

Олислашиб бораётган кичкина карвон ортидан узоқ кузатиб қолишади.

Шунда Усмон тўсатдан бултур боргани Олтиариқ бозорини эслайди. У ерда ҳам худди шунга ўхшаб туяларнинг бўйнидаги қўнғироқлар жангир-жулгур қилар, қулоқни батанг қилиб эшаклар ҳанграрди. У худди бу виси айтиб берган эртақлардагидек қайнаб-биқирлаб турган афсонавий денгизга ўхшайди. Бозорнинг қоқ ўзгинасида одамнинг сўлакайини келтириб, турли-туман таомлар пишириладиган кунжут мойининг ўткир иси димоғига урилгандай, бақириб-чақириб ўз молини мақтаётган сотувчилар, савдолашаётган харидорларнинг ола-ғовури, темирчилар болғаларининг тарақа-туруқи, отларнинг кишнаши эшитилгандай бўлади. Дўкону расталар, чий ва резги тахталардан қурилган дўкончалар, усти чий билан ёпилган омонатгина айвончалар— антиқа олам эди. Темирчи, сарроқ, мошиначи, заргару мисгарлар шу ернинг ўзида ҳам ишлашади, ҳам савдо қилишади. Улар билан бир қаторда қассобу баққоллар савдо қилишади. Мана китоб дўкони, ёгинасида чучвара пишириб, сомса ёпиб сотишяпти. Сал парида терига ошлов беришяпти. Бир ёқда кудунгар йўғон қайрағоч куракчаси билан товланиб кўзни оладиган атласга жило беришпти. Бир томонда маддоҳ ғарққа терга ботиб, кўзлари косасидан чиқиб кетгундай чақчайиб, кўксига муштлаб, катта-катта одим ташлаб, у ёқдан-бу ёққа юрганича, нақ томоғи йиртилгудек бўлиб қиссасул анбиёдан ўқияпти. Торгина кўча бўйлаб чўзилиб кетган расталарда кигиз, жун арқон, жун қопу қанорлар ёйиб, тахлаб қўйилган. Ана, кўча бўйлаб қолвафуруш зинғиллаганча

Ўтиб боряпти: «Шакардек ҳолва, қанду бол ҳолва!» — кўчанинг нариги бошидан бунга жавобан: «Муздак! Муздак шарбат!»— деган овоз янграйди.

Жонингдан бўлак ҳамма нарса бор, ширин-шакар, мазаси оғзингда қоладиган егуликлар— лекин бари уларга аталган эмас, ҳамёнлари пучу қўллари қисқалик қилади...

Ўшанда улар уйга қуруқ қайтишди. Ўн калавача йи-гирилган пахта ип, бир чирпит мой, онаси тиккан бола-лар дўппиларини олиб боришган эди. Бир оз донга алмашиб келармиз деган умидда эдилар, бўлмади.

Отасининг олтиариқлик таёқдай қотма деҳқон билан бир қоп жўхори савдосини келтиролмай хуноби ошиб кетгани Ўсмоннинг ёдига тушди. Арзимаган чақа устида келишолмади— олтиариқлик, худди қайсар ҳўкиздай, айтганим айтган, деб туриб олди. Шундай қилиб, дон ололмай қайтишди.

Уйга қайтганларида ташвиш ва надомат билан, йил-дан-йилга доннинг нархи ошиб кетяпти, дея зорланишди. Одамларга бир бало бўлган, ҳаммалари пахта экиб ёти-шипти— унга кўпроқ пул беришади-да. Суғориладиган ерларга арпа, бугдой камроқ сепиляпти, жўхори ҳам то-бора кам экиляпти. Янги Маргилондан келадиган рус бошлиқ, қишлоқларга сув тақсимлаб берадиган бош ми-роб, каптархоналик иккала бой— юқоридагиси ҳам, қуйидагиси ҳам— қисқаси, ҳаммаларининг топиб олган гаплари битта: пахта, пахта. Ростдан ҳам бутун оламда-гилар эсини еб қўйганга ўхшайди.

Ўн тўққизинчи асрнинг олтмишинчи йилларида Осиё пахтасига бўлган эҳтиёжнинг кескин ошиб кетиши оқи-батида тарих тақозоси билан ягона дунё экономикаси оқимига тушиб қолганларини Каптархонадек қашшоқ қишлоқда яшовчи мўмин-мусулмонлар, олтиариқлик анави «зиқна» деҳқон қаёқдан ҳам билардилар.

Чоризмнинг маҳаллий хонликларни тўғридан-тўғри ўз мустамлакасига айлантиришида ҳарбий-сиёсий, иқти-содий ҳамда ташқи сиёсат каби кўплаб сабабу шарт-ша-роитлар қатори пахта толаси кам аҳамият касб этмаган.

Шимолий Америкадаги граждaнлар уруши оқибати-да четга пахта чиқариш камайиб кетди. Натижада, асо-сан, океан орти пахтаси билан ишлайдиган Россиянинг ип-газлама саноати ларзага келди. Хом ашё танқислиги

тўқимачилик саноати бўғзига чанг солаёзди. Турли тоифадаги Россия матбуоти— либераль «Садо» («Голос») дан тортиб консерватив «Москва ведомостлари» гача, якдиллик билан «Бухоро қоғозига эҳтиёж» тўғрисида, «Россиянинг махфиёна, аммо енгиб бўлмас бир куч билан Шарққа интилиши» ҳақида, «ярим ваҳший қабила-лар билан тўқинишганда қатъий сулҳпарварона сиёсат» юргизишнинг мумкин эмаслиги тўғрисида бонг уриб қолди.


Туркистон пахтасини Россия империяси ичкарасига ташиш бир неча баробар кўпайди. Унинг нархи 1864 йили 1860 йилдагига қараганда беш марта ортди.

Россиянинг миллионер фабрика эгалари ғарқ бўлаётган кимсадек жон талвасасида иккиланиб турган ҳукуматни Осиёда янги ерларни босиб олишга гиж-гижлай бошлади: ахир, улар кўрадиган фойданинг баракаси учиб бораётган эди-да.

Қисқагина маълумот. 1890 йили Туркистонда 50 минг десятина ерга пахта экилган бўлса, бу майдон 1895 йили— 110 минг, 1901 йили— 210 минг, 1911 йили— 217 минг десятинага етган, 1900 йили Ўрта Осиё пахтаси тўқимачилик саноатининг тўртдан бир қисмини таъмин этган, биринчи жаҳон уруши арафасида эса бу эҳтиёжнинг ярмини таъминлаган.

Аслини айтганда, ютқиқиқсиз бундай ўйин жараёнида Россиянинг молиявий капитали, энг аввало, «ҳазрати» Русь-Осиё банкининг Туркистоннинг ҳар ер-ҳар ерида ташкил топаётган пахта тайёрловчи ва бу қимматли хом ашё билан савдо қилувчи фирмаларга саҳийлик билан қарз беришдан таажжубланишга ҳожат бормикин? Ўз навбатида, бундай фирмалар ўзларидан кўра майда-роқларини маблағ билан таъминлар, улар эса кузда бор-йўғини шилиб олиш ниятида пахта етиштирадиганлар билан безосита алоқада бўлиб, йил бўйи уларга гадойга хайр қилгандек оз-оздан қарз бериб турардилар.

Шу тариқа мустамлака машинасининг ҳаракатга келтирадиган беҳисобу бесаноқ қайишлари ёрдамида «мануфактуралар империясининг» иродаси ярим оч, ярим яланғоч, ўзида етиштириладиган доннинг талайгина қисмидан маҳрум бўлган Каптархонагача етиб келарди. Хулласи калом, ўзи унчалик фарқига бора олмайдиган савдо-сотиқ оламида бутунлай гангиб қолган, қисматини оллонинг иродасига топширган (бошқача қи-



либ айтганда, ҳаммасидан қўл силкиган) Юсуфали гаровдан омон қолган сўнгги парча ерини ҳайдаб, бош-қалар сингари дилида, ростдан ҳам кузакда уч-тўрт қоп ҳосил кўтарсам озроқ пуллик бўларман, деган умид билан пахта экди...

Қадимий қишлоқ ўз ризқи-рўзини ўйлаб, одамовилашиб ҳамда паришону гунг бпр кайфиятда хаёлга толган кўринади. Аллақайларда-довонлар ортида, кўз илгамас олисларда талвасага тушган бепоён олам зиддияту қарама-қаршиликлардан нақ тилка-пора бўлаётибди, бамисоли ари уясидек ғужғон ўйнаяпти... подшо Петербургда қуролсиз ишчиларни ўққа туттирди... Тошкент, Перовск, Қизиларвотда жанговар ишчи дружиначилари улгуржисига револьверлар сотиб оляпти, қўлбола бомбалар тайёрляпти. Қора денгиздаги «Потёмкин» кемасида бўлгани каби Тошкент қалъасидаги резерв батальон ва артиллерия омборхонаси солдатлари бош кўтардилар... Борлиқ дошқозондай қайнаяпти, олам алғов-далғов, қон тўкиляпти, баррикадалар қуриляпти.

...Илло бу аллақайларда — олисларда, ўзга сайёрада. Бу ерда, Каптархонада юз, минг йиллар бурунгидек, худди Нух алайҳиссалом замонидагидек, оқшом чоғи Аввал йўлида аравалар кўтарган қизғиш-муаллақ чанг-тўзон тумани оҳиста ерга қўнади, қуёш юқори қишлоқ ортига ботади, сукутга чўмаётган кулбалар узра тезак дуди ўрлайди, қат-қат бўлиб, имиллаб, ғира-шира кўзга чалинаётган томлар тепасида сузиб юради, аста-скин сийраклашиб, ғира-шира қоронғилик қаърига сингиб боради...

Аммо кимки йигирманчи аср бошларининг ушбу дамларидаги Каптархонани «Минг бир кеча»даги афсонавий манзарага ўхшатса, у жуда қаттиқ янглишади.

Юсуфали ўша баҳорни, ортидан келадиған ёзни (ёзни қувлаб ҳадемай етиб келадиған кузни ҳам) қанчалар умиду ҳаяжон билан, қанчалар пятиқлик билан кутмади, кафтдаккина ерига илтижо билан кўз тикиб, оллога қанчалар илтижо қилмади! У ўйлар, хаёл оғушига чўмарди: қани энди ўн беш пуд хирмон кўтарса, ана унда муҳтожликдан, ҳалқунига чанг солган қарздорлик исканжасидан қутулиб, елкасига сфетб тегиб қоларди.

Қонхўр Абдурахмоннинг қарзини бир мирисини ҳам қолдирмай тўларди, қассобдан узиларди, қарабсизки, қийиқчасида ҳам унча-мунча ақча қоларди. Бир ҳўкизини иккита қиларди — ана унда ошиғи олчи бўлиб кетарди!.. Хўжалигини тиклаб оларди. Тўнгичи Усмонни мактабга берарди. Эҳ-ҳе, нималар қилмасди денг?..

Юсуфали бутун иродасини жамлаб, таваккал қилди. Абдурахмон-бойдан анчагина ерни шерикликка — музироат — ижарага олди (охирги марта, албатта). Хўжайиндан асбоб-ускуна, ўн ҳовучча уруғлик, қарзга озиқ-овқат олди. Тўртдан бир ҳосил эвазига, албатта: Абдурахмонга тўртдан уч қисми, қолгани унга. Ҳаммаси нақ шариатга мувофиқ, қонуний тарзда бўлди: «Музироат шерикчилиكنинг шундай турики, унда шерикларнинг биридан ер бўлса, меҳнат иккинчисидан бўлади». (Ҳа, бу иблислар ўз биродарларининг уч қават терисини шилиб олишни ҳам билганлар, чиройли сўзлашни ҳам жойига қўйганлар.)

Хаёл пуч бўлиб чиқди. Юсупов ўзининг бир ярим саҳифалик таржимаи ҳолида шундай деб ёзади: «...Етти яшарлигимдан отам билан биргалашиб бойларнинг хизматини қила бошлаганман... «КПСС аъзосининг рўйхат варақасида (05953935 рақамли партия билети) бундан ҳам кўра аниқроқ маълумотни кўрамиз: «... 1908 йилнинг мартидан 1910 йилнинг ноябргача: Фарғона об-ластининг Олтиариқ волостидаги Каптархона қишлоғи. Батрак. Воқиф ерида».

Оллонинг кунидай равшан гап: Юсуфалининг умидлари пучга чиқиб, на пахта, на пуллик бўлди. Негаки, ҳеч ким етти яшар боласини тўқчиликдан батракликка, яна-тагин яқингинада ўғлини ўқитишни пият қилган жойи — масжид хизматига бермайдигу, ахир.

Усмоннинг умри қисқа болалик йиллари тугади.

— Баракалла, баракалла, қўли гул богбон экансиз, жаноб Мартиненко! Ижозатингиз билан бу ажойиб суғориш шохобчаларининг ижодкорини билсам бўладими?

— Ҳа-а, ерликлар. Мавсумий ишчилардан. Кўклардан буён ишлашяпти меникида. Тузук, гайратлигинга ўзлари. Хўш, чинакамдан тузукка ўхшайдими?

— Чакки эмас, ишонинг, ажойиб! Чигир, манави шох-шаба тўғон... гоятда ажойиб ишлар. Бу халқнинг ёрдан фойдаланиш истеъдодини кўриб ёқамни ушлайман.

Боғ эгаси, Горчаково юк ортиш маҳкамасининг бошлиғи Мартиненко ясама эсноқ тортиб:

— Яхши-ёмонлигини худо билади, жаноб Синявский. Деҳқончилигу боғдорчиликнинг нозик томонларидан, гап орамизда қолсин-у, сал мундайроқман... Йўл ишларининг ўзиям етарли. Бу боғ шунчаки бир кўнгил хуши, истироҳатгоҳ, холос — дея жавоб қилди.

Еш, либералликка мойилроқ кўринадиган меҳмон, Фарғона музофоти суғориш иншоотлари бошлиғи Клавдий Никанорович Синявский истеҳзоли тарзда кўзини қисганча, унинг қаншарига тикилиб турарди. «Албатта, албатта,— хаёлидан кечирарди у,— биламиз сизлардақанги Жан-Жак Руссоларни. Бу истироҳатгоҳда битган ўригу узум учун Скобелев гарнизонидан ҳар йили тўрт мингдан кам шилмасалар кераг-ов». У Мартиненко ўзини бекорга вагон зинапоясидан деярли сургаб олиб келмаганини фаҳмлаб турарди. «Ер ҳақида — қаердан арзонроққа жой олиш тўғрисида гап очиши аниқ. Пихини ёрган, ишбилармон одам-да ўзиям».

Кейин овозини чиқариб деди:

— Мен бора қолай эиди...

— Э йўқ, бир ҳўпламгина чой ичмай кетишингизга ижозат йўқ!— Мартиненко унинг белидан маҳкам қучиб олиб, ёшгина ток сўриси кўланкасидан ровонга сургади.— Ана, дастурхон тузоғлиқ турибди. Йўлдан кейин бир қадаҳгина... билсангиз... соф ҳавода.

Ундан қутилишнинг иложи йўқ эди. Дарвоқе, ўшанда ундан қутулиб кетган тақдирида кейинчалик, талайгина йиллар ўтгач, инсон тақдирининг жумбоқли жиҳатларининг ёрқин намунаси сифатида ҳамиша мамнуният билан ҳикоя қилиб юрадиган ҳодисани қўлдан бой берган бўларди.

Муқаррар бир қадаҳдан олиниб, шақиллаб турган самовар чойидан ичиб, донғи Горчаково ва бутун Фарғона темир йўлига таралган Мартиненколар пирогидан тановул қилинганча, икковлари ҳам портсигараларини чиқардилар. Худди ана шу пайтда, кейинчалик Клавдий Никанорович кўп марталаб эслайдиган воқеа содир бўлди: яқингинадаги боғ эшигиғижирлаб очилиб, хўжайинга таъзим қилганча, хизматга ёлланган баланд бўйли, яктакли қотма ўзбек киши билан сочи устарада олинган, юзида чечак изи бор ўсмир ўтиб бораверишди.

— Айтмоқчи, мана ўша сиз таърифлаган иррига-

торлар,— деди Мартиненко. Уни сезиларли даражада мудроқ боса бошлаган эди.

Синявский ғизиллаганча зинадан тушиб, боғбон билан қўл олишиб кўришди, таомилга биноан ҳол-аҳволи, ишлари, бола-чақаларини сўраб, болага қўл узатиб, отини сўради.

— Усмонали,— жавоб берди бола ҳозиржавоблик билан.

Синявскийга тийрак, синчков кўзлар тикилиб турарди. Боланинг эғнида ранги унниқиб кетган, минг бир ямоқ чопон, яланг оёқ, кетмонини маҳкам ушлаб туриши, сув танқис жойларга бот-бот қатнаб тургани боисидан бу ўлкаларда маълуму машҳур бўлган рус кишисига исмини виқор-ла айтишидан Клавдий Никанорович унинг отаси билан баб-баравар ҳуқуқли рўзғор тебратувчи эканини англади.

«Нўхат полвон»,— деб ўйлаганди у ўшанда. Инженер-гидротехник Синявский ўша минг тўққиз юз ўн бешинчи йилда ҳаётининг мазмуни — канал қазиб, Учқўрғон даштига сув чиқаришдек эзгу орзуси чорак асрдан сўнг худди ана шу батракча раҳбарлигида рўёбга чиқишини, кейинчалик, хаёлпарастнинг бекорчиликлари машқлари деб саналган, аслида эса ноёбу нодир «Фарғона музофотидаги бўш ётган ерларни сугориш масалалари» номли брошюрасини дастхат ёзиб, миннатдорлик билан айнан шу ўсмир «нўхат полвон»га совға қилишини, Синявскийнинг ғоялари асосида бунёд этилажак канални ҳозир қаршисида турган болакайнинг номи билан аташларини, унинг ўзи, деярли қартайиб қолган чоғида қурилишнинг бир участкасига бошчилик қилишини, канал қуриб битказилгандан сўнг эса Катта Фарғона каналини эксплуатация этиш бўйича бош инженер лавозимига тайинланиши, шу болакай, республика Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари вазифасини адо этаётган кунларининг бирида унинг ўзи ва отаси билан қўл олишиб кўришганини эслашини хаёлига келтирганмиди?..

Икки ғилдиракли извошда жўнаб кетаркан, ота-бола батракларнинг бир маромда кетмон ташлаб, боғ этагида ариқ қазийётганларини кўрди.

...Қиш келгач, Мартиненко уларни қувиб-солди; иш йўғида буларни бекорга боқиб ётишнинг нафи йўқ эди унинг учун. Бўлак сабаби ҳам бор эди. Марғилон бозорида таниш бир савдогар: Ўрис тақсирлари қочоқларни

ишлатяптилар — булар бултур батраклик қилган каптархоналик Халиламинникидан қочиб келишган. Қарзлари талайгина. Бойга қизи ёқиб қолиб, отасига, қизингни берсанг — қарзингдан кечаман, бермасанг — қамоқда чиритаман, дебди. Шундан кейин улар ўрис бошлиқникига қочиб келишган, у ерда бўлишса ҳеч ким теғолмайди-да, ахир. Жаноб Мартиненконинг ўрнида бошқа бирорта маҳаллий одам бўлганида борми, бу ялангоёқлар Халиламиндан қочиб қутулолмасдилар. Бой ниҳоятда даргазаб», — деб секингина қулогига шипшиб қўйганди.

Бу гап бекат юк ортиш маҳкамасининг бошлиғига хуш келиши амри маҳол экани тайин эди. Айтайлик, марғилонлик бойнинг норозилиги мустамлака амалдори учун сариқ чақа эди-ю, лекин маҳаллий бойлар билан орани бузиб нима қилади? Бошпанаю қорнини тўйғазниш дардида иш қидириб юрганларининг бўлса сон-саногини йўқ.

Кейинги йилларда — аввалига Каптархона имоиникида, сўнгра қўшни Мўён волостидаги рус боғдор-қулоқларникида, охири шаҳватпараст Халиламинникида ўн йилча батраклик қилгач, она тупроғидан абадий бош олиб кетишдан ўзга чораси қолмаганди ота шўрликиннинг.

Эшигу дарчалар михланди. Қарзга тўловдан омон қолган ягона ҳўкизга қақир-қуқурлар ортилди. Ота бирровгина юқори қишлоққа, сафаримиз бехатар бўлсин деб оллоҳга илтижо қилгани масжидга бориб келди. Ожизгина офтоб нурлари остида Аввал йўлига чиққач, орқага ўгирилиб қарадилар. Толнинг сийрак поялари орасидан Каптархонанинг бир-бирига мингашган, поғонасимон ясси томлари кўзга ташланиб турарди (шунда Юсуфалининг ёдига ўспирин чоғида биринчи марта — фотиҳадан кейин уйдан чиқиб кетгани тушди. Мана ҳозир ҳам у бола-чақалари билан Тошкентга кетяпти, бўлак қаёққа ҳам борарди: Халиламин, яна кўзимга тушадиган бўлсаларинг, ному нишонларингни қуришиб юбораман, деб онт ичган эди)...

Юсуфалининг ўша замонлардаги бу қилмишининг боисини ўйлаб кўриш фурсати етди. Гап унинг Каптархонани ташлаб қочаётганида эмас, балки Марғилондаги энг бадавлат кимса — Халиламиннинг ниятига қатъиян қарши чиққапи ҳақида боряпти.

Нима сабабдан шундай қилди у?

Ўша кезларда Назира ўн икки яшар — мусулмон қизи айни узатиладиган ёшда эди. Мабодо у Халиламинига қизини берганида ҳам киндик қони тўкилган кулбасини ташлаб кетмаган, ҳам қарзларидан кечишган, бундан ташқари, ҳам қудратли куёви камбағал қариндошларига озроқ қарашиб юборган бўлмасмиди?

Аҳволи бунчалик танг бўлмаганлар ҳам қизларини сотишарди — хасислик ёки шафқатсизликдан эмас, асло; Шарқ аёли арзон-гаров мол деб ҳисобланадиган, қозғога битилган ҳамда битилмаган асрий қонун-қоидаларига биноан шундай қилинарди. Хўш, таомил шундай экан, нега энди у кўп нарсадан кечиб, жонини таҳликага қўйиб, учинчи хотин олишни ихтиёр этган етмиш яшар Халиламининг йўлига гов бўлди?

Нега бундай қилди у, деган саволга ҳозир ҳеч ким тўла-тўқис жавоб бера олмайди. Юсуповнинг таржимаи ҳолини ўқигувчиларга ушбу фактни шунчаки уқтириб ўтиш лозимким, токи улар Ўсмоннинг кўпчилик «ғалати табиат киши» деб ҳисоблаган ана шундай отанинг ўгли эканини, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган Юсуфалининг дунё ҳақидаги тушунчалари фарзандлари қалбидан из қолдирмай, шунчаки ўтиб кетмаганини англасинлар, билсинлар.

Тошкент йўли йироқ эди. Ҳўкиз оёғига қаралса йиғирма, ҳатто ундан ҳам кўпроқ кунлик йўл. Бунинг устига, бўлажак машҳур канал ўтадиган жойлардан юриларди. Пишиллаб буғ таратиб, гулдур-гулдурлаб, суткасига бир марта поезд ўтиб турадиган темир йўлни ёқалаб (Аввал уряднигининг рессорли фаэтони техника мўъжизаси бўлиб туюлган қишлоқи жулдурвоқи кўзига поезд қандай кўринишини-ю асти қўяверасиз!) боришарди.

Йўлларида бамисоли фаровон, тўкип-сочин ҳаёт манзараси чизилган кўзни қамаштирувчи суратдай, сершовқин тижорат шаҳри Қўқон қад кўтарди. Розенбах проспектида ҳашамдор кўп қаватли ғиштин бинолар савлат тўкиб турибди. Турли-туман мансабдору амалдорлар ўз юмушларига ошиқишади. Соябон кўтариб олган юзи очик хотинлар беҳаёларча кулишиб юришибди (Ўсмоннинг онаси билан снглиси, табииyki, уларга ваҳима ичра, саросималаниб тикилишарди)...

Қўқон... Ип-газлама саноатининг маркази. Бир юз йиғирма мипг аҳолиси бор шаҳар. Бу ерда деярли барча

Россия мануфактура фирмаларининг идоралари бор, бутун Туркистон бўйича ягона биржа комитети ҳам шу ерда. Июлнинг иккинчи ярмидан бошлаб шаҳарга фабрикаларнинг вакиллари пахта сотиб олгани кела бошлайдилар. Қўп миллионлик савдо битимлари тузилади. Банклар ишга қўмилади...

Каптархоналик сарсону саргардонлар ўша кезларда тушларига ҳам кирмаган янги замон бўсағасида (Лениннинг «Россия гражданларига!» тарихий мурожаати эълон қилинишидан йигирма ой муқаддам, вабо — Европада империалистик қирғин авжига чиққан бир пайтда) бу ердаги бадавлат савдогарларнинг дориломон, ҳаётлари тўкин базму зиёфатларини кўз қирлари билангина, суқланиб томоша қилишдан нарига ўтолмадилар.

У пайтга келиб унча-мунча егулик солинган хуржунлари бўшаб, қақир-қуқурларининг ҳам баракаси учиб қолганди: йўл-йўлакай бисотларини нонга алмашиб келаётган эдилар. Отаси Қўқон бозорида ҳўкизни сотмоқчи бўлди, лекин харидор топилмади: эти устихонига ёпишган қари ҳўкиз эди-да, ахир у. Қисқаси, қишлоқлар оралаб боришга тўғри келди. Кулбалар кўзга ташланиши билан ота-онаси хивич билан ҳўкизни тезроқ ҳайдаганча уйлар ёнидан жадаллаб ўтиб кетишар, Усмон эса синглиси ва беш яшар укаси Эсон билан тўппа-тўғри бориб, эшикни тақиллатарди.

Тиланчилик Ўрта Осиёда иснод ҳисобланарди. Зероки шунчалик ориятли одам бўлишига қарамай бунга журъат этган экан, демак, Юсуфалининг ниҳоятда почору тапг аҳволда қолгани кўриниб турибди.

Ҳар қалай ҳўкиз билан хайр маъзур қилишга тўғри келди. Хўжанда Сирдарёдан ўтиш учун солчига берадигап ҳеч вақолари йўқ эди. Ҳўкизни ўша солчи сотиб олди. Савдолашиб ўтирмай, жониворни ярим баҳосига беришди, чунки солчи, ўтқазиб қўймайман, деб пўписа қилди. Шундай қилиб, Юсуфали Сирдарё губернаторилиги бошланадиган ўнг қирғоққа ҳақиқий пролетар — қоққани қозигўю илгани хурмаси йўқ, қўп-қуруқ бўлиб ўтди.

Тошкентга келишса, Юсуфали бир вақтлар хизматини қилган чойхоначи синибди, эндиликда Бешёғочдаги кичкинагина темир-терсак дўкончасида чойхонани найранг билан эгаллаб олган рақиб — шеригининг гўрига ёишт қалаб ўтирган экан. Уларга ёрдам беришга қўли

қисқа, ўзи ночор аҳволда экан. Юсуфалининг бутун умиди ана шу кишидан эди.

Аҳвол танг. Умидсизлик Юсуфалининг нақ грибонига чанг солаёзганди. Сўнгги дақиқада бир тасодиф уни ана шу муқаррар ноумидлик чангалидан қутқариб қолди. Қолган-қутган чақаларига карвонсаройда тунашга аҳд қилдилар. Ўша ерда улар бир вақтлар Муён ёқлардаги Авлиё тоғ этакларида биргалашиб чоракорлик қилган авваллик ҳамюртларини учратиб қолдилар. Ана ўша киши, ўттиз чақиримча наридаги Қовунчига боринглар, у ерда ҳозир кўплаб мавсумий ёлланувчилар бадавлат боғдорларнинг боғларида ишлашяпти, яна-тагин пахта заводи ҳам бор, шундоқ биқингинада Кауфман темир йўл бекати — ҳар қалай, Қовунчидан албатта бирорта иш топса бўлади, деб маслаҳат берди...

Каллаи саҳарда йўлга тушишди — бунга куч-қувватни қайдан топганларига ҳайрон қолади киши. Яланг оёқлар тўпикқача муздек тупроққа ботиб боради. Сарсону саргардонлигимиз тугайдиган бўлди, дея қувонч-ла одим ташлайдилар. Минг тўққиз юз ўн олтинчи йилнинг 21 июлида, ўша осуда тонгда уларни ортда қолдириб (улар катта Самарқанд йўлидан бораётиб ёнгиналаридан ўтиб кетган поездни кўрган бўлишлари мумкин, ёғ ҳамда пахта заводларидаги мавсумий ишчилар, маҳаллий халқ ўртасидаги тартибсизликларни бартараф қилмоқ учун Кауфман темир йўл бекати ва қўшни Қовунчи қишлоғига жазо отряди ошиқаётган эди. Юсуфалининг оиласи Каптархонадай осудаю овлоқ ердан октябрь арафасида Туркистонда синфий жанглар энг авжига минган кураш ўчоғига қараб бормоқда эди.

Император аъло ҳазратлари 1916 йилнинг 25 июнида «империянинг чекка ўлкаларидаги бегона эл-элатлар аҳолисининг ҳаракатдаги қўшинлар жойлашган ерларда мудофаа иншоотлари ҳамда ҳарбий истеҳкомлар барпо этишга, бинобарин, давлат мудофааси учун зарур бўлган ҳар қандай бўлак юмушларни бажаришга жалб қилишни» лозим топдилар.

Подшо фармони чиққанда улар ҳали уйларида эдилар. Юракларига гўлғула тушганди — Юсуфали сафарбарлик ёшида эди. Бахтига у қутулиб қолди, бироқ, қирғиз қўшинсини олишди-ю, уни қолдиришди.

Оламни ваҳима, саросима, миш-миш тутди. Фармондан сўнг Петрограддан жойлардаги маъмурларга «баъ-

ви ғайри элат вакиллариини мансабу вазифаси, машгу-¹лот тури ҳамда саводу маълумотиға қараб ушбу мажбуриятдан батамом халос этиш» ҳуқуқини берувчи фармойиш келди. Қўп ўтмай ишлар янада бошқачароқ тус олди: пул эвазига сафарбарликдан озод этишга расман ижозат берилди... ҳамёнлар ишга тушди, порахўрлик авжга минди. Ҳамёнида ҳеч вақоси йўқ бечоралар ҳаммасига балогардон бўдилар.

Подшоҳнинг сафарбарлик ҳақидаги фармони шундоқ ҳам Туркистон учун ниҳоятда оғир бўлган ўн олтинчи йилда кўпдан пишиб етилиб келаётган, портлай деб турган шароитга учқун бўлиб тушди.

Шуниси қизиқки, саргардону сарсон Юсуфалилар воқеалар тараққиёти билан муштарак ҳолда одимлаётганга ўхшардилар. Улар Эски Марғилондан сабр косаси тўлган камбағаллар галаёнга келган кунларда ўтадилар. Уч-тўрт кундан кейин Қўқондаги тўқнашувларнинг гувоҳи бўладилар.

Ниҳоят улар Хўжандга, катта галаёнларни бошлаб берган шаҳарга етиб келадилар. Хўжанддаги асосий воқеалар 4 июнь кунини содир бўлганди. Шундан бир ҳафта ўтгач, бу ерга етиб келган Самарқанд ҳарбий губернатори Ликошин: «Менга диққат билан қулоқ солдилар, бироқ оломон тунд қиёфада, сукут сақлаб турди», дея аҳолининг хавотирли ҳамма жиддий-кескин кайфиятда эканини қайд этганди.

Майдонда Ликошиннинг нутқини Юсуповлар эшитган бўлишлари ҳам эҳтимолдан ҳолн эмас. Майли, улар бу ерга бир ёки икки кун кейинроқ (ёхуд олдинроқ) келишган, майли, қувғин, номаълум келажак ташвишида бу воқеаларда фаол иштирок этмаган бўлсинлар — ҳар қандай ҳолда ҳам, кенг халқ оммасининг истибдодга қарши чиқишлари уларга таъсир этмай қололмасди. Ҳатто итоаткор Каптархонадаги ўн йиллик батраклик уларни бирон нимага ўргатган бўлиши керак-ку, ахир.

2

МУҚАДДИМА

Калтафаҳм ва қайсарлиги жатига Маньчжурия тепаларида минг-минглаб рус мужикларини қурбон этган генерал Алексей Николаевич Куропаткин янги урушда ҳам шимолий фронтга қўмондонлик қилиб, яна бир неча дивизиянинг бошига етгач (яхши қурол-

лапмаган қўшинларни тўғридан-тўғри немисларнинг пулемёту замбаракларига рўпара қилиб), император ҳазратларининг мурувватлари билан том маънода мамлакат ичкарисидagi ҳарбий округга қўмондонликка тайинланиб, Туркистонга жўнатилган эди. Ёши етмишларга яқинлаб қолган генерал қариганида хотиржам ҳаёт билан таъмин этилгандек эди. Бироқ тақдир подшо марҳаматини ҳеч қачон дариг тутмаган бу зарҳал шоп-шалдоқли омадсиз одамни мазах қилишини қўймади. Зеро, айнан худди шу Туркистон 1916 йили Россия империяси ичкарисидagi энг «ўтли нуқта»га айланган эди.

Алексей Николаевич, ақлу идрокдан камситилгани етмагандек, азал-абаддан ўта саркашлиги ва бир ёқлама иш тутиши билан ажралиб турарди. Худди мана шу қусури рус полкларини душман маррасини айланиб ўтиб эмас, балки ҳар бир қарич жой герман тўпчилари томонидан ўққа тутилиб турганига қарамай, тўппа-тўғри пешанадан ҳужум қилишга мажбур этганди. Ўзлигига содиқ қолган Куропаткин бу ерда ҳам худди ўшандай юзаки қарорга келди: маҳаллий аҳоли ғалаён қилишгани — демак, жазо тадбирларини қўллаш зарур.

Қурол ишлатишга буйруқ берилди, илло, хайриятки, рус солдат ва офицерлари томонидан бу фармон ҳаммаша ва ҳамма ерда ҳам адо этилавермади.

Қўзғолоннинг йирик марказларига, аввало Жиззахга, казак қисмлари ташланди.

Фурашканин чаккасига қўндириб олган қулоқваччалар худди ивановолик ишчилар ёхуд украин қишлоқ аҳли сингари Жиззах аҳолисига ҳам қамчи кўтардилар.

Бу олатасир довулдан баъзи бировлар қувондилар; йўқ, Куропаткин қароргоҳидagилардан эмас, балки ўзбек зодагонлар ва дин арбобларидан эди булар. Халқ норозилигини умуман русларга қарши қаратишга талайгина куч сарф этиб, кўп уриндилар. Аммо ҳаракатлари зое кетди. Жафокаш халқ тарихида аксар ҳолларда содир бўлганидек, бебаҳо тажриба эвазига, талайгина қурбонлар бериб, ҳақиқатни англаган эди: энг қолоқ авом ҳам ҳамма бойлар — тусию миллатидан қатъий назар — бир эканини тушуниб етганди. Халқнинг янги давр тарихида Россиядаги 1905 йил 9 январь воқеаси каби аянчли тарзда яққол кўзга ташланиб турган бу ҳодисага то шу кунгача муттасил мурожаат этиб келатган тадқиқотчилар — олимлар ҳам, ёзувчилар ҳам — 1916 йил қўзғолонига дарҳақиқат подшо бошлаган

урушга ҳеч қандай дахли бўлмаган туркистонликларни фронт орқасидаги қора ишларга сафарбар этиш фактининг ўзигина эмас, подшо фармонида калтабинлик билан очиқ-ошкора таъкидланган бир ҳол: фақат қашшоқлар, фақат меҳнаткашларгина бола-чақалари қучоғидан ситиб олиниб, олис ўлкаларга жўнатилгани сабаб бўлган, деган асосли ва ишончли хулоса чиқаряптилар.

«Демак, камбағал Ҳамро уй-жойи, бола-чақасини оллонинг ихтиёрида қолдириб кетавераркан-у, Турсунхўжабой бўлса бояги-бояги чилимини қулқуллатиб, қўша-қўша кўрпачаларда ёнбошлаб ётавераркан-да?»— шу гапни такрорларди ўн минглаб батрагу чоракорлар.

«Қорни катта бойлар борсин! Оқ подшонинг марҳаматини муруввати ҳузурини ўшалар кўришяпти. Жабрини ҳам ўзлари тортиб, пушти паноҳларини ўзлари ҳимоя қилишаверсин!»— Бу сўзлар Қўқон, Пискент, жафокаш Жиззах ва кўплаб кенту қишлоқлардаги оломонлар уз-ра турли шаклда янграрди.

Йўқ, на мусулмон гапонлари, на турклар оғушида бўлиш орзусидаги бир қадар маърифатли жадидлар тайёр ошга баковул бўлиш ниятида деҳқонларни ғазовотга отлаптира олдилар. Ғарбга элтиш учун ҳайвон ортиладиган вагонларга чиқарилган деҳқонларнинг, кўзлари ёшли оталари ва хотинларининг юраги ғазабга тўлганди, бироқ, бу ғазабу нафрат заводдаги мойга беланган коржомга кийган, силласи қуриганидан каловланиб юрадиган мастеровойга, унинг хотинию малла соч яланг оёқ болаларига қаратилмаган эди. Уларнинг ғазаб ва нафрати эгасини изларди: уни ҳадеганда топа олмади ҳам. Бу борада ҳам руслар, большевиклар деб аталган кишилар ёрдамга келдилар.

Улар камчилик эдилар, бироқ овозлари баралла янграб турарди. Хийла сарсон-саргардонликдан сўнг фарғоналик бечораҳол Юсуфалининг оиласи етиб келган — кўчалари сертупроқ қашшоқ Қовунчи қишлоғи ҳам бундан мустасно эмасди. Бунинг устига, Туркистонда саноқли пролетарлар жойлашган марказлардан бири шу ер эди. Бу ерда Москвадаги «Владимир Алексеев» саноат ҳамда савдо ширкатига қарашли пахта заводи, унинг ёнгинасида эса ёғ заводи бор эди.

Қовунчи қишлоғидаги яширин большевиклар ячейкаси ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, маҳаллий ўртоқларнинг сўзини очган, В. И. Лениннинг, ҳар қандай маънавий, диний, сиёсий, ижтимоий иборалар билан бўл-

са-да, у ёки бу синфнинг маифаатларини фарқлай олишга ўргатиш лозим, деган сўзларига амал қилиб, уларни ҳақиқатни кўра билишга ўргатган ишчиларнинг номлари на бирорта архивда, на бирор кимсанинг ёдида сақланиб қолган.

Лекин, ҳар қалай шуниси аёнким, Усмонга таълим берадиган одам топилган. Кўп йиллик умрида ҳамма нарсадан кўра ўзининг тинчгина сартарошлик касбини афзал билган қовунчилик бир киши (ҳасаду ҳавас туйғуси ёт эмас унга) кўпинча эслаб турарди бу ҳақда. У кези келди дегунча, Усмон Юсуповга бир ўрис йигитнинг хат-савод ўргатганини ўз кўзим билан кўрганман, иннайкейин, бир неча марта эшитганман ҳам («Юзи думалоқдан келган, соқоли энди ниш урган, ўзи пахта заводда, машина олдида ишларди...»), дейишни яхши кўрарди.

— Ҳа,-ҳа,— қўшиб қўярди сартарош,— худди ўша, ҳозир Тошкентда катта одам бўлиб кетган Юсуповга ўргатарди.

Чиндан ҳам у сартарошхонаси деразачасини очиб қўйса, дорихона олдидан вокзалга олиб борадиган кўча четидаги кўплаб чойхоналардан бирининг биқинига ёпишиб тушган ёхуд саройнинг (болохонали гувалак кулба — киноа билан шундай деб аталган) болохонасида кечқурунлари оқ кўнгил рус ишчи йигит билан юк ташувчи Усмоннинг китоб устида мук тушиб ўтирганларини бемалол кўриши мумкин эди.

— Улар бора-бора кўпайиб қолишди. Кейинроқ, НЭП пайтида қизил папка кўтариб юрадиган Эгамберди Раҳмонов, иннайкейин, яна анави пахта заводидида ишлайдиган сарроҳ, Турсун деган йигитча. Инқилоб тўғрисида гаплашишарди. Менга ҳамма гаплари эшитилиб турарди, нега деганингизда, Усмон ўшанда ҳам қизиққон, жуда тез эди, дарров шангиллашга тушарди. Айниқса, подшо тахтдан қулаганини билишганидан кейин. «Бу ерда ҳам тугатиш керак!»— деб жазаваси тутганди, ўшанда анави ўрис йигит: «Ошиқма. Ҳамма иарсанинг ўз вақти-соати, ўз навбати бор», деганди.

Бу гапда, унинг тушунчаси эътиборга олинса, эҳтимол жон бордир, эҳтимол, ўзини истеъдодли ва иқтидорли шахсларга яқин қилиб кўрсатиб мақтанишга тайёр турадиган кўпчилик одамлар сингари орқа-олдини ўйламай баъзи нарсаларни қўшиб-чатиб гапиргандир. Бироқ бу фактга шак келтириб бўлмайди. Қаптархоналик бат-

рак Юсуфали саргардонлигининг пироварди Усмон Юсуповнинг революцион йўлининг муқаддимаси бошланиши бўлди, бонси шундаки, аввало, бу йўл уни пролетарлар ва большевиклар ҳузурига етаклаб келди. Шу нарсани ёдда тутмоқ лозимким, ўзбеклар (Туркистондаги бошқа халқлардан фарқи ўлароқ, қишлоққа ўз номини берган қабутарлар сингари) қадим-қадимдан ўрганиб қолган, киндик қонлари тўқилган жойларидан умид узолмайдилар, уни азиз биладилар. Шундоқ экан, гўрга киргунича кўзига тўтиё деб билиши шарт бўлган азалий удумни бузиб, ўз жамоаси, ўз қавмларидан ажраш Усмоннинг отасига қанчалик мушкул бўлдийкинун қанчалик қимматга тушдийкин?.. Бунинг замирида фақат тараққиёт ибтидосигина эмас, балки ўзбеклар ижтимоиётида аста-секин, аммо қатъият билан содир бўлаётган теран ўзгаришларнинг самараси ётганини англамаслик мумкин эмас. Нафақат Юсуфали — бутун ўзбек халқи, эндиликда эскичасига яшашга тоқат қилиб бўлмайди, деган ақидага келган эди. Бироқ, башарти ўлкада рус большевиклари бўлмаганида бу ўзгаришлар қанчалик изтиробли тарзда, қанчалик сустлик билан рўй бериши, қанчалар қурбонлар талаб қилиниши мумкин эди. Большевиклар камчилик эдилар, бироқ улар қудратли катализатор каби жамиятнинг тубдан ўзгартиш жараёнини шунчаки тезлатибгина қолмай, балки чинакам портлагичдай жадаллатиб юбордилар.

Усмон Юсуф ўгли тепага, юҳо машина бункери ёнига пахта таширди. Териси шилиниб кетмаслиги учун яланғоч елкасига шолча ташлаб, қапорни орқалаб чиқарди. Оёқларини чалишиб, чакка томirlлари нақ ўқлоқдек ўйнаб кетарди. Ҳамма юк ташувчиларнинг ҳам аҳволларини шу эди. Кейинроқ уни дўзахий чархналадек шарақашуруқлаб, титраб-тебраниб тола ажратадиган машиналар ишлаб турадиган цехга ўтказдилар. Бу машинанинг номини табиатига жуда мос — жипи эди. Жипи машиналарини узра чаңг-тўзон булутини сузиб юрар, томоқини ачпиштириб, кўз очиргани қўймасди. Гарду қурум босган шифту ойналари синган деразаларда узун-узун толалар осилиб ётарди. Ҳатто заводдан хийла олинсадаги — қурий бошлаган дарахтларнинг шох-шаббалари ва телеграф симларини ўргимчак уясидай чирмаб олиб, шода-шода бўлиб осилиб ётарди бу оқиш-кўкимтир толалар.

Тўр бинога машиналар тигиз жойлаштирилганидан деярли оёқ қўйгудек бўш жой йўқ. Ишчилар девор билан

жазавага тушган шкивлар оралиғидан нимқоронғида аранг қисилиб ўтишади; қаердадир тепада, гўё иблисининг кўзидек, шам ўрнатилган яккаю ягона фонус милтиллаб туради. Титилиб тўзиёзган, бир амаллаб улаб қўйилган тасмалар қулоқни батанг қилиб шалоплайди, Улар дамба-дам узилиб туради, шундай пайтда фалокат босиб яқинроқда бирор ишчи турган бўлса, оқибати хунук тугайди.

Жума куни пешипдан ўтгач шунақанги фарёд кўтарилдики, у ҳатто машиналар шоеқинини босиб кетди.

Ишчилар фарёд эшитилган томонга отилдилар.

— Қаёққа! Қаёққа югуриясанлар, ножинслар? Қайт, ишингни қил!— бўкирди механик.

Гробовой. Хўжайиннинг манфаати йўлида жопини жабборга бериши, ваҳшиёна қилиғу одатлари учун одамлар берган лақаб эмас, аслида шундай эди унинг фамилияси. Одамлар бу гал унинг гапига қулоқ солмадилар. Ҳаммалари тош ётқизилган, мазут қўлоблаб ётган ерга — жин машинасини юргнзувчи қирқ ёшлардаги Дўснат у ёқдан-бу ёққа ағанаётган бурчакка тўпландилар. Дўснат қўллари билан юзини чангаллаб олганди. Бармоқлари орасидан қон сизиб чиқарди. Оғзидаги бир тутам пахта ҳам қип-қизил эди. У ҳам бошқа ишчилар сингари жиндаккина пахтани тишлаб олганди: унчалик ишончли бўлмаса-да, лекин, ҳар ҳолда оғиздан кирадиган чанг-тўзондан бир қадар сақлайдиган яккаю ёлғиз чора шу эди. Ҳозир Дўснат апа шу бир тутамгина пахтани жон-жаҳди билан тишлаб ётарди.

Ишчилар Дўснатнинг маҳкам чангаллаб олган қўлларини юзидан зўр-базўр айирарканлар, бетининг қанчалик дабдаласи чиққанини кўрдилар, узилиб кетган тасманинг учи қиясига шарақлаб урилиб, чакагини қоқ иккига ажратиб, кўзини чиқариб юборибди.

— Ташқарига олиб чиқинглар, тез!— буюрди Гробовой. Унинг учун (бахтга қарши, ишчилар учун ҳам) бундай фожеалар янглик эмасди.

Шахсан ўзи пақирда сув келтириб, устма-уст бахти қаро Дўснатга сув сенди.

Фельдшер ҳам ҳадеганда келавермади; ишчилар қўлларида келганича, бир амаллаб Дўснатнинг юзини латта-путталар билан ўраб-чирмаб қўйишди. Фельдшер арақ иси таратиб, ҳазар қилгандай жийирилиб, Дўснат тепасида ўралашарди.

— Хўжайинлар ҳам жуда банд одамлар-да. Заводга

лоақал битта шишачада йод келтириб қўйишга ҳам фурсат тополмайдилар-а,— астагина тўнғиллади у, чунки ёнгинасида Алексеевлар корхоналарининг бошқарувчиси Анатолий Николаевич Ситин турарди, тўғри, у бошқа сабаб билан келганди бу ерга. Гробовой эса (Ситинга нисбатан саноат бобида кўп нарсага ақли етадиган одамдек ўз иззат-обрўйини сақлаган бир ҳолатда) бошлиғига тушунтирарди.

— Ўзи айбдор,— хулоса қилди Гробовой.— Буларнинг бариси ана шунақа ваҳший. Уларни машинага яқин йўлатиб бўлмайди, деб аллақачонлар айтганман.

— Гапингизга қўшиламан, Моисей Антонович, ази-зим, бутунлай қўшиламан. Локин... дарвоқе, ахборингиз учун, гап бундай,— Ситин қалин сариқ портфели илгачини шиқирлатиб, Сирдарё ҳарбий комитетининг муҳри бор шалдироқ қоғозни чиқарди,— мана, кўринг,— дея бармоғи билан ёзувни нуқиб кўрсатди,— бу сафар ҳам заррача ён беришмабди бизга,— ақалли тўрт кишининг чақириқ муддатини кечиктиришга ҳам розилик беришмабди. Пахта қабул қилувчингиз Сароев хусусида хатто Петербургга, Бош комитетга илтимоснома йўлладик.

Гробовой картузини олиб, улкан панжаси билан гўшндор гардинининг терини артди.

— Аюб Усмоновичсиз хароб бўламиз,— деди у ташвишли оҳангда.— Бу мусулмонларнинг тилига ёлғиз ўшагина тушунади. Хом ашёнинг ҳам ҳаммадан кўра яхшироқ фарқига боради.

Шу пайтлар улар гаплашиб турган Аюб Сароевнинг ўзи келиб қолди; ҳали унчалик қаримаган бўлса-да, қизил юзларига ажин тушган эди.

— Уларга айт, жабрдийданинг оиласига уч червонни эҳсон этаман,— деди Ситин баланд овоз билан.

Ишчилар ҳануз Дўснатнинг ёнидап жилишмаганди; у энди дока билан боғлаб-чирмалган бошини оғриқдан сарак-сарак қилиб тебратганча, касалхонага олиб кетиш учун фельдшер чақиртирган аравани кутиб ўтирарди. Тўзиган кавушли калта оёқларини кериб турган кекса ишчи бошлиқларнинг илтифотини эшитиб, миннатдорлик билан қўлини кўксига қўйди. Бошқалар шовқин кўтариб, Сароевни саволларга кўмиб ташлашди. У бўлса қизариб-бўзариб, қўй кўзлари ғазабдан чақнаб, қўлларини пахса қилиб ўдағайлашга тушди.

— Бозорни бас қилларинг!— дея ўшқирди у овози қалтираб.— Кўрсатиб қўяман сенларга ҳали!

Гробовой кўрак чўнтагидан тунука қалпоқли қаламиши олди.

— Хўш, қани, кимлар бор бу ерда ўзи? Барингни йўқ қилиб қўяман бугунга. Машиналар тўхтаб қолгани учун жарима соламан. Ҳамманг жой-жойингга бор! Тез!

Хуфтон пайтида, Қовунчи чойхоналаридан энг харобининг болохонаси — ўша жуҳуд саройда Дўсмаат ва унинг бола-чақаси ҳақидагн суҳбат давом этди.

Юсупов ўзидан катталарнинг гапига аралашмасди, ота-боболарнинг удумини биларди, бироқ ҳаётнинг адолатсиз эканини, оламда ҳақиқат йўқлигини, Каптархонада ҳам, бу ерда ҳам бир гўр эканини англаб, ҳис этганидан юраги сиқилиб, боши ғувиллар, бундан кўра яшамаган, умуман туғилмаган афзал, деб бўғиларди...

Орадан ўн йил ўтгач, бировга дилини ёришни ёқтирмайдиган Юсупов, ҳар қалай, ўз доктори ва дўсти профессор Каценовичга ҳикоя қилиб беради:

— Ёшим ҳали ўн еттига бормаган-у, нафасим қисадиган, бўғиладиган бўлиб қолгандим. Ҳозиргига ўхшаб уйқумда эмас (профессор Юсуповдан, кечалари нафас ололмай уйғониб кетмайсизми, деб сўраган) эди, ўнгимда. Машина олдида турардим, бурнимга, оғзимга чанг-тўзон кирарди — нафас ололмасдим. Кўчага чиққанимда — чанг-тўзон йўғ-у, бари бир бўғилардим. Тишларим гижирларди. Ҳаво етмай қийналардим. Революция бўлмаганида ё ақлдан озардим, ё турмага тушардим: механикними, бошқарувчиними, Шоёқуб бойними — ишқилиб биттасини ўлдиришим турган гап эди. Ўша текинхўр бир куни отамга: «Қизингни менга бер. Анави Каптархонадаги бойдан чандон ортиқ қалин бераман...» — деганди. Отам индамаган, мен бўлсам бир ойгача ухлолмагандим. Кўзимни юмдим дегунча от минган, қўлига қамчи ушлаган, тилла тишларини кўрсатиб тиржайган, мамнун Шоёқуб кўринаверарди. Танобини тортиб қўйишнинг эса иложи йўқ. Ҳа, иложи йўқ. Ана шуниси алам қиларди...

Тез орада Октябрь инқилоби юз бермаганида, турган гапки, Усмон Юсуповнинг тақдири қандай бўлишини таъаввур этиш қийин эмасди. Хаёлингизга кўникиб қолинган чора-усулларгина келади: якка-ёлғиз исёнчи, сўнгра яширин большевиклар ячейкасининг аъзоси, қўлга олиниш, сургун, «Сибирь дорилфунуни, юртига етук ғоявий курашчи бўлиб қайтиш... Бироқ бундай умумлашмага таяниш жоизмикин? Зеро биз бир кимсанинг

тақдир-қисмати борасида сўз юритяпмиз-ку. Муҳими бир нарсани ойдинлаштиришда: Юсупов ҳеч қачон мурасасизлик қилмаган, тақдирга таян бериб, бўйин эгмаган бўлурди. Унинг бахти, унинг авлодининг улугвор бахти шундаки, 1917 йили социалистик революция ғалаба қозонди.

Дарҳақиқат Россияда чароғон янги кун бошланди ва унинг узоқ чеккаси — Туркистонга фақат шуълагина эмас, балки улкан ўзгаришлардан огоҳ этиб жар солувчи нурафшон шуълалар етиб келди. Революция ўртага ташланган идеал — эзгу мақсадларнинг узил-кесил тантана қилишига келганда эса, бошқа масала, бунга эришмоқ учун ҳали олис, нотекису машаққатли йўлни босиб ўтиш лозим эди. Революция меҳнаткашларни ўзининг жанговар сафларига чорлади. Қовунчилик юк ташувчи Усмои Юсупов унинг байроғи остида тўпланган оддий жангчиларнинг бири бўлди.

Таассуфки, 1917 йили Юсупов билан елкама-елка турганларнинг аксарияти оламдан ўтган. Уларга одамийлик юзасидан ачинасиз, бундай афсусланишнинг яна бир боиси бор: бу кишиларнинг Юсупов ҳаётидаги бурилиш палласига онд хотиротлари унинг таржиман ҳолини батафсил тиклашда катта ёрдам берган бўлурди. Аммо умум Ўзбекистон билан бирга нафас олган, ўша унутилмас кунлар ҳодисаларини биргаликда бошдан кечирган Қовунчининг, у ердаги пахта заводининг, гувалак кулбалардан ташкил топган, ер бағирлаган кулбаларидан бирида Юсуфалининг оиласи истиқомат қилган Пирсенъи гузарининг ўша даврдаги тарихи маълум ва аёнидир. Усмои бу ерга заводдан бири-бирдан галати, фавқулодда хабарларни топиб келарди. Тошкентда Шўролар тузилибди. Ишчилар генерал Куропаткинни ҳокимиятдан четлаштирибди! Шомирза Холмуҳамедов Россиядан, мардикорликдан қайтибди. Унинг айтишича, ҳамма мардикорликка олинганлар қайтиб келишаётган эмиш. Энди подшо йўқ, демаск унинг ҳар қанақаси фармояни эндиликда сариқ чақа эмиш, ўз кучини йўқотганимиш.

«Жуҳуд сарой»да нимтатиргина чой устида «касабалар иттифоқи» деган сўз тилга тез-тез олинган бўлди. Куиларнинг бирида (август эди), ҳали кун бўйи Қовунчи узра кўтарилган чанг қўниб улгурмаган паллада шаҳарлик ғалати бир йигитча пайдо бўлди: аскар десангиз аскарга ўхшамайди, оёғида инглизча ботинка, болдирига қўнжлик чирмаб олган, эғнида ёқасиз бўз кўй-

лак. «Хлопмасмол»нинг марказий комитетидан келганини айтди. Ҳеч қимининг тили келмади бу сўзни такрорлашга, маъноси эса тушунарли эди — Туркистондаги пахта, ёғ заводлари ҳамда совун ниширадиган корхоналарнинг ишчи, мастеровой ва хизматчиларини бирлаштирувчи касабалар уюшмаси.

Йигитча шундай қизишиб ва олдинига фавқулоддалиги билан кишини чўчитиб, сўнгга эса энтиктириб юборадиган сўзларни гапирди: «Биз, меҳнаткашлар, эндиликда завод, ер, боғ-роғ, сувнинг эгаларимиз...» «Маъмуриятдан ўзларингиз мақбул кўрган иш шариоати яратиб беришни талаб қилинглар. Бемалол талаб қилаверинглар, дастгоҳлар мурватини бурайдиган сиздек заҳматкашларнинг талабларини рад этишга ҳеч кимнинг ҳақ-ҳуқуқи йўқ».

Илгарилари ишчилар билан ҳеч қачон чойхўрлик қилмайдиган, эндиликда ҳар оқшом чойхонага танда қўйиб қолган Аюб Сароев:

— Мандатингни кўрсат. Мандатинг борми ўзи?— деб шанғиллади оғзидан тупук сачратиб. Чоғроққина қирғий бурулни ажиндор башараси қизариб-бўзарди.

Ҳамма жимиб қолди. Мандат пималигини ҳеч қайсилари билмасди.

— Мана кўринглар,— йигитча бинафша тусли муҳри бор қоғозни баланд кўтариб кўрсатди.

Сароев уни олиб, миңгиллаб, бурпини торта-торта узоқ ўқиб-текширди.

— Бу ёққа беринг,— йигитча мандатни тортиб олди ва нохушлик билан кўзларини қисиб, ўз павбатида деди:— Сиз гражданин, бизга маълум бўлишича, эксплуататорларга яқин одамсиз. Фамилиянгиз Сароевми? Шундайми?

— Ҳўш, шундай бўлса-чи?— эътироз билдирган бўлди Сароев. Кўзлари олма-кесак тера бошлади.

— Гап шундаки, Тошкентга сизнинг устингиздан шикоят тушган, кейин, битта-иккита эмас. Деҳқонларни алдаяпсиз. Уларга иккинчи павга ҳақ тўлаб, хўжайинга биринчига ўтказасиз. Энди биз бунга чек қўямиз...

— Бўхтон бу!— қичқирди Сароев қўлларини кўксига қўйиб.— Ҳой мусулмонлар, ўзларинг айтинглар.

Улардан эса садо чиқмади. Ўзгаришлар тўғрисида нималарни айтишмасин, подшо қулади дейишмасин, лекин ўзлари кўриб туришнбди, бошқарувчи ўз ўрнида, Сароев ҳам ҳали ҳукминини ўтказяпти...

Бу Усмоннинг биринчи марта сўзлаши эди. Қовунчида ўтган ёшлик чоғларидаги дўсти, кейинчалик партия ишларида сафдош ўртоғи Йўлдош Бобожонов сиртдан қараганда кулгили кўринган бир ҳангома баҳонаси билан ўша воқеани эслаб қолганди. Усмон — онаси ўз қўли билан дағал матодан тикиб берган камзулини кийиб олганидан пастаккина кўринганди ўшанда — сапчиб тураётиб оёғи ёнгинасидаги сув тўла пақирни ағдариб юборган. Тўкилган сув тўғри Сароевнинг тагига оқиб борган, шунда у бўралаб сўккапича сакраб туриб кетган.

— Мен беш, ўн кишини олиб келаман. Биламан мен. Шу яқинда, Ниёзбоши қишлоғида туришади. Сароевдан шикоят қилишганди, ҳатто кўзларига ёш олишганди,— юқоридаги воқеа сабабли одамлар орасида бошланган жонланишни пайқамай, жўшиб гапирарди Усмон.

Сароев ярқироқ этиги қўнжига тиқилган малла ранг чий духоба иштонидаги сувни силкиб туширарди.

— Унингни ўчир!— ўшқирди у Усмонга.— Қашшоқлигинг етмаганидай, бефаросат ҳам экансан-ку. Ўзингга ўзинг иш орттиряпсан-а, гадойвачча.

У Усмоннинг кечқурунлари чойхонага ҳовуздан сув ташиб беришига шама қилаётган эди; бунинг эвазига Усмон билан отасининг чою нони текин бўларди.

Тошкентдан келган йигитча қўлини кўтарди.

— Қани, жим бўлинг!— буюрди у Сароевга.— Меҳнаткашларнинг огзига уришга ҳаққингиз йўқ.— У ҳаяжопланганидан керакли сўзларни топа олмаётган Усмонга мурожаат қилиб, фамилиясини сўради ва дафтарига ёзиб қўяркан, яқин орада унинг кўрсатмалари комиссияга зарур бўлажагини айтди.

Усмон марказдан келган ўртоқлардан биринчи бўлиб учратган бу одам ўрнидан қўзғалганда аллақачон қош қорайган эди. У кўчада кетаётганда қорама-қора икки шарпа эргашиб бораверди; у эса буларни пайқамади ҳам. Бекатга боргач, Ашхобод поезди зинасига сакраб чиқиб олди-да,— поезд бу ерда, Тошкентнинг биқингинасида фақат юришини секинлатарди, холос,— жўнаб кетди.

Усмон билан Йўлдош уйга қайтишди.

— Ўзимга душман орттириб олдим-да,— деди Усмон Сароевни ўйларкан.— Энди мен ишлайдиган жинга энг ифлос пахтани берадиган бўлди, ит эмган.— Шундай дея ўйга толди, кейин қалин лаблари жилмайди.— Гапириб юрагимдагини бўшатганимдан сўнг жуда енгил торт-

димда ўзиям. Агар индамай қўя қолганимда борми, кечаси билан бўғилиб, хит бўлиб чиқардим-да. Худо ҳаққи...

Кузга келиб Қовунчи пахта заводида ишчилар назорати ўрнатилажаги эълон қилинди. Тошкентдан яна ўша ўртоқ келди. Ўша чойхонада жам бўлган одамлар орасидан дўнг пешона, оғзи катта йигитчани ўзи қидириб топди.

— Комиссияга манави ўртоқни, Юсупов Усмонни ҳам қўшамиз,— деди у.— Қаршилар йўқми? Қабул қилинди деб ҳисоблаймиз унда.

— Ўртоқ Юсупов, чойхоначига сув ташиб беришни унутиб қўймагин-а, тагин,— деди Сароев ғижиниб. Орқароқда ўтирган эди у.

Усмон жавоб қайтармади.

Кечаси, бўйра устида ағанаб, совуқ ва ҳануз тарқаманган аламидаи ғужанак бўлиб ётаркан (пойгакда тунар, эшик остидан эса жонга тегувчи декабрь ёмғири ёғиб турган кўчадан ғўриллаб изғириш кирарди), Сароевга, сен деҳқонлардан талаб олган тиллаларни ковлаб чиқаргани белкурак тайёрлаб қўйишни ҳам унутмайман, деб жавоб берсам бўларкан, деган ўй кечди хаёлидан.

Ўша комиссияга Усмоннинг яна бир дўсти — қора соқолли, ранги тиниқ, ўйчан қиёфали, қотмадан келган, асир тушган австриялик аскар Фридрих Ярош ҳам кирди. Ярош ўз юртида қуювчи бўлиб, бу ерда унинг мутахассислигига эҳтиёж йўқ эди, бироқ у унчалик мураккаб бўлмаган техникани тез ўзлаштириб, бот-бот ишдан чиқиб турадиган жин ва линтерларни зудлик билан тузатишни ўрганиб олганди. Механиклар ҳарбийга қақирилганлари сабабли заводда Ярошнинг кадр-эътибори ниҳоятда баланд эди. Унинг олдида гоҳо Гробовой ёки Сароев дудуқланиб қоларди. Гарчи ичларида ғижинсалар-да, унинг қора ишчилар, шубҳали кишилар билан ош-қатиқлигини кечирардилар. Аюб Сароев баъзан лабларини тишлаган кўйи (бу қилигидан афти кўнгилни айинтар даражада қаримсиқ кўриниб кетарди) Ярошнинг ҳар куни дам олиш пайтида жин машиналари ишлайдиган цехдаги Усмон билан нон-чойни баҳам кўришини кузатаркан, ҳайрон бўларди. Бу австриялик бундан кўра тузукроқ улфатни тополмаса-я. Тагин европалик эмиш-а... Мабодо бу Саратов даштларидан Туркистонга мўмай пул топиш илинжида келган (дарвоқе, бу борада янглишмаган эди у). Аюб Сароев Ярош-

нинг Усмонга Карл Маркс тўғрисида ҳикоя қилиб бераётганини билганида борми, ундан ҳам баттарроқ хайратланармиди. Зеро шахсан Сароевнинг ўзи Карл Маркс ҳақида мубҳам бир тасаввурга эга эди ва уни исёнкор князь Куропаткин ҳамда «шаккок» Абдулла Тўқайлар сафига қўшиб юарди.

Башарти ўн саккизга кириб эндигина имзо чекишни ўрганган қаҳрамонимиз Маркс таълимотини (лоақал ибтидоний маълумот бўлса-да) ўзлаштирган, деб таъкидлаш соддалик ва бунинг устига унга писбатан ҳурматсизлик бўлурди. Лекин у ўша пайтларда бир ҳақиқатни: дунёда ишчиларга ўз озодлиги учун қандай курашишни ўргатдиган пиҳоятда донишманд одамлар бўлгани ва бор эканлигини билиб-тушуниб олганди. Яна бир томони, ўзининг тан олишича, у ўша пайтлардаёқ илк бор ҳамда бир умрга: «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» — деган муқаддас шиорни уқиб, танасига сингдириб олганди.

— Австриялик Ярош биродарим эканини англаганимдан кейин ҳаёт кўзимга чиройли кўриниб кетди. Менга ўқишни ўргатган Пашка ҳам биродарим; фақат ишлашга қўли бору чўнтагида эса ҳеч вақоси йўқларнинг жамикиси биродарлар экан. Демак, бутун дунёда қандай қудратли куч эканмиз-а, деб ўйладим. Тогни толқон қила оларканмиз! — Москвадан, Марказий Комитет Пленумидан қайтаётганда энг яқин сафдоши ва ёрдамчиси Владимир Иванович Попов билан бўлиб ўтган суҳбатда шундай деганди у.

— Партия, унинг доҳийси ҳақида ҳам у Павел ва ўша Ярошдан эшитганди.

— Ўзим ғирт оми эдим-у, лекни, чин сўзим, Лениннинг, партиянинг қўмондонлик қароргоҳида бош-қош эканини фаҳмлаган, инқилобни эса ҳамма жойда, шу қатори бизнинг Қовунчида ҳам оддий одамлар қилади, деб тушунган эдим. Ҳар бир кимса фронтдаги солдатдай жанг қилиши керак. Қаршингда рақиб турибдими — гумдон қил!

Узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пропаганда бўлимида ишлаган, назарияни жуда яхши биладиган олим, ҳозирда Тошкент олий партия мактабининг директори Мавлон Ғаффорович Ваҳобов, классикларнинг фикр ва мулоҳазалари Юсуповнинг хотирасида, гарчи ҳамisha аниқ бўлавермас ҳамки, бироқ қаттиқ ўрнашиб қолганини кўриб кўп

марталаб ҳайратга тушган. Масалан, бот-бот шундай илтимослар билан мурожаат қилиб турган:

— Маркснинг ирригация ҳақида кенг маънода фикр айтган жойини топи.

Мавлон Ғаффорович топиб берарди:

— «Шарқнинг тақдирин суғориш санъатига боглиқ».

— Бундан кўра аниқроқ қилиб айтган жойи бор эди-ку. Тўғон тўғрисида алланима деганди.

Шундан кейин Ваҳобов Ҳиндистон ҳақидаги мақоладан ҳақиқатан ҳам, тўғоннинг афзаллиги шундаки, ундан икки томонлама — кўприк сифатида ҳам фойдаланиш мумкин, каби жумлаи топарди.

Юсуновнинг аксилинқилобчилар билан олиб борилган ҳарбий жангларда иштирок этишига тўғри келмади. Унинг учун касабалар иттифоқи том маънодаги коммунизм мактаби бўлди. Уша пайтларда бу жабҳа инқилобий фронтнинг олдинги — ишчиларнинг ҳўжайинлар билан, эксплуатация қилинувчиларнинг эксплуататорлар билан бевосита тўқнашадиган марраси эди.

Буни тушунмоқ учун шу парсани эътиборга олиш керакки, Туркистонда 1917—1924 йиллардаги шароити вазият 26 октябрь тонгида трамвайлар «социализм даврида илгариларди олга» дея шоир ҳақ гапини айтган Петрограддаги вазиятдан бутунлай фарқ қиларди. Дарҳақиқат: у ердаги собиқ ҳўжайинлар революция бекор қилган пул ва хусусий мулк берадиган ҳукмронлик ҳамда куч-қудратдан дарҳол маҳрум этилдилар дейиш мумкин. Бутун ҳокимият Советларга ўтди. Туркистонда бўлса маълум сабабларга кўра — бунда географик жиҳатдан марказдан олисда жойлашганлигини, асосан эса феодал-диний таъсир чуқур ўрпашиб қолганини эътиборга олиш зарур — бу процесс хийла секинлик билан амалга ошди. Ўзбекистондаги инқилоб тарихига онд изоҳоту ёзувларнинг — улар хоҳ илмий, хоҳ оммавий, хоҳ бадний бўлсин — барчасида: «28 ноябрда Қўқон янги шаҳар Шўроси ҳокимиятни ўз қўлига олди, бироқ эски шаҳарда буржуа-миллатчи элементлар Қўқон мухториятини туздилар», каби сўзлар тасодифан қайд этилмаган.

«Фарғона водийсининг қатор зироатчилик районларида советлаштириш граждaнлар уруши даврида босмачилар билан қаттиқ жанглар жараёнида ниҳоясига етказилди».

Вужудига қадимдан ислом таълимоти сингдириб келинган, аксарияти саводсиз халқнинг дарров бу тассу-

ротдан халос бўлиб, большевикларга эргашишини кутишнинг ўзи соддалик бўлурди. Бироқ ана шу халқ орасида ҳақиқат рус большевиклари томонида эканини тезда тушуниб етган кишилар бор эди; ана шундай кишилар ўзил-кесил ва қатъий қилиб: «Менинг инқилобим!»— деган қарорга келдилар.

Бу борада нима ҳал қилувчи роль ўйнади? Уларнинг аксарият мазлумларнинг мазлуми, ҳеч киму ҳеч нимага ишонмай қўйган кимсалар бўлиб, ўзининг амалий ишларию юритаётган сиёсати билан чинакам халқ ҳокимияти эканини ишонарли далиллар ила исботлагани, тасдиқ этган янги ҳокимиятнинг ўртага ташлаган шнорларини янги эътиқод каби самимий қабул этдилар.

Талайгина йиллар ўтгач, шофёри Аркадий Шепиловни фронтга жўнатаётганида (бу йигит ҳақида асосий гап кейинроқ тилга олинади) Усмон ака гап орасида шундай дейди:

— Сен ёшсан, демак, ўз-ўзидан аёнки — бахтлисан. Ҳаётинг ойнадай равшан: пионер, комсомол, партия. Коммунизм қурапмиз — бу ҳам тушунарли, майли, ҳозирча унчалик бўлмаса-да, ўқиб-ўрганганингдан кейин тўла-тўқис тушуниб оласан. Хўш, бизнинг аҳволимиз қандай эди? Революция бўлар-бўлмас, қарабсанки, меньшевиклар, эсерлар, жадидлар гимирлаб қолишди... Бири: «Бойлар ҳам ишчилар тарафдори бўлиши мумкин!»— деб қичқирса, бошқаси: «Олдин германларни енгиб, сўнгра революция қилиш керак», деб томоқ йиртар, училчиси: «Бизнинг биродаримиз — турклар, ўшалар билан бирга бўлишимиз керак...» деб айюҳаннос солишарди. Қай бирига қулоқ солишингни билмай, худо ҳаққи бошинг говлаб кетарди; ўзинг худди чўкиб кетганга, мадоринг қолмаганга ўхшайсан, ким қўлини чўзса ушлаб олишга тайёрсан, ишқилиб қутқариб қолишса бас. Мундоқ қарасанг, қанча қўллар узатилиб турибди қаршингда! Лекин танлаб кўр-чи улардан кераклисини... Шунда мен большевикларнинг қўлидан тутдим. Нимага, деб сўрарсан. Сабабини билолмаяпсан-а, бу жуда жўнгина: худди ўзимникига ўхшаб, унинг ҳам қўли қадоқ эди-да. Заҳматкаш ўртоқнинг қўли. Бундай қўл дол қолдирмайди. Бошқача қилиб айтадиган бўлсам — ҳақиқат ўшалар томонида эканини сезган, ҳис этгандим,— дея у ҳамиша партия билетини олиб юрадиган жойи: куртқасининг чап чўнтаги устига уриб-уриб қўярди.— Ленинга ишонган, Лениннинг изидан юргандим...

Юсуповнинг тап тортмай, сира иккиланмай қатъий қарорга келиши кўпчиликни ҳайратга соларди, кейинчалик эса бунга «унинг ўзига хос истеъдод» деб қараладиган бўлди.

Бу қарорлар, ҳаёт кўрсатганидек, ҳамиша ҳам бирдан-бир мақбул қарорлар бўлиб чиқавермасди, лекин шу ерда ҳақиқа кўчиш керакки, Юсупов рад этган йўл оқибат-натижада қаерга ва нимага олиб бориши номаълум бўлгани сабабли шундай кўринарди чоғи. Ҳар қалай бу келажакни олдиндан кўра оладиган тугма ташкилотчининг истеъдоди эди. У дарҳол ва сира оғишмай большевикларга эргашди. Ун саккиз яшар Усмон Юсуповга ўхшаганларнинг орқасидан тош отишар ва ўқ узишарди. Тадбирли ва мулоҳазали қўшнилари эса уларни бу йўлдан қайтишга ундардилар. Муллалар дўзах азоби билан қўрқитардилар. Юсупов уларга қандай жавоб берарди? Жамоатчилик ва шахсий фикрларни бир қиёслаб кўрсак, ўз-ўзидан жавоб топилади-қўяди.

1918 йилнинг ёзида Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Советининг раиси В. И. Колесов Ленинга қуйидаги мазмунда телеграмма юборишга мажбур бўлади: «Туркистон республикаси душманларнинг ўтли ҳалқаси орасида. Фронтлар: Оренбург — Ашхобод — Верный... Таҳликали хатар онларида сизнинг овозингизни эшитиш иштиёқидамиз. Маблағ, снаряд, қурол-аслаҳа ва қўшинлар билан мадад юборишларингизни кутамиз...» Уша йилнинг кузида ўтган Туркистон Советларининг VI фавқулодда съезди делегатларидан учдан бири сўл эсерлар эди. 1919 йил 18 январдан 19 га ўтар кечаси эса Тошкентда ҳарбий исён кўтарилди. Унга юқорида зикр этилган Советлар съезди томонидан Туркистон республикасининг ҳарбий комиссари қилиб тайинланган, яқингинада прапорщик бўлган Осипов бошчилик қилди. Ҳозирги мезон билан ўлчанганида — у ёш болаларча, бу хунрезликда ёшига хос бир тарзда бемулоҳаза шафқатсизлик ва ўтакетган даражада енгилтаклик билан иш тутди. Аксар ҳолларда бўлгани каби, унинг ана шу енгилтакларча иш тутажаги катта ёшдаги жиддий кишиларни чалғитиб қўйди. Тошкентлик ўн тўрт комиссардан ҳеч қайсиси вақт шундай кеч бўлиб қолган пайтда ҳарбий қалъада ошиғич йиғилиш белгиланганидан заррача шубҳаланмади. Улар икки қаватли тунд казармалар қуршаган, деразалар олдида сийрак ҳамда ялонғочу ёмғирда ивиган дарахтлар шўппайиб турган ғира-шира

ҳовлига кириб келарканлар, миноралардаги пулемётлар Осиповнинг буйруғи билан ичкарига қаратиб, отишга шай қилиб қўйилганини, ер остидаги казематларда эса ичкиликдан афт-башаралари мош еган хўроздай қизариб кетган жаллод казаклар буйруқ кутиб, шайланиб турганини ҳеч бирлари ҳаёлларига ҳам келтирмаган эдилар (буни ҳаёлга келтиришнинг ўзи ҳам мумкин эмасди-да, ахир).

Бари режа Осипов яхши кўрадиган Брешко-Брешковскийнинг тўқималарига тақлидан ҳозирланган эди.

Собиқ прапорщикнинг шикастаҳол калласига Англия қаноти остида, шубҳасиз, унинг ўзи, Осипов бошчилигида Туркистон давлатини тузиш режаси уя қурганди. Аммо бу исён тарихан ҳалокатга маҳкум эди. Ўлкада унга таянч бўладиган асос йўқ эди ва бўлши ҳам мумкин эмасди. Осипов қора ниятнинг амалга ошира олмагач, ўзини шафқатсизларча лаънатлаган эллик чоғли казаклар билан тоққа қочди, сўнгра чет элга ўтиб кетиб, ўша ёқларда шармисорликда, хор бўлиб ўлди.

Исён бир кеча-кундуз ичида бостирилди. Шу ерда Эски шаҳар меҳнаткашларининг рус пролетариати билан бир сафда туриб контрреволюцияга қарши курашганини эслатиб ўтмай бўладими?! Ўзбек дружиналарида биринчи маҳаллий большевиклар: Н. Хўжаев, М. Мишаропов, О. Бобожопов, С. Қосимхўжаевлар бошчилик қилишди. Ўзбекистон меҳнаткашлари большевиклар ортидан бораётганларини яна-бир бор исбот қилдилар. Бу сафга қўшилган минг-миңглаб заҳматкашлардан бири Қовунчидаги пахта заводининг ишчиси Усмон Юсупов эди.

Ўша кунларда, Тошкент кўчаларида янграган ўқ садоларининг акси садоси Қовунчида ҳам етиб келди. Юсупов заводдагилар орасида биринчилар қатори касабалар иттифоқига аъзо бўлди — бу ўша пайтларда қаҳрамонлик эди. 1919—1921 йилларда Сирдарё областининг Зангиота уездида «кофирларга сотилган» — душманлар партия ёки касоба союзга кирган ҳар бир кишини шундай деб атардилар — ишчилар ҳаётига 426 марта суиқасд қилинди.

Ташиқли партия ходими, Юсуповнинг яқин дўсти Сергей Константинович Емцов шундай эслайди:

— Менга берилган биринчи топшириқ, сменанинг тўққиз соатдан ошиб кетмаслигини назорат қилиш эди. Саккиз эмас, тўққиз, шунисига ҳам шукур, дердик.

Революциягача тик оёқда ўн икки соатлаб ишлардик, шунда ҳам чурқ этолмасдик-да, ахир.

Мен, десангиз, ишчиларга: «Кетаверинглар», мастер-га эса: «Мана профкомнинг қарори», дейман. У бўлса тўполон қилади, аяббатта; мен ҳам бўш келмайман, ишчилар бўлса чўчишади. Шунда шартта ричагга ёпишиб, жишларни тўхтатаман-у: «Юринглар, кетдик!»— дейман.

Ўйга кетаётиб, шундоқ тор кўчага бурилсам, уч киши турибди-да. Қош қорайиб қолганидан кимлар эканини ажратолмадим. Ўту суетдан тоймайдиган ёш пайтларим эди. Гап-папини кутиб ўтирмайман, деган ўй кечди хаёлимдан. Қўлимда таёқ бор эди, ўшанинг учндаги ёригига пичогимни ўрнатгандим — пайза бўлди-қўйди. «Қани яккама-якка кетаверинглар»,— дедим. Улар ўзларини четга олдилар. Ёпларидан ўтганимни биламан, орқамдан шигиллаганча тош ёғилди. Биттаси елкамга тегди. Рост, салгина тегиб ўтганди.

Кейин ҳам шунақанги воқеалар содир бўлиб турди. Аста-секин кўникиб кетдим бунга. Бир мен эмас, ҳамма кўникиб қолди.

Бошқа нима чорамиз ҳам бор эди?

Орадан бир йил ўтиб, Қовунчи пахта тозалаш заводни ишчи-деҳқон тафтиш комиссияси текширди. Ушбу комиссия томонидан тузилган 12350 рақамли акт сақланиб қолган. Ана шу ҳужжат революция йўлига қадам қўйган одам учун жасоратдан кам зарур бўлмайдиган бошқа бир фазилат — сабот-матонатдан далолат беради. Бир нусхаси Совнарком ва ВСНХга жўнатилган ушбу актда Қовунчидаги заводда меҳнат муҳофазаси ҳамда техника хавфсизлиги нормалари бузилганлиги таъкидланиб, Турктекстилга шошилинич равишда бу камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чораларини кўриш, ҳусусан, зудлик билан заводни машиналарни ҳаракатга келтирадиган тасма, уни улаш учун зарурий нарсалар (бахти қаро, майиб бўлиб қолган Дўсматни эсланг-а...) билан таъминлаш, шунингдек, цехларда ҳавони янгилаб турадиган қурилмалар ўрнатиш тавсия этилган. Бу ҳужжатга РКИ халқ комиссарининг ўринбосари билан техника-саноат бўлимининг бошлиғи имзо чеккан.

Бу маъсул ходимлар қандайдир расмийатчи амалпарастлар эмасдилар, балки шунчаки ишлари бошларидан ошиб ётар, ёш республиканинг турли томонларидаги ташкилотлар ва илк бора ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниган ишчилардан ёғилиб турган хату шикоятларга кўмилиб

кетган эдилар. Улардан ҳар бири зудлик билан ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиришни талаб қиларди. РКИ аппаратида эса бор-йўғи йигирма чоғли одам ишлар, уларнинг ихтиёрида битта телефону рессори синган биттагина арава бор эди, холос. Шу туфайли ўзининг ҳар дам олиш кунини муттасил Тошкентга қатнаш қовуначилик ўн тўққиз яшар йигитчадан беқиёс куч-ғайрат талаб этарди.

Кейинчалик тан олишича, у поездда бенул кетаркан-у, трамвайга келганда бунинг уддасидан чиқолмас, Тошкентдаги кондукторлар шунчалик сезгир экан. Вокзалдан Соборная кўчаси муюлишидаги савдо уйигача — Меҳнат саройи ўша ерда жойлашган эди — чоригини шаниллатиб, сийқа йўлқадан пиёда борар экан. Лекин асосий гап бошқа ёқда. Қайсиниси буржуйлари қайсиниси ишчилар эканини у тасвиригагина қараб ажрата олган, кейин чекниш мумкин эмаслигини англатувчи плакатлар осиб ташланган торгина қабулхонада соатлаб кутиб ўтириш учун озмулча сабр-тоқат керак дейсизми. Ўша кезларда у аҳён-аёнда бир нос чекиб қўярди. Ҳақ деб навбат кутиб ўтирган ўртоқлардан кўпчилигининг ҳам дам-бадам тил остига нақ бир кап-бир кап ташлаб туришларидан бу ерда нос чекиш ман этилмаганини билса бўларди.

Гоҳ ўзига зарур ўртоққа учрашолмай кетган пайтлари ҳам бўларди, чунки мажлис ҳадеганда тугайвермас, у эса охириги поездга етиб бориши керак: эрталаб ҳамма қатори цехда бўлиши шарт эди. Юсупов қабулхоналарда кутишни жинидан ёмон кўриб қолганди. Шу боисдан ҳам у кейинчалик иш фаолиятида одамларнинг одоб сақлаб зерикиб-сарғайиб, норози қиёфада бир-бировига хўмрайишиб навбат кутиб ўтиришларига тоқат қилолмас эди. Ёрдамчиларидан келувчиларни ёзма равишда мишут-минутигача аниқ кўрсатиб қабул вақтидан огоҳ этишларини талаб қиларди. Вақтида етиб келолмадингми — ўзингдан кўр...

Юсупов барча машаққату оғирчиликларга дош берди, у қабул қилишларига эришди ва ишчилар тафтиш ўтказишни кутаётганларининг етказди.

Декабрь келиб қолди. Юсуповни қабул қилган одамдан йиллик ҳисобот талаб қилишаётган эди; ишу ташвиши кўпчилигидан боши говлаб кетган бўлишига қарамай, ҳар қалай у қовуначилик саботли йигитчага қараб жилмайиб қўйди.

— Албатта борамиз,— деди у.

— Қачон?— сўради йигит ва тушунтирди:— Ишчиларга анигини айтишим керак.— У ишчилар сўзига урғу бериб гапирди.

— Ойнинг бошларида,— деди у ўртоқ.

У сўзининг устидан чиқди. Гарчп комиссия заводни текшираётганида саволу сўроқларга катталар жавоб қилган, у эса Шарқ удумига кўра орқароқда, гап қўшмай юрган бўлса-да, Юсупов бахтиёр эди. Коллектив ҳаёти аслида шундай ўзи: яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам хотирада мустаҳкам сақланиб қолади — обрў-эътибор деб аталган нарсa биргаликда вужудга келтирилади. Юсупов комиссиянинг келишига эришгунича қапчалар елиб-югурганию чеккан ташвишларини унутмаган эди, албатта, лекин бу топшириқни ҳам бир-бирига ўхшаган ва ўхшамаган бe-ҳисоб топшириқлар қаторига қўшиб қўйганди. Синглиси Назира билан бирга партияга номзодликка қабул қилинаётган мажлисда унинг, Юсуповнинг ишчилар учун жон куйдиришини ҳаммадан кўра кўпроқ тилга олишди, ўша комиссия масаласини мисол тариқасида келтириб: «Ўзи учун эмас, кўпчилиكنи деб ғайрат қилди», дейишди. Аллаким ҳатто: «Бир гал комиссия масаласида Тошкентга борганида жиққа бўкиб келиб, ҳатто тоби қочиб қолган», деб эслатди. «Ўзимизни йигит,— дейишди,— меҳнаткаш халқдан жониниям аямайди».

Ўзи ҳақида у, чиндан ҳам шундайман, деб ўйламасди асло. Аммо шундай бўлишга аҳд қилди. Ильич васият қилган эди буни. Назира икковлари 1924 йили машҳур ленинча чақириқ билан партия сафига кирдилар.

1925 йилнинг бошларида олти нафар касаба союз фаоллари Қовунчидан Тошкентга йўл олдилар, улар орасида Юсупов ҳам бор эди. Эски Жўвага бошқалардан олдинроқ етиб бориш учун кечаси йўлга чиқдилар, чунки у ерда СССР Марказий Ижроия Комитетининг Раиси М. И. Калинин халқ олдида путқ сўзлаши керак эди. Михаил Иванович Калинин Ўзбекистон ССР Советларининг Таъсис съезди ва Ўзбекистон компартиясининг I съездида иштирок этиш учун Тошкентга келганди. Тонггача Тошкентдаги энг кўҳна ва энг катта бозор яқинидаги, Чорсудаги чойхонада ўтиришди. Чойхона ёмғирда ювилиб нураган баланд дўнгликда жойлашган эди. Изғиринли нам ҳавода олисдан ола-ғовур эшитилаётгандай бўлар, Юсупов, одамлар йиғилишяпти шекилли, деб ўртоқларини ҳоли-жонига қўймасди...

Улар етиб келганларида майдонда ростдан ҳам одам тўпланган эди. Улар ҳар қалай олдинги қаторлардан жой олдилар. Кўп кутишга тўғри келди. Бу орада уларнинг орқасида оломон денгиздай чайқалиб, ҳаяжонланиб, ғовур соларди. Ҳамманинг кўзи чоғроққина қурилма — кизил сатни билан қопланган минбарга қадалган эди. Тепада Ленин билан Маркснинг сурати, иккала сурат ўртасига араб алифбесида ёзилган шиор осилган эди. Унда мусулмон меҳнаткашларни собиқ чор Россиясининг барча элу элатлари бир жону бир тан бўлиб янги ҳаёт қуришга даъват этилганди.

Уша митинг пайтида олинган суратлар сақланиб қолган: синчкову тиришқоқ тадқиқотчилар улардан Юсуповни ҳам топишади денг. Лекин суратдаги айнан у деб аниқ-таниқ айтиш маҳол, ҳар қалай; улар юз-юзлаб эдилар, бошларида бир хил дўппи — чеҳраларида диққат, ишонч ва умид акс этган. Яхши иният билан бу юмушга бел боғлаган эксперт, турган гапки, бешинчи қатордаги қирқ еттинчи, ёқасию кўкраги очиқ, йигирма беш ёшлардаги йигит Усмон Юсупов эканини аниқлаши эҳтимолдан холи эмасдир. Бироқ муҳими бошқа ёқда: фақат юрак амри билангина ўша рутубатли, туид эрта Эски Жўвага келганлардан ҳар бири Юсупов ўрнида, у эса атрофдагиларнинг ҳар бири ўрнида бўлиши мумкин эди, зеро у она халқининг қиёфасидан ўз биродарларидан ажратиб бўлмайдиган содиқ фарзанди эди. Ҳа, ўша пайтларда ҳам, кейин ҳам худди шундай эди.

Бироқ у, ҳар қалай, Калинин ўзида қандай таассурот қолдирганини орадан талай йиллар ўтгач, республика Компартиясининг секретари вазифасига кўтарилган чоғларида, Эски Жўвада М. И. Калининга ҳайкал ўриатиб қайтаётганларида машинада хотирлади.

— Ҳалол гапни айтсам, Калининни биз ҳаммамизга ўхшаган одам эканлигини хаёлимга ҳам келтирмаган, ҳатто бундай гапга заррача ишонмаган эдим. Қарасам, минбарга чуваккина одам чиқди, фақат бошидаги қалпоги баланд, чўққи соқоли бор экан. Худди ўзимизнинг оқсоқолларга ўхшайди. Қарасам, гапиряпти. Ҳар бир сўзини ёлғиз менга айтяпгандай. Теварак-атрофимда бўлса ўн минглар чоғи халойиқ тўпланган, ҳаммалари худди менга ўхшаб, Калининни шахсан ўзи билан сўзлашяпти, деб ўйлардн. Дилимдаги гапларни эшитдим: «Ҳар бир халқнинг эрки ўз қўлида... Биз юқоридан туриб ҳеч нарсани зўрлаб ўтказмаймиз».

Ушанда майдонга йиғилганлардан кўпчилигимизнинг кўзимизни очди, биз, камбағаллар давлатни бошқаришда қатнашар эканмиз, бу давлат — Ўзбекистон республикаси эса республикалар Иттифоқи составига кирар экан.

Ушнинг оғзидан чиқаётган энг оддий сўзлар олтинга тенг эди.

Уйга қайтганимиз-у: «Қани энди Лениннинг гапини эшитсак!» — деб ўйлаб боряман.

Ишонч аллақачсоқ, инқилобнинг дастлабки йилиёқ унинг қалбига жо бўлганди. Эндиликда у аланга олди, ардоқли ва муқаддас эътиқодга айланди. Усмон Юсуповни Тошкент чеккасидаги қишлоқ район қурувчилар союзига раис қилиб сайлаган ишчилар бунинг шоҳиди бўлдилар. Кўп ўтмай у Қурувчилар союзининг округ комитетига раҳбарликка кўтарилиб, Тошкентга кўчиб ўтди. Бирга ишлаган ўртоқларининг Юсупов ҳаётининг ўша йилларига оид хотираларни сақланиб қолган. Округ комитетининг котиби Георгий Анисифорович Хорст эди, Дарвоқе, ўша пайтларда — орадан деярли ярим аср ўтиб кетибди-я! — уни оддийгина Гоша Хорст деб атардилар. У мелиорация факультетининг талабаси бўлиб, яқингинада лекцияларга деярли яланг оёқ қатнаб юарди (кези келганда шуни ҳам айтиб ўтайлик, доцент Жарков ҳам заррача хижолат чекмай кафедра ортида сарпойчан туриб, лекция ўқирди). Комитет Ленинград кўчасидаги бир-бирига туташиб кетган, хом гиштдан қурилган, касабаси союзлари банд этган талайгина уйлардан бирига жойлашган эди. Темир зинапоё остида шифтчи чўққисимон бир хона бўларди. У иккига бўлинган эди. Биринчисида идора дафтару китоблари устида мук тушиб Хорст ўтирарди. Иккинчи ярмида — Юсупов билан ўринбосари Чимбуров.

Бу вазифага сайлаш билан Юсуповга қанчалик ишонч билдирилиб, қанчалик ҳурмат кўрсатилганини тасаввур этмоқлик учун қурувчилар касабаси союзи ўзбек халқи тарихида биринчи жамоат ташкилоти бўлганини эслатиб ўтиш kifоядир. 1917 йили бу ташкилотга раҳбарлик қилган Очил Бобожонов ва Султонхўжа Қосимхўжаевларни асосли тарзда биринчи ўзбек инқилобчилари деб атайдилар. Улардан ёшроқ бўлган Юсуповга жамиятчи баъзи жиҳатдан ўзгартишга олиб боровчи бу фаолиятни давом эттиришга тўғри келди.

Эндиликда ёзув-чизув бобида қўли хийла дадиллашиб қолган Юсуповнинг дастхати билан имзо чекилган

ўша йиллардаги қарорларда касаба союз шуғулланган масалалар ўз ифодасини топган. Уларда шулар қайд этилган: меҳнат интизомини кўтариш, ишчилар таъминоти, оч аҳолига ёрдам кўрсатиш, касалхоналардаги беморларга ихтиёрий тарзда ич кийимлар ажратиш; ўтин тайёрлаш, хизматчиларни турли тадбирларга сафарбар этиш; таъриф-нормалаш ишлари, мукофотлаш тартиб-қоидалари; мануфактура олиш учун рўйхатлар тузиш; ёрдам кўрсатиш учун қаровсиз болаларни рўйхатга олиш; район оқартув комиссияларининг фаолиятлари, санитария ишлари; меҳнат инспекторлари сайлови; паёк — озиқ-овқат улушини олиш; ўртоқлик ҳамда тартиб-интизом судлари; меҳнат отпускиси; балоғатга етмаганлар меҳнати; савол-жавоб кечалари; Қизил Армия, Ҳаво флотига оталиқ ёрдами; жаҳон пролетариати билан бирдамлик; жисмоний тарбия, турар-жой кооперативи, шанбаликлар, агитбригадалар, Автодор, Освод, Осоавиахим...

Усмон Юсуповни аиа шундай умрида эшитмаган-билмаган ибораю тушунчалардан иборат тоғ-тоғ ишу ташвишлар кўмиб юборди.

У рўпарама-рўпара ўтирадиган Чимбутовга — столларни тақаб олишганди — ёки Хорстга мурожаат қилиб, бирор ибора ёхуд ўша пайтларда расм бўлган сўзлар қисқартмаси маънисини сўрар, кўпинча эса маслаҳат соларди: «Хўш, сенингча, қандай қилсак яхши бўлади?» Тортиниб, ийманиб ўтирмай, очиқчасига: «Бу таъриф-нормалаш ишларига унчалик тушунмайман. Кел, кечқурун биргалашиб ўтириб, кўриб-таннишиб чиқамиз, мулоҳазалашамиз, кейин окружкомда муҳокамага қўямиз. Бўптими?» — деяверар эди.

Бу билан унинг обрўи тушмас, балки ортарди.

Қандай иш бўлмасин у астойдил берилиб адо этарди. 1927 йилнинг эрта кўкламида Жўн канали қурилишида маъмурият билан ишчи-мастеровойлар ўртасида иш юзасидан келишмовчилик чиқиб қолди. Улар уч мингдан кам киши эмасди, асосан Волга бўйларидаги очарчиликда қолган қишлоқлардан келганлар эди. Тирикчилик юзасидан уларни тушуниш қийин эмасди: борамиз-у, ишлаб пул топамиз, деган ниятда келишган эди, бу ерда бўлса иш тўхтаб қолибди, харитадан мўлжал олиб, канал очишгаётгани учун кутилмаган қийинчиликлар пайдо бўлябди, шу сабабли кутниглар дейишибди. Ёзган хатларига қараганда, қурилиш раҳбарлари ҳам,

ишчилар ҳам ҳақ эдилар. Шунда Юсупов, бунӣ бориб жойида ҳал қилиш керак, деган қарорга келади. Ёмғир ёғиб турганида отда йўлга тушади. Жиққа ивиб, совуқ суяк-суягигача ўтиб кетади. Бир кеча-кундуз ухламай, шароит билан танишиб, ҳаммасини аниқлайди. Ишчиларга: «Қасаба союзнинг вазифаси маъмуриятнинг гробонидан олиш эмас. Негаки бу ўзимизнинг, пролетариатнинг маъмурияти. Маблағ ҳам умумхалқники, хўжайинларнинг ҳамёнидан эмас. Ҳозир сизларга ортиқча пул бериладиган бўлса, бошқалар маошсиз қолишади», деб тушунтиради. Аммо иложини топишади: ишни лоақал битта участкада бошлаб юборишга қарор қилиниб (ўшанда Юсупов биринчи маротаба: «Бутун жавобгарликни ўз зиммамга оламан», деб айтган), ишчиларга аванс берилади.

Меҳнат саройи зинапояси остидаги хонада у шамоллашга қарши аспирин ичиб, иссиғи чиқиб, хириллаб ўтирарди-ю, лекин: «Биз, қасаба союзлар, қудратли кучмиз!»— деган ўйдан ғоятда мамнун эди.

Хўжайинлар билан эса ҳаёт-мамот жанги борарди. Нэп авжга минган палла эди. Ўзбекистонда янгидан пайдо бўлган корхона эгалари учун революция бекор қилган меҳнат эксплуатациясидан фойдаланиш усули чораларнинг топиш осонроқ эди. Йўлдошбоевнинг сувоқчилар артелида ўнлаб ишчилар бор. Қанақасига текшириб кўрсангиз ҳам, ҳаммалари қариндош-уруғ бўлиб чиқишади: «Биринчи хотиним (худо раҳмати, аллақачонлар оламдан ўтган)нинг холаваччаси. Сағир қолган. Уни бола қилиб олганман. Ойликни нима қилади у? Аллақанақанги отпускани нима кераги бор унга? У ўз фарзандимдай бўлиб қолган. Ўзинг айт, Раҳимжон, гапим тўғрими?» Раҳимжонга тўғриси айттиришнинг йўриғи топилади, кейин йигитчани кунига 14 соатлаб ишлашга мажбур қилгани учун Йўлдошбоевнинг таноби тортиб қўйилади.

Ўша пайтларда назариядан бўшроқ хабардор бўлган Юсуповда нэп изтиробли шубҳа-гумон туғдирарди. Тўғри, ўз эътиқодида у мустаҳкам турар ва: «Ўртоқ Лениннинг ўзи шундай қилиш керак деган. Бу яқин орада туғайди. Мана кўрасизлар», дерди.

1928 йилнинг майида у, қурувчиларнинг Бутуниттифоқ съездига, ўзбек делегацияси аъзоси сифатида (умрида биринчи марта) Москвага борди. Шовқин-суронли, тошу ғиштлардан барпо бўлган азим шаҳарпи, у ердаги

янгидан бойиган бойваъчаю бойвуччаларнинг, Осиёдагидан аксинча, ўз кўрку ҳашамларини, бойликларини ошкора кўз-кўз қилишларини кўриб ҳайратга тушди.

Бироқ съезд иш кўраётган залнинг энию бўйига қарата: «Нэп Россиясидан Социалистик Россияга ўтамиз!» ва «Беш йилликни адо этамиз!» каби плакатлар осиб ташланган эди. У буларнинг бари шунчаки бир шпор эмас, балки программа эканини ва бу программа революциянинг давоми сифатида амалга оширилажагини яхши биларди.

Мажлисдан кейин у Архангельск делегациясининг вақли, «о» товушига ургу бериб сўзловчи эллик яшар Котлов билан бирга Охотничий рядга чиқди; Котловнинг юзидаги ажинларигача туз-шўр сингиб кетганди: Сольвиногодск конида йигирма йилдан бери тахта қоплама тиргаклар ўрнатиш билан машғул эди. Гулга бурканган акаслар ҳиди димоққа уриб турган мулойим, ажойиб оқшом чоғи эди. Юқорига, «Метрополь» томонга қараб фонусли извошлар ва автомобиллар гизиллаб ўтиб турарди. Алламаҳалгача савдо қилувчи дўконлар ҳамда пештоқига фирманинг номи ва эгаларининг исми осилган магазинларнинг чироқлари чарақлаб турарди. Гупп коньяк ва атир бўйи таратиб, ресторанинг чархна-лаксимон айланлаган эшигидан бир тўда улфатлар: қотириб дазмолланган оппоқ костюм кийган бир неча эркак билан бахмалларга бурканган дўмбоқ-дўмбоқ, ҳаяжонланган хонимлар чиқиб келишди.

— Марҳамат қилиб, йўл берсинлар, азизим,— деди оппоқ кийимли эркак жанубликларга хос талаффуз билан, хонимини қўлтиқлаб олган кўйи извошга қараб юраркан.

Котлов қасдма-қасдликка йўлни тўсиб, нақ симёғочдай қаққайиб туриб олди: хоним унга тегиниб кетиб, афтини бужмайтирди. Унинг хуштори жеркиб бермоқчи бўлди-ю, лекин Котловнинг чуқур ботиқ кўзларини кўриб:

— Авф этадилар, гражданин пролетарий. Салгина ўзларига нафасимиз урилгани учун маъзур тутадиларда энди. Шаъни-шавкатим ҳаққи олт ичиб айтаманки, бу ажойиб, бу аъло коньяк,— деди ҳар қалай истехзоли оҳангда, гўё йиғламсираб.

Улфатлар шарақлаб кулиб юборишди, Котлов бу аскиявоз одамнинг этагидан тутди.

— Хайрлашув олдидан бир оғизгина сўзим борийди,—

деди у. — Менга эмас, бухурдонга қараб уфурыпсан аллақачон, нэпманчи мараз. Тушундингми?

Меҳмонхонага келганларида у Усмонга «бухурдонга уфуриш»нинг маънисини, яъни жони бўғздан чиқай-чиқай деб турганини тушунтирди.

— Жуда бошлапсан-да, дўстим, азбаройи шифо! — хурсанд бўлди Усмон. Ўзбекларда ҳам, парвонанинг умри қош қорайгунча-ю, лекин ўз чиройидан гурурланиб, ҳуснига маҳллэ бўлиб юради деган нақл бор, демоқчи бўлди. Лекин русчада парвона нима дейилишини билмади, капалак деса аниқ чиқмайдигандек, қўпол эшитиладигандек туюлди назарида.

Орадан ўн икки йил ўтгач, дастурхон устида бунга қизиқ бир воқеа сифатида эслади. Суҳбат орасида машҳур артистканинг — ўша куни у эри билан Юсуповларникида меҳмон эди — концертда Баттерфляй ариясини қандай ижро этганидан гап очиб қолишди. Шунда кимдир, «баттерфляй»ни ўзбекчага таржима қилинса, «капалак» дегани, деб қолди.

— Парвона-чи? — деб сўради Юсупов.

— Уям капалак, фақат сал кичикроғи.

— Мен бўлсам аксинча деб ўйлабман: парвона билан капалакни қўчқор билан совлиққа ўхшатиб юрибман, — Юсупов ҳаммадан олдин қаҳ-қаҳ уриб, нэп инквизицияга юз тута бошлаган бир пайтда Москвадаги май оқшомида содир бўлган ўша ҳангомани сўзлаб берди.

Ушанда съезддан қайтиб келганидан ҳеч қанча вақт ўтмай, Юсуповга ҳаётида илк бора партиявий лавозимни: Тошкент округ большевистик партия комитетининг ташкилий ишлар бўлими мудирлигини таклиф этишди. У назарий билими унчалик пухта эмаслигини (бу ҳақиқатан тўғри эди), гарчи Москвада, съездда ташқин ва ички сиёсатнинг кўпгина жиҳатларини тушуниб, фаҳмлаб олган бўлса-да, ҳар ҳолда билими етишмаслигини айтиб, самимиёт ҳамда очиқ кўнгиллик билан бу таклифни рад этди.

Шунда унинг сўзини бўлиб, собиқ батрак ва пролетар Усмон Юсуповга айнан ана шу ички сиёсат хусусида ҳам партия ишини таклиф этаётганларини, у ва унга ўхшаганлар олдида нэпни узил-кесил тор-мор этиб, иқтисодий жабҳада революцияни ниҳоясига етказиш вазифаси турганини айтишди. Бунинг учун кадрлар керак эканини, у эса одам танлашда лаёқати борлигини, ким бизникию ким бегона эканини дарҳол фарқлай оли-

шини исботлаганини ҳам таъкидлашди. Бу бир томони, иккинчи томони — албатта, ҳар бир қишлоқда, ҳар бир корхонада партия ячейкасини тузиш зарурлигини, ана шу отрядлардан социализм қурувчилари армияси ташкил топишини, бу борада ҳам яна синфий ҳушёрлик кераклигини уқтиришди. «Сенда бу нарсa борлигига ишонч ҳосил қилдик, ўртоқ Юсупов. Бу — истеъдод! Назарияни бўлса, ҳали вақти келади, ўзлаштириб оласан, албатта».

Унга тез кўникиб қолишди. Генерал Кауфманнинг оғир, солинчоқ занжирлар билан тўрт томони қуршалган қуйма ҳайкали ҳануз қад кўтариб турган машҳур Тошкент скверигаги киравериши ганжбанд нашқли бинога у юриб эмас, югуриб кириб келарди. Ёш, тикмачоқдай, сийраклаша бошлаган сочлари тикандай, кулча юзли, куч-қуввати қайнаб-тошган, ҳаётга чанқоқ, шижоатли эди. Ҳа, у оёғи енгилгина бўлиб қолмай, айни чоғда тиниб-тинчиб ўтиролмайдиган, вужудида ишга, ҳаракатга иندовчи ғайрат жўш уриб турган йигит эди.

Бўш уй бўлмагани сабабли уни кўҳна икки қаватли меҳмонхонага жойлаштиришди. Мабодо пастда, узундан-узун, деразасиз ертўласидаги буфетда таърифи бутун Тошкентга таралган, қовоғи солиқ, аммо пазандаликда тенги йўқ Викентьевна пиширадиган антиқа беляшилари айтмаганда, бу меҳмонхонанинг ҳеч қандай ажралиб турадиган жойи йўқ эди.

У кейинчалик, машҳуру маълум Усмон Юсупов бўлиб танилганида ҳам, эски одатича, ўзини ҳеч тарк этмаган шўх-қувноқлиги тутиб, шофёрни машинада қолдириб, бу ерга кириб келди. Вақт пешинга яқинлашиб қолган, буфет осойишта бўладиган пайт эди. Бино бўм-бўш эди, фақат бир чеккадаги стол ёнида сур тери телпакли икки хоразмлик, одатланмаганларидан бармоқларини куйдириб, стаканда чой ҳўплаб ўтиришарди, холос. Қоқ суяк, сал энкайган, ёшликдаги ҳусни йўқолган аёл индамайгина жазиллаб турган ёғда пуфакча-пуфакча бўлиб қавариб чиққан қайноқ беляшини келтириб қўйди олдига.

— Танимадингиз-а, Викентьевна?— сўради у япасқи, дум-думалоқ беляшини иштаҳа билан тишларкан.

— Нега танимас эканман?— хотиржамгина жавоб берди аёл.— Юсуповсиз. Сизни танимайдиган одам борақанми? Иннакейин, шу ерда турган бўлсангиз. Йигирма тўққизинчи йил эди шекилли.

— Беляши учун катта раҳмат,— деди Юсупов.— Бу-

нақанги мазалиси ҳеч қаерда йўқ.— У Викентьевнанинг қўлини сиқаркан, қўшиб қўйди:— Йигирма тўққизинчи йили бу ерда эмасдим. Самарқандда эдим.

Бу ташрифи ҳақида шофёр Конкинга сўзлаб бераркан, Викентьевнанинг хотирасига қойил қолди ва ўзи ҳам окружкомдаги қисқа муддатли фаолияти пайтида содир бўлган баъзи воқеаларни эслади.

Шулардан бири Заркентда бўлганди. У ерда камбағаллар иштирокида очиқ ячейка мажлиси уч кеча-кундуз давом этганди. Ўзиям ғалати мажлис бўлганди: бинода эмас, кўпроқ далада ўтганди. Тўдалашиб олиб, бўлиб берилган ер улушларини биридан-иккинчисига ўтиб, ҳар бир дўнг, ҳар бир қарич жойни текшириб, кўздан кечириб, ўлчаб, томоқлари бўғилгундай баҳслашиб-тортишиб ҳақиқат ўрнатишарди. Можаро шунда эдики, бор-йўғи тўрт нафар фирқа аъзосидан иборат ячейка котибининг ўзи қулоқлар тузоғига тушиб қолганди. Айтгандай, тузоққа қўйилган хўрак ҳам, Юсуповнинг эслашича, чакана эмас: котиб уйланган ўн олти яшар келинга берилган қалинни икки бадавлат деҳқон ўз устига олган экан-да. Ер ишлари комиссиясида хизмат қилувчи котиб эса бунинг эвазига уларга бўлиқ, яна-тагин қулоқ бошидан ер ажратиб берибди. Кези келганда шуни ҳам айтиб қўяйликки, қулоқлар пахта экиб бош қотиришни истамас, яқингинадаги шаҳарда бозори чаққон қулупнай ва йилига икки маротаба ҳосил кўтариладиган сабзавот экинлари экишни маъқул кўрардилар.

— Иложи бўлганида мен уни нақ жойидаёқ отиб ташлардим-а. Халқ, агар билсанг, партия аъзоларига қандай ишонч билан қарарди. Ахир улар энг ҳалол, энг пок одамлар эди-да. Ўзларини ўйламас, фақат одамларни ўйлардилар, ўшаларнинг ғамини ердилар. Шундоқ бўлиши ҳам керак эди. Хўш, ўша текинхўр-чи, шундай ишончни тупроққа қориштира-я! Ахир бу ўз отасини сотгандан баттар-ку!

Иккинчи воқеа ҳам Юсупов учун ниҳоятда характерли. Бунда унинг қарашлари, майли, энг муҳими— ҳаётга, одамларга муносабати акс этиб туради.

— Тошкент станциясида кечаси навбатчининг хонасида ухлаб ётгандим. Диванда ётибман, сен билгандақанги юмшоғи эмас, қоқ қуруқ тахта диван. Бошқа кўз илантириб оладиган жойнинг ўзи йўқ, поезд эрталаб бўлади. Бир пайт қўққисдан уйғотиб қолишди. Кўзимни очиб қарасам— чопонининг увадаси чиқиб кетган, яланг

оёқ икки ўсмир, ҳали ғирт ёш бола. «Бизниям большавойликка олинг», деб ёлворишди. Мени бўлса жаҳлим чиқиб: «Нега уйғотдиларинг?»— деб уришиб бердим. «Сиз кетиб қолсангиз,— дейишди улар,— биз партиясиз бўлиб қолаверамиз яна». Хўш, бу гапга нима дейсан! «Партияга кириб нима қиласанлар?»— сўрадим мен. «Бойларга қарши курашиш, камбағалларга озод-эркин ҳаёт қуриш учун», дейишди. Саводи чиқиб қолган экан-ку буларни! Буларга қандай тушунтирсам, нима десам экан, деб тоза бошим қотди. Ўзимни бўлса уйқу босиб кетяпти. «Бўпти,— дедим,— хат-саводларинг борми, унда сизларга жанговар топшириқ шў: «Яшасин Совет Ўзбекистони!», «Яшасин бутун дунё ишчи-деҳқонларининг иттифоқи!»— деган иккита шиор ёзасанлар. Эрталаб вокзалда осиглиқ турган бўлсин». Поезд келди, мен ҳам уйғониб, вагонга қараб югурдим, улар бўлса яна йўлимни тўсишди: «Ана, кўринг, комиссар ака!» Қарасам, шиорлар осиглиқ турибди. Нима ҳам дейман уларга? Тошкентга олиб келиб, маданий-оқартув ходимлари курсларига жойлаб қўйдим. Ҳозир улардан бири таниқли одам бўлиб кетган. Кимлигини хаёлингга ҳам келтиролмайсан. Ана шунақа гаплар...

Газета саҳифалари ва ҳужжатларда акс эттирилган факт-далиллари у тилга олмасди, сабаби, у чоғда чорночор ўзининг бу жабҳадаги ролини баҳолаб ўтишига тўғри келарди: «Мен сўз олиб, минбарга чиқаман-да...» — бу эса Юсуповга мақтанчоқлик бўлиб туюларди.

У ташкилий бўлимда узоқ ишламади, бироқ бу давр ҳар қалай ҳаётининг ёрқин ва муҳим бир парчаси эди. Бу давр, гарчи у хроника ҳамда тадқиқотларда остига қизил қалам билан чизиб алоҳида таъкидланмаган бўлса-да (лекин шундай қилиш лозим эди), аввало тарихий воқеалар билан узвий боғланган эди. Гап Тошкентнинг ўзбеклар ва руслар яшайдиган қисмлари, ўзбеклар ва русларнинг Советлари ҳамда партия ташкилотларининг бирлашиши ҳақида борапти. Юсупов учинчи округ партия конференцияси секретариати ҳайъатига сайланган ва бу конференцияда асосан: «Барча чоралар билан эски ва янги шаҳар партия ташкилотларини бирлаштириш» масаласи қўйилган эди. Бу масала ҳеч қандай ноўрин ғайри табиийлигу сипогарчиликсиз, туйғу-ҳиссиётларга берилмай, жиддий ва вазминлик, ишчанлик билан, туб моҳияти ила ўз сафларини миллий белгиларга қараб ажратишни рад этувчи партия ҳамда меҳнаткашларнинг

синфий бирдамлигини расмийлаштириш сифатида амалга оширилган эди.

Дастлабки икки йиллик партия хизмати Усмои Юсупов учун жиддий тажриба мактаби бўлди.

Бу йиллар мобайнида унда ҳайратда қолдирарли даражада улкан ўзгаришлар бўлди. Дарҳақиқат: яқингинада назарида бутун олам Қовунчидангина иборат бўлган чала савод бир ишчи республика, кўп ўтмай эса Бутуниттифоқ миқёсидаги жамоат арбобига айланди. Нима бу ўзи: тақдир тақозосими ё кечаги солдатни банка мудир, машинистни эса темир йўл бошлиғи қилиб тайинлаган даврнинг амрими? Шундай деса ҳам бўлади. Аммо, асосийси — яна ўша камёб заковат, ўз қонуниятига биноан тараққий этувчи, шунгача тадқиқ этилмаган, маълум ва муайян ҳад-ҳудудидангина мантикий тадқиқотга бўйин берадиган истеъдоддир.

Қисқаси, Юсупов Тошкент округкомининг ташкилий ишлар бўлимида икки ойдан ҳам камроқ ишлади, бироқ ўша давр учун ғоятда муҳим бўлган масала (бунинг ҳақиқатан ҳам тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади): Тошкентдаги иккала партия ташкилоти — аксарият большевик-ўзбеклардан ташкил топган Эски шаҳар ҳамда асосан руслардан иборат Янги шаҳар ташкилотларини бирлаштириш масаласи округнинг учинчи конференцияси муҳокамасига айнан унинг талаби билан қўйилади. Юсупов бу ҳақда конференцияда фақат музокарага чиққанидагина айтади. Собиқ хотин-қизлар гимназиясининг, ўша пайтга келиб эса Ўрта Осиё университетининг кўҳна ғиштин биносидagi залда биринчи марта сўзга чиқиши эди. У ҳаяжонланарди, русча сўзлашига ҳали унчалик тушуниб бўлмасди — гоҳо (бошқа пайт ва бошқа тингловчилар бўлса, албатта) кулгини келтирадиган даражада сўзларни нотўғри талаффуз этарди. Бироқ у беқийс ишонч билан, ёниб-жўшиб гаппаркан, олқишларга сазовор бўлди, унинг фикрига қўшилдилар, маъқулладилар, эндигина куртак ёзиб келаётган, аммо партия, республиканинг келажаги боғлиқ бўлган нарсани кашф этиш, ўртага ташлашда ташаббускорлик кўрсатгани учун унга миннатдорчилик билдирдилар.

Ушанда, ўша конференцияда у ўртага ташлаган яна бир масалани олайлик. У пахта экиладиган ерларни кенгайтириш зарурлиги ва бунинг бевосита ирригация ишларига боғлиқ экани ҳақида гапирди. Сиёсий нуқтаи-назарини билдириб, сув таъминоти етарли даражада

советлаштирилмаганини айтади. Бу гапнинг остида нималар ётгани аён: қулоқлар, бойларнинг думлари ва ялоқхўрлари сув хўжалиги ташкилотларига суқилиб олиб, оби ҳаётдан ўзларининг синфий манфаатлари йўлида фойдаланаётгандилар. Иккинчи нуқтаи назари — хўжалик ишлари юзасидан эди. Агар яшаб қолишни истасак (масалани ана шу тариқа ўртага ташлаган эди у), бор кучимизни ирригация шохобчаларини қайта тиклаш, ривожлантириш ва сақлаб қўриқлашимиз керак. Бўлмаса, бир мисол, Заҳарикда фалокат юз берди: 6 минг ботмон ерни сув босиб кетибди.

Усмон Юсуповнинг сиёсий фаолияти тонгида унинг бутун ҳаётининг бош мавзун: интернационализм, пахта, сув — ана шундай қарор топа бошлаган эди. Усмон Юсупов ўша йилларда оилавий масалани ўз билгича ҳал қилади. Шариатнинг асрий қонунларини бузиб, рус қизи Анастасия Большаковага уйланади. Кейинчалик бу оила нима сабабдан бузилиб кетганини муҳокамаю мунозара қилиб ўтирмаймиз-у, лекин ишчи йигит бу борада ҳам мусулмончилик негизи-замирига болта урганди.

3

БУРИЛИШ

Ўзбекистонда кўпинча февралда номигагина қиш бўлади. Бу ўлка азал-абаддан фаровон ўлка (айни шу ерда, Амударё билан Сирдарё оралиғида, қадим-қадим замонларда Сўғдиёна, Парфия, Хоразм сингари гуллаб-яшнаган давлатларнинг вужудга келишини талайгина тарихий шарт-шароитлар билан тушунтириш мумкин). Бироқ кекса ўзбекнинг сиртдан қараганда тек қотгандек кўринадиган, қорамағиз ажинлар қуршовида сал қисилган, синчков ҳамда тийрак кўзлари амал — уйғониш палласи етганини беҳато англайди, наздингизда жонсиз, мумдан ясалгандек туюлган бурун катаклари эса остонада дадил эшик қоқиб турган бетизгин, чинакам жануб баҳорининг илк нафасини беҳато пайқаб, титраб-керилади. Баҳор нафаси ва борлиқдаги жўшқин тантанани фақат кинога таққослаб тасаввур этиш мумкин, холос. Кинода эса табиатнинг уйғониши билан, айтиш чоғда, вақтнинг шитоб-ла ўтиб боришини бир йўла тасвирламоқчи бўлинса, хийла одат тусига кириб қол-

ган операторлар услубидан фойдаланилади: кўз ўнгингизда кунни кечагина изғиринли шамол ва қор кўрпаси остида титраб-дириллаб турган шох-бutoқларнинг куртаклари бўртиб, кўтарила боради — куртаклар ёзилиб, илк гулбаргчалари майин шабадада липиллаб, ҳилпирай бошлайди, зум ўтмай шамалоқдай гуллар орасида асаларилар ғужғон ўйнаб, тукли хартумчалари билан янги гул чангларини йиғиб учиб-қўнади.

...1929 йилнинг 17 февралда Ўзбекистон КП (б) IV съезди делегатлари чоққинна меҳмонхонадан (аслида мусофирхона деб аталиб, ҳарбийларнинг энсиз каравотидан саккизтаси аранг жойлаштирилган чор қирра хона эди) ўша кезларда Самарқандда энг яхши бино ҳисобланган, илгарилари офицерлар йиғинлари ўтказиладиган, шу кунни эрталаб эса биринчи мажлис очилиши лозим бўлган бино томон боришаркан, шаҳар кўчаларининг гишт ётқизилган йўлчаларини муздек ва зериктирувчи ёмғир ювиб турарди. Делегатлар орасида, ўз-ўзидан аёнки, ўша йилларда республика пойтахти бўлган Самарқандга Тошкентдан келган Усмон Юсупов ҳам бор эди. Делегатлар ўзаро қўл олишиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, чекнишиб, у ёқ-бу ёқдан икки оғиз чақчақлашиб улгурмаслариданоқ ёмғир тиниб, булутлар жануб сари елиб кетдилару оралиқдан қуёш жамол кўрсатди, унинг ёрқин шуъалари кўлмакларни йилтиратиб кўзларини қамаштирди, баҳор қушлари чах-чах уриб дилларни яйратиб юборди.

Юсупов кўзларини қисиб, кўклам бўйини уфуриб турган сарин ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Шунда унинг деҳқон табиат юрагига ташвиш тушди: ҳадемай экиш палласи бошланади, съезд бўлса кўпга чўзилади — икки ҳафтага яқин давом этади; ВКП(б) Марказий Комитети ва ВКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг доклади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳамда ревизия комиссиясининг ҳисобот докладларини айтмаганда ҳам, талайгина катта-кичик масалалар муҳокама қилиниши лозим.

Қизгин экин-тикин палласида ўзлари партия раҳбар ходимларининг иш устида — яъни хизмат кабинетларида эмас, балки қишлоқларда, янги тузумнинг қудрати ва имкониятларига бўлган ишончлари бўлажак ҳосилга боғлиқ деҳқонлар орасида бўломасликларидан ташвиш тортаётган ёлғиз Юсуповгина эмасди. Самарқандга жами бўлиб етти юз нафардан ортиқ делегат — Ўзбекистон партия ташкилотининг гули йиғилган эди.

Съезд очилгунга қадар областлар делегатлари вакилларининг мажлиси бўлди. Юсупов Тошкент ташкилоти номидан қатнашди унда. Асосий масала аён бўлиб турган бир пайтда майда-чуйда жиҳатлар хусусида атрофлича бош қотириб, ҳаммасини тарозуга солиб ўтиришни истамайдиган Юсупов сўз олди-да, қизишиб гапира бошлади. Бу пайтларда сўз бойлиги етарли даражага бориб қолганига қарамай, фикр-ўйлари эса рус сўзларига қараганда шошилиб, чандон олдинга ўтиб кетаётганини ҳис этиб турарди. Шу боисдан у адашиб кетар, бир фикрни тезроқ ва ишопчлироқ қилиб айтгиси келганида тўхталишга, ўзини босиб сўзлашга тўғри келар, оқибатда эса нутқи баттар чигаллашиб кетар, деярли биринчи марта топширилган муҳим вазифа масъулиятини ҳис этган ёшгина стенографистка қиз ҳатто зорланиб, қўлидаги чизиқли қоғоз узра шнғиллаб ёзиб турган қалам дам-бадам тўхтаб қоларди. Шуниси қизиқ: ўзининг вазифаси туб маъноси билан техник иш эканини англаб турган қизалоқ ҳам бу қора соч, дўнг пешана, юмалоқ юзли ўзбек йигитнинг сўзларини, гарчи у адвокатларнинг кўпинча қуруқ, тум-тароқли нутқлари сингари бенуқсон ҳамда силлиқ бўлмаса-да, қизиқиш билан тинглагиси келарди. Зеро у бўладиган, зарур гапни сўзлаётган эди. Жарангдор овозида келажақни кўра оладиган, шу сабабли эҳтимоли бор хатоларнинг олдини олиш учун жон куйдираётган одамнинг ташвишу хавотирчилиги сезилиб турарди. У Ўзбекистонда биринчи бўлиб Андижон яқинидаги Ёзёвон чўлларида ташкил этилган учта колхозни ҳам тилга олиб ўтди. Бошқа ерларни қўя турайлиг-у, аммо у ерда чинакам партия ходимининг қўли ва кўзи керак: шароит қанчалик мушкул бўлмасин, колхоз далаларидан кўтариладиган ҳосил ўртаҳол деҳқонниқидан кўпроқ бўлиши керак, деди. Ана бу нарсаларни хўжалиқни тарғиб қилишнинг энг яхши далили бўлади. Деҳқон ҳар қандай огзаки ишонарли сўздан кўра кўзи кўриб турган нарсасига тезроқ ишонади, деди у.

Делегатлардан аксарияти мажлисдан ўзларининг тезроқ экин далаларига чиқиб кетишларига рухсат берилишини илтимос қилиб, аллақачон ариза берганди. Бироқ Юсупов Тошкент ташкилоти номидан бошқа нарсани: кун тартибига киритилган масалаларни тезроқ ҳал этиш учун кўнига тўққиз соатдан ишлансин, деган таклифни қўйди.

Дарвоқе, докладлар музокараси шунчалик қизғин, шунчалик кескин ўтганидан мажлислар юқорида айтилган вақтдан ҳам чўзилиб кетарди. Қўқон, Бухоро, Зарафшон ва баъзи бошқа партия ташкилотлари фаолиятида кадрларни танлашда гуруҳбозлик, ошна-оғайнигарчилик каби нуқсонлар содир бўлгани сезилиб қолди...

Дастлабки пайтларда у ёки бу раҳбарда ўз вазифасини адо этолмаётган ёхуд хатога йўл қўйган ошнаси—улфатини ишдан четлатишда янгича дунёқараш талаб этганидек журъат ва қаттиққўллик етишмай қоларди; бу ерда гапнинг моҳияти, ўша дўсти билан буғи кўтарилиб турган қип-қизил палов устида талайгина соатларни улфатчиликда ўтказганларидагина эмасди; буни кўп йиллар мобайнида туғиладиган ва қарор топадиган маънавий дўстлик бурчи тақозо этарди. Бу одатни бузиш, уни босиб ўтиш учун эса шаклланган, камолга етган коммунист бўлиш зарур эди...

Кези келганда шуни айтиб ўтайлик, Юсупов ҳар қандай ҳақиқий ўзбек каби нафақат паловни яхши кўрар, балки камдан-кам бўладиган қўли сал бўшроқ пайтларда ўзи ҳам қойилмақом ош дамларди.

Иигирманчи йиллар комсомоли, тўппонча тақиб юрган жанговар қиз, кейинчалик ўзбек дивизиясининг сиёсий бўлими бошлиғи қилиб тайинланган Фотима Йўлдошбоева ўттиз тўртинчи йили Москвага келади. Усмон Юсупов ўша кезлари марксизм-ленинизм курсларида ўқиб юрар ва драматург, журналист, Шекспир, Руставеллиларнинг таржимони бўлмиш дўсти Сотти Ҳусайн билан бир хонада турарди. Сотти Ҳусайн ҳам Москвада ўқирди, лекин марксизм-ленинизм курсларида эмае, балки Қизил профессура институтида эди.

Фотима Хўжамбердиевнанинг хотиралари орасида Усмон Юсуповнинг бундай иш учун ниҳоятда ноқулай бир шароитда палов дамлаганини ҳам тилга олади. Улфатлар даврасига келганда шуни айтиш керакки, Усмон Юсупов ҳамиша ўша пайтда атроф-яқинида ким бўлса — шофёрми, қоровулми — ҳаммаларини албатта даврага қўшарди. Уйидалигида эса Юсуповнинг дастурхони теварагида албатта беш-олти чоғли чет кишилар бўларди, бола-чақасию қўл остидагилар— ҳаммалари бирга баҳам кўришарди. Буларни атоқли партия арбобининг фазилатлари, муруввати сифатида эслаётганимиз йўқ: Муҳими шундаки, коммунист сифатида дастлабки одим ташлашидаёқ ўзи билан елкама-елка турган,

Ўз эҳтиёж-манфаатини тийиш билангина чегараланиб қолмай, балки ота-боболардан мерос қолган эскича тушунча, одату таомилни бузиш билан боғлиқ бўлган машаққатли ишни биргаликда бошлаган кўплаб сафдошларидан Юсуповни ажратиб турган хусусияти намоён бўлганди. У узоқни кўра оларди, шу туфайли кўр-кўрона дўстлик-ошначилик бурчи тушунчаси нималарга олиб боришини аниқ-тиниқ тасаввур этарди. Юзлаб, минглаб кишилар, ҳар қайсиси ўзича ва турли сабаблар билан кўрсатган ёрдами ҳамда қўллагани учун Юсуповдан ҳануз миннатдордирлар. Шахсан ўзининг олти фарзандини қўшиб ҳисобланганида ҳам, Юсупов партиявий принципни бузиб, мени қувватлаган, дейдиган бирон кимса топилмаса керак.

Ўзбекистон Коммунистик партияси IV съездига Юсупов Тошкент округ партия комитети ташкилий ишлар бўлими мудирлиги лавозимида ишлаб турган пайтида келганди. Бу вазифа кадрларни танлаш, жой-жойларига қўйиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ эди. Тошкентдан бир соатлик йўл наридаги Қовунчида унинг бир вақтлар биргаликда кулфат чеккан, пахта заводида бирга ишлашган, ош-қатиқ бўлган озмунча дўстлари бормиди. Эски кадрдонларининг Тошкентга бориб жойлашишдек азалий ва тушунарли истагу майл билан (ўша даврларда ҳали кўникилмаган ибора) «катта одам» бўлиб кетган ўз ҳамқишлоқларига мурожаат қилишлари турган гап эди. Аммо-лекин Тошкент округ ташкилоти съездда бошқаларга ўхшаб на гуруҳбозлик деб аталгувчи қусур учун, на партия сафларини кенгайтириш ишлари юзасидан йўл қўйилган хатолар учун бундай жиддий таъна-дашном эшитди. Ахир, бундан бошқа, даврга хос яна бир кулфат ҳам бор эди-ку: мулкдорлар— қулоқлар, собиқ бойлар— ниқобланиб партия сафига суқулиб кирилса, кейин, иложини топилса раҳбарий лавозимларга чиқиб олиш имкони бор эканини тезда пайқаб олдилар. Съездда аниқланишича, Фарғона водийсининг икки райони— Бешариқ ва Чуст-Поп районларида пролетариат диктатураси— органлари амалда бойларнинг синфий манфаатларини ҳимоя қиладиган органга айланиб қолган. Табiiийки, съезд Марказий Комитет зиммасига бундан-буён партия, совет ва хўжалик аппаратлари раҳбарлик лавозимларига ишчилар, батраклар билан камбағалларни дадил кўтариш вазифасини юклади. Уша съездда собиқ батрак, ишчи, камбағалдан чиққан Усмон

Юсупович Юсуповнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарларидан бири қилиб сайланиши ҳам қонунан табиий бир ҳол эди. Ёши ҳали ўттизга ҳам етмаганди ўшанда. Унга айтарли энг оғир соҳа—қишлоқ, коллективлаштириш соҳаси топширилади.

Авлод-аждодлари замонасидан буён сувга ташна ўлкада деҳқончилик билан шуғулланиб келган ота-боболардан янги наслларга бир нарсa мерос бўлиб келади—бу ҳам бўлса ҳаётнинг асоси, негизи бўлиб саналмиш сувнинг қадрига етиш, уни авайлаш, исроф этмаслик. Башарти бўлак халқлар тарихининг ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий мазмунини ер учун кураш ташкил этса, ўзбеклар тарихида бу сув учун курашдан иборат. Яна шу нарсани эслатиб ўтмоқ лозимки, ўша пайтгача ҳам бекор ётган, аммо эртаклардаги токи «обиҳаёт» сепмагунлари-ча тирилмайдиган баҳодир сингари ўлик ерлар истанингизча топилар эди.

Марказий Комитет секретари Юсуповнинг хаёли, борлиғи, фикри-ёдини банд этган нарсa—сув, пахта ташвишининг теран томирлари ана шунга бориб тақалади. Унинг тасаввурида гуллаб-яшнааяжак Ўзбекистон аввало яхлитига пахта далаларига обиҳаёт элтгувчи қон томир ва томирчалар тўри билан қопланган бўлиши керак. Ўзбек далаларини сув билан таъминлаш ва кенгайтириш бутун кўпмиллатли халқимизнинг эҳтиёжу талабларига мос бўлиб тушарди. Асосан Ўзбекистондагина етиштириш имкони бўлган пахта ёш Советлар юртига нондан кўра кам зарур эмасди. 1929 йилнинг кўкламда, Самарқандда Ўзбекистон КП(б) IV съезди иш кўраётган бир пайтда, Иттифоқимизнинг пахтага бўлган эҳтиёжини зўр-базўр учдан икки қисминигина таъминлаш мумкин эди. Башарти пахта мустақиллигига эришилса, йил сайин олтин баробарида юз миллион сўмдан ортиқ маблағни тежаб қолиш имкони туғиларди. Одамлар карточкага мой оладиган (нэпчиларни ҳисобламаганда), фабзавкомдан калиш учун ордер берганларида ўзларида йўқ қувонадиган бир пайтда ўша олтиннинг нақадар зарур эканлигини атрофлича, батафсил тушунтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак; бу кундай равшан эди, шу боисдан ҳам съездда бу масала очиқ-ойдин ўртага ташланди ва Ўзбекистонда пахта етиштиришни фақат қишлоқ хўжалигини социалистик асосда тубдан қайта қуриш ҳамда индустрлаштириш асосидагина кўпайтириш мумкин эканлиги таъкидланди. Шундай қи-

либ, кўпроқ пахта етиштириш учун кураш халқнинг турмушини тубдан ўзгартиш учун, социализм учун кураш демак эди.

Ўзбек меҳнаткашларининг сиифий манфаатлари бутун Советлар ўлкасининг манфаатлари билан бирлашиб, уйғунлашиб кетди. Қандай бўлмасин етиштириладиган пахта эмас, Россия учун етказиб бериладиган пахта эмас, балки социалистик пахта, ҳар бир граммиди умумнинг меҳнати: қўш учун тиш қўйган ураллик ишчпнинг; куни кечаги чўпон-чўлиқларга Тошкент университети кафедрасидан лекция ўқиётган питерлик профессорнинг; Жиззах болаларининг трахомага чалинган кўзларини даволаш учун уйи ва ишини ташлаб келган винницалик врачнинг; бўлажак профессионал ўзбек актёрларининг дастлабки гуруҳига васийлик қилаётган сал олифтароқ, лекин гўзаллик шайдоси, мўътабару салобатли режиссёрнинг; ўлчагич газ чўпию планшетини кўтариб тош қотиб, торс-торс ёрилиб ётган тақирларни кезаётган, офтоб жазирамасида куйиб-қорайиб кетган маллатоб геодезиячи ва топографларнинг; ўта сезгирлиги ерни қачон сугоришни беҳато аниқлайдиган, тунларни бедор ўтказадиган омилкор миробнинг меҳнати; миллионлаб қўшчи ва кетмончиларнинг азияти; қулоқларнинг чувиллаб учиб турган ўқлари остида қишлоқма-қишлоқ кезиб юрган ер комиссиясидаги қизнинг жасоратини матонати; бармоқлари тупроққа қорилган толагача қўймай териб оладиган ўзбек аёлининг сабр-тоқатини меҳнатсеварлиги, барча-барчаси мужассамланган пахта бу.

Социализмга ўтиш эса минг йилдан ортиқ давр ичиди (башарти Ўрта Осиёни араблар томонидан истило этилиши ва ислом дини қабул қилинганидан эътиборан ҳисобга олинса) қарор топган одатлар, ахлоқ-одоб қоидалари, турмуш тарзини узил-кесил парчалаш, барбод қилиш деган гап эди. Бу жараён қон тўкишсиз, силлиққина кечиши мумкин эмасди, зотан коллектив хўжалик, хотин-қизлар озодлиги, мактабларда болаларга қуръон сураларини ёдлатиш ўрнига ерни юмалоқ деб ўқитилиши ва шу каби янгиликларга қарши бош кўтараётганлар фақат синфий душманларнинг ўзларигина эмасди. Қулай фурсатни кутиб, нисиб ётган бойлар бор эди ҳали; революция уларни мол-мулкдан, ҳарамларидан, ҳақ-хуқуқдан, авомнинг қўлларча итоатгўйлигидан маҳрум этганди. Бир ёқда эса ғазаб-нафрат ўтида ёнаётган мулла-

лар— чулки қавмлари унинг таскин бергувчи ваъзлари-га тобора ишонинқирамай, шубҳа билан қарайдиган бўлиб борардилар; негаки комсомол-агитаторлар мас-жидларнинг ёнгинасида, қизил чойхоналарда Дарвин таълимотидан лекциялар ўқишар, «сеҳрли чироқ» ёрда-мида шариаат пешволарининг риекорликлари, уларнинг нафс бандалари эканликларини фош этувчи суратларни кўрсатардилар. Бир ёқда эса даргазаб қулоқлар, энди-ликда улар батракларни бемалол силласини қуришиб, мазлумлар ҳисобига семиролмасдилар; уларнинг бариси муқаррар тақдирга тан беришни истамас, газабларидан нақ қутураёзгандилар.

Иккинчи ёқда эса омма— уवादаси оққан чонон кий-ган Эшматвоё Тошматвойлар; ҳар қайсисининг ер ба-ғирлага ясси тупроқ томли кулбасида ўнлаб яланг оёқ, кир-чир жўжалари бисотларидаги биттагина понга яра-чақа қўлларини чўзиб чуғурлашади.

Юқорида зикр этилган бою боёнлар янги тузум ҳақи-да эшитишни ҳам истамасдилар. Улар фақат нафрат-ланишарди ва ошкорами, пинхонами зарар етказиш пайидан эдилар.

Кейингилар эса адолат камбағалларга ер ва сув бер-ган, доволагани учун ҳақ олмайдиган фельдшерни юбөр-ган, ўн икки яшар қизини ўз харамига қўшини ниятида камбағалнинг девори оша кўз олайтирадиган бойнинг жиловини тийиб қўйган «большавой» деб аталганлар томонида эканлигини қалбан сезардилар. Бироқ кўр-кў-рона итоатгўйлик, дин уларнинг қони-қонига сингиб кет-ганди; бу дунёда чеккан азоблари эвазига у дунёда аба-дий ҳузур-ҳаловат тоишларига астойдил ишонардилар.

Ҳаёт фожиавий бир тарзда Юсупов олдида вақадар оғир вазифалар турганини таъкидлашга ошиқди. У иш-ни қабул қилиб олишга улгурар-улгурмас, ҳали эскича вазмин мебеллар билан жиҳозланган каттакон кабинет-га кўникмасидан, деярли бир ой мобайнида тўтманиб қолган қоғозлар: кўрсатмалар, хатлар, шикоятлар би-лан батамом танишиб бўлмасиданоқ залворли ёғоч теле-фоннинг худди рўй берган фалокатдан огоҳ этаётгандай шиддатли жиринглашини эшитиб, титраб кетаёзди. Юсу-пов трубкани кўтарди, янглиш эшитдимми деб ишонмай, сапчиб туриб кетди; йўқ, у янглиш эшитмаганди: Марка-зий Комитет секретарига бундан икки соат муқаддам Фаргона водийсида шайхлар ва уларнинг иғвосига учган селмон томонидан Ҳамза ваҳшиёна ўлдирилганини ха-бар қилаётган эдилар...

Коммунистлар тўппончаларини ёстиқлари остига қўйиб ухлардилар. Бетиним кураш давом этарди. Ўлдирилган комсомол жасади устида аза тутаетганларнинг фарёдлари тинмай туриб, қишлоқда офтобда унниққан комиссарча фуражка кийган ёки сочи қиртишлаб олинган бошига чуқ дўппини қўндириб олган агитпроп жангчиси пайдо бўларди. У биринчи беш йиллик, трактор ва колхоз тўғрисида, ўша унутилмас давр, зарбдор, дея аниқ ном топиб берган одамлар ҳақида сўзлаб берарди. У муҳтарам отахонларни хат-савод ўрганнишга чақирар, аёлларни эса паранжини ташлаб, эркин-озод яшашга даъват этарди. Чойхонанинг бир бурчагидан эса душман ялоқхўрининг ёғингани эшитиларди; тоғ сўқмоқларида қўшни қишлоққа кетаётган ўртоқ қизил агитаторнинг оти туёқлари остига гумбурлаб тошлар юмаларди. У тунаб қолган қишлоқ совети биноси атрофида туни билан ёвуз ниятли шарпалар изғиб чиқишарди. Янги турмуш душманлари асло тиниб-тинчимасдилар. Барча ўлимга маҳкум нусхалар сингари улар террор — қотилликка умид боғлардилар. Барча ҳалокатга маҳкумлар сингари улар террор қарши лагерда фақат бирдамлик тугдиражаги ҳамда сафларнинг ўсишига олиб келажагини тушуна олмасдилар.

Усмон Юсуповнинг синглиси Назира партия ходими бўлди. 1929 йили Тошкентда партия курсларини битиргач, у Қовунчига қайтди ва райком партиянинг аёллар билан ишлаш бўлимининг мудири қилиб тайинланди. Акасига жуда ўхшаб кетадиган кулча юзли, қора қош қиз нафақат мушкул, шунингдек, хатарли ишга киришди.

1929 йилда хотин-қизлар бўлими мудирлиги лавозими сусткашлик, пайсалга солишни кўтармасди. Ўзининг партиявий бурчи-вазифасига биноан қадимдан энг ашаддий ислом фидойилари уяси бўлиб келган келган райондаги дугоналарини озодликка олиб чиқиш ишига бошчилик қилган Назира Юсупова ҳам худди шундай қилди. Кези келганда шу нарсани яна бир карра қайд қилиб ўтмоқ лозимким, Шарқ аёлининг аҳволи ўрта аср рицарлик замонасидан эъзозланиб келинган (бу эҳтиромнинг акси садоси ҳали сўниб улгурмаган) европалик хонимларнинггина эмас, шунингдек, Горькийнинг яқингинада талайгина волгалик забардаст эркакларни шохидан бураб ўйнатиб юрган Васса Железнова, унгача эса навбати билан ҳукмдорлик қилган Екатерина ва Елизаветлар, темирчи Вакулани ўз инжиқлигини адо этиб

шоҳона кавуш келтириш учун олис Питерга сафар қилишга мажбур этган сулув Параса каби россиялик аёлларнинг аҳволдан тамоман фарқ қиларди. Турган гапки, рус аёллари ҳам оилавий машаққатлар, арақхўр эрнинг муштлашларидан соқит эмасди, аммо, шунга қарамай, кўпинча хўжалик ва эри измини ўз қўлида ушлаган рус аёлининг қисмати ўзбек аёли наздида бамисоли эртақдагидек, инсон қадр-қимматига муносиб турмуш тарзи бўлиб туюлиши мумкин эди.

Ўзбек аёлларининг ҳаёти, аниқроғи эса, тирикчилиги, уларнинг жамиятда тугган ўрни шак келтириб бўлмайдиган шарият ақидаларига асосланган эди. Улардан бирини мисол келтирамиз. Қуръоннинг тўртинчи—«Хотинлар»—сурасининг ўттиз саккизинчи оятида шундай дейилган: «Эрлар хотинлардан юқори турадилар, зеро тангри уларга ожизалардан устун туришни эҳсон этган, чунки улар ўз давлатлари билан заифаларни боқадилар... Ўз қайсарлик қусури билан хавфли бўлганларнинг ақлини киритиб қўйинглар, уларни тўшагингиздан қувинг, ундайларни калтаклаб туринг».

Бу бир қадар сипо-вазминона ақидада ана шундай дея таъкидланарди. Амалда эса «ақлини киритиб, калтаклаб туринг» дейилган тавсия мана бундай адо этиларди: 1842 йили амир Насруллоининг амрига биноан Нодирабегим олти боласи билан тигдан ўтказилганди. Унга ғазал битишни маи этмоқчи бўлганлар, аммо у, ўша қуръон тили билан айтганда, қайсарлигини қўймаган эди.

От бозорларида жарчилар овозларини барала қўйиб, бунинг устига заррача парво қилмай: «Ҳой мусулмонлар, эшитмадим деманглар! Туянинг нархи тушиб, таассуфки, хотинларнинг нархи ошиб кетди!» қабiliда жар солардилар.

Хийла кейинроқ, революциядан сўнгги йил воқеаларидан мисол келтирамиз. Йирик партия арбоби Лидия Августовна Отмар-Штейннинг хотирлашича, у 1921 йилнинг кузагида бозорга кетаётиб тасодифан ҳамкасби билан учрашиб қолади. Бир-икки оғиз гаплашиб, ажралишиб кетишади. Ҳеч қанча вақт ўтмаёқ Лидия Августовнанинг изида милиция формасидаги икки отлиқ пайдо бўлади. Улар Лидия Августовнага кўчада эркак киши билан гаплашгани учун ҳибсга олинишини айтадилар.

Яна бир мисол. Йигирманчи йилларнинг бошларида Фаргона водийсига ёшгина аёл—«Известия»нинг мух-

бири келади. Наманган шаҳри вокзалида сал бўлмаса оқибати фожеа билан тугаётган воқеа юз беради. У бозордан аёллар либоси, сочга қадаладиган безакли кумуш тақинчоқ, узук ва билагузакларни сотиб олади. Вагонга қайтгач, сочини кокил қилиб ўриб, ўзбекча кўйлақни кийиб, ясашиб-тусанади-да, куёу деразасидан ташқарига қарайди. Шу ондаёқ шовқин кўтарилади, бир тўда эркаклар тўпланишиб олиб, унга ўзбекчалаб алланималар деб ўдагайлай бошлайдилар. Афтилари, мушт дўлайишлари яхшиликдан дарак бермасди. Маълум бўлишича эркаклар муҳбирни маҳаллий аёл, у паранжини ташлабгина қолмай, устига-устак Фаргонадан қочиб кетмоқчи, деб ўйлаган эканлар.

Бу ҳодисанинг бирмунча кулгили жиҳати ҳам бор, аммо худди ўша купи Асака қишлоғида қотиллик содир бўлган эди. Бир аёлни паранжини ташлагани учун эри чавақлаб ташлаганди. Бу ягона ҳодиса эмасди...

1929 йилнинг биринчи ярмининг ўзидаёқ Ўзбекистонда хотин-қизларнинг озодликка чиқиши билан боғлиқ бўлган 226 қотиллик қайд қилинганди. Олтириқда муаллима Сотилгановани ўз акаси ўлдирганди. Избосган районида Шўро депутати, делегат Тўхтабиби Болтаева мутаассиблар қурбони бўлган эди.

Бироқ эндиликда узундан-узун қурбон бўлганлар рўйхатида аёлларнинг номлари билан эркакларнинг номлари ҳам пайдо бўла бошлади: «Шофриконда хотин-қизларни озодликка чиқариш бўйича вакил Ҳадича Ғойипова ва унинг эри». Қовунчида (Назира Юсупова айнан шу ерга партия ишга юборилган эди) икки нафар паранжи ташлаган аёл билан бирга уларни ҳимоя қилмоқчи бўлган партиячейка котиби Ғознхонов ўлдирилган.

Хотин-қизлар шаънига иснод бўлиб тушувчи ҳамда уларни камситувчи тутқунликка, асрий хурофоту бидъатларга қарши кураш туб моҳияти билан феодал турмуши тарзини емиришга олиб боровчи инқилобий жараён эди.

«Ҳужум шиори 1926 йили, хотин-қизлар орасида ишловчи ходимларнинг учинчи Ўрта Осиё йиғилишида ўртага ташланган эди. Хотин-қизлар тутқунлигига қарши кенг кўламда оммавий ҳужумга ўтиш ҳақида биринчи бўлиб ВКП(б) Ўрта Осиё бюросининг раиси И. А. Зеленский сўзлаганди. Бироқ бу ҳаракат хийла аввалроқ, социалистик революция ғалабасидан кейиноқ бошланган эди. Тошкентда, 1920 йили Луначарский номи-

даги уйда Умум Туркистон хотин-қизлари съезди очилган кун и деворда: «Мусулмон аёл билан рус ишчи аёлининг баҳамжиҳат ишлашларигина турмушни янги-ча асосларда яхши изга солиб юборишга ёрдам бера олади» деган, нотекис ҳарфлар билан ёзилган шиор қисғилиқ турарди. Сарнойчан оёқларига тўзиган кавуш ва чорик кийган делегат аёллар минбарга чиқишарди. Булар: ўзбек аёллари Жаҳон Обидова, Тожиҳон Шодиева, рус аёллари Ольга Попова, Анна Аксентович (дарвоқе, у маҳаллий тилларни жуда яхши билар эди). Съездда Туркистон fronti қўмондони М. В. Фрунзе путқ сўзлайди. «Иқтисодий вайроналикка қарши курашни эркаклар хотин-қизларнинг ёрдамисиз уддалаёлмайдилар», деганди у. Бу ерда, ана шу юксак минбардан Шарқ аёлининг теги ҳуқуқли социализм қурувчиси экани яна бир бор янгради. 1917 йилдан партия аъзоси, контрреволюциячилар томонидан отилган тошкентлик комиссарнинг хотини Ида Исааковна Финкельштейн йиғилганларга россиялик дугоналарининг (яқинда ўша ёққа бориб келган эди) қаҳрамонона ишлари: уларнинг очлик ва муҳтожликни енгиб, янги ҳаёт қураётган Петроград ишчи аёллари, Вятка губерняси деҳқон аёллари ҳақида сўзлаб беради.

Съезд ишлаб турган куиларда ўзбек делегатларидан беш аёл паранжи-чачвонни ташлайди.

Улуғвор синфий бирдамлик туйғуси европалик коммунист аёлларни ҳамиша омма орасига етакларди. Улар туб маънода маърифат тарқатиб, ўзларининг мазлум дугоналарига оламни тақдирдилар. Бу иш барча тусдаги эзувчи-золимлар учун қанчалик таҳдид солишини биринчилар қаторида фаҳмлаган одам (бунинг ҳеч қандай ажабланидиган жойи йўқ) Туркистонда «ҳарбий дипломатик миссия»ни бошқарган маълуму машҳур инглиз разведкачиси Ф. Бейли бўлди. Унинг қалами ички бир эътироз билан қуйидагиларни ёзишга мажбур бўлганди: «Мен Эски шаҳарда хотин-қизлар ва болалар орасида бизга қарши иш олиб борган Финкельштейндан ҳаммадан кўра кўпроқ қўрқардим»¹.

Маркс ва Ленин таърифлаганидек, тамоман ички қонунларга мувофиқ ҳолда революцион жараён аста-секин ривожланиб бориб, шарт-шароит туғилиши билан портловга — «ҳужум»га олиб келди. Ана шунда бу ҳамла

¹ Baily F. Mission to Tashkent. London, 1946, p. 74.

қудратли баҳор тошқинидай йўлдаги жамики ғову тўсиқларни (улар эса озмунча эмасди) ювиб-супуриб ташлади.

Тўсқинчилик ҳам актив, ҳам пасив қиёфада намоён бўлди. Улардан қай бири ёмонроқ эканини айтиш мушкул.

Дабдабали ҳамда шарққа хос тарзда мутаассибона услубда ёзилиб, қишлоқлардан биридаги эркагу аёл активлар номига жўнатишган бир хатда шундай дейилганди:

«Бағоят зудлик ила, якшанба куни етиб борғай.

Эркагу ожиза бир даврада бўлиб, аҳли мўминларни ғоятда ранжитяпсизлар. Иншооллоҳ, токи рамазон ҳайитигача ҳузурларингизга етиб борғумиздир. Сиз нокаслар, ожизалар бирла муаллималарни жазо кутади: сизларни тириклайин ерга кўмурмиз, қўлларингни, тилларингни кесиб, жасадларингни дарёга улоқтирурмиз.

Биз 80 нафармиз. Башартки огоҳлантирувимизга қулоқ осмайдургон бўлсанглар, ўзларингга ўзларинг ўлим тилаб олган бўлурсизлар».

Бундай таҳдидлар қоғозда қолиб кетмаслиги аллақачон қайд этилганди.

Мана, Юсуповнинг синглиси Назира бошчилик қилган Янгийўл район хотин-қизлар бўлимига 35 аёл номидан тушган ариза: «Маҳаллий дўкондор бизга ҳеч қандай мол сотмаяпти, бунинг устига очилганимиз учун бизни ҳақорат қилди. Биз милиция бошлиғига арзнома ёзгандик, у бўлса: «Биз дўкондорнинг ишларига аралашолмаймиз, ҳақорат қилганига келганда эса гувоҳлар керак», деб жавоб қилди».

У кишига 35 аёлнинг аризаси камлик қилганини қаранг-а!

Баъзан прокурорлар хотин-қизлар озодлигига қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ ишларни тўхтатиб қўйган ҳоллар ҳам бўлган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети хотин-қизлар бўлимлари таклифи билан паранжи ташлаган аёлларни муҳофаза қилиш тўғрисида махсус қарор қабул қилади. Унда бу масалага боғлиқ ишларни навбатдан ташқари кўриб чиқиш, «ҳужум» кампаниясига актив ёхуд пасив қаршилик кўрсатганларни қатъий жавобгарликка тортиш талаб қилинади.

Ушбу чинакам революцион руҳдаги кескин қаровни амалда татбиқ этилишида Усмон Юсупов шахсан жон-

бозлик кўрсатди. Кундалик ҳаётда бу қарорни унинг сингиси, район хотин-қизлар бўлимининг мудираси Назира амалга оширарди.

У ўздан тўрт ёш катта акасига фақат ташқи қиёфаси билангина эмас, феъл-атвори билан ҳам жуда-жуда ўхшаб кетарди. Чеҳрасидан табассум аримас, чаққон, серғайрат, ишга чанқоқ, аммо босиқ эди, узун соч ўримларини дўпписи остига қистираётганида ҳам, отга минаяётганида ҳам аниқ ҳаракат қиларди. Ун тўрт ёшида, юқорида айтилган пахта тозалаш заводида қоп тикарди. Арзимаган пул оларди, бироқ, бахтиёр эди, зотан у ҳар бир янгилик акси садо берадиган коллектив, ишчи аҳли орасида эди. У саводсизликни битириш курсларига киради, кўп ўтмай русчани ўрганади, бироқ Назира ва она халқи учун чинакам дорилфунун даврининг ўзи бўлди. Йигирма ёшида партияга кирди. Бирваракайига ҳам цехдаги, ҳам партиявий иш каби оғир вазифани адо этиш учун беқиёс куч, сабр-матонат, олий эътиқод ва инқилоб жангчиси таланти таркиб топган талайгина хислату фазилатлар зарур эди. Назира аввал-бошданоқ хотин-қизлар билан ишлаш бўлими активистига айланди: у ва онаси бундан хийла аввалроқ, Янгийўл районида биринчи бўлиб паранжи ташлаганди. Ўшанда биринчи учратган кишиси, эндиgina мурти ниш ура бошлаган йигитчанинг оғзидан(кейинчалик қулоғи худди саломлашувдек кўникиб кетган): «Сочининг сиртмоқ қилиб, дастлаб учраган дарахтга осамиз», деган дағдагани эшитган эди. Дугоналари ишдан кейин Назирани кузатиб қўйишни зиммаларига олгандилар, шунда ҳам кўпинча орқаларидан тош отиш ҳоллари бўлиб турарди.

Назира бўш келмади, ҳадемай уни хўмрайганча, ерга туфлаб (рост, шунда ҳам ҳадиксираб) кузатиб қоладиган бўлдилар. Негаки, Назиранинг акаси Усмон ва унинг ўртоқлари юраксиз йигитлардан эмаслигини билардилар. Бунинг ўстига минг йиллар давомида қарор топган турмуш тарзи, таомилнинг нега бундай тўсатдан емирила бошлаганини барчалари тасаввур этолмас, бу нарса уларни ҳам ҳайратга солар, ҳам чўчитарди. Усмоннинг эркак одам, ака сифатида, шариат буюрганидек то эгаси (эри) қўлига топширгунича сингисининг ор-номусини сақлаш, уни қўриқлаб юриш бурчи бўла туриб бундай шармандаликка чидаши бир ёқда турсин, ҳатто маъқуллаши, Назира билан онасини ҳам ўзга кўзлардан, ҳам тифдан асраш учун кўксини қалқон қилишга тайёрлиги-

ни айтмайсизми. Бу жангга, курашга даъват эди, шу бонддан ҳам теварак-агрофдагиларнинг қаринлиги оғзаки эътироз билангина чекланиб қолмасди.

Юсуповлар оиласи олдинги сафлардаги оилалардан бири эди, бу оиладан омма намуна олди, унга эргашди.

Жазирама пасаяр-пасаймас Ниёзбоши қишлоғининг сертупроқ, майдонида ҳамма эркаклар тўпланди. (Товонлари торе-торе ёрилиб кетган оёқ яланг болалар олдинроқ: қишлоқ шўросига райондан вакиллар келишибди, янги турмуш ҳақида гапириб беришар экан, деган хабарни тарқатишганди қишлоқ бўйлаб.)

Ажиндор чеҳраларида хотиржамлик акс этиб турган нуроний оқсоқоллар чойхонанинг шалоқ чорпояларидан жой олдилар. Ёшроқ деҳқонлар қошларини чимпириб, оёқлари остига тикилган кўйи уларнинг орқасида турардилар. Улардан хийла нарида йигитлар тўплангандилар. Улар дам-бадам ёрилиб-ёрилиб кетган клеёнка қопланган қишлоқ шўроси эшигига қараб-қараб қўярдилар. Эшик очилиб, ичкаридан олдинда шўро ранси оқсоқланиб, кетидан кенг кўйлак кийган аёл киши чиқиб келганида оломон узра ғовур эпкини сузиб ўтди. Огзи катта, қорачадан келган аёл эркакларга очик юз билан, мулоим жилмайиб боқарди.

— Ҳамқишлоқлар, ҳозир райком вакиласи ўртоқ Назира Юсупованинг сўзини эшитамиз!— қичқириб деди раис.

— Тулпорга совлиқни тенглаштиргандай бўлди-ку, ўртоқ эмиш-а!— орқадагилардан кимдир луқма ташлади истеҳзоли оҳангда. Йигитлар тўдасида пиқиллаган кулги овозлари эшитилди.

— Жим бўл, Юнус бойвачча!— деди раис.— Одамларин бошини айлантирма. Худди Совет ҳокимияти олдида ҳамма: эркаклар ҳам, аёллар ҳам баб-баравар эканини билмайдиганга ўхшайсан-а.

— Ана,— орқадагилардан яна бири шеригини қувватлагандай бўлди.— Ҳув ана, набиранг йиғлаяпти. Унга кўкрак бериб овутсанг бўлармиди!

Энди камбағаллар ғазаб-ла шовқин солишди, бу ганин айтган одамга ўғирлиб қарай бошлашди, кимдир чайир қўлини кўғариб, мушт ўқғалиб қўйди.

Назира додираб қолган шўро рансини четлатиб, зинаюя четига келди Йўқ, у хафа бўлмади, жаҳли ҳам чиқмади. Ҳозир Ниёзбошида содир бўлаётган манзара-

га кўникиб қолганди. Навбатдаги жанг бошланаётган эди ва Назира Юсупова тажрибали жангчи сингари ўлишувга шайланиб, янада дадиллашди, холос. У коллектив хўжалик тўғрисида сўзлай бошлади. Унда илк ўзбек колхозлари ҳаётидан рақамлар ва фактлар бор эди. У шуларни айтди, деҳқонлар баҳамжиҳат меҳнат, ўзаро ёрдамлашиш самараларидаи баҳраманд бўлган қишлоқлар тўғрисида: болаларнинг тўқлиги, насия (кредит)га бериладиган чит, ўз мактаблари борлиги, трактор тўғрисида ҳикоя қилиб берди. Кейин амалда одам ўрнида тан олинган ўзбек аёллари ҳақида гапирди.

Бир неча ўнлаб эркакларнинг кўзига тик боқиб, вазмиplik ва ўз кучига қатъий ишонч билан сўзлаётган бу аёлнинг нутқи сеҳрлаб қўяр, ҳар битта сўзига ишонч уйғотарди.

Бояги муҳолиф овоз яна Назиранинг нутқини бузишга уриниб кўрди, бироқ энди унинг оғзига урдилар.

... Қош қорайган паллада унинг йўлнини пойладилар. Олти эркак Назирани ўраб олпшди; Назирани тепкилашди, бўғишди. Қочиб қолиш олдидаи улардан энг қўрқоги аллақачон жон асари қолмаган тапасига устмасуст пичоқ санчди. Унинг қизи Қундуз ўша купдан эътиборан Усмон Юсуповнинг қизи бўлиб қолди.

Уша 1929 йилнинг ёзида Усмон Юсупов Юлия Леонидовна (Логвиновна) Степаненкога уйланди. Шу нарса аён эдики, шариат ғайри дин фарзандлари никоҳини ман этибгина қолмасди, балки буни бориб турган шаккоклик ҳисобларди. Шариат йўлидан озган одам таъқиб остига олинарди. Эски Туркистонда, масалан, рус қизига уйланиш мусулмончилик одоб-ахлоқининг беҳисоб муриду мухлисларига ошкора равишда уруш эълон қилиш дегани эди. Кўплаб ошнқ-маъшуқларни бахтдан маҳрум этган бу бемаъни одатга қарши биринчи бош кўтарганлардан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий экани диққатга сазовордир. У дўзах азобига ишонмасди, бу дунёдаги таҳдиду пўписаларни писанд қилмади ва Аксинья Уваровага уйланди. Бундан дарғазаб бўлган дин пешволари барчани Ҳамзага қарши оёққа турғаздилар. Она юртида яшаш у ва рус хотини учун чидаб бўлмас даражага етди. Ниҳоят, Аксиньяни қутқариб қолиш мақсадида уни Россияга жўнатиб юборишга, кўп ўтмай эса ўзи Қўқонни ташлаб кетишга, Туркистонга яна қайтгунича эса бир неча йил Ҳиндистон ва Арабистонда кезиб юришга мажбур бўлди.

Революция дарҳол инсон эркинлигини чегараловчи бемаъни чеклашларни бекор қилди, шу жумладан ҳозир сўз юритилаётган сарқитни ҳам. Дин ҳукмронлигининг умри тугади, бироқ шу нарса кўпдан аёнки, революция баррикадаларда эмас, одамлар психологиясида, ахлоқ-одоб, расму одат бобида узил-кесил ғалабага эришади. Ўзбекистонда бундай ғалабага эришилгунича (1929 йил шундай эди) ҳали анча вақт бор эди.

Жадал ҳаёт оқимидан ортда қолган мулоҳазаю қарашлар Усмон Юсуповни заррача чеклаб қўя олмади дейиш мутлақо ортиқчадир. Марказий Комитет секретари сифатида у булар билан ҳисоблашмай иложин йўқ эди ва бу жабҳада ҳам шахсий ўрнатилган кўрсатиш билан янги ижтимоий ахлоқ нормалари тантанасини таъкидлаш имкони туғилганидан хурсанд эди. Бундай ҳолларда одатда бериладиган (дарвоқе, унга бундай савол беришга журъат этолмасдилар): «Одамлар нима дейди?» — қабилидаги саволга балки: «Советлар замонида уйланмоқ учун фақат севги кераклигига ишонч ҳосил қилдик, шундоқ экан, яна бир бор: «Яшасин Совет ҳокимияти!» — дейишади, холос», деб жавоб берган бўлармиди.

У ошкора ва яширинча миллатчилар, ислом билан социализмни муросага келтириш умидида ширин ҳаёл суриб юрганларга огизда эмас, амалда, ўзининг ҳар бир босган қадами, ҳар бир ҳаракати билан зарба берарди.

«Ишқилиб, севги бўлса бас...»

Севги бор эди.

У қисмат деган тушунчага ҳеч қачон жиддий қарамаган эди, илло, шунга қарамай гоҳо-гоҳо ҳайрат ва ҳаяжон билан, қизариб, кўзларида шубҳасиз ҳазил учқунлари милтиллаб, бундай деб қоларди:

— Отанг, Юлия, ақлли одам, худо ҳаққи! Шартта кўзғалган-у, сени Украинадан бу ёққа олиб келаверган. Агар у шундай қилмаганида, мен сўққабош етнмчадай бўлиб қолаверармидим.

Юлиянинг отаси Логвин Степаненконинг қисматида эса замон яққол акс этиб турарди. Бу қисмат яқинроқдан танишишга арзигундек.

Харьков аср бошида ҳозиргидек катта эмасди, шу сабабли бақувват, қўйкўз Логвин деган йигитчани кўпчилик биларди. Ҳатто лақабу исмларга бой Украинадек жойда ҳам кам учрайдиган ном. Логвин қўли гул дурадгор эди, шундай оғир дамларда, ёши йигирмадан сал

ошганида, пул топиш ниятида хотини ва жажжи қиза-
лоғи Юлияни олиб, кўрмаган-билмаган жойи— Тошкент-
га отланди...

Логвин каттакон кафтини Василисанинг кифтига қўйганича, унинг Юлияга қайнаган сувда ивитилган қоқ
нонни едиришини кузатаркан, ҳечқиси йўқ, сабр қилинг-
лар, азизларим, тезда ҳаммаси жойига тушиб кетади,
дея такрорларди. Бироқ Янги шаҳарнинг икки бетида
оппоқ қилиб оқланган, олдида богчаси бор, атрофи
текис қилиб қирқилган кўкат деворлар билан қуршал-
ган уй-ҳовлилар саф тортган соя-салқин, кенг кўчалари-
да бир-икки ҳафталаб сарсон бўлиб юришга тўғри кел-
ди. Ҳовлиларда, ток сўрилари соясидаги ровону
айвончаларда ўзига тўқ уй эгалари: мустамлака
маъмуриятининг кўплаб маҳкамаю бошқармаларида
хизмат қилувчи амалдорлар, ҳарбийлар, гимназия
ўқитувчилари танноз хотинларию болалари билан сав-
лат тўкиб ўтишарди. Бу ерга кўникиб қолганларнинг
қулоғига ғалати эшитилувчи ўзгача талаффуз билан
сўзловчи бу қўйкўз ялангоёқ дурадгорнинг хизматига
уларда камдан-кам эҳтиёж туғиларди. Тошкентда кў-
пинча деярли сув текинга хизматларини қилиб беради-
ган ишчилар шундоқ ҳам етарли эди. Логвин кечқурун
вокзалга, одатланилмаган жазирама иссиқда тинкаси
қуриган оиласи ёнига қайтар, асбоб-ускуналари солин-
ган яшикни ҳорғинлик билан ерга қўярди-да, қаршисида
ўзи айбсиз айбдор бўлиб қолган Василиса ва қизига
тескари қараб, индамай ўтирарди.

У ўз-ўзидан Янги шаҳарнинг бедор миршаблар
кузатувидаги соя-салқин, осойишта кўчаларидан иш
излашни бас қилиб, шу ердаги, станциядаги юк ташув-
чилар артелига келиб қолди. Кифтига тер ҳиди анқиб
турган қалин ёлчиникини ташлаб, белини титилган арқон
билан боғлаб олган қадди букик, саботли, чайир киши-
лар рақибларни хушламасдилар, аммо Логвин уларни
азал-абаддан эркаклар орасида эҳтирому тахсинга
лойиқ бўлиб келган бир нарса— кучи ва абжирлиги
билан ром этди.

У платформадан берироқда тўрт эркакнинг авайлаб
чипта билан ўралган пианинони кўтариб, аравага ор-
тишга уринаётганларини кузатиб турарди. Юк ташувчи-
лар бараварига ҳаракат қилишмас, бир-бировларига
халал бераётган эдилар. Шунда Логвиннинг ғайрати
қўзиб кетди.

— Қани, йигитлар, мен бир уриниб кўрай-чи,— деди у, кифти билан уларни нари сурди-да, чапдаст ҳаракат қилиб пианинони арқон билан боғлаб, орқалади-ю, гарчи осонгина бўлмаса ҳамки, атрофдагиларни дол қолдириб бир ўзи кўтариб кетди. Подшо газабига учраган деорялар авлоди Оболенскийларнинг намояндаси бўлиб, ҳали қомати тик, Туркистон қуёшида туси қорайган ёполетли мундир кийган эллик ёшлардаги киши (пианино эгаси) ҳайратга тушиб, мамнун илжайиб турарди.

Оболенский хўрсиниб ва кулги аралаш Некрасовнинг Русь ўлкаси, унинг битмас-туғаммас куч-қудрати тарафларини сатрларини ёдлаб ўқиди-да, Логвинга кумуш сўлкавой тутқазди.

Логвин Степаненко станцияга кўнииб кетди. Ҳаёт денгизи илиқ-иссиққина Тошкент «кўрфазига» гоҳ вази-фасидан маҳрум бўлган семинаристни, гоҳ ичкиликка ружу қўйган, тили аччиғу оқил амалдорни, гоҳ туби икки қават қутисининг остига муаллифи Ленин деб ёзилган сарғайиб кетган брошюрачалар яширилган камсуқум мастеровойни суриб келмайдиган кун йўқ эди деса бўлади. Логвин ана шундай оққўнғил ўқитувчилардан ўқишни ўрганди ва турмушнинг пасту баландини англай бошлади.

Тезоқар бўғана сувли Салор бўйларида ва Госпиталя бозори атрофида «шанхай» деб аталувчи ярим ертўла кўлбалар бўларди. Логвин шундай кўлбалардан ости қоқ ёр, шифти паст бир ҳужрани ижарага олди (ўрнидан турганида боши ярим чирган қамишга тегарди.) Уша ҳужрада, 1911 йили иккинчи қизи дунёга келди, унга Полина деб исм қўйдилар. Степаненко бу пайтларга келиб, кўплаб қашшоқ қўшнилари ҳасад билан айтганларидек, одам бўлиб қолганди. Ишлаб чарчамаслиги, ёлчилу чапдастлиги туфайли уни проводникликка олгандилар.

Кечаси овлоқ Орол денгизи станциясида қарши поездни кутиб турганларида, кўзи хира телеграфчининг мудроқ босган, лекин дарҳол сергакланган бекат навбатчисига Петроградда революция бўлганини, подшо тахтидан воз кечганини, Россия республика деб эълон қилинганини гапириб бераётганини эшитиб қолди. Хушхабар етиб келганди-ю, лекин ғалаба ҳали олисда эди. Логвин йўлдан қайтганидан кейин кўп ўтмай Тошкентда ишчи ва солдат ўлка Советларининг I съезди бўлди.

Улка Советини асосан меньшевик ва эсерлар эгаллаб олдилар. Улар ўзларининг Керенский Муваққат ҳукуматиға солиқ эканликларини эълон қилдилар. Керенский собиқ тошкентлик адвокат эди. Логвин унинг Хўжанд кўчаси яқинидаги ҳашамдор ёштин уйини биларди, кейинроқ, Александр Фёдоровични Россиянинг янги ҳукмдори деб гапира бошлаганларида, у бир вақтлар вагонидagi йўловчилар орасида турқи совуқ, калондимоғ, маллатоб қаттиқ сочи кирпи тиканидек тишпа-тик қилиб қирқтирилган одам ҳам бўлганини эслади. Унинг силкиниб бораётган энсизгина вагон ниллапояси майдончасида, матбосиз кўзлари билан ҳазин қозоқ даштларини қандай томоша қилиб кетаётганини Логвин худди ҳозир ҳам кўриб тургандай эди. «Эҳ, билганимдами... Ана унда туртиб юборсам бас эди— заҳматкаш халқ бахтиға гилдирак тағида қоларди-я...»

Бироқ ўттиз яшар тошкентлик темирйўлчи Логвин Степаненкоинг эндиликда Керенский эмас, балки буржуазия ҳокимиятини ағдариш лозим эканлигини тушуниб етадиган бўлиб қолганди.

Тошкентда, бутун Туркистон ўлкасида меҳнаткашларнинг ҳам руслар, ҳам маҳаллий камбағалларнинг оммавий ташкилотлари вужудға кела бошлади. Ёзда ўзбек қурувчи-ишчиларнинг касаба союзи тузилган эди. Унга биринчи ўзбек инқилобчилари С. Қосимхўжев ва О. Бобожоновлар бошчилик қилишарди. Самарқандда тикувчилар, Андижонда кўнчилар бир иттифоққа уюшдилар. Чор ҳукумати томонидан фронт орти ишлари— мардикорликка олинганлар уйларига қайтгач, «Мусулмон ишчи депутатлари шўроси»ни туздилар. Ўша пайтларда, 1917 йилнинг июнида Қўқонда «Ислом Меҳнаткашлари Иттифоқи» ташкил топганди. Бу иттифоқ билан Е. А. Бабушкиннинг ўзи шуғулланган ва унда большевиклар таъсири мустаҳкамланишиға эришган эди. Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқининг фаол арбоблари— Ю. Маткаримов, У. Шукуров, А. Мирпўлатов— большевиклар партиясига кирган дастлабки ўзбеклардандирлар.

1917 йил сентябрида, ҳаво чарақлаб очилиб турган кунларининг бирида, Александр боғида ишчилар, солдатлар тўпландилар. Ана шуида ҳаяжонланган бу оломон орасида қораматгиздан келган, дўппи кийган кишиларни кўрганида Логвин Степаненко (у ҳам шу ерда, темирйўлчилар тўдасида эди) қувониб кетди. Митингда хўжа-

ликдаги бузғунлик устидагина эмас, балки кўпроқ меҳнаткаш халқни иш ва нон билан таъминлаш устида сўз боргани учун ҳам мунозара қизиб кетганди; кўпчилик ҳали ҳақиқат ким томонда эканини, кимга эргашишни билмасди. Эсерларнинг ҳам, меньшевикларнинг ҳам ва ҳатто анархистларнинг ҳам ўртага ташлаган шиорлари ўзига жалб этадиган, қизиқтирадиган эди. Ҳар қалай митингда сайланган ревкомга беш нафар большевик (эсерлар ҳам шунча эди) кирди, ижро органидаги ўринларнинг эса учдан бири большевикларга тегди. Кейин большевиклар резолюцияси маъқулланди. Унда «ишчи ва солдатлар манфаатларини ҳимоя қилмай, буржуазия партиялари билан муросасозлик сиёсатини олиб бораётган ўлка Советининг фаолиятига қарши» қатъий норозилик баён этилганди¹.

Керенский ўзи нафақат сентиментал хотиротлар билангина боғлиқ бўлган ўлкада (агар Ҳиндистон Англия тоғидаги жавоҳир бўлса, Туркистон, шубҳасиз, Россия учун шундай эди) ҳукмронликни сақлаб қолиш учун Тошкентга генерал Коровиченко бошчилигидаги жазо экспедициясини жўнатди. Генерал фақат қуролигагина таяниб эмас, айни чоғда Эски ва Янги шаҳар ўртасидаги ихтилоф, ҳатто низога умид боғлаб иш кўрди. У шундоқ ҳам маҳаллий ҳамда рус пролетариатининг бир ёқадан бош чиқариши қанчалик хатарли эканини пайқаган мусулмон зодагонларининг кўзини очмоқлик учун озмунча куч сарфламади. Бойлар, муллалар ўз ялоқхўрлари билан биргаликда дўқ-пўписа, бўҳтон, ҳийла-найранг ишлатишга ўтдилар, сўнгра эса, ожизлик оstonасига келиб қолган ноҳақ кишилар одатнча, пичоғу яроқни ишга солдилар. Аммо камбағал ўзбек меҳнаткашлари адолат ким томонида эканини қалбан аллақачон пайқаб олгандилар.

Тошкентнинг қоқ марказида, курант ёнида, жанговар Қизил Байроқ ордени тасвири тушурилган мармар ёдгорлик ўрнатилган. Бу орден — питерлик ишчилар ортидан Муваққат ҳукуматга қарши жангга кўтарилган ўзбеклар пойтахти пролетарларига берилган мукофотдир.

Генерал Коровиченконинг казак ва юнкерлари «ишчилар қалъаси» — темир йўл устахоналарига жон-жаҳд-

¹ «Туркестанские ведомости», 1917, 19 сентябрь.

лари билан беҳуда ҳужум қилдилар. Ўзларининг аъло даражада таълим олган ва ғоятда яхши қурулланган одамларнинг қора халқ қаршичилигини бука олмаётгани офицерларни баттар қутуртирарди. Қўксини қалқон қилиб курашаётганлар орасида проводниклар отрядининг етакчиси — Логвин Степаненко ҳам бор эди. «Ишчилар қалъасига» ўзбек меҳнаткашларининг дружинаси мададга етиб келганида дўстлари қатори у ҳам чексиз қувонди.

Ҳамлага бардош берилгач, большевиклар халқни ҳужумга бошладилар. 1 ноябрда ҳарбий қаъла — душманининг сўнгги таянчи таслим бўлди. Тошкентдаги қурулли қўзғолон ғалаба қозонди.

Ноябрь кечалари аёзли ва нам эди, бироқ Степаненконинг оиласи ерда ухларди. Уқдан чўчишарди. Қоронғи, зим-зиё кўчаларда фитначи, ғаламислар тўдалари изғиб юрарди. Ишчи кулбаларининг деразаларига қарата ўқ узиш ҳоллари бўлиб турарди. Василиса қизларининг шамоллаб қолишидан чўчиб, камбағаллик ода-тича «бир кунимга яраб қолар» деб сақлаб келган латта-путталарининг барини ерга тўшарди. Худога шукур, Логвин уйга соғ-саломат қайтди, лекин жуда ташвишли қиёфада: унинг кўзи ўнгида дўсти Холявкони ўлдирдилар. Ғалабадан кейин панадан отишганди уни.

Логвин қандай жанг қилганларини сўзлаб берди. Эски шаҳарликлар дружинасидаги ўзбек болакайни ҳам эслади. У нимжонгина қўлидаги таёқ билан казакларга ташланибди. «Бекорга ўлиб кетибди»,—деди Василиса. «Йўқ, бекорга эмас,—зарда билан жавоб қилди Логвин.— Бўпти, энди ухланглар».

У илгарилариям: «Ҳали янгича замон келади, ана унда яхши яшаймиз, қизларим», дея такрорлашни ёқтирарди. Мана, ўша айтгани келди. Тузуккина уйга кўчиб ўтишди. Иккала қизи етти йиллик мактабда ўқишарди. Тўнғичи Юлияни синфдошлари яхши кўришар ва ундан чўчишарди; тўғри сўз, дилидагини шартта айтиб қўя қоладиган қиз эди. Шунга қарамай ҳаммалари мулоҳазали гапларини, баҳсларини ечгани унга мурожаат қилишарди. У бошқаларга нисбатангина эмас, ўзига нисбатан ҳам қаттиққўл эди. Деярли шафқатсиз деса ҳам бўлади. Мактабда (фақат номигагина эмас) ўқитувчилик касби бўйича ихтисослаштириш жорий қилинганда у бир неча кун тунд бўлиб юрди-да, охири ўзини бошқа мактабга ўтказишларини сўраб ариза берди.

«Мендан ўқитувчи чиқмайди. Ўзимни ва бошқаларни алдашимни ҳожати йўқ».

Логвин Степаненко — 1919 йили у партияга кирган эди — станция ячейкасининг топшириғи билан бир гал яроқсиз жун ортилган вагон ҳақидаги ишни текширди; бунинг тағида саботаж бўлса керак деган тахмин бор эди, аслида эса бу шунчаки совуққоплик, палапартиш иш қилишнинг оқибати бўлиб чиқди. Ҳақиқатини аниқлаш учун жун қандай сақланаётганини текшириш билангина чегараланиб қолмай, унга қандай ишлов берилаётгани билан ҳам танишиб чиқди. Ана шундан кейин ундаи жун бўйича мутахассис сифатида фойдалана бошладилар ва кўп ўтмай уни Қаласдаги жун ювиш корхонасига бошлиқ, сўнграқ эса жун етказиб бериш бўйича акционерлар жамиятига мудир қилиб тайинладилар. Ана шундай қилиб, жамиятдаги қувончли ўзгаришлар шарофати билан ўзининг ҳаёлига ҳам келмаган қобилияти юзага келиб чиқди...

Оталаридан чўчиб турсалар ҳамки, бола-чақалари аҳил яшашарди. Ўзи оғир-вазмин, лекин гашига тегиб қўйилса, тамом, қочгани жой тополмай қолардилар. Жуда кеч, чарчаб қайтса ҳам кайфияти яхши бўлса — бутун уйда хурсандчилик. Ў сира ҳаёлга келмаган ишларни қиларди. Бир кун гитара кўтариб келиб, Полинага: «Чалишни ўрган», деганди. Полина опасига қараганда қувноқроқ бўлиб, театрға майли бор эди. Оқшомлари Чеховни овоз чиқариб ўқишарди. Дам олиш кунлари тўсатдан қизларини эргаштириб, Воскресенск бозорига жўнардн (ҳозирги опера театри ва фонтан жойлашган жойлар). Уша пайтларда у ердаги бозор майдоцида беҳисоб катта-кичик магазину дўконлар тизилиб кетган эди. Қизларига локланган пошпани туфли танлаб беришни яхши кўрарди. Бундай пайтда пулнинг юзига бормасди. Улар кап-катта бўлиб, бўйларини тенглашиб қолган чоғларида (ҳатто Юлия мактабни битириб, комсомол йўлланмаси билан Воронцова кўчасидаги — Тошкентдаги энг йирик магазиннинг атторлик бўлимига бошлиқ қилиб тайинланган пайтда) ҳам икковларига битта кишилик юбка эди. Степаненколар оиласи умумхалқ тансиқлигига шерик бўлиб, руҳан тушмай, ёрқин келажакка қатъий ишонч билан кўнчилиқ қатори яшарди.

Комсомол қиз Юлия кўплар қатори қалбини банд этган (бусиз ҳаёт пуч бўлиб қоладиган) ғоя — эътиқодга

астойдил содиқ эди. Бичими эркакча жакет кийган, сочи-
ни калта қилиб қирқтирган қизнинг жиддий ва ўткир
нигоҳига юлдузчи Бернарвон урадиган юлғичлар у ёқда
турсин, балки бирор камчил буёмини узундан-узун навбат-
да турган гражданга эмас, ўз жияни ёки тегасига сотиш-
ни ҳеч қандай гуноҳ деб билмайдиган савдо ходимлари
ҳам тоб беролмасдилар.

Уни яхши кўрардилар, зотан замон қапчалик ўзгар-
масин, ҳалоллик ва одамларга садоқат ҳамиша ўз қадр-
қийматини йўқотмайди.

1929 йилнинг майида Юлия Самарқандга комсомол
съездига боради. Музокарада унга ҳам сўз берадилар,
шунда у трестдаги бюрократ ва ҳадиксировчиларни,
лашангу ношудларни, қўли эгриларнинг пустагини қо-
қади. Асосли тарзда, ишбилармонлик билан, лекин ёш-
ларга хос жўшқин, ўрганмаганидан тутила-тутила, қизи-
шиб гапирар, кичкина муштчаси билан минбарни мушт-
лаб қўйганида эса залда ҳатто кулги эшитиларди (таъ-
вали эмас, балки маъқулловчи кулги, албатта). Бу қиз
ниҳоятда самимий ва ўзини кўҳликкина эди. Усмон Юсу-
пов унга худди ана шу ерда эътибор берганди.

Юлия залдаги ўз жойига худди тушдагидай бориб
ўтирди. Энди кимдир сўзлаётган, унга диққат билан
қулоқ солаётган бўлсалар ҳам, Юлиянинг назарида ҳо-
зир ҳамманинг фикри-хаёли ўзи, гапирган нутқи билан
банддай туюларди. Нутқи эса ўз наздида пуч, ишонарсиз
чиққандай эди. Энг асосийсини айтмагандай туюлар ва
бундан изтиробда эди, бироқ танаффус пайтида эгнига
свропача костюм, бошига дўппи кийган қотма йигит
ёнига келиб, кўзлари жилмайиб, у билан Марказий Ко-
митет секретари ўртоқ Юсупов гаплашмоқчи эканини
айтганида Юлия, қизиқ устида ортиқча гапириб юбориб-
ман-да, деб ўйлади.

Юсуповнинг бу тили ботир комсомол қизни йўқлати-
лига фақат атторлик савдоси ишларидан батафсил
сўраб-сурштириш нистагигина сабаб бўлмаганди. Тўғри,
суҳбатлари шундан бошланди. Юсупов Юлияга мутла-
қо юқори мансабдалиги боисидан эмас, балки куч-
гайрати жўш уриб тургани сабабли беқиёс одам бўлиб
кўринди. У кўзлари порлаб, ҳар хил хатти-ҳаракат,
пурмаёно имо-ишоралар билан сўзлар, чопон кийган
йигитлардан кишлоқлари ҳаётини синчковлик, қизқич
билан сурштирар, кекса муаллим билан эҳтиром юза-
сидан қўлини кўксига қўйиб суҳбатлашар эди. Юлия

остона ҳатлаб кириши биланоқ қалин лабларига қувончли кулги ёйилиб, бош ирғаб қўйдн. Яқинлашганида эса Юсупов бир дам жим қолди, сўнгра, одатича съезддан кейин ажойиб Самарқанд шаҳрини томоша қиламиз, деб гапнинг пўсткалласини айтиб қўя қолди. Юлия Степаненко илгари бу шаҳарда бўлмаганди. У пима жавоб қилишини билмай довдираб қолди — камнда танбеҳ олишни кутганди-да, ахир! Лекин Юсупов, бу масала ҳал бўлди деган маънода, уни машина қаерда кутишини айтди.

Танишганларнинг учинчи куни Юлиани Тошкентга кузатаётиб, Юсупов унинг қўлини сўради. Гарчи турмуш тажрибаси ва оқилона мулоҳазага асосланган жиддий тартиб-қоидаларга биноан бир ёстиққа бош қўяётган одамнинг бунчалик қисқа муддат ичда яқиндан билиш мумкин бўлмаса-да, ҳар ҳолда у хато қилмаганди. У Юлианинг феъл-атвори, хулқи ва ҳаётга қарашлари каби асосий жиҳатларини сезиб, найқаб олган ва бу менга зарур аёл, деган қатъий қарорга келганди. Фурсатдан фойдаланиб, орадан ўттиз етти йил ўтиб, сўнгги соатлари етганида, кўраги қисиб, жонни кучсизланиб бораётган тапасини тарк этаётгани учунгина эмас, балки талайгина руҳий сабабларга кўра аҳволи мушкуллашган огир дақиқаларда хотини ёнidan сал жилди дегунича Юсуповнинг: «Юлькани чақиринглар. Юлкасиз қийналяпман, дош беролмайман»,— дея такрорлашгани айтмай бўлармиди. Бу гаплар ҳали олдинда.

Ҳозирча, 1929 йилнинг ёзида эса Усмон Юсупов ҳаяжонланиб, Степаненколариникига телеграмма юборди: она ҳузурига боришга рухсат сўради. Ҳадемай Юсупов йиғирма яшар секретари Сеня Барабаш билан Кафанова кўчасидаги уйга кириб келди.

Шу куни Василиса Петровна тупни бедор ўтказганди. Ҳаммаси қоришиб кетгандай эди: барча оналар одатича у ҳам Юлия эрга тегишга ҳали ёш деб ўйларди; бунинг устига аллақандай тушунарсиз хурофий изтироб: маҳаллий йиғитга тегармиш, атрофларида эса украин оилалари тўлиб ётибди, улар одату таомилларига биноан ўзаро яқинлашишга тиришадилар, апа шу хонадонларнинг ҳар бирида қадди-қомати нақ Юлияга муносиб суқсурдай-суқсурдай ўғлонлар бўлса.

Юлианинг ўзи ҳам ундан кам ҳаяжонланмаётган эди. Оппоқ тонггача Полина билан пичирлашиб чиқишди; ўн саккиз яшар қиздан нима маслаҳат чиқарди дейсиз?

Онаси Усмонга мужмал жавоб қилар, нуқул кўзини олиб қочарди.

— Отаси билади,— деди ниҳоят.

Усмон келган куни кичкинагина, бироқ Василиса Петровна кўнглини очиб юборган, бу шарққа хос боодоб (лекин бақувват, кучли одам экани яққол кўзга ташланиб турган) йигитга нисбатан кўнглини ийдирган бир воқеа содир бўлди. Она хамир қораётган жойидан, ошхонадан туриб:

— Чучук қуймоқни ёқтирасизми ё ачиганрогиними? — деб сўраб қолди.

— Ўртачасини,— деб жавоб берди Усмон.

Бу гап онлада доимий латифа бўлиб қолди.

Логвин Степаненко иш билан Бухорода эди. «Унинг олдига бораман»,— аҳд қилди Усмон. Қизнинг отаси ҳузурига Бухоронинг жазирама ёзида тўсатдан тушган қордек кириб борди. Логвин Степанович:

— Ўзинглар ҳал қилинглар,— деб жавоб қилди.

Хулласи калом, ўзлари ҳал қилишди. Усмон Юсупов августда Юлия, Василиса Петровна, Полинани олиб, поездда Самарқандга жўнади. Тўйга озроққина дўстларини таклиф этишди. Боққа жой қилинган эди. Кечки қуёш нурлари ерга етиб келолмай, қалин ўрик барглари орасида гўё эриб кетаётгандай эди. Ариқдаги сув мусаллас солинган бақалоқ, қақшинкор мис қумгонларни музлатиб, чулдираб оқарди. Ҳузурбахш осудалик ва вазмин ўйчанлик, ўчоқдан ўрлаётган хуштаъм дуд ҳаво билан омухта бўлиб кетганди. Баъзан, ўжар ва тиришқоқ Роберт Фальк замондошлари дарҳол моҳиятига тушуниб етолмаган ўз полотноларидан бирида ана шу ҳовлини чизмаганмикин, деган хаёлга бориб қолиш мумкин эди. Орадан ўн икки йил ўтиб, даҳшатли уруш бошланган дастлабки ёз ойларида Ўзбекистон КП Марказий Комитети секретари Усмон Юсуповнинг шахсан ўзи гамхўрлик қилиб, уй ва паёк билан таъминлашларини буюрган ўша Фальк ҳақида боряпти бу гап. Юсупов мақтовга муҳтож эмас, шу боисдан биз у Роберт Фалькни рассом сифатида юқори қўярди, деб таъкидламоқчи эмасмиз. Бироқ унга кишилар ва воқеа-ҳодисаларни дарҳол баҳолай олиш маҳоратидек буюк қобилият — раҳбарлик заковати насиб этганди.

«У ЗАВҚ БИЛАН УҚИРДИ»

Юсуповни билган барча кишилар аввало унинг ҳаммадан ажралиб турадиган қиёфасини эмас, балки унинг характерини эслашларида жон бор. Усмон аканинг ҳақиқатни узоқ мулоҳазаларсиз беҳато билиб олиш қобилияти таъкидлангач, аввало унинг қатъиятли эканлиги, ҳатто ўзининг ҳузур-халовати ва тинчлиги тарози палласида турган пайтларда ҳам сира яккиланмаслиги ва шубҳага тушмаслиги эсга олинади. Кези келганда айтиш керакки, Юсупов сингари кишилардан иборат революционерлар авлоди ҳузур-халоватни ҳам, тинч ҳаётни ҳам унча қадрлашмасди. Ҳа, дастлабки ўзбек коммунистларини ҳақли равишда революционерлар деб аташ мумкин. Кенг маънодаги «революционер» тушунчаси яширин кураш қатнашчилари ва баррикада ҳимоячилари билангина чекланмайди; бу тушунча жамиятнинг революцион усулда ҳаракат қилуғчи илғор кишиларини ҳам қонуний равишда ўз ичига олади; уларнинг раҳбарлигида, уларнинг кундалик иштирокида ҳаётда, идеологияда, оилада, турмушда туб ўзгаришлар амалга оширилди. Бу ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ, улар контрреволюцияга қарши шиддатли жангларда рўёбга чиқди. Контрреволюция эса гоҳ инглиз милтиғидан ўқ узган босмачилар қиёфасида, гоҳ колхозга киргани учун фарзандларини «оқ қилган» чол қиёфасида, гоҳ софдил партия аъзоларига қарши ҳийла-найранг ишлатган иккиюзламачи қиёфасида намён бўлди.

Дания шаҳзодаси марҳум Гамлетдан бошқа кўнлаб кишиларни ҳам доимо қийнаб келган иккиланганларни тамомила рад этувчи Юсуповнинг қатъияти «ё ҳаёт, ё мамот» қабилидаги таваккалчиликка эмас, балки доимо оқилона ечимларга асосланарди.

У ҳар бир воқеанинг ҳозирги кун учун ҳам, келажак учун ҳам қандай аҳамиятга эга эканлигини олдиндан айтиб бера оларди. Аммо айни вақтда унда адолатпарварлик туйғуси ғоят ўткир бўлганлигини ҳам айтиб ўтиш муҳимдир.

— Шундай қилсак тўғри бўлади,— дерди у қатъий

ишонч билан.— Шунда большевикчасига иш кўрган бўламиз.

Мана шу гапни айтиб қалин қошларини чимриб олдим, бас, бошқа далилларга ўрин қолмасди. Юсупов ижтимоий фаолиятини энди бошлаган пайтларда баъзан батафсил далиллар келтиришга қийналиб қоларди.

Энди маълум бўлишича, Ҳамзадан ўч олишга тааллуқли воқеаларни ҳаммага маълум қилишнинг ҳожати борми, деган масала хусусида республика Марказий Комитетида мунозаралар ўтган экан. Шундай мулоҳазалар бўлган: омма орасидаги ғоявий-тарбиявий ишларимиз ҳақида ёмон таассурот вужудга келтиришнинг нима ҳожати бор? Бундан ташқари баъзи жойларда деҳқонлар ҳам, ёш интеллигалар ҳам реакционерларнинг сохта кучлари ҳақида нотўғри хулоса чиқаришлари мумкинлигини назардан қочириб бўлармикин? Бу ташкилотчилик ва пропагандистлик фаолиятимизга зарар етказмасмикин? Халқ бизни тушунармикин?

— Суд қилиш керак, бутун халқ олдида суд қилиш керак,— дейишди Ўзбекистон КП (б) МК секретари Акмал Икромов, республика Халқ Комиссарлари Советининг раиси Файзулла Хўжаев ва уларнинг ёш сафдоши Усмои Юсупов. Улар атоқли жамоат арбоби ва ажойиб инсон Йўлдош Охунбобоевнинг ёрдами ва обрў-этиборидан фойдаланишди. Юсупов ўша пайтдан бошлаб Охунбобоев билан умрбод қалин дўст бўлиб қолди.

Биринчи оқсоқолнинг сўзи ҳал қилувчи роль ўйнади. Маълумки, қотиллар жуда кўп деҳқонлар тўнланган йиғинда суд қилинди. Хавфсизлар чиппакка чиқди: халқ ҳамма воқеаларни тўғри тушунди ва баҳолади. Ҳамзанинг қатл этилишига жавобан янгидаи тузилган юзлаб колхозларнинг ҳар бири улуг шонр номи билан аталиш истагини билдирди; комсомоллар мачитлар ёнида клублар очиб, уларнинг саҳналаридан Ҳамзанинг динга қарши пьесаларини намойиш қилдилар; пионерлар у ёзган қўшиқларни айтишар ва Ҳамзадек довюррак бўлиб етишамиз, деб қасамёд қилишарди.

«Халқ бизни тушунмайди...» Бирор киши мана шунга ўхшаш гап айтиб қолса, Юсупов ниҳоятда аччиқланарди. Ўзини халққа ҳукмрон деб ҳам, халқнинг ён-верида деб ҳам ўйламайдиган, балки ўзини фақат ҳаминша халқ билан бирга, у билан яхлит бўлиб бирлашган ҳолда ҳис қиладиган Усмои ака оммага менсимай қарашнинг бир учқунини сезиб қолса ҳам гоят қаҳрланарди. Ҳа, ҳали

қўлгина кишилар саводсиз, улар сиёсий терминларни аниқ билмайдилар. Аммо пропаганданинг санъати ҳам партиянинг энг мураккаб гоёларини кечаги батракка тушунарли тилда баён қилиб беришдан иборат-ку, ахир.

Ҳа, у омма билан содда, ишчичасига, деҳқончасига гаплашар, аммо ҳамиша самимий бўлиб қоларди. Унинг нуқт услуби дабдабозликдан тамомила ҳоли эди. Дабдабали гаплар эса тингловчилар билан нотик ўртасида (башарти у жуда мўътабар лавозимли раҳбар бўлганида ҳам) дарҳол девор пайдо қилади. Юсупов путқини эса қаҳратон совуқ ёки жазирама психика ҳам, чарчоқни унутиб соатлаб тинглашарди. У тингловчилар эътиборини Шарқ девонларида қадимдан қадрланиб келган жим-жимадор иборалар билан эмас, балки ҳақиқат, эътиқод билан, меҳнат аҳли аҳволи-руҳиясини билиш билан, ҳалққа хос ҳазил-мўтойиба билан ўзига жалб қиларди. Унинг сўзлари ва жумлалари бир текис, ҳашамли бўлмаса-да, бу гаплар ҳозир шу ернинг ўзида, омма олдида қуйилиб келаверарди. У Бухорои шариф яқинидаги чағи босган Қармана қишлоғига терлаб-кўпириб кетган отда етиб борарди. Район пахта планини бажармаётганини, колхозлар камбағал ва камқувват эканлигини биларди.

Активистларни, муаллимларни тўплаб, улар пропаганда ишини қандай олиб бораётганларини сўрарди. Унга тезда вужудга келган, ёд бўлиб қолган ва ўша пайтдан бери ишлатилиб келинаётган бир андазадаги гаплар билан жавоб қайтаришарди: «Сиёсий маорифнинг кенг шохобчаларини туздик...», «Жойларда агитаторларнинг семинарларини мунтазам равишда ўтказиб турибмиз...»

— Ҳўш, натижа қандай?— деб сўрарди у қатъият билан.

Суҳбатдошлардан бири ерга қараса, бошқаси Марказий Комитет секретарига ҳайрон бўлиб боқиб қоларди: наҳотки у агитация тексти чиройли қилиб ёзилган плакат пахта терими суръатларига дарҳол таъсир қилади деб ўйласа?

— Қулоқлар тарғиботининг натижалари яққол кўриниб турибди — фақат бир йил ичида республикада сизирлар туёғи олтмиш мингга камайиб кетди. Бойлар: «Сизирларнингизни бир оғилга тўплашади, сут керак бўлса бозорга югурасизлар», деб чўчитяптилар — уларнинг гапига учаётганлар ҳам йўқ эмас. Тошкент яқинидаги Чуқурсойда бир мулла ўспиринлар билан ярим соат гап-

лашганидан кейин улар қишлоққа колхоз тузиш учун келган округ комсомол комитетининг вакиласи Хосият Ҳасановаи ўлдирдилар.

Уларнинг гаплари — ёлғон, бизники эса ҳақиқат. Улар ўз жигилдонларини ўйлайдилар, биз эса халқни деймиз. Биз ахир юз карра кучлимиз-ку! Хўш, гап нимада? — Бу саволга ўзи жавоб берарди: Умумий гаплардан нарига ўтолмаямиз. Жаҳон миқёсидаги вазифалар ҳақидагина гапирармиз, бу вазифаларга ўтишдан олдин деҳқонни ҳар дақиқада ташвишга солиб турган масалалар: эрталабки дастурхонидаги иккита пон, қизи учун бир кийимлик чит ҳақида, колхоз қишда ғалла ва гўшт билан таъминлай олиш-олмаслиги тўғрисида гапириш зарур.

Баъзан бу ишни қандай қилиш кераклигини ўзи кўрсатиб берарди. Олдиндан кўп парсаларни, маҳаллий камбағаллар ва бойларнинг исмларини билиб оларди. Чойхонага бориб қанча ярим кечагача гурунглашиб ўтирарди.

— Ҳой, Жума, сенинг оиланг қўй боқяпти? Уч юзта дейсанми? Раҳмонбердининг оиласи-чи? Қишлоқда оёғини сандалга тиқиб ётибди. Хўш, сен учун нима ўзгарди, Жумавой? Икқилоб сенга нима берди? Раҳмонбердибойнинг хопадонидан илгаригидек ҳар куни меҳмон аримайди, сенинг бола-чақаларинг эса рўшнолик кўришмайди. Раҳмонберди ҳақ тўлайди дейсанми? Ҳар юз бош қўйдан учтаси сенгами? Сахий бой экан, — Юсупов жон қулоғи билан эшитиб ўтирган кишилар орасидан дик этиб турарди. — Бу колхоз эмас, лўттибозлик бу! — дерди жаҳл билан. — Бу контрреволюция! Ҳақиқий колхоз мана бундай бўлади.

Шу ернинг ўзида агитация ҳам, пропаганда ҳам, ташкилотчилик иши ҳам бошланиб кетарди. Шу ернинг ўзиде қулоқ Раҳмонберди правлениедан ҳайдаларди ва колхозни бошқариш деҳқонлар қўлига олиб бериларди.

Ўртаҳол деҳқонлар масаласини айниқса эътибор билан ҳал этишарди. Ўзбекистонда ҳам кўп ҳолларда унча-мунча айби бўлган (баъзиларининг ерида қариндош ниқоби остида батрак ишларди) мана шу омилкор ва меҳнатсевар кишиларни гоҳ ёппасига, гоҳ чақув билан қулоқлар рўйхатига тиркаб қўйишарди.

— Уларга тазйиқ қилиш керак эмас, уларни тарбиялаш керак. Ёллапма кучдан маҳрум этиш, ҳамма билан баравар ер-сув бериш, колхозга жалб қилиш лозим. Шундай қилинса, тўғри бўлади.

Шу нарсa эътиборга сазоворки, 1930 йилда коллективлаштириш масалаларига бағишланган ҳамма кенгашлар Юсупов раҳбарлигида ўтказилган. У, деҳқон колхоз йўлини оғли равишда таниб олишни керак, деган фикрда эди. Амалда эса ҳаминша ҳам шундай бўлиб чиқавермас эди.

1930 йил март ойида Ўзбекистоннинг энг уясқ Хоразм облаcтидан Марказий Комитетга қувончли телеграмма келди: Ғазавот ва Шовот районларида деҳқон хонадонларининг юз фойзи колхозларга бирлашиб бўлди.

Юсупов коллективлаштириш тўғри ўтказилганига ишонмай, ўзи Хоразмга қараб йўлга чиқди. Чоржўй станциясидан Қизилқум орқали отда етиб боришнинг ўзи бўлмасди. Балки ўша пайтда барханма-бархан йўл азобини чекиб отда кетаётганида Юсупов Хоразм воҳасини марказ билан боғлайдиган темир йўлни сўзу қилгандир?

Манзилга етиб боргач, ҳақиқатан ҳам коллективлаштиришнинг юксак даражасига сулғий йўл билан, маъмуриятчилик йўли билан эришилганлигини кўрди. Деҳқонларни ер ва сувдан маҳрум этиш таҳдиди остида колхозга киришга мажбур қилганлар. Ўртаҳол деҳқонларга муносабат ҳақидаги Ленин кўрсатмалари бузилган эди. Ўрта деҳқонлар у ёқда турсин, ҳатто камбағалларни ҳам қамаш, қулоқ қилиш, сайлов ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳолларига йўл қўйилган. Бу хатолар ва ҳаддан ошишлар синфий душманларга қўл келарди. Улар норози деҳқонларни ўзларига эргаштириб, Совет ҳокимиятига қарши курашга ундаш ниятида эдилар.

Бу галги сафар вақтида унинг ўзи ҳам, ҳамроҳлари ҳам карабинлар билан қуролланган эдиларки, бу ҳолни эслатиб ўтиш ортқча бўлмайди. Қум саҳроларида ҳали босмачиларнинг қолдиқлари изғиб юришарди. Тезда шу нарсa маълум бўлдики, улар ўз қўрбошилари Иброҳимбекини кутишаётган экан. У эса ўша пайтда қўшни Афғонистон территориясида куч тўплаётган эди. Кўп ўтмай у каллакесарлар тўдаси билан ҳақиқатан ҳам Совет чегарасидан ўтиб, шимол томонга йўл олди. Аммо у Қизил Армиянинггина эмас, кўнгиллилар стрядларининг ҳам зарбасига дуч келди. Бу гал деҳқонларнинг кўплари синфий душманга қарши очиқ жангда Совет ҳокимияти томонига қатъий ўтганликларини кўрсатдилар. Бунда Марказий Комитет секретари Усман Юсуповнинг Хоразм ўлкасига борганлиги, унинг колхозлар

тузиш соҳасидаги иши, оташин нуқтлари ҳам муҳим роль ўйнади.

Сафар иш учун катта материал берди. «Қолхоз ҳаракатида партия йўлининг бузилишларига қарши кураш тўғрисида»ги қарорни тайёрлашга астойдил киришди.

Районларда келаётган хабарлар қувончли эди. Мажбурий чоралар қўрилган жойларда деҳқонларнинг қолхозлардан беэтигани, ихтиёрийлик принципи бузилмаган жойларда эса қамбағаллар ва ўрта деҳқонлар қолхозга бажонидил қираётганликлари маълум бўлди.

Қўклам оғир келди. Хатоларни тузатишнинг ўзи кифоя қилмасди, қолхозлар дарҳол ёрдам берилишини талаб қилардилар. Ана шу қолхозларнинг дастлабки баҳорги экиш кампанияси қолхоз тузуми афзалликларининг намойиши бўлиши керак эди. Бунинг учун агрономия хизмати яхшилаш, янги қишлоқ хўжалик техникасини ва коллектив меҳнатини янгича ташкил қилишини жорий этиш юзасидан тадбирлар системаси ишлаб чиқилди.

Қўкламги экиш қолхоз секторидагина эмас, яқка деҳқонлар секторида ҳам муваффақиятли тугалланди. Экин майдонлари кенгайганлигини ақс эттирувчи рақамлар қувончли эди.

Юсупов революциянинг дастлабки йиллариданоқ мустақил ўқиш билан фоят тиришиб, астойдил шуғуллана бошлаган бўлса-да, очигини айтганда — ўттинчи йилларда умумий маълумоти ҳам етарли эмасди.

1931 йил бошларида Юсуповни ўқишга юбориш масаласи деярли ҳал этилган эди, аммо партия ходимлари ҳаётида тез-тез бўлиб турадиган ҳол рўй берди ва унинг ўқишга боришини бир неча йил кечиктиришга тўғри келди. 1931 йил сентябрида бўлган пленумда Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитетининг секретари Акмал Икромов Марказий Комитет аъзоларига қуйидаги хабарни етказди:

— ВКП (б) МК Ўрта Осиё бюросининг қарорига биноан Ўзбекистон КП МК секретари ўртоқ Усмои Юсупов ВЦСПС Ўрта Осиё бюросининг раиси лавозимига қўтариладиган бўлди.

Бу сиймо вазиятда ўзини қандай намоён қилди? Қитобда бу масала энг асосий масала: Юсуповнинг фаолияти халқ ва тарих учун қандай объектив аҳамият-

га эга бўлди, деган масала билан бир қаторда доимо эътибор марказимизда туради.

У ишлар билан танишиб, ҳамма нарса ўлда-жўлда эканлигини аниқлади; пленумлар кўпдан бери чақирилмаган эди. Аммо бутун Ўрта Осиёдан ўртоқларни Тошкентга тўпладан олдин ўзи жойларга, хусусан Тожикистонга бориб келишга аҳд қилди. Тожикистонда эса меҳнаткашлар ҳуқуқларини камситишнинг шундай ҳоллари учрадики, буни янги, совет турмуш тарзи ҳали унча қарор толмаган ўша пайт вазияти билангина изоҳлаш мумкин эди. У пайтда Юсупов балки аниқ юридик ифодаларни билмагандир, аммо инсон шахсий эркинлигининг бир оз бўлса-да, чекланмишада астойдил газабланарди. Ҳамон ёғоч филофли катта маузер тақиб юрган баъзи янги раҳбарлар бўйсунмовчи ва ўжар кишиларга таъсир кўрсатишнинг энг яхши усули — қамаб қўйиш деб ўйлардилар. Юсупов Тожикистонда дуч келган баъзи фактларни докладга ҳам киритди. Пархар қишлоғида райишроқўм раиси ўз ходимлари учун район агропомидан от талаб қилади. Агроном эътироз билдиради: «Менинг участкамда ўн икки минг гектар ер бор. Отсиз қандай қиламан?» Раис уни қамаб қўяди, агроном ҳам бўш келмайди: авахтадан ҳам, Пархардан ҳам қочиб кетади. Район агрономсиз қолади, аммо бу, Юсупов таъбири билан айтганда, ишнинг энг ёмон томони эмас. Энг ёмон — ўзбошимчалик ва қонуннинг бузилишидир. Энг ёмони — салгина амал теккан кишилар революция меҳнаткашларга ҳеч ким даҳл қила олмайдиган буюк ҳуқуқлар берганлигини унутиб қўйганликларидир.

Кишиларга раҳбарлик қилиш ва дўқ-пўписа билан буйруқ бериш — икки хил маънодаги тушунчалардир. Юсупов пленумда сўзлаган нутқиди миллионларча ишчиларнинг ўзи учун ва социалистик жамият учун эркин, оғли меҳнат қилиши ҳақидаги Ленин сўзларини эслатиб, фақат шу ҳолдагина, Ильич таъкидлаганидек, оқибат-натижада янги ижтимоий тузум ғалабасини таъминлайдиган меҳнат унумдорлигининг ўсишига эришиш мумкин, деди.

У сўзлаётганида ёзилган текстдан чиқиб кетар, шу сабабли унинг нутқини расмий ва синчков муҳаррирлар ва ҳатто стенографисткалар тузатишга ва текислашга зўр бериб ҳаракат қилишарди. Юсупов ўзбек тилида фикрлагани сабабли, русча жумталари она тили синтаксиси қонунлари асосида бўларди. Юсупов жонли тили-

нинг протокол тили қоидаларидан четга чиқиб кетиши — ўша пайтдаги унинг шахсий хислатларини белгилашда ёрдам беради. Унинг шахсияти, мисол учун, қуйидаги жумлада мана бундай намоён бўлади (бу ерда шакл ҳам, мазмун ҳам баб-баравар муҳимдир): «Бундай ярамас фактлар шу қадар кўпки, уларни бугун кечгача санаб тугата олмаган бўлардим... Биз, касаба союз раҳбарлари, бу фактларга тўла-тўқис баҳо берганимиз йўқ, меҳнат ҳақидаги, меҳнат ушумдорлиги ҳақидаги Ленин қондасини охиригача англаб олганимиз йўқ. Шундай экан, бу — касаба союз раҳбарлиги эмас, қандайдир касаба союз ботқоғидан бўлак нарса эмас!»

У ўз докладида сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги масалани иккинчи энг муҳим бўлим қилиб ажратди. Хотиржам қиладиган маълумотларнинг ҳеч кимга кераги йўқ, деди. «Энг яхши сўзлардан ҳам жўнгина бир чопон тикиб бўлмайди». Маҳсулот миқдори бўйича ўсини жуда катта, аммо сифат ёмон.

Шу пайтда бир оз вақт чироқ ўчиб қолди, Юсупов эса бу ҳолдан дарҳол фойдаланди:

— Кўряписизларми, ўртоқлар, мен сифат кўрсаткичлари ҳақида гап бошлашим билан чироқ ўчиб қолди. Электрчиларимиз ўз ишларининг сифатини кўрсатиб қўйишди...

Пленум аъзоларининг нутқларида иккита тенденция бир-бирига дуч келиб қолди. Вахшдан келган ишчи Дрягин бундай деди:

— Мен Қизил Армиядан бўшаб, Вахшга келганимда ҳаммамиз бошланасиз эдик. Кейин аста-секин қамишдан барак ясаб, устини брезент билан ёпиб олдик. Одамлар кетиб қолишарди, бундай аҳволда яшаб бўлмайди, дейишарди, аммо ишчиларнинг бир қисми буни писанд қилишмади ва ҳозиргача ишлаб келишяпти. Биз котловани қазиб битиришимиз керак эди. Топшириқ — уч кубометр тупроқ қазиб чиқаришдан иборат эди, хўжалик ҳисобидаги бригадалар беш ярим — олти кубометрдан тупроқ қазиб чиқара бошлади.

Шундан кейин лавозими унча катта бўлмаса-да, пленум номидан гапиришга даъвогар бўлган касаба союз арбоби минбарга чиқди:

— Ўртоқлар! Пленум Вахш қурилишининг рапортини мамнуният билан қабул қилади. Бу рапорт қурувчиларнинг социалистик меҳнат формасини амалга оширишда жуда катта муваффақиятларга эришганликларини бил-

диради. Ушбу делегатларга ва қурилишнинг барча ишчиларига социалистик меҳнатнинг олий формалари — ҳўжалик ҳисоби ва муқобил планлаштириш формалари байроғини янада баланд кўтариш зарурлигини айтишга рухсат этгайсиз. Бу эса бизга энг яхши кўрсаткичларга эришиш ва барча оппортунистик чиқишларни тор-мор қилиш имконини бермоқда...

Степнограмманинг шу ерида: «Ўртоқ Юсупов жойидан луқма ташлайди...» деб ёзиб қўйилган, бироқ, афсуски, луқманинг тексти ёзилмай қолган. Юсупов характерини билганимиз ҳолда у минбардаги қизил сўзлар билан парвоз қилаётган потиқнинг попугини гоаят ўринли гап билан пасайтириб қўйганига шубҳа қилмасак ҳам бўлади.

Пленум аъзоси Канторович нутқини эса зўр эътибор билан тинглаб, ҳамма гапларини имо-ишора билан маъқуллаб ўтирди. У жуда муҳим масала — олий маълумотли мутахассислар ҳақида гапирди:

— Фарғона водийсидаги Шўрсув конида техникавий раҳбарлик йўқ, марказдан бир инженер келмоқчи, бироқ қуйидаги шартларни қўйяпти: ойнага 1600 сўм маош. Иш муддати — бир йил. Шундан кейин чет элга ярим йиллик командировка; у Шўрсувга эмас, Москвага қайтиб келмоқчи. Москвада унга иш, уч хонали квартира беришлари, ўғлининг олий ўқув юртига, қизининг эса консерваторияга киришининг кафилини олишимиз керак.

Шу ерга келганда Юсуповнинг тоқати тоқ бўлиб, столга мушт туширди:

— Бунақа одамни таёқ билан ҳайдаш керак! Бизга унинг кераги йўқ!

У айтмоқчи бўлган гапини шундай нфодаб қўя қолди. Вақтинча қийинчиликлардан очиқдан-очиқ ўз манфаати йўлида фойдаланишга уриниш, очиқ ёки яширин тарздаги ҳар қандай юлғичлик кўринишлари уни жуда газаблантирарди. «Бизнинг одам эмас», — деб ҳукм чиқарарди бундайлар ҳақида. Бундай ҳолларда ҳатто энг танқис мутахассис бўлса-да, унинг ақли ҳам, билими ҳам бир пул эди. «Бу одам гумдон бўлсин!» (Кейинги боблардан бирида Ўзбекистон ҚП (б) МҚ бюроси бўлажак инженерларнинг гоаявий тайёргарлиги ҳақида масалани махсус равишда қандай муҳокама қилганини ўқиганингизда буни яна бир бор эсларсиз). Аммо Юсупов ҳеч қачон тенгчилик ва қуруқ энтузиазм

тарафдори ҳам бўлмаган. «Яхши ишлаганлар яхшироқ, яшашлари керак. Шунда адолатли бўлади».

Туркменистонда у тўқимачилар билан учрашиб, зарбдорлардан Умаров билан Юмаевага савол берди:

— Таъминотиңиз қалай? Тапбал, юлғич ва учарлардан тузукроқми?

Сўнгра, маҳаллий касаба союз активистларини тўплаб бундай деди:

— Зарбдорларга яхшироқ шароит яратиш керак, ошхонада бериладиган пон нормасини ошириш лозим, зарбдорларни мукофотлаб, бутун ишчилар синфи кўз ўнгига уларнинг обрўсини ошириш зарур, шундагина, ўртоқ совет фабрикантлари, сизда ишчи кучининг қўнимсизлиги бўлмайди, шундагина ишчилар сизлардан мамнун бўлиб: ишчилар манфаатини ҳимоя қиладиган, ишчиларга ғамхўр бўлган ва айниқса партия қарорларининг бажарилиши учун курашувчи зарбдорларга меҳрибонлик кўрсатадиган ҳақиқий совет фабриканти, большевистик фабрика-завод касаба союз комитети бор экан-ку, дейишадди.

Хайриятки, стенограммани ҳеч ким тузатмапти. Шу боисдан ундан яна бир неча сатрни цитата қилиб келтирмоқчимиз, чунки бу сатрлар Юсуповнинг яна бир хусусиятидан: унинг сафсатабозликни билмаслиги ва истамаслигидан, ўзгаларнинг ва ўзининг нуқсонлари ҳамда хатолари тўғрисида баралла гапиришга интильганидан далолат беради.

— Сўзимни шу билан тамомламоқчиманки, докладда фақат камчиликлар ҳақида гапирганимдан қўрқиш керак эмас. Хўш, ютуқлар қани? — деб сўрашингиз мумкин. Шунини айтишим керакки, бу ютуқларни кўрлар ҳам кўриб турибди. Богдан чиқиб (плениум шаҳар боғида ўтказилаётган эди. — Б. Р., Г. С.), бир ярим километр йўл юриб, қарасангиз, Туркменистон буюк давлатчилик шовинизмининг макони бўлган Полтарацкий (Ашхобод яқинидаги темир йўл станцияси. — Б. Р., Г. С.) пролетар маркази сифатида ривожланаётганини кўрасиз. Бу марказ пролетариатнинг шундай кадрларини тарбияламоқдаки, улар кейинчалик ишчилар синфининг зарбдор бригадасига айланадилар.

Бирор иш ёмон қилинган бўлса, у худди ана шундай аниқ баҳо остига имзосини қўйишдан қўрқмасди:

«Қасаба союз аъзолари орасида саводсизликни

тугатиш суръатлари қониқарсиз деб топилсин. Юсупов».

Еки 1933 йил ёзида ВЦСПС Ўрта Осиё бюроси учинчи пленумидаги нутқини олайлик:

— Қасаба союзлари ўз ишларини оммага бошчилик қилиб, уларни асосий вазибалар теварагида, яъни халқ мулкни талон-торож қилувчиларга қарши, интизом-сизликка қарши, меҳнаткашлар айрим қатламлари орасидаги буржуазия унсуруларига қарши курашга олантирадиган тарзда ташкил эта олдиларми, темир-дек мустаҳкам меҳнат интизомини ҳақиқатан ҳам ғоят пухта ташкил эта олдиларми? Бу саволга битта жавоб бор: йўқ, етарли даражада ташкил эта олмадилар, баъзан эса бу иш қониқарсиз бўлаётир.

Ўқуловчи нутқда яна қуйидагиларни ўқиймиз.

— Танқид етарли эмас, ўз-ўзини танқид етарли эмас. Бизда партия йўли бузилаётганини кўрсатувчи фактлар жуда кўп.

Мен ютуқлар ҳақида гапириб ўтирмайман, ютуқларимиз чўнтагимизда, уларни ҳеч ким биздан тортиб ололмайди.

Тез-тез ишлатиб туриладиган терминни Юсупов кўпинча ўзича идрок этар, ўз ҳаётида кўрган-кечирган воқеаларни жойи келганда худди бир нақлдек айтиб берарди. Масалан, кўзбўямачиликни олайлик.

— Бизнинг Қовунчи қишлоғимизнинг бозорига бир афғон ҳар йили бир марта махси олиб келиб сотарди. Қўлингизга олсангиз ялтираб туради, қарасангиз нақ ойнага ўхшаб афтингиз кўринади. Хотинлар буни кўриб ҳовлиқиб қолишарди, албатта. Шоша-пиша сотиб олишарди. Уйига олиб келиб, бир-икки кийиш билан териси тарс-тарс ёрилиб кетарди. Эри ғазабланиб, афғоннинг адабини бериш учун бозорга югурарди. Афғон эса аллақачон жўнаб кетган бўларди. У ҳар йили фақат бир марта келарди, девдим-ку. Энди сабабини тушундингизми? Хўш, бундай бўёқнинг кимга кераги бор?

У бўяб кўрсатишларга, кўзбўямачиликка қарши ҳамма усуллар билан, шу жумладан ҳозирги мезонлар билан ўлчаганда шу қадар юқори мартабали кишига унча тўғри келмайдиган усуллар билан курашарди. Юсупов таржимаи ҳолининг ҳар бир палласида бунга мисоллар топиш мумкин. Ўша пайтда «Чимён» санаториясига бориб қолади. У вақтларда санатория Қозо-

ғистонга қарар, аймо у ерда асосан Ўрта Осиё республикаларидан борган ишчилар даволанишар ва дам олишар эди. У ердан тажанг бўлиб қайтди; ВКП(б) Қозоғистон ўлка комитетига ва Қозоғистон касаба союзлари советига хат ёзди. Курорт раҳбарлари ВЦСПС Ўрта Осиё бюроси олдида ҳисоб бериб, санатория нима учун озода эмаслигини, нима учун овқат яхши эмаслигини, мукофот тариқасида путёвка олган ишчи нима учун бир ҳафта ўтар-ўтмас «Чимён»дан кетиб қолаётганини тушунтириб беришларини талаб қилди.

Ҳисобот тингланди. Юсупов лавашанг маъмурларли тоза савалади, улар эса ҳайрон бўлишарди: буларнинг ҳаммасини қаёқдан биларкин?

Орадан беш йил ўтгач, танилмасдан қолишнинг иложи бўлмай қолди. Касаба союзларида ишлаган Юсуповнинг ўша пайтларда бир одати бор эди. ФЗМҚ вакилисиз завод ошхоналарига кириб, ҳамма қатори кассага навбат оларди. Бу ишни қандайдир гайри табиий ҳол деб ҳисобламасди. Ўзига бўйсунувчиларнинг ҳаммасидан талаб қиларди:

— Ҳазар қилманглар. Ишчи билан ёнма-ён ўтириб, унинг иши билан танишинг, техникани ўрганинг ва касаба союз ишини шу асосга қурунг.

«Ишлаб чиқаришга юз тутайлик!» деган шнорнинг моҳиятини тушунтирарди.

Бу — асосан иш ҳақи, меҳнатни нормалаш, уй-жой қурилиши, таъминот ва турмуш масалалари эди.

Асосий мақсад — ишчи ҳақида ҳамма нарсани билиш, унинг ташвишларига шерик бўлишдир.

— Бизда масалалар умуман ҳал этилади, ҳаммом масаласини, соқол олдирмоқчи бўлсангиз, чўнтагингизни шилиб олишадиган сартарошхона масаласини олиб кўрайлик. Сартарош саккиз юз-тўққиз юз сўм ишлармиш. Шу ҳам топилмайдиган ҳунар бўлди-ку!

Омилкор ходимларни, марказий аппаратдаги ўша Хўжамов, Канторович, Уманскийни ёки тикувчилик фабрикасидаги касаба союз инструктори Адолат Абдуллаевани ҳоят қадрларди.

Иккинчи пленумда земсовхозлар, МТСлар ва батраклар касаба союзларига шошилишч ёрдам кўрсатиш учун 40 нафар тажрибали ўртоқни сафарбар қилишди. Якуновчи нутқида Юсупов бундай деди:

— Биз сизлар билан бу ерда ўртоқларнинг сафарбарлигини қабул қилдик. Бунинг ўзи ҳеч гап эмас, ал-

батта, денгиздан томчи деса бўлади. Бизнинг вазифамиз саккиз юз эллик минг ишчи ва хизматчининг барчасини сафарбар этишдан иборатдир.

Мана буни вазифа деса бўлади!

Бу вазифани бажариш осон бўлмади. Батафсил таҳлилга берилиб ўтирмасдан, лоақал шуни эслатиб ўтаемки, Урта Осиёда ўша пайтда Россия ёки Украинадагидек аллақачон таркиб топган ишчи коллективлари, анъаналари ва тажрибага эга бўлган эски саноат марказлари йўқ эди. Бунинг устига капитализмгача бўлган даврга хос муносабатлар келтириб чиқарадиган қийинчиликларни соқит қилиш ҳам осон эмасди. Аммо Урта Осиё ва хусусан Ўзбекистон мамлакатини индустриллаштиришдан иборат бутуниттифоқ планларидан четда қолмаган эди. Биринчи беш йиллик мобайнида бу ерда деярли икки юзта корхона қурилди. Республиканинг павқирон ишчилар синфи фабрика ва заводларни барпо қилди, якка-якка эмас, балки партия комитетларининг йўлланмаси билан группа-группа бўлиб бу узоқ ўлкага келган рус мутахассислари, тажрибали қурувчилар, станокчилардан маҳорат ўрганди. Москвадан бир юз эллик малакали ишчи ва инженер Фарғона тўқимачилик фабрикасига келди, ленинградлик қирқ нафар металлост теварагида ҳозир меҳнат зафарлари билан донг чиқарган «Ташсельмаш» коллективи уюшди.

Аммо шу нарса сир эмаски, қурилиш майдончасида, цехларда чор Россиясининг собиқ чекка ўлкасини индустриллаштириш гоёсига чексиз содиқ бўлган ташаббускор кишилар, партия аъзолари ёнида кўпгина енгил пул топиш иштиёқмандлари, қаллоблар ҳам учраб турарди.

ВЦСПС Урта Осиё бюросининг учинчи пленумида Юсупов шу ҳақда гапирган эди:

— Баъзи жойларда маҳаллий миллат кишилари меҳнатнинг ибтидий феодализм формаларига мослашганлар, шу сабабли улардан машинада, заводда ва корхонада фойдалангандан кўра қўл меҳнатида фойдаланиш ўн карра яхшироқ деб ҳисоблашади. Айни вақтда бошқа фактларни ҳам кўрамиз: ишлаб чиқаришни эгаллаш ўрнига ишчи ўз миллатини пеш қилиб, ишлаб чиқариш техникасини эгалламайди. Биз ҳар иккала ҳолга қарши курашмоғимиз керак,— деб сўзипи тамомлайди Юсупов.

Кураш олиб борилди, бироқ ишлаб чиқариш дарҳол кўнгилдагидай бўлиб қолмади.

Саноат план топшириқларини бажармасди, фақат 1934 йилгина Юсупов ўз меҳнати ва касаба союз ишидаги ўргоқлари меҳнатининг самараларини яққол кўрган йил бўлди. Пленумлар ва кенгашлар арафасида тунилари бедор ўтказганликлари, энг узоқ қурилиш майдонларига, ишчи посёлкаларига баъзан илтимос билан олинган отларда, баъзан ўзларининг ёлғиз отларида етиб борганликлари зое кетмади. Эътиборга сазовор бир ҳужжат — «ВЦСПС Ўрта Осиё бюроси учун от сотиб олиш ҳақида»ги қарордан кўчирма сақланиб қолган: «Қарор қилинди (сўров йўли билан): ВЦСПС Ўрта Осиё бюроси ишлар бошқармасига 7500 сўмга от сотиб олишга ва эски отни Ўлка касаба союз ҳаракати мактабига беришга рухсат этилсин. Раис — Юсупов. Секретарь — Белова».

Мана шу фактнинг ўзиёқ Юсупов ва унинг сафдошлари, Ўрта Осиё касаба союз активистлари учун ҳатто ташкилий жиҳатдан ҳам иш олиб бориш енгил бўлмаганини англаб олиш имконини беради. Шуларга қарамай, иш олиб борилди ва бу иш чакки бўлмаганини рақт кўрсатди. Бутун ўлка бўйича социалистик мусобақани, зарбдорлар ҳаракатини авж олдириб юборилди. Юсупов Ўзбекистон КП(б) VI съездида сўзга чиқиб, шу ҳақда гапирди. Унинг қўшимча доклади Тошкент тўқимачилик комбинати қурилишига бағишланган эди. Чирчиқ ГЭС каскади ва «Ташсельмаш» билан бир қаторда биринчи беш йилликнинг зарбдориншооти бўлган Тўқимачилик комбинати қурилишини касаба союзлари оталиққа олган эди.

Истиқболнинг қалдирғочи эмас, балки таркибий қисми бўлган дастлабки йирик социалистик корхона вужудга келаётган эди. Бу нарсa архитектурадан сезилиб турарди: баланд, ёруғ, чиройли корпуслар. Фабрикалар оралигида гулзорлар, хиёбонлар. Ҳали унча бадавлат бўлмасак-да, ҳатто кошинкорлик безакларига ва кираверишдаги фонтанга ҳам маблағ аялмади. Уй-жой массиви ҳам қурилди. Тошкентда дастлабки тўрт қаватли қулай уйлар, Тўқимачилар саройи, мактаб бинолари қад кўтарди. Районга Социалистик шаҳарча номи берилди, кўчалардан бирини Профсоюзная деб аташди. Кўчанинг бундай деб аталиши бежиз эмас.

1934 йил октябрида ВКП(б) Марказий Комитети қабул қилган қарорда Ўрта Осиё ташкилотлари ўз ролини ўйнаб бўлганлиги ва шу сабабли улар бундан бўён тугатилиши айтилган эди.

Ўша йилнинг декабрида Юсуповни Москвага, ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм курсларига юборишди.

Москвада, Малая Грузинская кўчасидаги катта уй ҳовлисида шу пайтгача бир уйча сақланиб қолган. Бу уйча деворига хотира тахтаси ўрнатса арзийди. Ана шу тахтага Усмон Юсуповнинггина эмас, балки ўттизинчи йиллардаги кўпгина партия ва давлат арбобларининг номлари ёзилган бўларди. Уларнинг ҳаммаси ВКП(б) МК хўжалик бошқармаси қарамоғидаги бу уйдан биров бир йилга, биров ундан кўпроқ муддатга кваттира оларди. Лавозимлар юки ва партия ташкилотига, республика халқ комиссарлигига, катта қурилишга раҳбарлик ташвишлари елкадан соқит бўларди. Ёшп анчага бориб қолган кишилар олий партия курсларининг тингловчиларига айланишар ва вақтинча, баъзан эса Юсупов сингари биринчи марта курсдошларнинг ажойиб биродарлиги туйғусидан баҳраманд бўлишарди. Бу курсдош деган сўз шу қадар мўътабар ўқув юртига татбиқан ишлатилса ҳам ҳеч кимнинг нафсониятига тегмаса керак. Ўқув юртида кимлар лекция ўқиганини эсласак, унинг обрўсини яққол пайқаб оламиз; лоақал А. А. Жданов ва Е. М. Ярославскийни тилга олиб ўтиш кифоя.

Тингловчиларнинг кўпчилиги Москвага оиласиз келишган ва Садово-Кудринская кўчасидаги ётоқхонада истиқомат қилишарди. Юсупов эса рафиқагина эмас, балки гоҳ мураббия, гоҳ шогирд бўла оладиган ёрдамчиси — Юлия Леонидовна билан борган эди.

Ҳалиги кваттирани Юсуповлар оиласига ВЦСПС раиси Н. М. Шверник тавсияси билан беришди. Москва марказида, ўқув корпусига яқин жойлашган хона жуда ҳам қулай эди. Бунинг устига хонанинг алоҳида ошхонаси ҳам бор эди.

Партия ходими, курсдош дўстларидан бири Йўлдош Бобожонов Юсуповнинг илм-фанга муносабатини ҳам, Москвадаги аҳвол-руҳиясини ҳам белгилаш учун ғоят аниқ ибора топди: «Юсупов завқ-шавқ билан ўқирди».

Худди шундай. Шу боисдан чарчоқ нималигини билмай, энг жиддий фанларни эгаллашдаги қийинчиликларни энгиб ўтди; ҳатто русларнинг ўзи дарҳол тушуниб етмайдиган оғир текстларни идрок этиш Юсупов учун икки карра кўпроқ қийинчилик туғдирарди. Худди мана шу ҳолларда Юлия Леонидовна ёрдам берарди. Икковлашиб китоб устида ўтириб, батафсил конспектлар ёзиб, кўпинча тонг оттириб юборишарди. Ўжарлик, қатъият, Юсуповга хос принципиаллик туфайли у ҳар бир сўзни қалин дафтарга ёзиб олишдан аввал бу сўзнинг энг чуқур маъноси ва аҳамиятини идрок этиб оларди. Бирор марта чарчаганини билдирмай, у билан бирга муттасил ишлаш учун Юлия Леонидовнанинг ўзи кўп нарсаларни билиши ва чидам-матонатли бўлиши керак эди, албатта.

Буларнинг ҳаммаси учун куч, катта куч керак эди, бу куч манбаи эса — гоҳ метиндек маҳкам, гоҳ гўдаклардек юмшоқ, ўзига кўрсатилган меҳр-оқибатдан доимо миннатдор бўлган мана шу лаблари қалин, дўнг пешонали кишига бўлган муҳаббат туйғусидир.

Юлия Леонидовнанинг ўзи жуда ажойиб аёл эди. Ёшликдаёқ намоён бўла бошлаган белгилар яхлит, иродали, баъзан эркакларча қаҳрли характер хусусиятларига айланди. Аммо буларнинг ҳаммаси уни табиат инъом қилган назокат, жозибадан маҳрум этмасди. У буюк инсоннинг рафиқаси эди, бу ҳол ундан оилавий ҳаётда одатдаги ён беришларни эмас, балки кўпроқ нарсани— керак бўлганида (бу дақиқани беҳато ҳис қилиб!) ўзини сояга ола билишни талаб қилади. Унинг ўзи кейинчалик каттагина давлат лавозимида, республика энгил саноат халқ комиссари бўлиб ишлаганида бунинг янада яққол ҳис қилган бўлса керак. Юлианинг ўзига хос хусусияти— ўзини фидо қилиш эмас, балки Усмон ака зўр истеъдод эгаси эканлигини, у кўпларнинг қўлидан келмайдиган ишларни қилиши кераклигини англаб етганлигидир.

Бунинг эвазига у Юлиани ғоят қадрлар эди.

Кўп йиллардан кейин Мирзачўлда, ҳали электр келтирилмаган кулбада ниҳоят жўнгина бир приёмник гапирга бошлаганида у нақадар завқланган эди: бу ерга келган шофёр соқов бўлиб ётган радиоаппаратга ўз «газик» машинаси батареясини улаб, радиони гапиртирганди. Юсупов кўзларини юмиб ҳузур билан музика тингладида, батареяни силаб қўйиб, приёмник, ҳақида бундай деди:

— Бусиз жонсиз бўлиб ётаверарди. Мен ҳам Юлжасиз шундай бўлардим.

Бунда ҳеч қандай «балки»сиз, аниқ айтиш мумкинки, у ана шу пайтда Москвадаги кичик хопани ҳам, унинг ёнида гоҳ куйиниб, гоҳ ҳақиқатнинг тагига етганидан беҳад қувониб, сабот—матонат билан ўтирган рафиқасини ҳам эслади, албатта.

Уша пайтда уларнинг яна бир буюк хазиналари бор эди — улар ҳали ёш эдилар. Чарчашни писанд қилмай, ҳар кули кечқурун театрларга, концерт залларига, киного боришарди.

Улкан санъатдан баҳраманд этиш нпш партия кадрларини тайёрлаш программасига ҳақли равишда киритилган бўлса ҳам ажаб эмас. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу курсларда ҳатто рақс — танца тушишга ўргатишарди. Аммо Юсупов рақс тушишни барибир ўргана олмади. Ҳар ҳолда унга яқин рақс шиваандалари унинг танцага тушганини эслашмайди, ваҳоланки у юқори лавозимга ва қирқ ёшлардаёқ анча сергўшт бўлиб қолганига қарамай, бирор нозанинни албатта танго ёки фокстротга таклиф қилган бўларди.

Аммо партия тарихи, философия, математика, география ва унинг учун айниқса муҳим бўлган рус тили ва адабиётидан имтиҳонларни муваффақиятлн топширди.

Мамлакат ҳаётида бўлганидек, Усмон Юсупов ҳаётида ҳам мушкулотлар билан бахтли воқеалар биринкетин рўй бериб турарди. 1935 йил майида, ўз ҳаётидаги дастлабки имтиҳон сессияси арафасида, у ўз курсдошлари билан биргаликда метронинг дастлабки йўловчилари орасида бўлган эди. Ҳамма қатори ҳайрат ва завқшавқ билан эскалаторда «Охотний ряд» станциясининг мармар залига тушди, бир зумда «Маданият парки»га етиб борди, гаройиб таассуротлар остида майдонга чиқди, майдонни кесиб ўтиб, Москва дарёси соҳилидаги янги бўёқдан чиққан скамейкага ўтирди, дарёдан эса баҳорга хос бўлмаган совуқ шамол эсиб турарди. Чўнтагида ҳозиргина Ўзбекистондан келган бир тутам газета бор эди. У республика газеталарини ҳам, район газеталарини, шу жумладан, қадрдон Янгийўл газетасини ҳам олиб турарди. Ўзига ва ўртоқларига яхши маълум бўлган ВКП(б) Марказий Комитетининг хатиға асосан партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик ҳақидаги мақолани ўқиб, дарҳол жиддийлашди. Бу

аслида партияни тозалаш эканини биларди, аммо бу тадбир партия ташкилотларига фақат фойда келтирадидеб ўйларди. Қатъий чораларнинг адолатли эканига эътирф ҳам шубҳа қилмасди. Бунинг устига мана ҳозир ўзи Ўзбекистон газеталарида партия хўжаликларидаги камчиликлар ҳақида, баъзи жойларда бу билетлар райкомлар беҳабар қолган ҳолда берилгани тўғрисида ўқиди-ку. Партия ҳужжати душман ёки қотил қўлига тушиб қолмаганига қандай кафолат бор?

Совуқ кезларда Москвада қора мовут пальтода, бошига бостириб кийиб олган қоракўл телпакда пойтахтликлардек шошиб тез юриб борарди. Фактларни таққосларди: Ўзбекистонда тўрт минг киши пассивлиги учун партиядан чиқарилибди, ваҳоланки ўша ернинг ўзида стахановчилик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда: Қўқонда жинчи Назрулла Маткамоллов учта ўрнига ўн иккита жингга хизмат қилишга ўтибди. Ҳатто учта пахта тозалаш машинасини бошқариш ҳам осон эмаслигини Юсупов ҳаммадан ҳам яхши биларди. Қаранг-а: барака топкур Назрулла тўрт кишининг ишини эплайпти! Демак, у ўз конспектларида ёзган «меҳнат унумдорлигини ошириш учун чексиз имкониятлар очиб берадиган меҳнатни социалистик асосда ташкил этиш» кундалик таомилга айланиб борапти.

Пахта ҳақидаги хабарларни орзиқиб кутарди. 1935 йилни пахта мустақиллиги учун курашда бурилиш йилига айлантириш тўғрисидаги ширдан хабардор эди, албатта. Ўзбекистон зарбдор колхозчиларининг II съезди республика пахтакорларини йил охиригача миллион тонна ҳам ашё беришга даъват этди. Бир миллион тонналик марра эгалланди. Беш миллионнинг дастлабкиси. Усмон Юсуповнинг юртдоши — Марғилон районлик комсомол аъзоси Қаюм Ҳакимов янги жаҳон рекордига эришди — унинг звеноси ҳар гектар ердан 60 центнердан пахта териб олди. Бу — республика эришган даражадан беш барабар ортиқ ҳосилдорлик эди, ваҳоланки республиканинг ўртача ҳосилдорлиги — гектаридан 11,6 центнер пахта олинганлиги — бундан илгариги йиллар ва асрлардагига нисбатан анча юқори кўрсаткич эди.

Декабрнинг қорли оқшомларидан бирида Малая Грузинская кўчасидаги квартира гавжум бўлиб кетди: бу ерга пахтакорлар — бригадирлар, оддий кетмончилар; суувчилар келишди. Ҳамманинг чеҳраси совуқдан ва ҳозиргина бошдан кечирган катта қувончдан қип-қизариб

кетган: Кремлда Михаил Иванович Калинин уларга орденлар топширган эди.

Мезбон юртдошлари билан ҳазил-мутойиба қилишар. аҳён-аҳёнда Тошкентдан олиб келинган ва ҳозир унинг ўзи палов дамлаётган қора қозонга қараб қўярди.

Ҳеч кимни ўрнидан қўзғатмасди.

— Қўнглим тоғдек кўтарилиб, бошим осмонга етди!

Қўп ўтмай яна бир хушхабар келди: Тошкент тўқимачилик комбинатининг биринчи павбати ишга туширилди. Юсупов комбинатга бутун умр бўйи алоҳида меҳр билан қараб келди, зотан бу, — Усмон станинг қалб қўри билан бунёд этилган, ягона бўлмаса-да, дастлабки ва энг қадрли иншоотлардан бири эди. Уруш бошланганда у дастлабки кунлардан бирида тўқимачилар ҳузурига бориб, бу коллектив руҳини кўтарди ва ўзи учун ҳали олдиндаги оғир йилларда керак бўлган кучни олди.

Қўпдан бери, Юсупов Москвага келиб-келиб турадиган пайтдан бошлабоқ, большевистик партиянинг кекса арбобларидан бири Анастас Иванович Микоян инсон моҳиятини бир зумда билиб оладиган ва доимо хайрихоҳ бўлган ўткир кўзлари билан уни кузатиб юарди. Юсупов курсларда ўқиб юрганида улар бир неча бор учрашган эдилар. Юсупов ўқишни тамомлагач, худди шу Анастас Ивановичнинг тавсияси билан Ўзбекистон озиқ-овқат саноати халқ комиссари қилиб тайинланди. Аммо бу лавозмда ҳам у унча узоқ бўлмади, ярим йилдан кўпроқ ишлади, холос. 1937 йил сентябрида, Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг учинчи пленумида (у доимо МК аъзоси бўлиб келган эди) Юсупов республика Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. Усмон Юсупович Юсупов фаолиятининг асосий даври бошланди.

5

ПАРВОЗ

Шу нарса қизиқки, вақтни ҳаммадан ҳам кўпроқ қадрлайдиган Усмон Юсуповнинг соат тақиб юрадиган пайтлари кам бўларди. Ўзининг бутун омилкорлиги ва юзаки қарагандагина ғалати туюладиган хислатлари билан ҳаммиша ҳамманинг кўз ўнгидан намоён бўлиб турадиган ана шу инсоннинг қиёфаси,

одатлари сингари бу одатининг сабаби ҳам маълум эди: Юсупов ўзига бино қўйишни билмасди; унинг айтайлик, кенгашга, митингга, поездга кечикиши мумкин эмасди, чунки бир неча соатлик уйқуни ҳисобга олмаганда кечаю кундуз панинги оёқда, ишда бўларди. Раҳбар қарор топтирган бундай услуб унинг қўл остида ишлайдиганлар учун осон эмасди, албатта. Масалан, Москвада куни билан югур-югурдан кейин «Националь» меҳмонхонасининг кенг қаравотларидаги юмшоқ тўшакларда энди ором олмоқчи бўлган секретарлар ва ёрдамчилар ярим кечада жириглаган телефондан: «Усмон Юсупович ҳаммани ўз ҳузурига чақиряптилар» деган овозни эшитганларида нақадар тажаниб бўлганликларини тасаввур қилиш қийин бўлмаса керак. Эсноқларини базўр босиб унинг кенг номерига киришар, креслода беихтиёр мудраб қолншарди, аммо гўштор гавдасига қарамай, доимо ҳаракатчан бўлган тиниб-тинчимас Юсупов тезда ҳаммани ишга жалб қилиб оларди; бунга буйруқ билан эмас балки, ўзининг ишга иштиёқмандлиги билан эришарди. Шундан кейин бошқалар ҳам Юсупов сингари вақтни унутишарди. Соат тақиб юрмаслиги бир қизиқ воқеага сабаб бўлган эди. Бир куни Сталин Юсуповдан сўради:

— Соатингиз неча бўлди?

— Соатим йўқ, ўртоқ Сталин,— деди Юсупов ва қўшиб қўйди:— Кечирасиз.

Сталин Юсуповга соатини узатди:

— Меникини ола қолинг.

Шундан кейин ҳам Юсупов ўз одатини тарк этиши қийин бўлди. Подшоларнинг элга илтифоти ҳар бир ишни ўз вақтида аниқ бажариши билан ўлчанади, деган қадимий нақлни у ўзинча талқин қиларди: белгиланган жойга секундни секундга тўғрилаб эмас, балки анча илгарироқ етиб келарди. Кези келганда шуни айтиш керакки, у юқори лавозимларни эгаллаб турганидагина эмас, балки умрининг сўнгги ўн йили мобайнида совхозга раҳбарлик қилганида ҳам шу одатини тарк этмади. Халқободда бригадирлар, эрталаб ухлаб қолганликларини директор кўриб қолмасин деб ўз участкаларига айланма йўллар билан боришарди. У эрталаб соат бешдаёқ уйдан чиқиб кетарди. Бу вақтда у унча ёш ҳам ва унча соғлом ҳам эмасди.

Бундай услуб, бизнингча Юсупов характерини англаб олиш имконини беради: Қовунчи қишлоғидаги 1920

йилнинг ташвишли тунларида сочини устарада қирдирган дўнгнешана юкчи қўлига чўқмор олиб пахта заводи ома-торида навбатчилик қилган (ўзининг собиқ мулки оёқ эланларга теккашдан кўра куйиб кул бўлгани маъқул деб, дағдага қилаётган собиқ хўжайинлардан омборини кўриқлаш керак эди) пайтлардан то 1966 йил май тонгидан қаттиқ совуқ бўлганини сезиб, ҳавонинг ҳарорати неча градусга тушди, олма гулини совуқ уриб кетмайдими, деб сўраган дақиқагача — ҳамма вақт Юсупов ўзини революция томонидан сафарбар этилган деб ҳис қилди.

Унинг яна бир хислати — ҳаётга чанқоқлик, вақтни аёяллаш, беҳуда кетган ҳар бир соат учун афсусланиш эди. Ҳар бир бошлаган ишини у мумкин қадар тезроқ амалга ошган ҳолда кўришни истарди. Баъзан у сусткаш мулоҳаза юритишни йиғиштириб қўйиб, кайфиятга, ҳистуйғуга берилиб кетарди, аммо у ҳамини мақсадга эришиш йўлида ўсмирларга хос тоқатсизликни умрининг охиригача сақлаб қолган улкан раҳбар эди! Ҳаёт шуни тасдиқладикки, кўпинча охириги муваффақиятга Юсупов жуда муҳим конкрет вазиятларни назар-писанд қилмаганлиги туфайли эришиларди. Бу вазиятлар эса баъзи кишиларга қуйидагича жиддий ҳукм чиқариш имконини берарди: «Буларнинг ҳаммаси жонз гаплар, аммо, кечирарсиз, ҳали бунинг вақти етгани йўқ».

Планетада ятта уруш яқинлашаётгани сезилиб турарди. Испаниядаги ёпаётган шаҳарларнинг тутуни буруқсиб турарди, фашист бомбалари ва снарядлари портлашидан ҳосил бўлган заҳарли дуд тарқалаётган эди. Қон тўкмай қўлга киритилган галабадан маст бўлган қорни тўқ немис обивателлари ўргимчак белгили янги мундирларни кийиб, Венанинг жимиб қолган кўчаларида марш қилиб юардилар. Манжурия чегараларида япон урушқоқлари пвирсиб юришарди; ҳозирча ўсиб чиқаётган тишларини кўз-кўз қилишарди, аммо тишлаб олишга ҳам тайёрланишаётган эди.

Эндигина йигирма баҳорни кўрган Советлар мамла-кати дарвозасини уруш тақиллата бошлаётган эди.

«Аммо биз қонимиз эвазига қўлга киритган ютуқлар-ни душманга бермаймиз ҳеч қачон»,— деб қўшиқ айти-шарди қирмизи юзли қизил аскарлар. Улар нағалли бо-тинкалари билан Стрелковая тош кўчасини гумбурлатиб қадам ташлаб ўтарканлар, болалар саф ёнида югуриб юришар, афсонавий РПДни яқинроқдан кўриб олишга иштилишарди. РПД эса 49 ўқ жойланадиган (бу рақам-

ни болалар аниқ билишарди) катта қора дискли...варо-
йиб қурол эди.

Округ қўмондони, Туркистон ҳарбий округининг кек-
са хизматчиси Апанасенко билан биргаликда Юсупов
бир кунни тоғ ён бағридаги районга борди. Бу ерда ўзбек
комсомол дивизияси машқ ўтказаятган эди.

Тошлоқ ён бағир бўйлаб бир печта танкетка чанг-тў-
зон кўтариб борарди. Тер билан чапган юзлари қора-
йиб кетган йигитлар энгайган кўйи югурганча дала ало-
қаси симили тортишарди. Муҳолиф томон кўрмасин деб
колошниклар тепаликлар парёғидаги сўкмоқ йўлдан бо-
рарди. Биринчи полк олдида дивизия сиёсий бўлимининг
бошлиғи, республика комсомолни Марказий Комитети-
нинг секретари Фотима Йўлдошбоева байроқ остида
кетяпти. У пилотка, гимнастерка кийган, командирлар
камарини елкасидан ўтказилган қайиш билан боғлаб
олган эди. Оғриққа бардош бериб шахдам юриб борар-
ди: тажрибасизликдан поход олдида берилган янги
этикни кийгани сабабли оёқлари шилиниб кетганди.
Аммо жангчиларга матонат ва қатъият намунасини кўр-
сатиб, илдам одим ташларди. Кечга яқин ҳужум марра-
сига етишди, бутун тун бўйи окопда ётишди ва тонгда
ҳужумга ўтишди. Комсомолларнинг «ура!» садолари
асрлар бўйи тин олиб ётган Писком водийлари ва тоғ-
лари узра баралла янгради.

Қайтишда полклар йўллар туташган жойда тўхташ-
ди. Бу ердаги чойхона ёнида, катта сада қайрагоч соя-
сида Юсупов, Апанасенко ва яна бир печта раҳбар ходим-
лар туришарди — ҳаммалари ҳарбий кийимда.

— Азиз жангчи ўртоқлар!— деди Юсупов қувонч тў-
ла баланд овоз билан.— Қўмондонлик ўзбек комсомол-
лар дивизияси машқига «аъло» баҳо берди!— У мушти-
ни баланд кўтариб, кулиб қўйди-да, голибона оҳангда
сўзини тамомлади:— Кўрдингларми, бизлар қанақа
эканмиз!

Митинг шаҳардаги «Спартак» стадионида бўлди.
Ҳамма яшил майдонда саф тортиб турди; уларни Охун-
бобоев табриклади; новчадан келган бир комсомол, ҳая-
жондан ҳар бир сўзда тутилса ҳам, жарангдор овози би-
лан қадрли Мудофаа халқ комиссари Қлим Ворошилов-
га йўлланган телеграмма текстини ўқиб берди: «Маъ-
лумингиз бўлсинки, комсомоллар дивизияси жангга тай-
ёр. Партиянинг биринчи даъвати биланоқ ҳаммамиз бир

ёқадан бош чиқариб, Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилишга отланамиз...»

Ингитлар ва қизлар анча вақтгача стадиондан тарқалишмади. «Комсомоллар авлоди, олга бос», «Қалб ҳеч қачон тиним билмайди...» қўшиқларини айтишди.

Юсунов Фотима Йўлдошбоевани чақириб, кайфиятини қалай, деб сўради. У бардам жавоб берди, аммо оёғининг зирқираб оғриётганини яшира олмади.

— Бўпти,— деди Юсунов,— менинг машинамга ўтир, ўртоқ қизил аскар. Уйингга элтиб қўяман.

Мамлакат тақдирини учун изтироб чекилаётган кунларда у доимо бир парсанг ўйларди: нима учун бундай бўладийкин — Қизил Армия фашистларга Украина билан Белоруссияни бериб қўйди, уларнинг Москвага яқинлашиб қолишига йўл қўйди? Наҳотки, биз урушга тайёр бўлмасак?— у комсомоллар дивизиясини ҳарбий машқларини эслар ва қатъият билан эътироз билдирарди: «Йўқ, биз тайёр эдик; танклар ва самолётларгина жанг қилмайди — ҳозирча Гитлернинг танк ва самолётлари кўпроқ; ҳали қараб турсин, кимники кўн бўларкин,— одамлар жанг қилишади, бинобарин ўз байроғига астойдил содиқ бўлган, бу байроқларга битилган ҳар бир сўзни муқаддас билган кишиларгина енгиб чиқади. Бизнинг кишиларимиз худди шундай. Биз уларни шундай қилиб вояга етказдик. Демак, биз урушга шаймиз...»

Ўша 1938 йилда, шаҳарларда дам-бадам машқ тревогалари берилиб, медицина ҳамширалари курсларининг қизлари шартли душман бомбаларидан «шикастланган» ва ҳозирча кулиб ётган гражданинни замбилга ётқизиб, ёрдамга шошилаётган кезларда Юсунов ирригаторлар кенгашини чақирди.

Ирригаторлар, маҳаллий тил билан айтганда мироблар ва сепоячилар Ўрта Осиёда қадимдан гоят ҳурматли кишилар бўлиб келишган. Муслмонлар улар билан учрашишганда баъзан бўлганидек уларнинг оипоқ соқолини, лавозимини, бойлигини эмас, балки маҳоратини эъзозлаб, биринчи бўлиб салом беришарди. Маълумки, фақат ўзлари биладиган белгиларга қараб саҳродан сув топадиган ажойиб билимдонлар қаторида мироблар ва сепоячиларни ҳам халқ салкам авлиё деб билар, аммо улар жинлар билан алоқада эмасмикинлар, деб бир оз шубҳа билан ҳам қарарди.

Сув — ҳаётнинг биринчи манбаи бўлган ва шундай бўлиб қоладиган катта ўлканинг турмуши том маънода

ана шу кишиларга боғлиқ эди. Нафақат шафқатсиз айни чоқда, ўзгалар ўлкасини ер билан яксон қилишдек ваҳшиёна истак амри билан иш тутувчи жоҳил босқинчиларнинг ниятларига етиш учун гуллаб-яшнаган воқаларга, гавжум шаҳарларга бостириб киришларининг ҳожати йўқ эди. Улар тўғонларни бузишар, ариқларни кўмиб ташлашарди, натижада қудратли давлатлар, долақизғалдоқ ёзининг жазирамасига бардош беролмаганидек, қуриб, қовжираб қоларди. Кўчманчилар Парфияни ҳам, Сўғдиёнани ҳам, Ниссани ҳам худди шу тахлитда яксон қилганлар. XIII асрдаги мўғуллар босқини Ўрта Осиёни юз йиллаб орқага улоқтирганди. Бунинг сабаби — душманга қарши курашда кўйлаб кишиларнинг қурбон бўлганигина эмас. Мўғуллар ғалабадан маст бўлиб, ҳайқириб Мурғоб дарёсидаги машҳур тўғонни бузганлар, Амударёдаги ирригация иншоотларини вайрон қилганлар. Сув тошқини хоразмшоҳлар пойтахтни, афсонавий Гурганжга йўл олиб, шаҳарни ювиб кетганида уларнинг ваҳшиёна қувончларининг чеки бўлмагани. Асрлар бўйи мудраб ётган қумлар тўғони дала ва боғларни босиб кетган. Номатлум қурувчиларнинг авлодлари вужудга келтирган ариқлар ва тўғонларни қум босган. Ҳамон йўловчилар қум саҳросида дафъатан қадимий ариқнинг қум босган ўзанига дуч келиб қолсалар, худди муқаддас мозорга дуч келгандек ҳаслга чўмиб қоладилар.

Мутахассислар қадимий моҳир мироблар даҳосига аллақачондан бери қойил қолиб келардилар. Бундан юз йил муқаддам Фарғона водийсини текширган машҳур рус табиатшуноси, академик А. Ф. Миддендорф мукамал техникага эга бўлмаган халқ тоғлиқ жойлардаги ўз ерларига қандай қилиб сув олиб чиққанидан ҳайратда қолган эди. Мураккаб ишлар нивелировкани (ер устидаги нуқталарнинг бир-биридан қанча баланд-пастлигини белгилашни (билмаган ҳолда) ва, ҳатто, бунинг учун зарур асбобларсиз бажарилганлиги муҳтарам академикни янада кўпроқ ҳайратга солган эди.

Туркистоннинг Россияга қўшиб олиниши бу жафокаш ўлка тарихида таназзулга эмас, балки тараққиётга олиб келган дастлабки воқеа бўлди. Бунинг моҳияти, бошқа нарсалардан ташқари, рус подшолигига эмас, балки рус кишисига қадимдан хос бўлган инсонпарварлик туйғусида эди. Рус солдатлари, офицерлари, амалдорларининг қўшни халқларга нисбатан одабийликларини шубҳа остига оладиган бирор фактни солномаларда ҳам, прото-

қолларда ҳам тона олмаймиз. Урта Осиё ҳам бундан мустасно эмасди.

Ҳа, Туркистонга келган рус кишилари, шу жумладан, инженерлар ва олимлар ўзгалар иродасининг ижрочилари эдилар; бадавлат тўқимачиларнинг гаразли иродаси сув ва ер ресурсларининг текширилишини, ирригация қурилиш бошланишини талаб қиларди. Орехово-Зуево ва Иваново капиталистлари арзон пахта иштиёқида эдилар. Уларнинг пуллари ҳисобига чор ҳукумати экспедициялар ва тадқиқотчилар гуруҳларини юборарди. Бироқ инженерлар — машҳур инженер-ирригаторлар Ф. П. Моргунов, Г. К. Ризенкамф, И. Г. Александров, В. Ф. Булаевский, тупроқшунос Н. А. Димо, агрономлар Р. Р. Шредер, Г. С. Зайцев, Е. Л. Навроцкийлар бу ўлкага истеъмолчиларнинг очкўз назари билан эмас, балки ичи тўла олмас бўлган сандиқ устида ўтирган камбағалли эслатувчи Шарқ халқларига бахт-саодат тиловчи кишилар назари билан қарадилар.

Георгий Константинович Ризенкамф ёзган «Туркистонни сугориш проблемалари» деб аталувчи жиддий асарда қуйидаги шопрона гаплар учраши бежиз эмас, албатта: «Мен ўйлайманки, Европадан Туркистонга келиб қолган инженер-ирригатор дарҳол тинчлигини йўқотиши керак: мана шу чексиз чўллар ва саҳролар абадий қорлиқларга тутшиб кетадиган қумлоқ, ялағоч, ўрмонсиз тоғ ён бағирлари, унсиз бўлса-да, бу жойлардаги ҳар бир қарич ер... уни экинзорга айлантириш учун инсондан сабот билан кураш олиб боришни талаб қилади, деб баралла айтиб турибди. Туркистонни уйғотиш учун нақадар катта ижодий гайрат, жисмоний куч ва пул маблағлари талаб қилинган бўлур эди!

Арабларнинг: «Ҳар бир саҳронинг ўз истиқболи бор» деган мақоли ёдимга тушди ва ана шу саҳролардан лоақал биттасининг келажагини билиб олишнинг инсонга бағишлайдиган мамнунияти ҳақида бехатиёр ўйлаб қолдим...»

Кўзга унча ташланмайдиган кишилар, бу ерга кўчирилган рус деҳқонлари тўғрисида ҳам гапириб ўтмаслик мумкинми, ахир. Улар учун фақат янги ўзлаштирилаган ерлар ажратиларди. Руслар маҳаллий аҳолидан сугориладиган деҳқончиликни ўргатардилар, ўзлари эса замонавий иш қуролларидан фойдаланишни, бу ерда илгарги маъдум бўлмаган картошка, қанд лавлаги, помидор, мевали дарактларнинг янги навларини етиштириш-

ни, асалари боқинини ўргатардилар. Рус деҳқонлари ту-
файли маҳаллий аҳоли чигитни қадимдан қилиб келин-
ганидек қўлда эмас, балки Баннер ихтиро қилган қатор-
ли сеялка ёрдамида эка бошлади. Бунинг устига Спасе-
ский посёлкасида (Мирзачўл яқинида) Иван Кунаков
уялаб экадиган сеялка ихтиро қилди. Бу — замонавий
квадрат-уялаб экувчи сеялкаларнинг тилмаси эди. Мана
шу рус кишилари: олимлар ва деҳқонлар ўзбек халқи
билан мустақкам дўстлик пойдеворини қурдилар. Деҳ-
қонлар сидқиқидилдан биродар деб атаган русларнинг
фаолияти, қишлоқлик меҳнати, ҳаётининг ўзи, Герцен иб-
раси билан айтганда «рус ҳукуматининг рус халқидан
тафовут қила олмайдиган» кишиларга сабоқ бўлди.

Агар фидокорлик рус характериға умуман хос бўлса,
агар Константин Паустовский бу хусусда ҳақли равиш-
да ифтихорини яширмасдан, Россия ҳамма вақт мол-
мулкка хире қўймайдиган олимлар ва санъаткорларни
етиштириб келди ва уларни ардоқлади, деб айта олган
бўлса, янги шароитларда бу кишиларнинг ажойиб фа-
зилатлари ёнига яна қўнгилсиз тарихий вазиятлар ту-
файлиғина Европада орқада қолган халқ истиқболи
ҳақидаги бегараз ғамхўрлик қилиш ҳам қўшилди.

Усмон Юсупов отаси бойдан ижараға олган далаға
биринчи марта кетмон кўтариб чиққан пайтларда Клав-
дий Искансерович Синяевский Учқўрган чўлини Норин
суви билан, Фаргона водийсининг шарқий районларини
эса Қорадарё суви билан суғориш гоясини ишлаб чиқ-
қан эди. Инженер П. Н. Епанчин бошчилигидаги тадқи-
қотчилар группаси маҳаллий ирригация иншоотларини
қайта қуриш билан шугулланди; бу группа Синяевский
таклиф қилган канал трассасини аниқлади. Бошқа бир
таниқли олим, Иван Гаврилович Александров жануби
шарқий Фарғонани суғориш лойиҳасини таклиф қилди.
Бу таклифлар ҳам, 1872 йилдаёқ Мирзачўлни суғориш
учун жуда реал йўлларни кўрсатиб берган инженер
П. Ф. Ульянов лойиҳаси ҳам тўла амалға оширилмай
қолди. Масалан, олти йил ичида Сирдарёдаги машҳур
Фарҳод остоналаридан бошланадиган ва ҳаётсиз чўл
ичига кириб борадиган Кауфман каналининг фақат ўн
уч километри қазилган эди, подшо хазинаси ишчига ку-
нига беш тийин «нон ҳақи» ажратган экан, бошқача
бўлиши мумкинмиди, ахир. Тошкентга сургун қилинган
подшонинг қариндоши, тентак, мақтанчоқ ва авантюрист
буюк князь Константин Романов шуҳрат ва пул кел-

тирадиган бу ғоядан четда қололмади. Икки йил ичида — 1883 йилдан 1885 йилгача — унинг бошчилигида 50 километрлик Искандар ариғи қазилди. Бу канал Чирчиқ суви билан тўрт ярим минг гектар ерни суғорди. Биринчи муваффақиятдан руҳланган буюк князь Сирдарёдан Бухоро ариғини чиқаришга киришди. Бу тадбир муваффақиятли чиқиши мумкин эди, аммо амалдорларча ўзига бино қўйиш ва ўжарлик пайд берди: инженерларнинг замонавий материаллардан мустаҳкам тўғон қуриш ҳақидаги талабларига қулоқ солмасдан, Романов тошдан омонатгина тўғон қуришни буюрди. Буйруқ бажарилди. 1891 йил 9 майда 27 километрлик Бухоро ариғига катта тантана билан сув қўйишди, уч кундан кейин эса подшозаданинг иродасига қарамай, Сирдарё тўғон тошларини ювиб кетди, ариқ қирғоқлари ўпирилиб тушди, канал ншдан чиқди. Аммо буюк князь муваффақиятсизликка нарво ҳам қилмади, энди олимларнинг фикрига кўпроқ эътибор билан қулоқ солиб, Бекобод қишлоғи ёнидан янги канал қуришга фатво берди. Тўрт йил мобайнида 76 километрлик ариқ қазилиб, Мирзачўлдаги яна 7600 гектар ерга жон бағишланди.

Рус олимларидан фарқли ўлароқ князь ирригация билан бегараз шугуллангани йўқ. Бу жаноб олийларига хазинадан 240 минг сўм берилган ва амлок учун икки минг десятина сугориладиган ер ажратилган эди.

Революциягача қурилган энг катта ирригация иншооти — Романов қазитган Шимолий Мирзачўл канали бўлди, бу канал ҳамон одамларга хизмат қилиб келяпти.

«...Шарқнинг тақдири суғориш санъатига боғлиқ», — Юсупов Маркснинг ана шу иборасини кўп такрорларди. У ана шу ибораининг бутун маъзини чуқур тушунар ва Ленин ҳам революциядан кейин дарҳол Туркистон тақдири ҳақида ўйлабгина қолмай, балки доҳийга доимо хос бўлганидек бош халқани — суғориш вазифасини белгилаб берганлигига қойил қоларди. Юсупов бу ҳақда мипбардан ҳам тор, доирада ҳам ва ҳатто хонадон дастурхони устида ҳам кўп гапирар эди.

Ўзбекистонлик партия ходими Муҳаммаджон Йўлдошев Москвадаги архивдан 1918 йил май ойида чиқарилган «Туркистонда суғориш ишларига 50 миллион сўм ажратиш ва бу ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги Ленин декретининг асл нусхасини қидириб топди.

— Менга қандай совға қилганингни ўзинг биласан-

ми?! Раҳмат, минг раҳмат!— деди Юсупов Йўлдошев-
дап декрет фотонусхасини олиб.

Кечқурунлари, кенгашлар тугаб, телефонлар тин олиб, қабулхонадаги қабулга келганлар уйларига кетишгач, Юсупов Марказий Комитетга Сазводстройдаги ўртоқларни таклиф қиларди. Узун столни ва ҳатто ди-
вапсларни чизма-қоғозлар босиб кетарди. Инженерлар
оддий лойиҳалар ҳақида ҳам, салкам афсонавий бўлиб
туюладиган лойиҳалар ҳақида ҳам гапиришарди. Юсу-
пов руҳланиб кетар, тафсилотларини синчиклаб суриш-
тирар, кўзларини чақнатиб ўз мулоҳазаларини айтарди.

— Ҳа... Қалби билан ҳис қилади...— дейишарди
чекиш учун ташқари чиққан инженерлар қойил қолиб.

Уша пайтда уни Фарғона водийсини сугориш схемаси
кўпроқ қизиқтирарди. Бу схема учта йирик канал: Кат-
та Фарғона (узунлиги 270 километр), Шимолий Фарғона
(160 километр) ва Жанубий Фарғона (120 километр) ка-
налларини, шунингдек, сизот сувларини оқизиб кетади-
ган бир неча коллекторни қуришни кўзда тутарди.

Лойиҳаларга сметалар илова қилинди. Рақамлар-
нинг катталиги ҳушёр тортишга мажбур қиларди. Юсу-
пов бунга ишонмаслиги мумкин эмасди, аммо бугун
режаси тузилган тadbирнинг эртагаёқ амалга оширили-
шига талпинадиган унинг табиати ҳисоб-китобларнинг
қуруқ мантиқига қаршилиқ кўрсатарди. Бу — фақат ҳис-
туйғу эмасди.

Юсуповга фронтда уруш ҳаракатларига раҳбарлик
қилишга тўғри келмади, аммо унда душман пайзаларига
кўксини қалқон қилиб олдида боргани учун эмас, ҳам-
мани ҳайратда қолдириб жанг қилишнинг ўз тактикаси-
ни яратгани ва албатта ғолиб чиққани учун жасур деб
ном чиқарадиган саркардага хос фазилатлар бор эди.
Юсупов давлат арбоби, сиёсий арбоб эди; у ўзи мансуб
бўлган партия ғоялари ва программаси учун муттасил
жанг олиб борар, шунинг учун ҳам қонда тўпламларида
ва инженерлик справочникларида инобатга олинмайдиган
қудратли омилни ҳисобга олди. Бу — ижрочиларнинг
руҳи, онги ва ташаббусидир. У шунини яхши билардики,
ўз қўли билан қазиган каналдан эртага ҳамманинг ери-
га сув етиб келишига амин бўлган фарғоналик колхозчи
раҳматли ота-боболаридан беқиёс даражада кучлидир.
Чунки ота-боболарни «подшо» канали қурилишига маж-
буран ҳайдаб чиқишарди, ҳар қандай бақирӣқ-чақирӣқ-
ларга ва дагдағаларга қарамай қўл учиди ишлашарди,

зотан улар саводсиз бўлсалар-да, янги ерлар буюк князь мужикга айланганини билардилар.

Юсуновнинг режалари — ҳам хаёл эмасди. 1938 йил баҳори дастлабки меҳнат мўъжизасини инъом этди. Дабдаба билан мўъжиза деб аталмаган бўлса-да, лекин аҳамияти катта бўлган бу воқеа — тўққиз километрлик Лангар канални қурилишидир. Бу канални Поп райони-нинг минг нафар колхозчиси кетмон билан жуда қисқа муддат ичида қазиб тугатди. Попликлар лойиҳаларини ва юқоридан келадиган кўрсатмаларни кутиб ўтирмай, канални ўз ташаббуслари билан қазиб, олти юз гектар янги ерни ўзлаштирдилар.

Бу воқеанинг Юсуновни хурсанд қилган жиҳати қурилишга давлат маблағлари сарфланмаганигина эмасди (ҳар бир тийин мамлакат мудофааси учун нақадар зарурлигини у яхши биларди, албатта). Унинг ота-боболаридан қолган кетмон ҳозирги ўзбек деҳқони қўлида мўъжизалар ярата оладиган қуролга айлангани ҳақидаги ишончини ҳаёт қатъий тасдиқлаган эди.

Лангар ҳақида газеталарда ёзинди. Поплик колхозчилар ҳақидаги хабар қишлоқдан қишлоққа, чойхонадан чойхонага тез тарқалиб кетди.

Ер ишлари халқ комиссарлигига қарашли Тошкентдаги энг йирик лойиҳа ташкилоти ҳисобланган Сазводстрой ҳодимлари ҳам бундан хабардор бўлдилар, албатта. Сермеҳнат умрларининг энг яхши йилларини Урта Осиёга бағишлаган тажрибали ирригаторларгина эмас, ёшлар ҳам (бундайлар кўп эди; институтни тугатгач, уларнинг бениҳоя бўлган Ўзбекистонга интилишарди) — ҳаммалари ҳам ҳайратда қолишди, ҳам ранжишди. Гап шундаки, институт кучи билан бир неча жуда яхши лойиҳа тайёрланган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши сувориш проблемасини бир неча район учун комплекс ҳаёлатиш имконини берарди. Бироқ, Ленин декрети имзо-лангандан бери ҳукумат ирригация учун донмо маблағ ажратиб келастган бўлса ҳам, бу ишларнинг ҳаммасига пул еттишмасди. 1929 йилдан 1932 йилгача бу мақсад-ларга 234 миллион сўм, иккинчи беш йилликда деярли икки барабар кўп маблағ ажратилди. Янги ерларни суғориш, ва ўзлаштириш юзасидан биринчи беш йиллик-лар тўла амалга оширилди. Ўзбекистонда энди айрим каналлар эмас, балки бутун-бутун ирригация системалари вужудга келиб, шу туфайли Фарғона водийсида, Сирдарё воҳасидаги Далварзин чўли ва Мирзачўлда,

Сурхондарёдаги Қумқўрғон чўлида янги ерлар — жами салкам чорак миллион гектар янги ер сугорилди.

Йирик замонавий тўғонлар: Қорадарёда Кампироват ва Чирчиқда Ғазалкент тўғонлари, магистрал каналлардан сув олинадиган жойларда бош илшоотлар қурилди; камсув системалар серсув манбаларга уланди — жами бўлиб икки юздан ортиқ ирригация-мелиорация объекти ишга туширилди. Аммо...

«Чизмаларимиз чанг босиб ёғибди», — деб болишарди баъзан лойиҳачилар. Инженерлик тафаккурининг кўлами имкониятлардан ўзиб кетган эди. Лекин ҳаёт уларнинг зарурлигини исботлади: вақти келгач, деярли ҳамма лойиҳалар ишга солинди.

Аммо 30-йилларининг охирларида анча омилкорлик билан тузилган лойиҳаларининг айрим авторлари ўз режалари амалга ошириладиган пайт келишигача сабр қилмасдан Осиёдан кетиб қолишди, бунинг устига лойиҳаси вақтинча қоғозда қолиб келаётган мутахассисларга қингир қарашарди. («Демак, кераксиз ишни қиялсан... Қингир йўлдан борясан...»)

Туркистонда туғилиб ўсган, сочинини устарада қирдириб юрадиган, кўм-кўк ўткир кўзли, баланд қоматли, масалаларни кескин ҳал қиладиган Виктор Васильевич Пославский бир вақтлар Фарғона водийсида дастлабки сув хўжаликларини тузган, босмачилар ўқида яширишиш учун пахта тойлари тахлаб қўйилган платформада бир станциядан иккинчисига бориб юрган эди. Дастлабки йирик ирригация қурилиши — Вахш тўғонини барпо этишда қатнашган мана шу серғайрат кишининг ҳам ҳафсаласи пир бўла бошлаган эди. Худди шу пайтда Пославский ва унинг ирригатор ўртоқлари ҳаёти уфқида Усмои Юсупов пайдо бўлди.

У партия ишининг аҳамиятини бўрттириб кўрсатишни ва айниқса уни бошқа ишларга, ўзи гоят қадрлайдиган ишларга қарама-қарши қўйишни ёқтирмасди. Ҳақиқий аҳамияти баъзан жуда жўн бўлиб туйиладиган воқеалар, мажлислар, муҳокамалар оқими — ҳаммага кўриниб турадиган ташқи жиҳат, холос, дерди у. Энг муҳими — энг актуал иш билан керакли вақтда шуғулланиб билиш, энг қизғин участкага эътиборни қаратиш, хотирадаги жуда кўп тадбирлар орасидан худди ҳозир шуғулланиш керак бўлган тадбирни топа ола билишдир. (Лекиннинг қўзғолош бошлаш вақти ҳақида айтган гаплари

эсингизда бўлса керак: кеча вақтли эди, эртага кеч бўлади...)

Керакли пайтни белгилай олиш ва шундан кейин гоят қатъият билан ҳаракат қилиш — Юсуповнинг ўзига хос бўлган ажойиб фазилатни шундай ифодаласа бўлади.

Эрталабдан Юсупов ёрдамчилари билан сайловга тайёргарлик ҳақидаги маълумотларни ўргана бошлади. Бу иш янги бўлгани сабабли жойларда, айниқса, узоқ районларда кўпгина чалкашликларга йўл қўйилаётган эди.

Чўлдаги райондан Госпланга келган талабномани Юсуповга юборишибди. Ёрдамчи бу ҳақда гапириб, кулиб қўйди. Ҳақиқатан ҳам кулгани воқеа эди: сайлов участкаларида хоналар яшаш учун қўшимча равишда тўсин ва тахта сўрашибди.

— Айёрликни эплай олишманти,— деди ёрдамчи худди бировни гуноҳ устида қўлга туширгандек кибр билан.— Уларга ёғоч-тахта ҳаминша ҳам зарур, энди сайлов кампаниясидан фойдаланиб қолишмоқчи бўлишибди.

Юсупов ҳам жилмайиб қўйди, аммо дарҳол ҳушёр тортиб, жиддийлашди.

— Балки сен ўйлаганча эмасдир,— деди у қошларини чимириб. Қулишга ўрин йўқ: улар масъулият ҳис қилишяпти. Тушундингми? Ҳамма нарса пухта бўлишини ишташяпти.

Соат ўн иккида телефон орқали мулойим овоз Ўзбекистон рассомлари I съездига бағишланган кўргазма очилишини эслатди. Юсупов кираверишида дабдабали устунлар ва ер куррасини елкасида кўтариб турувчи паҳлавон ҳайкали бўлган эски бинодаги Санъат музейига аҳён-аҳёндагина борарди. Етакчи рассомлар: Беньков, Буре, Кашина, Кедрик, Волков, Уста Мўмин номларини биларди. Баъзи расмлар Юсуповга галати туюларди, ҳар ҳолда оддий одам кўзи билан қараганда қиёфалар унча чиройли кўринмасди. Аммо, масалан, «Чойхонада» картинаси қандайдир англаш қийин бўлган кучли жиҳати билан эътиборни жалб қилишини пайқарди: камбағал кишиларнинг дағал, қорайган юзлари, тарс-тарс ёрплиб кетган катта кафтлари. Кўзларида эса Ленин сўзи билан уйғонган инсоний қадр-қиммат нури барқ уриб турарди. Унинг ўзи ҳам шу ерда эди: чойхона деворида унинг портрети осифлиқ турибди. Ленин меҳнат аҳлига жуда ўхшаб кетарди. Улар ўртасида яхлитлик бөр эди — рассом шу нарсани ифодалай олганди.

Санъатда Шарқ назокатига ўрганган, Юсупов эса эстетика билан Москвадаги курсларда юзакигина шуғулланиб ўтган эди. Аммо ана шу гоёт нозик соҳада ҳам ички туйғу асқатди, бу эса Юсупов истеъдодининг асосий жиҳати эди. У ўзининг чойхонадаги ўша ишчилар билан алоқадор эканини ҳис қилди: ташландиқ Қовунчи қишлоғидаги саводсиз йигит инқилоб ҳақидаги, Ленини ҳақидаги гапларни худди шу тарзда эшитган эди... Демак, картинада ҳақиқат акс эттирилган.

Юсупов картинанинг фазилати нимада эканини ўзига ва бошқаларга ҳаминша ҳам шу тарзда тушуштириб беролмас эди, аммо асари юқорида тилга олиб ўтилган Фалькони ҳамда бошқа кўпгина рассомлар, артистлар, ёзувчиларни уруш йилларида қўллаб-қувватлагани, ўз бағрига олганлиги бежиз эмасди.

Эски Самарқанд ҳаётини кўплаб этнографик тафсилотлар билан акс эттирувчи Буре асарлари, шунингдек, Беньков чизган расмлар,— Юсупов уни шахсан танирди ва ҳатто замонавий темага эътибор билан қараётгани учун бир гал мақтаб ҳам қўйган эди,— тушунарлироқ эди, улар кўргазмада ҳам марказий ўринни эгаллаб турарди...

Иш кабинетига пешиндан кейингина қайтиб келишди. Юсупов кабинетига ҳеч кимни қўймасликни тайинлаб, бир неча соат давомида Марказий Комитетнинг бўлажак бюроси материаллари устида ўтирди. Хотин-қизлар орасида олиб борилаётган иш масаласи яна кўтарилаётган эди. Ҳозир энг хавфли нарса — қинғайишлар эди: партиянинг хотин-қизларини раҳбарлик ишларига кўтариш тўғрисидаги ҳақли талабини баъзи жойларда тушуниб етмай, баъзи жойларда эса атайлаб бебурдга чиқаришарди. Бир аёлни эркаклар ҳаммомига директор қилиб тайинлашгани ҳақидаги латифага айланиб кетган воқеа бутун Ўзбекистонга тарқалган эди. Юсупов бунини фақат кулгили воқеагина деб билмасди. Хотин-қизлар тенг ҳуқуқли бўлишининг душманлари тактикани ўзгартиришган эди; душманлик ишларига журъат этишолмай, бошқа йўللарни топишган эди.

Айрим ҳовлиқма ижрочиларнинг ортиқча зўр беришлари ҳам яхшиликка олиб бормасди. Самарқанд областида янги тракторларни эндигина курсларни тамомлаган тажрибасиз қизларга бериб қўйиб, моторларни ишдан чиқаришди. Аммо маълумотда гуруҳ билан ўнларча хотин-қизларнинг номларини кўрсатишганди. Оилалардаги

фожеали воқсалар: хотинини уриш, ўз жонига қасд қилиш ҳақида далолат берувчи ҳужжатлар ҳам бор эди. Прокурор имзолаган справка четига Юсупов қуйидагиларни ёзиб қўйди: «Бой-феодалларча мунсабат ҳақиқатан бўлган-бўлмаганини ҳар гал аниқлаш керак». Бу фикр унда аллақачон туғилган эди. Ҳақиқатан ҳам: республикада яшовчи рус oilаларида ҳам калтаклашгача бориб етадиган жанжаллар, машмашалар бўлиб туради, бироқ буни мантиқан умуман хотин-қизларга эмас, балки ўз хотинига нисбатан безорилик, қўполлик, багритошлик деб ҳисоблайдилар.

Аммо кўп нарсалар Юсуповни қувонтирди. Унинг кўнглини шод қилган нарса — хотин-қизлар орасида маълумотлиларининг кўпайиб бораётгани, станок ва машиналарини бошқарувчи ўзбек аёллари сафининг ўсаятганлиги ҳақидаги, актив жамоатчи аёллар ва дадил комсомол қизлар тўғрисидаги, Ўзбекистон Олий Советига депутатликка номзоди кўрсатилган хотин-қизлар ҳақидаги умумий рақамларгина эмасди. У ўзига айниқса ёққан фактлар остига қизил қалам билан чизиб қўйди.

Тошкентда парашютчи қизлар Ҳабиба Умарова, Бибинисо Болтабоева ва Оқила Отауллаева группа бўлиб парашютни анча вақтгача очмай сакрашга тайёрланяптилар.

Андижонда педагогика техникумининг студент қизлари ўз шикоятлари юзасидан милиция кескин чоралар кўришини пойлаб ўтирмай, туллари ётоқхона деразасидан қарашини ва дераза тақиллатишни одат қилиб олган безорилар Эргаш Тўхтасинов билан Ориф Болтаевни тутиб олиб, иккаласини уч кечаю уч кундуз қоронги омборхонага қамаб қўйишибди ва бу билан, қогозда кўрсатилганидек, қонунни бузишибди.

«Қонунни аввало милиция бошлиғи билан безорилар бузишган, қизларга эса баракалла дейиш керак!»— деб ёзиб қўйди Юсупов.

Еш математиклар республика конкурсида Султонпошша Қосимжонова биринчи ўринни олибди.

Давлат нашриёти шоира Зулфиянинг «Қизлар қўшиғи» тўпламини нашрга тайёрлаяпти.

Юсупов уни эслади: дўнг пешанасидаги сочлари жингалак, кўзлари чақнаб турган ёшгина қиз... Қандайдир тантанали кечада ўз шеърларини ўқиб берган эди. Қалбдан чиқадиган чиройли овоз. Ҳар бир сўзга чертиб айтарди.

У бир тўда қоғозларни яна бир марта варақлаб чиқиб кераклиларини танлаб олди, Ўзбекистон КП(б) VIII съездида Марказий Комитет докладни тайёрлашда фойдаланиш керак бўлган жойларни чизиб қўйди.

Юсупов кичкинагина нафис пиёладаги чойдан бир ҳўплади-да, бир оз кўзларини юмиб ўтирди ва машина чақирди. Уни Марказий Комитетга жуда яқин эди, уйига жон деб пиёда борарди, аммо Кировни ўлдириб кетишганидан кейин бирорта бундай ҳодиса рўй бермаган бўлса-да, органларнинг махфий фармойиши сунқасдларга қарши чораларга қатъий рўй қилишни талаб этарди.

У одатда бир соат дам оларди ва шу пайтда Гоголь кўчасидаги катта уйдаги болалари: икки ўғил — ўн уч яшар Лёня ва Ленин шарафига аталган саккиз яшар Владик (Владимир) оёқ учида юришарди ёки умуман ҳовлида, ёки богчада ўйнашни афзал кўришарди. Анча қорин солиб қолган Юсупов — агар у (қандаш) пистолка рангли шевнотдан, ёзда жужунчадан тикилган) қоплама чўнтакли курткасида эмас, уй кийими — кенг қўйлак-иштонда юрса йўғон тортгани айниқса сезиларли бўлиб қоларди. У айвонга чиққанида майнинг дафъатан бошланган шиддатли ёмғирин ўрик ва олманинг энди ёзилган барглари шитирлатиб, қолган-қутган гулларини тўка кетди. Бошига ташлаб олган эркаклар пиджаги билан бир яшар Иннани ўраб олган энага Маруся ҳовлининг қаеридандир югуриб кирди. Қиз қиқирлаб куларди; ёмғир ва энаганинг югуриши уни хушнуд қилганди. Юсупов уни имлаб чақирган эди, у жажжи оёқлари билан айил-тайил юриб отасининг бағрига отилди. У қизининг бошини кўксига босиб, ипакдай майин сочларини силаб эркалади.

Инна, Инесса... Бу исм қўйилишининг ўз тарихи бор. Юсупов курсларда ўқиб юрганида, Малая Грузинскаядаги Марказий Комитет ётоқхонасининг ўша иккита кичик хонасида яшаб туришганида Москвада туғилди. Юлия Леонидовна туғруқхонадан қўлида қизи билан шу ерга қайтди. Қиз етти ойлик туғилганди, онаси билан энага уни эрта тонгдан ярим кечагача парвариш қилишарди, аммо Юсуповнинг москвалик дўсти — сиёсий эмигрант исман врач бўлмаганида шунча ҳаракат бехуд бўлиши ҳам мумкин эди. Қулоқчинини энгаги остидан тағиб олган бу жануб кишиси Москванинг қаҳратон совуғига қарамай, тонг отмасданок Юсупов эшигини тақиллатиб келарди, бармоқларини батареяда нентиб ол-

гач, қизга қарар, уни ўзи зўрға йўрғаклар ва қалин пахтага ўраб қўярди.

Қиз омон қолди, кучга кириб онасини эмадиган бўлди, хурсанд бўлиб кетган Юсупов дўстига астойдил миннатдорчилик билдириб, илтимос қилди:

— Қизимга ўзинг исм қўйиб берасан. Инесса дейсанми? Жуда чиройли исм. Раҳмат сенга.

Ҳамма ўзбеклар сингари у ҳам болаларни — ўз фарзандларини ҳам, бошқаларнинг фарзандларини ҳам севарди. Аммо унинг ҳам, халқнинг ҳам бу қалб фазилати тўла намоён бўладиган вақт ҳали олдинда эди.

Юсуповни Марказий Комитет бепосига қайтиб олиб келишга тайёр бўлиб турган комиссар Степаненко тинаётган ёмғирга разм солиб турарди. Дарвоза ёнида тўқ олча ранг «бьюик» машинаси турарди.

— Кетдик, — деди Юсупов.

Бирпасда у ўзининг одатдаги ярим ҳарбийча тикилган кийимини кийиб чиқди. Кечқурунги ирригаторлар кенгашига тайёргарлик билан боғлиқ ишларни қилиш белгиланган эди. Юсупов узоқ ёки яқин келажакда эмас, балки ҳозир, бугун-эрта янги ерларни сугориш учун нималар қилиш мумкинлигини республика партия съездигача (съезд июлнинг бошларида очилиши аллақачон маълум қилинган эди) маслаҳатлашиб олиш ва ҳал этиш учун ирригаторларни тўпламоқчи бўлган эди.

Ёрдамчилар тўпланишган, аммо бўлим мудирини келтирмаётган эди. У кабинетга бошқалар кетиданоқ кириб келган бўлса-да, ўзини айбдор ҳис этарди.

— Нима гап? — деб сўради Юсупов ҳар қалай.

Мудир одатдагидан ярим соат кўпроқ дам олишга журъат этган эди, бироқ Усмон Юсуповичга дам олиш деган сўзни айтиб бўлармиди, ахир! Унинг ўзи зўр ғайрат билан, ҳатто ўзига, анча заифлашиб қолган соғлиғига жабр қилиб бўлса ҳамки, ишчанлик намунасини кўрсатарди. Вақт ўтиб, иш қолиб кетаётганига ҳар қанча ўқинса ҳам, кундузи бпр соат, тунда — беш соат, уруш даврида эса бундан ҳам камроқ ухлаб олиш — зарурат эди.

Мудир индамай қўя қолди; Юсупов ҳам бошқа нарсани сўради:

— Сув хўжалиги бошқармасининг бош инженери Коржавин ҳеч қаёққа кетмаганмикин?

Шу оқшом мудирнинг омади сира юришмади-да. У Коржавинининг командировкага кетган-кетмаганидан бе-

хабар эди, аммо Юсупов «билмайман» деган гапни инобатга олмаслигини яхши биларди. Жаҳли чиқиб: «Билишинг керак! Шунақа одамларни жипим суймайди-да!» Ўзи эса кўзи билан СПС (махсус ҳукумат алоқаси) телефонига ишора қилиб қўшиб қўярди: «Хўш, мен у ёққа шундай деб жавоб берсам бўладими-а?»

Юсупов тарбиясини кўрган мудир:

— Ўсмои Юсупович, кенгашда Коржавин бўлади; у барча зарур масалалар бўйича ҳозирлик кўряпти,— деди.

— Эртага келсин,— деди Юсупов ва стол устидаги блокнотга назар ташлади.— Соат ўн тўққизда шу ерда олдиндан суҳбатлашиб оламиз. Аскоченский, Коржавин, Лебедев, Пославскийларни таклиф қиласан...— Бармоқлари билан чаплашмоқчи бўлган ҳамма керакли одамларни санаб чиққач, тўсатдап сўраб қолди:— Ҳеч кимни унутмадимми?

У озми-қўми таниқли ирригаторларни шахсан танир, уларнинг ҳар бири шуғулланаётган ишдан хабардор эди. Тошкент Марказидаги ҳамма «Қолизей» деб атайдиган биода (бу бино аввал ҳақиқатан ҳам цирк учун мўлжалланган эди) Юсупов кенгаш бошлангунча ёйсимон фойеда юриб, гоҳ у, гоҳ бу киши билан суҳбатлашарди. Пославскийни кўриб қолди; у деворга суянганча кўм-кўк кўзларини четга тикиб паришонхотир ўтирарди. Юсуповнинг ўзи томонга келаётганини кўриб ҳайрон бўлди, ҳатто бир сесканиб тушди у.

— Сен нималар қилиб юрибсан ўзи?— деб сўради Юсупов.— Учувчи бўлгинг келиб қолдими?

Пославский хижолат бўлди. У ҳақиқатан ҳам учувчиликка ўтишни — қаримасдан илгарироқ янги, ҳамма орзу қиладиган касбни эгаллаб олишни ўйлаб юрарди. Четига қизил тушъ билан маъқуллансин ва моддий имкониятлар вужудга келгунча кечиктирилсин, деб ёзилган навбатдаги лойиҳани архивга топшираётган пайтда юраги қисилиб, бу ҳақда гапирган эди. Аммо Юсупов қаердан билганикин? Қаердан билганининг нима аҳамияти бор? Энг муҳими ўзини жуда камтар инженер деб ҳисоблаб юрган Виктор Васильевич Пославскийнинг тақдири билан Марказий Комитет секретари қизиқаётганида эди.

У доддираб қолиб, беўхшовлик билан ўрнидан турди, Юсуповнинг бўйи ўзидан пастлигини пайқаб, қимирламай қотиб қолди.

— Қўй бу гапни. Авиациядан ирригация яхшироқ,—

Юсупов гапи қофияли чиққанидан мамнун бўлиб кулиб қўйди-да, бир гуруҳ инженерлар: Богуи, Федодеевлар турган жойга борди...

Бу кенгашда Юсуповнинг ўзи кам гапирди, лекин кўпларни ўз фикрларини айтишга ундади. Беш йилдан бери қоғозда қолиб келаётган Фаргона водийсини суғориш схемаси, шунингдек, Ўзбекистон учуғина эмас, бутун Ўрта Осиё учун яқиндагина тузиб тугалланган сув-энергетика схемаси айниқса батафсил муҳокама қилинди. Эндилликда металл ва бетонга айланиб, жўшқин дарёлар йўлини тўсган, миллиардларча кубометр сув тўплаш имконини берган, қудратли гидроагрегатларга ўз бағридан жой берган жуда катта тўғонлар: Вахшдаги Норақ, Амударёдаги Туямўйин, Нориндаги Тўхтағул, Сирдарёдаги Фарҳод, Чирчиқдаги Чорвоқ иншоотларининг қурилиши ўша пайтдаёқ режалаб қўйилган, илмий ва техник жиҳатдан асосланган эди.

— Келажак бугундан бошланади,— деди Усмон Юсупович кенгаш миқбаридан. У ана шу сўзларни қаердадир эшитганида маъқул тушган эди, ҳозир у мамнуният билан жойида ишлатди. У яна буларнинг ҳаммасини кейинга қолдирмай, ҳозироқ қура бошлаш иштиёқи ҳақида завқ ва мароқ билан гапирди.— Лекин буларнинг ҳаммаси амалга оширилади, ўртоқлар, шубҳа қилмаслигингиз мумкин!— деди у ва ишонч билан муштини пролетарларча кўтариб қўйди. Қарсақларни эшитиб, кўнгилли жуда қувониб кетди (ўша пайтда қарсаквозлик авжида эди). Аммо ҳозир фақат унга чапак чалишмаётган эди; Марказий Комитет секретари кўнгина чизмалар тоқчалардан олиниб, камроқ харажат талаб қилинадиган мўъжазроқ лойиҳалар амалга оширила бошланиши, бироқ бугунги кунданоқ кўпроқ қуришга кирилиши ҳақида гапирган эди.

У машиналар, материаллар илгаригидек камчил бўлишини ирригаторлардан яширмади. Хўш, унда нимага умид қилинади? Лангарни эсланг! Халқ орасида чанқоқ ерни қондириш истаги асрлар давомида тўпланиб желляпти; ўзининг бир парча еринигина эмас, бепоён чўллар, саҳроларнинг ҳаммасини суғориш истаги эди бу. Ҳар ким ўзи учун, худонинг бир ўзи ҳамма учун қайғурадиган пайтларда бу орзу афсонага ўхшарди. Нимасини айтасиз: сув тўлиб оқадиган канал у ёқда турсин, деҳқон бир амаллаб қазиган ариқ ҳам бирор йўл билан бойнинг мулкига айланади. Энди эса одамлар ўзларини умумий

бойликка, истиқболга эга бўлган халқ деб тўла ҳис қилдилар, бу эса уларни руҳлантирди, қувонтирди ва бир кучига ўн куч қўшди.

Аммо Юсупов фақат халқ ташаббуси ва ғайратинигина назарда тутмаган эди. У ирригаторлар кенгашига, Ўзбекистон КП(б) VIII съездига тайёргарлик кўриладиганида иқтисодчиларга бинокорлик материалларининг ҳар бир килограмм ва метригача—у худди шундай деганди — пухта ўлчаб, ҳисоблаб чиқишни топширган ва яна бутун масъулиятни ўз гарданига олиб, ирригация учун қўшимча равишда металл ҳам, цемент ҳам, машиналар ҳам ажратиш мумкин деб, белгиллаган эди.

Июлнинг дастлабки кунларида ўтган съезд минбаридан ҳам шу гапларни айтди. Бу пайтларда Тошкент осмони тушгачаёқ саратонда бамисоли эриб кетгандай оппоқ бўлиб туюлар, катта кўчалардаги йўлчаларга ётқизилган асфальт эса четидан эриб, ариққа тушарди.

Съезд ўтказиладиган вақт белгиланганида ҳамма: «Жуда иссиқ бўлади-да», деган эди.

У справкалар, ҳужжатлар, хатлар, хомаки ёзувларни — одатда «доклад учун материаллар» деб аталадиган ҳамма нарсаларни кўздан кечирди. Буларнинг ҳаммасини у съездга тайёргарлик пайтида деярли ёдлаб олди. Аммо Юсупов учун хотирида қолган воқеалар: юзларча учрашувлар, суҳбатлар, қуёшда обдон қорайган чехралар, далада, цехда республика МҚ биринчи секретари қўлини эҳтиром ва қувонч билан қисиб кўришган қадоқли қўллар, бундан кам аҳамият касб этмасди.

Халқ турмуши яхшиланганидан у беҳад қувонарди. Республика юксалаётган эди.

Салкам икки юзта завод ва фабрика қурилди. Ишчилар синфининг сафлари ўсиб борди. Мамлакат бир ярим миллион тоннадан кўпроқ пахта олди. Колхоз далаларида 20 мингта трактор ишлаётган эди. Кечаги деҳқонлар орасидан ишчигина эмас, ҳатто инженер ва техниклар етишиб чиқгани энди ҳеч кимни ҳайратда қолдирмасди.

Колхозларнинг мустаҳкамлангани айниқса қувончли эди. Бир кўрсаткичнинг ўзи кифоя: колхозчилар даромади олти барабар ошди.

Шундай бўлса-да...

Юсупов ҳар галгидек қўлидаги қизил қаламни дилхўнлик билан кескин ўнглаб олиб, қоғозга ўз мулоҳазаларини тушира бошлади. Кўпгина дала ишлари ҳамой ўша деҳқоннинг қўл кучи билан бажарилади, мутахассис

механизатор ва ирригаторлар етишмайди, ўлкада ресурслар кўп, аммо улардан етарли фойдаланилмайди. Ресурс деганда фақат табиий бойликларни тушунадиган кишиларга партиявий тушунча бериш керак: бизнинг асосий капитализм — одамлардир. Докладда албатта гапириш керак бўлган муҳим проблемалар тўғрисидаги гапларни катта қилиб ёзиб қўйди: новаторлар ҳаракати чинакам оммавий тус олиши лозим.

Бенетисно барча корхоналар бир меъёрда ишлаши шарт. Маълумотларга ишониб бўлмайди. Қайси колхозлар қолақ эканлигини аниқлаб, уларни илгорлар даражасига кўтариш учун ҳамма чораларни кўриш зарур. Докладдаги яна бир сатр остига қизил қалам чизилди, Юсунов учта ундов белгиси қўйиб, бундай деб ёзди: «Албатта!!! Суръат, суръат ва яна суръат!»

Шундан кейинги бўлим сарлавҳасига ҳам худди шу белги қўйилди. Юсунов ёзади: «Саводсизликни тугатиш, рус тилини албатта ўрганиш. Бунинг учун: халқ маорифи органларини коммунистлар билан мустаҳкамлаш зарур!!!»

Республикада съездгача эришилган умумий якунлар эса делегатларга, халқ бажарган ишлар билан фахрланган ҳолда, Юсунов докладни юзасидан қабул қилинган резолюцияда қуйидагиларни ёзиш имконини берди: «Илгор мамлакатларнинг галаба қозонган пролетариати ёрдамида қолақ мамлакатлар капиталистик ривожланиш босқичини четлаб, социализмга ўтиши мумкинлиги ҳақидаги Ленин таълимоти билан қуролланган Ўзбекистон меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида, илгор рус ишчилар синфининг кўмаги билан ўз иқтисодий ва маданий қолақликларини тезда бартараф этиб, Ўзбекистонни чор Россиясининг аграр-хом ашё қўшимчасидан қудратли ва енгилмас Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг буюк оиласидаги тенглар орасида тенг равнақ топаётган илгор социалистик республикага айлантирдилар».

Уруш яқинлашиб келаётганидан дарак берди — узоқда бўлса-да, дастлабки момақалди роқ гумбури эштилди. Ўзбекистон Олий Советининг биринчи сессияси энди ёпилиб, депутатлар ҳали уйларига тарқалишга улгуришмаган — Юсунов бирип-кетини областларнинг делегацияларини қабул қилаётганида Хасан кўлидаги воқеалар ҳақидаги хабар етиб келди. Тўғри, япон урушқоқларини

— уларни нафрат билан самурайлар деб аташарди — Хасан кўли ёнидаги сахро участкаси эмас, совет чегараларининг ва Қизил Армиянинг қанчалик мустаҳкамлигини билиш қизиқтирарди. Бу — душманлар жанг билан бошлаган дастлабки разведка эди.

Юсупов ҳарбий воқеалардан бошқаларга қараганда кўпроқ хабардор эди. Шиддатли жанглار борарди. У душманлар яхши қуролланганига, солдатлари пухта машқ кўрганига шубҳа қилмасди. Бизнинг авиациямиз жангга киришган эди. Япон қисмлари Манжурия территориясига чекина бошладилар. Юсупов маълумотларини ташвиш билан кутарди: японлар янги қўшинларини жангга солишмасмикин? Йўқ, тезда газеталаримиз ёзганидек, улар думларини қисиб жўнаб қолишди.

Хасан кўлидаги воқеалар ҳаммани ҳаяжонлантирган эди. Юсупов Марказий Комитетнинг ва янги тўзилган Халқ Комиссарлари Советининг масъул ходимларини ўз ҳузурига тўплаган пайтда ҳали ғалаба ҳақидаги хабар келмаган эди. Унинг камзули ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳарбий курткага ўхшаб кетган эди. Қоплама кўкрак чўнтаги устида СССР Олий Советининг депутати деган сўзлар зарҳал ҳарфлар билан ёзилган қизил байроқча ял-ял ёниб турарди. Кепгаш бошлангунча кимдир Хасан кўли ҳақида гап очган эди, дарҳол бир неча киши суҳбатга қўшилиб кетди, қурол-яроғининг янги турлари тўғрисида андаккина баҳс ҳам бўлиб ўтди. Усмон Юсуповга умид билан қарашди: у ҳар ҳолда кўпроқ нарсадан хабардор. Юсупов ўрнидан туриб, кафтини кўтарди.

— Ўртоқлар, — у ҳар галгидек гапни шошилмасдан, пастроқ овоз билан бошлади, — бугунги куннинг бош вазифаси ҳақида гаплашиб, маслаҳатлашайлик, — ҳамма жимжит бўлиб қолгач, даъват этди: — Бош масала пахта! Ҳосилни сўнгги чаноғигача териб олиш зарур. Ма-на шу Советлар мамлакати мудофаасига ўзбекларнинг қўшган ҳиссаси, душманларга жавобимиз бўлади.

Бу гапларни айтар экан, унинг хаёлига: аҳоли орасида мудофаа-оммавий ишларни кучайтириш ҳақида пухта материал тайёрлашни ёрдамчига тайинлашни унутмаслик керак, деган фикр келди.

Ўша йили Ўзбекистон пахта ҳосилдорлиги бўйича дунёда биринчи ўринга чиқди.

Кечқурунлари паркларда ҳали жазираманинг тафти сўнмаган ҳавода модага тааллуқли ҳамма нарсалар син-

гари тушуниб бўлмайдиган, аммо баъзи ёшларни жалб этган Вадим Қозиннинг ёқимсиз овози тараларди. Лекин ёшлар Қозиннинг чучмал романсларини эмас, балки кинофильмлардаги жўшқин жанговар қўшиқларни кўпроқ завқ билан айтишарди. Юсуповнинг фарзандлари патефонда Леонид Утесов пластинкаларини ёки «Шўх шамол» қўшиғини қўйишганида хурсанд бўларди, аммо баъзан қўшиқларнинг ҳовлисидан «Аччиғингни қўй, Ма-ша...» деган нақоратли куй куй билан тинмай эшитилиб турарди. Патефон қўйиш расм бўлиб қолган эди. Уни олиб юриш қулай бўлсин деб чамадонга ўхшатиб ҳам чиқара бошлашган эди. Кенг каламенка шим кийиб олиб, бир қўли билан жононни қўлтиқлаган ва иккинчи қўлида катта қизил чамадонга ўхшаш патефон кўтариб олган йигитни кўриб қолганида Юсупов шофёрга бундай дерди:

— Ҳозирги ёшлар мана шунақа, қара: музикасиз сира яшай олишмайдими дейман.

Ёшлар одатдагидай катталарни ҳайрон қолдиришарди: ҳавас-қизиқишларини ҳам, турмуш тарзини ҳам, аср тенденцияларини ҳам улар баъзан меъёридан ошириб юборишарди, аммо ўсмирларга хос ҳаддан ошишининг ижобий томони ҳам бор эди: камчилликлар бўртиб, мана-ман деб намоён бўлиб қоларди.

Эрталаб Юсуповга Фарғонадаги комсомоллар конференцияда мнлати уйғур бўлган олти коммунистга мажлислар залидан чиқиб кетишни таклиф қилишганини айтишди. Мандат комиссияси бу кишиларнинг чет эл-да; Шинжонда қариндошлари бўлиши мумкин деб гумон қилибди. Юсупов ғоят қаҳрланди. У секретарга телеграмма: текстини ўзи айтиб ёздирди ва бирорта ҳам сўзи ўзгартирилмаслигини тайинлади: «Сиз, мишиқи партия-сиёлар нимага асосланиб конференциядан коммунистларни чиқариб юбордингиз? Эсингизни йигиштириб олинг! Нима қиялпанингизни биласизларми ўзи? Юсупов».

Юсупов айтганидек телеграмма минбардан ўқиб берилди. Коммунистларни залга таклиф қилиб, кечирим сўрашди, бу ҳақда дарҳол Юсуповга хабар юборишди. У ёрдамчисининг ахборотини паришонхотирлик билан тинглади. Мияси бошқа нарса билан банд эди: бундай қилиш ярамайди. Йўқ. Пулат сандиқда икки атоқли инженерга жуда катта айблар тўнқалган имзоли қоғоз ётарди. Ари-зага «зарафкунандалар» айбини техник жиҳатдан асос-

лайдиган ҳужжатлар ҳам қўшиб юборилган эди: улар (мабодо тўғони бузилса, албатта) шаҳарни сув-остинда қолдириши мумкин бўлган сув омбори билан тўғон қуришни таклиф қилишган эмиш. Шу қоғоз хусусида бир неча бор телефон ҳам қилишган эди.

Юсупов трубкани олиб, текшириш билан ўзим шуғулланаман, деб ганиш қисқа қилиб қўя қолди.

У масъулиятин яна ўз гарданига олди ва яна янгилишмади: иккала инженер кўп йиллар астойдил меҳнат қилишди, тўғон эса инҳоятда мустаҳкам бўлиб чиқди.

Яна унинг ишини саркарда иши билан қиёслашнинг келади. Уларнинг фаолият соҳаси юзаки қарагандагидан анча яқин, чунки революция Қишки саройга ҳужум билан ҳам, Перекопдаги жанг билан ҳам тугагани йўқ. Революция давом этаётганди; фақат жанглар характери ўзгарганди, аммо ягона тўғри қарор қабул қилиши, ишнинг муваффақиятли чиқиши учун, сарфланган маблағ ва воситалар учун, кишилар тақдири ва бутун халқ тақдири учун, истиқбол учун жавобгарлиқни ўз гарданига олиши керак бўлган саркарданинг вазифаси ўзгармай қолаверганди. Худди шу боисдан бошқаларга қараганда узоқроқни кўра оладиган, таваккалига эмас, балки ҳамма жиҳатлари тарозига солиб, бошқаларга қараганда илгарироқ хулоса чиқара оладиган, партия тили билан айтганда, керакли масалани кўз вақтида кўтара оладиган кишининга партия раҳбари бўла олади.

Юсупов Лангар каналини қазиган поплник колхозчилар ташаббусидан қувонибгина қолмай, ажойиб воқеалар бошланганини ҳис қилиб, қалбида янги ҳарорат пайдо бўлганини сезганди.

— Минглаб, ўн минглаб одамларни отлантирамыз. Умум Ўзбекистон ҳашарини уюштирамыз.— Ҳатто Юсупов теварағидогиларнинг ҳаммалари ҳам гарчи қадимий таомил — ҳашарни яхши билишса-да (бутун қишлоқ жамоаси тўпланиб, фарзандсиз чол-кампирга бир кунда гуваля уй қуриб беришар ва тоғ сойидан ўтиш учун омонатгина кўприк қуришарди), у нимани назарда тутаётганини англаб етишмаган эди.

Юсупов фикрларининг акс-садосидек (балки аксинчадир?) 1939 йилнинг бошларида ўша Фарғона водийсининг ўзида, Марғилон районидаги сувдан фойдаланувчилар йиғинида далаларда сув етишмаётгани ҳақида гап бошланганида ҳамманинг ҳурматини қозонган мироб Уринжон Раеулов, биз ҳам Попдагига ўхшаб баҳорда

тошадиган Исфайрамсой сувини олиб келиш учун ўз кучимиз билан канал қазिशимиз керак, деди. Юсупов буни эшитиши биланоқ колхоз ташаббусини қўллаб-қувватлашини хабар қилди. У ишни ҳозироқ бошлаш ҳақида кўрсатма беришга тайёр эди, у ортиқча ҳиссиётга берилиб кетган пайтида ўзини босиб ола биларди. Юсупов ҳатто 32 километрлик канални ҳам илмий текширув ва лойиҳа ишларисиз қазиб бўлмаслигини тушунарди.

Яна ўша талаб пайдо бўлди: муддатни қисқартириш керак. Аммо кетмон, замбил ва ғайрат-шижоат билан қуролашган колхозчилар мўъжиза яратмоқчи эканлар, паҳотки инженерлар...

Улар ҳам шу пайтгача имкони йўқдай тўйилиб келган ишни қилдилар: ҳаммаси бўлиб уч ҳафта ичида текширув ишлари ўтказилибгина қолмай, туташтирувчи Лоғон каналининг тайёр лойиҳаси ҳам берилди. Сокин кабинетларда меҳнат жасоратини бошлаб берган инженерларнинг фамилиялари қуйндагилардир: В. Ф. Машков, Ф. М. Миронов, Н. И. Сатурнов, Ф. Д. Русанов, К. Л. Сумароков, Е. Н. Орлова. Лойиҳанинг бош инженери А. И. Клочков. Юсуповнинг ёрдами бу кишиларни ўз ота-ини сўзлари билан руҳлантириб, ўз ғоясига эргаштириб туришдангина иборат бўлмади. Қишлоқ хўжалик банки бу режа йўлига табиий ғов бўлиб тушди. У асосли сабабга кўра — лойиҳа тасдиқланмаган, тегишли рўйхатларга киритилмаган эди — ишларни маблағ билан таъминлашдан бош тортди. Юсупов қишлоқ хўжалик банкининг директори Исмоиловни ўз ҳузурига чақирди. Исмоилов ўзининг ҳақ эканига ишонгани учун хотиржам эди.

— Нима қиялпсан ўзинг: мен одамларга топшириқ берсам-у, сен пул бермасанг?

— Лойиҳа бўлса — пул бўлади.

— Лойиҳа бор, ўртоқ Исмоилов,— деди Юсупов.— Мен сенга айтяпман: бор! Ишга ҳалақит берма, тушундингми? Баъзан қондан бузиш, ундан четга чиқиш керак бўлади. Ҳаёт шундай нарсаси, у чизиб қўйилган доирага сиғмайди. Тушуниш керак,— бир оз сукутдан кейин қўшиб қўйди:— Мен жавоб бераман. Тушунарлими?

Пул беришди ва ҳали «сиёҳ»и қуримасдан, смета группасидаги ҳозирги даражада туриб қараганда ибтидий бўлиб тўйиладиган арифмометрлар ҳали ишни

яқунламасиданоқ Фарғона водийсига Юсуповнинг ишончли одамлари — халқ қурилишининг раҳбарлари қилиб тайинланган инженерлардан И. Ф. Федодеев билан Б. Д. Коржавин жўнаб кетишди. Ўша пайтда Юсуповнинг ўзи Ўзбекистон делегацияси билан Москвага, ВКП(б) XVIII съездига кетаётган эди. Аммо бундан олдин, 1939 йил бошларида у Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг навбатдаги пленумда сўзлаган, сўнг-ра эса «Правда» газетасида мақола билан чиққан ҳамда ўша «ўз кучимиз билан вужудга келтирилладиган ирригация» ҳақидаги фикрини қатъият билан такрор-такрор айтган эди. Юсуповнинг режалари жуда катта эди. У эндиликда умумхалқ ҳаширини уюштириб, Катта Фарғона каналини қазини гоёси билан яшаётган эди.

Ўттиз тўққизинчи йил март ойида партия XVIII съезди минбаридан гапираётганида у Катта Фарғона канали ҳақидаги масала амалда ҳал бўлганини билдирди (бундан ҳозирча кўплар хабарсиз эди). Халқ Комиссарлари Советининг раиси Абдурахмонов билан улар Ўрта Осиё лойиҳа-қидирув трести тузган дастлабки харажатлар сметасини олиб боришган эди. Сумма каттагина — 144,3 миллион сўмдан иборат. Бунинг устига канал ўтадиган трассадаги ерлар, бинолар, боғлар эвазига тўланадиган ҳақ қўшилса, харажатлар янада кўпайиб, бир юз эллик миллионга бориб қолади.

Давлат битта қурилишга шунча пул ажрата олмасди — улар буни яхши билардилар. Улар буни сўрамадилар ҳам. Масала бошқача қўйилган эди: Давлат бюджети харажатларнинг қанча қисмини ўз зиммасига олиши мумкин ва энг муҳими, унинг қолган катта қисмини Фарғона колхозлари ўзларига, ўз иқтисодларига зарар етказмаган ҳолда қоплай олармикинлар?

Юсупов асосий жанг ана шу иккинчи банд хусусида бўлишини биларди. Давлат план органларидаги зийрак хўжалик ходимлари «Беломорканал»ни тутатганча индамайгина ўтиришиб, республикалардан келган вакиллар ваъзхонлик қилмоқчи бўлишлари биланоқ мулоимлик билан уларнинг гапларини бўлиб қўйишарди. Уларни фақат рақамлар қизиқтирарди. Уларни хиралик, сафсатабозлик билан енгиб бўлмасди (Юсупов бундай кишиларга ҳурмат ва бир оз ҳайиқиш билан қарарди — уларнинг ёнида ўзини чаласавод ҳис қиларди).

Шу бонсдан ҳам у ВКП(б) XVIII съездидаги ўн бетлик нутқини шу қадар пухталиқ билан, ёрдамчиларига

тиңчилик бермай, ўн маротабалаб ўзгартириб тайёрлаган эди. Унинг қуйидаги сўзларида мақтанчоқликдан асар ҳам йўқ эди:

— Республика экономикасига, ҳаётига, унинг одамларига бир назар ташлар экансиз, миллий снёсатимиз амалга оширилгани йўқ деб айта оласизми?! Республикамизда ҳозир беш юзта миллионер колхоз бор. Уларнинг баъзилари 1938 йилда саккиз миллион сўмдан ортиқ даромад олди, уларда меҳнат кунига бериладиган ҳақ ҳам йигирма саккиз сўмга етди...

(Ана шу рақам — беш юзта миллионер колхоз план органларига юборилган докладномада ҳам кўрсатилган эди. «Миллионер хўжаликларнинг олтмиш процентидан кўпроги — уч юздан ортиқ колхоз қурилиш мўлжалланастган Фарғона районида тўғри келади. Агар ҳар бир ана шундай колхоз канал қурилишида қатнашувчи ўз аъзолари ишига меҳнат кунини ҳисобида ҳақ тўлаб, уларни озиқ-овқат, асбоб-ускуна, от-арава билан таъминлаб, бутун харажатини ўз зиммасига олса, — бу харажатлар колхоз йиллик даромаднинг бир-бир ярим процентини ташкил қилади, — бу билан хўжалик экономикасига путур етмайдигини эмас, балки амалда унинг умумий харажатлари балансида сезилмай ҳам қолади»).

Юсунов съезд минбаридан гапирганида, Катта Фарғона каналини ҳозирча тилга олмади: ҳа, биз энди шундай ишга ҳам қодирмиз. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини мустаҳкамлашиб олган. Биз катта қурилишни бемалол эплай оламиз.

11 мартдаги кечки мажлисда ундан олдин Шчербаков сўзга чиқди. Улар съезд президиумида бир-бирларига яқин ўтиришарди, Шчербаков атайин унга гапирётгандек, дафъатан яқинда қуриб битирилган Москва — Волга канали ҳақида, бу қурилиш қанчадан-қанча янги стахановчиларни, меҳнат қаҳрамонларини етиштириб чиқаргани тўғрисида сўзлай бошлади.

Юсунов ҳаяжонланиб қолди: путқига Логон канали ҳақида моақал икки оғиз сўз киритиши керак экан. Қандай қилиб унинг миясига бу фикр келмай қолди-я! Шу пайт раислик қилувчи унинг номини айтди. У минбар томоп борар экан, ҳамон бу ҳақда гапириш ёки гапирмаслик кераклигини ҳал этмаган эди. Гапирмади: Нима учун гапирмаганини изоҳлаш қийин. Съезд иши давом этаётган, Юсунов минбардан гапирган кунларда Фарғона яқинида, Логон деган жойда Катта Фарғона

канал қурилишининг бош репетицияси кетаётган, Шоҳимардонсойдан Исфайрамсойгача ўттиз километрлик канал халқ қурилиши усулида олиб борилаётган ва бу канал кетмонда ўн саккиз кунда қуриб битирилаётган эди-ку, ахир.

Юсупов у ердан келадиган хабарларни нақадар сабрсизлик, тоқатсизлик билан кутганини, Москвага мунтазам юбориб турилган телефонограммаларнинг ҳар бир сатри унинг учун нақадар катта аҳамиятга эга бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас: «13 мартда тупроқ қазиниш ишларининг 22 проценти бажарилиб бўлди. Қурилишга 14 минг киши чиқди...»; «15 март. Ҳар бир кишининг бир кунда қазинётган тупроғи икки ярим кубометрдан беш кубометргача етди...»; «17 март. Олдинда бораётган Олтиариқ райони беш километрлик канал участкасини тамомлаш битказди. Олтиариқликлар социалистик ёрдам тариқасида иккинчи навбат участкасига ўтдилар».

Катта Фарғона канали Ўзбекистон учун, мамлакат учун беш йилликларимиз тарихида Магнитка, Днепрогес, Кузнецк мисоли катта аҳамиятга эга бўлди. Ана шу афсонавий қурилишлар ешиғари, «Челюскин» дрейфи, Чкалов ва Гризодубова парвозлари синғари, папанинчиларнинг музликдаги қишлови синғари Катта Фарғона канали ҳам тобора юксалиб бораётган социализмнинг ёрқин ифодалари қаторида бутун бир авлод қиёфасини белгилаб берди, ўзи унинг арзанда фарзанди бўлди, даврнинг ўзига хос белгисига айланиб, унга мислсиз бўёқ, оҳанг бахш этди, давлат тарихига меҳнатга оммавий коммунистик муносабат намунаси бўлиб кирди.

«Мен Фарғона каналида бўлган пайтларимни энг бахтиёр хотиралардан бири деб ҳисоблайман. Бу ерда ҳамма нарса худди тугалланган коммунизм давридагидай ажойибдир. Мен буларнинг ҳаммасини куйларда ифодалаш учун бастакор бўлмаганимдан, бу ишни тараннум этиш учун шоир бўлмаганимдан жуда ўқиндим. Тўғри, прозаик сифатида иш кўриш ҳаммасидан афзал бўларди, аммо мен бундай қилмадим, чунки ҳам шоир, ҳам прозаик, ҳам бастакор фазилатларига эга бўлиш керак деб ўйладим — бу нарса шу қадар гаройиб ва сержилва эди... Мен бу ерда кўз ўнгимда бир жойга тўпланиб, истиқболда нималар қилинишини кўрсатувчи халқнинг жонли кучини кўрдим».

Бу гапларни ҳали ўзини босолмаган йиғит айтмаган.

Бу гапларни фин урушида ва Улуғ Ватан урушида бўлиб, култепаларга айланган, таланган ва топталган Европани кўрган Пётр Павленко 1950 йилда айтган. Катта Фарғона капалини умр бўйи қалбида қўшиқдай ардоқлаб юрган киши ёлғиз угина дейсизми!

Ўтмишга назар ташлаш гаройиб, қизиқ нарса.

Аммо Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг ўттиз тўққиз яшар секретари ана шу барча улугвор ва дабдабали гапларни билмаганлигини ўйласанг, ҳаёлинг паришон бўлгандек туюлади. Урушдан илгариги Москвининг Катта Кремль саройида ўтирган Юсупов учун буларнинг ҳаммаси ҳали бўлажак ишлар эди. Бу нарса ҳали рўёбга чиқишни керак эди.

Хўш, нима бонсдан у шунчалик қаттиқ туриб олган эди? У нимага асосланарди? Нима учун у қурилишга қарши ҳар қандай баҳонани шу қадар жаҳл ва қатъият билан улоқтириб ташларди?

...«Деярли беш йил баҳсга сабаб бўлиб келган проблемани: Поп районини суғоришни яхшилаш нуқтаи назаридан бирор нарса қилиш мумкинми?— деган масалани олиб кўрайлик. Бу йилги натижалар шуни кўрсатдики, беш йил баҳс-мунозараларга сабаб бўлган, цемент, темир ва бетонсиз қуриб бўлмайдиган деб айтишган канал ҳозир асосан қуриб бўлинди!»

Бу — съезддан бир ой илгари ўтказилган Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети IV пленумида у сўзлаган нутқ стенограммасидан олинган бир парча. У ўшанда тўрт марта сўзга чиқиб, ҳар гал бир нарсани таъкидлаган эди: «Гапни чўзишни бас қилиш керак! Қаранглар: Попда канал қуришди-ку, ахир! Лоғон ишга тушай деб турибди. Сув колхоз далаларига келиб турибди! Ҳурматли мутахассислар, сизлар ирригация қурилиши хрестоматиясини ҳадеб пеш қилаверасизларми? Мана сизга хрестоматия:

...«Ота-боболаримиз ўнларча, юзларча йиллардан бери цементсиз, темирсиз қуриб келишган. Қўп асрлик тажрибадан намуна олиш керак!..»

«Ота-боболар қуриб келишган», деб айтиш ҳозир унча асосли ва ишончли эмасга ўхшайди, албатта. Аммо биз, ҳозирги одамлар, шуни аниқ биламизки, асосан ота-боболар усулида қурилган уч юз километрлик канал ҳамон ишлаб келяпти. Ҳа, ўтмишга назар ташлаш — гаройиб ва қизиқ нарса.

Ҳамон Юсупов таваккалчилик қилаётганини ўйла-

ганмиди? Бу ахир анча қалтис иш эди — бу ҳақда унга ўз ишини жуда яхши биладиган, масъулият сезган ҳолда аниқ ҳисоб-китобларга асосланибгина шубҳа қилишга журъат этган кишилар гапиришган эди. Уларнинг шубҳалари ҳам асоссиз эмасди. Чекланган территорияга бир юз эллик минг нафар кишини олиб чиқиб, уларни бир ярим ой давомида сув, овқат, ётоқ билан таъминлаш осон вазифа дейсизми? Қолган ҳамма ишлар: трассадаги қидирув-текширув ишлари, лойиҳа тузишни айтмадиқ қўя қолайлик...

У мамнун бўлиши мумкин эди: съездда республикани мақташди. Асосан ўтган йилги пахта учун, гектар бошига олинган ҳосил ўсганлиги учун мақташди (йил эса оғир, камсув бўлган эди. Бу — амалда ҳамма нарсаси учун Юсуповнинг ўзи жавоб берадиган дастлабки йил эди).

Қишлоқ хўжалик масалалари юзасидан сўзга чиққан А. А. Андреев қачон «техника экишлари» бўлимига ўтишини у сабрсизлик билан кутарди. «Пахтачилик соҳасидаги ишлар эса маша бундай...» деган сўзларни эшитиб, қўлидаги қаламни маҳкам қисган ҳолда бутун вужудини диққатга айлантиради.

Ҳозирги тасаввурларга унча тўғри келмайдиган бу жумла унга ҳам, бутун залда ўтирганларга ҳам табиий бўлиб туюлди. Андреев Ўзбекистоннинг энг юқори ҳосилга эришган районларини санаб қўлди. Гектаридан ўттиз уч центнердан пахта етиштирган Избосган районини тилга олди (Юсупов мингларча фарғоналиклар ўтган йили елкаларида кетмон билан тоғ сўқмоқларидан музликларга чиқиб, сойда сув камайиб кетмаслиги учун муз йўлини очганларини эслади).

— Кўриб турибсизларки, ўртоқлар,— деди сўз оҳангини ўзгартирмай Андреев,— илғор колхозлар ва колхозчиларнинг ғайрат-шижоати остида ҳосилдор ва камҳосил ерлар ҳақидаги ҳамма чегаралар, барча назариялар, ҳамма гап-сўзлар чиппакка чиқяпти.

Қарсақлар чалинди. Юсупов елкаси орқали назар ташлаб қўйди: Сталин у томонга қараб, ҳаммага қўшилиб қарсак чалаётган эди. У қувониб кетди.

Беш йиллик план ҳақидаги докладда Ўзбекистон ССР мамлакатнинг пахта етиштирувчи асосий райони деб аталди. Минбардан қуйидаги ҳаяжонли сўзлар янгради:

— ... Бу энди айрим кишилар ёки бир гуруҳ ходимлар ютуғи эмас. Бу— ўзбек халқининг ғалабаси бўлиб, у

колхозларимизда пақадар улкап куч яширилиб ётганини амалда кўрсатди.

Янги беш йилликда қишлоқ хўжалигига саноатга нисбатан анча кам капитал маблағ ажратилгани ВКП(б) XVIII съезди делегатларидан бирортасини, шу жумладан Юсуповни ҳам, ҳайратда қолдирмади. Жавобни босмадан энди чиққан газеталарнинг саҳифаларида ўқиш мумкин эди.

«Мадриддаги контрреволюцион тўнтаришнинг тафсилюти».

«Мадрид кўчаларида қуроли кураш».

«Германия қўшинлари Чехия билан Моравияни оккупация қилди».

«Рейтер агентлигининг хабар қилишича, хоин Мадрид хунтаси Мадридни генерал Франкога топширди».

«Италия фашизми янги босқинчилик актини амалга оширди. У кичик ҳимоясиз Албанияга ҳужум қилиб, қурол ёрдамида уни босиб олди. Аввал Ҳабашистон итальян агрессорининг қурбони бўлган эди. Ҳабашистондан кейин Испанияга интервенция бошланди. Испаниянинг қаҳрамон халқи деярли уч йил давомида сурбет босқинчиларга қарши жанг қилди. Энди Албания итальян фашизмнинг навбатдаги қурбони бўлди».

Уруш эшигимизни қоқиб келаётган эди.

XVIII съезд резолюциясида қуйидаги вазифалар турарди: сугориладиган ерларда пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 19 центнерга етказиш, алмашлаб экишни тубдан яхшилаш. Қўшимча сув бўлмаса, буларнинг бирортасини қилиб бўлмасди. Мана шу бандга келганда Юсуповнинг шубҳаси барҳам топди. Таваккалчилик-чи? У бутун умр бўйи таваккалчи бўлиб қолди.

29 мартда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Йўлдош Охунбобоев Исфайрамсой билан ВКП(б) XVIII съезди номли канал оралигидаги муваққат тўғонда қизил лентани қирқди. Бу канални съезд иш олиб бораётган кунларда Фарғона қишлоқларидан келган кўнгилли қурувчилар қазиб бўлишди.

Логон каналининг очилиш маросимига Юсупов ҳам етиб келди. Бу ерга у Москвадан ВКП(б) Марказий Комитетининг аъзоси бўлиб қайтган эди.

Кичкинагина Логон канали тажрибасини шунчаки ўрганишмади. Уни ипидан-игнасиғача чуқур гидрок этишди. Қўп ўтмасданоқ Ўзбекистон КП(б) Марказий Коми-

тети билан республика Халқ Комиссарлари Совети қурилиш якунларини муҳокама қилди ва қарор қабул қилиб, Марказий Ижроия Комитетининг область ташкилий комитетлари билан область партия комитетлари зиммасига ирригация шохобчаларини қайта қуриш юзасидан конкрет таклифларни бир ой муддат ичида тайёрлаш вазифасини юклади. Логон ташаббуси қатъий концепция шаклини олди.

Водийдан қайтиб келган кунийёқ унга «Правда Востока» газетасининг редактори А. Т. Александровский телефон қилиб, «Логон сабоқлари» мақоласи билан чиқишни сўради. Юсупов мақола ёзишга розилигини билдирди, аммо истеҳзо билан сўради:

— Сарлавҳаси тайёрми? Балки мақоланинг ўзи ҳам тайёрдир, Абрам Теодорович? Балки фақат имзо чекиш қолгандир?..

Баъзи кишилардан фарқли ўлароқ у ёзишни яхши кўрарди, редакцияларнинг таклифларини рад этмасди, сафдошлари, бюро аъзолари, раҳбарларни ёзишга ундарди:

— Апчадан бери газетада чиққанинг йўқ... Битта яхши мақола ёзиб бер. Ёзадиган нарсалар кўп-ку, ахир!

Охунбобоевнинг гапга чечанлигига, ёзганлари бир андазада бўлмай, ҳар гал янгича бўлишига болаларча ҳавас билан қарар, қойил қолиб гапирарди:

— Йўлдош акаси онаси ёзувчи қилиб туққан. Қани энди мени ҳам, у кишини ҳам маълумотимиз бўлса. Қойил қилиб ёзган бўларди-да у киши. Айнийдан қолишмасди.

Қунт билан ўз услубини такомиллаштирарди у (тузган жумласи яхши чиқса, уйдагиларга ва айниқса бешинчи синфда ўқийдиган тўнғич ўғли Леонидга мақтаниб қўярди: «Ўқидингларми? Ўзим топдим. Мен русчасига сизлардан яхшироқ ёзаман...» (Афсуски, Юсуповнинг матбуотда чиққан мақолалари шу пайтгача тўпланиб, нашр этилмаган).

Логон капали ҳақидаги мақолага у, шубҳасизки, ўзи сарлавҳа топиб қўйди: «Халқ ғайрат-шижоатига бошчилик қилайлнк». У мақолада оғир, ноқулай келган кўклам ҳақида, ёмғирлар, кутилмаган қор, куннинг совиб кетиши экиш кампаниясининг нормал ўтишига кўп жиҳатдан ҳалақит бергани, аммо чигит экиш бари бир асосан тугаллангани ва кўп йиллар мобайнида биринчи марта

беда экиш плани ортиғи билан бажарилгани тўғрисида ёзган эди.

Юсупов бу мақолада айтган эдики, Логон халқ орасида гайрат-шижоатни ғоят кучайтириб юборди, деҳқонлар фарғоналиклардан ўрнак олиб ўз кучлари билан яқинлашаётган ёзги сугориш мавсумигача ариқ ва каналлар қазимоқдалар, ҳозиргача Пискент районида, Киров районида ҳашар усулида каналлар вужудга келтирилди, Бухорода қадимий Зандони канали қайта қазилиб тикланди.

«Ана шу қурилиш жараёнидаги халқ ташаббусининг хилма-хил ва турли бўёқларда намоён бўлаётганини баён қилиб бериш қийин,— деб ўқиймиз биз мақолада.— Каналларни қазиш ва очиш кунларидаги кўндан-кўп ҳаяжонли ва илҳомбахш манзараларни тўла акс эттириб бериш қийин. Фақат шуни айтиш мумкинки, шу кунларда Логон канали ва бошқа каналлар қурилишида бўлган киши социалистик революция совет заминини нақадар чуқур қилиб ҳайдаганини, у халқ қўриғининг пақадар чуқур қатламларини ишга солганини ва бу заминда нақадар бой ҳосил етилганини яққол кўрган...»

(Уч ҳафтадан кейин «Правда» газетасида Усмон Юсуповнинг «Ажойиб халқ ҳаракати» сарлавҳали машҳур мақоласи босилиб чиқди, унда Катта Фарғона канали қурилишига тайёргарлик кўрилайётганлиги ҳақида биринчи марта ошкора гапирилган эди.)

Логон канали баҳслашувлар вақтида Юсуповнинг жанговар қуроли бўлиб қолди. Мунозара вақтида у енгилгудай бўлса, ғолибона тусда савол берарди:

— Ҳўп, шундай ҳам деяйлик. Лекин Логон ҳақида нима дейсиз?..

Бу жуда яхши иттифоқчи— чинакам канал эди. Кейинчалик Катта Фарғона каналида бўлган барча ишлар— унга нисбатан анча кичик кўламда, албатта— партия XVIII съезди номли қўл кучи билан қазилган канал трассасида дастлабки синовдан, тажрибадан ўтказилган эди.

Фарғона колхозчилари ўттиз тўққизинчи йилда қилган ишларига муносиб баҳо бериш учун, олтмиш яшар Юсуповнинг эса, ҳаётингиздаги энг муҳим иш қайси деб савол беришганида: «Фарғона канали», деган жавобини тушуниш учун дарёлар режими ҳамда шу билан чамбар-

час боғлиқ бўлган Фарғонанинг суғориладиган зонасида, айниқса унинг жанубий қисмида сув таъминотининг шарт-шароитлари ва принципларини билиш керак.

Хўш, кўплаб ҳар хил сойлар ва ариқлари бўлган водийнинг жанубий қисмини бир бошидан иккинчи бошигача яна бир сув магистрали билан кесиб ўтишининг нима ҳолати бор эди?

Фарғона водийси (тўғрироғи, ҳавзаси) уч томондан Тянь-Шань ва Ҳисор-Олой тоғ тизмалари билан қуршаб олинган бўлиб, унинг ҳамма сойлари шу тоғлардан оқиб тушади. Бу сойлар ўз режими жиҳатидан бир хил эмас. Айримлари сувни асосан баланд тоғ музликларидан олади. Уларнинг тошадиган пайти музликлар тез эрийдиган айни ёз фаслига тўғри келади. Сўх, Исфара шу жумлага кириди. Баҳорда улар камсув, оқиста оқади. Бошқалари, нисбатан пастроқда вужудга келадиган Қораунгур, Кўгарт, Оқбувра, аксинча, баҳорда тўлиб-тошиб, қуёш уларнинг қор хазиналарини эрита бошлаши биланоқ қутуриб оқа бошлайди. Аммо уларнинг суви тезда камайиб қолади. Унча баланд бўлмаган тоғ ёни бағирларидаги ва даралардаги қор запаслари тезда тугаб, сойлар саёзлашиб қолади.

Аммо бу сойлар орасида Норин ва Косопсой алоҳида ажралиб туради. Бу дарёлар сувни ҳар иккала манбадан олиб, икки марта баҳорда ва ёзда тошади. Уларда аслида йил бўйи сув сероб бўлади. Буни қарангки, ёзги суғоришнинг энг қизғин ойларида тўлиб оқадиган худди шу Норин дарёси сувсизликдан қовжираб ётадиган Жанубий Фарғонани айланиб ўтиб, бемалол шимол томонга бурилиб кетади. Жанубий Фарғонага сув берувчи асосий манба—Қорадарё эса июль ойидаёқ саёзланиб қолади, ундан ҳатто қўй-эчкилар ҳам кечиб ўта оладиган бўлиб қолади.

Энди эса турли фаслларда тўлиб оқадиган ана шу сойлар ўзаро туташиб, ягона сув артериясига айланишини (анатомия дарслигидаги қон айланиш системасига ўхшаш), асосий бирлаштирувчи восита ролини канал ўз зиммасига олишини тасаввур қилиб кўринг. Энди бу янги туташ дарё доимо тўлиб оқади. Фақат уни бошқариб туриш, баҳорда сувни музликлардан оладиган сойлар ҳали уйғонмаган жойларга—канал охирига юбориш ва аксинча, июлда улардаги ортиқча сувни олиб, канал сувини шу пайтда ўз ресурсларини ишлатиб бўлган Қорадарё системасига буриб юбориш керак бўлади.

Бугина эмас. Катта Фаргона канали трассасини таялашда Жаңубий Фарғонанинг барча илгариги ирригация системалари қўйи оқимини кесиб ўтишни ҳисобга олиш мўлжалланган эди. Канал ана шу системалардан сув ичадиган территорияни икки қисмга ажратишни керак эди. Унг соҳилни каналнинг ўзи билан суғориш кўзда тутилди. Сўл соҳилдаги ерларга эса илгари мавжуд бўлган системалар сув бериши керак эди, шу тарзда зиммаларидаги вазифа анча енгиллашиб, улар энди анча кам ерларни сув билан таъминлай оларди.

Бўлажак каналга асос қилиб олинган техникавий гоя схематик тарзда ана шундай эди.

Бу гоя анчадан бери, шу асрнинг бошлариданоқ турли вариантларда ҳаёлни чулғаб келарди.

Қишлоққа ғалати кийинган кишиларнинг келгани ўн яшар Усмоннинг хотирасида сақланиб қолган. Улар қалин пошнали оғир ботинка, енгил калта оқ кўйлак, кўринишдан оғир туюлса-да, ўзи енгил бўлган бир хил шляпа кийишган бўлиб, шляпа богичини иякларига боглаб олишган эди.

Келгиндилар жуда сахий чиқиб қолишди, улар қишлоқнинг яланг оёқ болаларига ҳисобсиз ширинлик улашишарди, болалар уларнинг кетидан тўда-тўда бўлиб юришарди, келгиндиларни Қаптархона атрофидаги буталари жазирама офтобда қовжираб қолган, ташландиқ тепаларга бошлаб боришар, турли белгилари бор узун таёқларини, тор брезент тўрваларга солинган қора чарм гилофли оғир дурбинларни инқиллаб-синқиллаб тепаликларга олиб чиқиб беришарди. Деҳқонлар мана шу ғалати кишилар бу ерларда нима қилиб юришганини билишни исташарди, албатта. Ниҳоят пайт пойлаб, ҳалиги одамлар билан волостдан келган башараси баржашдай сусткаш урядникдан сўрашди. У одамлар ўзларининг сеҳрли ўйинчоқлари билан уймаллашиб юришганида кун билан бойнинг айвонида мудраб ўтирадиган урядник: бу ишларни тушунишга ақллариинг калталиқ қилади, деб жавоб берди. Аслида эса, бу ишларга унинг ўзининг ҳам ақли етмасди.

Фақат кейинчалик маълум бўлди: Учқўрғон чўлига «Пирсон ва ўгли» деган инглиз фирмаси билан Швейцариядаги «Кюрштейнер» фирмасининг лойиҳачи-инженерлари Нориндан бошланадиган катта суғориш канали лойиҳасини тузиш учун келишган экан, уларни эса бу иш учун Россиядаги энг йирик мануфактурачилар—

Рябушинский, ака-ука Морозовлар, Бахрушинлар, Коноваловлар, Кноп, Кузнецовлар капитали асосида еқинда тузилган Москва сугорилма компанияси ёллаган экан. Улар магистрал канал қурилганидан кейин сарфланган ҳар бир сўм эвазига минг процентли фойда бериши мумкин бўлган Фарғонадаги ҳали сугорилмаган ҳосилдор ерларни ўз қўлларига киритиб олмоқчи эдилар. Ҳақонда пахтага талаб мислсиз суръатлар билан ошиб борарди. Москва тўқимачилик саноати магнатлари саросимада эдилар: улар чаққонроқ ҳаракат қилмасалар, инглизлар ва америкаликлар ерли халқларга қуруқ ваъдалар бериб, концепцияларни ўз қўлларига олиб қўйишлари турган гап эди. Ўз қондошлари — Иваново, Орехово-Зуево саноатчилари ҳам оғизларини очиб ўтиришмайди, албатта: ёғлиқ луқмадан ким қуруқ қолгиси келади дейсиз. Москва сугориш компанияси — «МОҚ» — шошиларди. Фарғонага унинг жуда кўп вакиллари юборилди. Улар каналнинг мўлжалдаги трассаси бўйлаб юришар, деҳқонлар билан гаплашиб, уларга ўз ерларини рус компаниясига сотишни ёки келажак сувни сотиб олишга рози бўлишни, сув эвазига маҳсулот — пахта топширишни маслаҳат беришарди.

Аммо музокаралар чўзилиб кетди. Шундан кейин «МОҚ» акционерлари — банкир Коновалов билан фабрикант Рябушинский Давлат думаси аъзолари сифатида ўз мандатларидан фойдаланиб, депутат жаноблар муҳокамасига Фарғона водийсидаги 250 минг гектар ерни 99 йил муддатга компанияга ижарага бериш ҳақидаги қонун лойиҳасини тақдим қилдилар. Тезда биринчи ҳақон уруши бошланиб кетмаганида бу қонунни тасдиқлаб олишлари ҳам эҳтимолдан холи эмасди.

— Инженер ўртоқлар, канал қурилиши бошлиғи билан танишинглар.

Юсупов ёнида ўтирган ингичка мўйлабли, кўпдан бери дазмол кўрмаган кителига Ленин орденини тақиб олган, кўриниши муғамбирроқ киши истар-истамас ўрнидан қўзғаламоқчи бўлган эди, Юсупов имо билан ўрнига ўтқизиб қўйди:

— Марказий Ижроия Комитетининг Фарғона области бўйича Ташкилот бюросининг раиси ўртоқ Тешабой Мирзаевни биласизлар. Мана, ўртоқлар... қурилиш бошлиғини топдик. Ҳозирча бошқа ҳеч нарса йўқ. Биз бу ерда уч соатдан бери ўтирибмиз, — у овозини бир оз баландлатди, — аммо лойиҳа ҳақон битиши ҳақида би-

пор аниқ ва бамаъни гап эшитганимиз йўқ. Ҳамма гап ҳали ўлда-жўлда, ҳеч қандай аниқ муддат айтилмаётир... Сизлар менга числони айтинлар ёки бошқача иш тутайликми? Бу ишни директива билан ҳал қилайликми? Сизларга числони белгилаб берамиз: хоҳлаганларингни қилинлар. Ёки канални сентябрь, октябрда қазиймизми? Пахта теримини барбод қилиб, сиёсий бюрога: биз канал қазидик, бизларни қойиманглар, деймизми? Шундай қиламизми, ўртоқ Аскоченский?

Марказий Комитетда деярли ҳар кун кенгаш ўтказиларди. Ер тузувчилар, ирригаторлар, инженерлар Гоголь кўчасидаги МК биносига худди ишга боргандек қатнардилар. Музокаралар қизиб турган пайтда Фарғонага келган оператив хабарлар: фалонча йўл босиб ўтилгани ҳақидаги телеграммалар қўлдан-қўлга ўтиб юарди. Бўлажак трассада дастлабки қидирув-лойиҳа отрядлари, геология группалари иш олиб боришаётган эди.

Лойиҳа автори— ёноқлари чўл шамолида чиниққан, қотмадан келган кўк кўзли белорус Лебедевга ўрнидан тез-тез туришга тўғри келарди. Ундан гоҳ у, гоҳ бу масалани тушунтириб беришни сўрашарди. У савол берган кишига жилмайиб қараб, қисқача жавоб қайтарарди. (Бу ўсмир студентга ўхшаб кетадиган қувноқ инженер ўша вақтдаёқ Фарғона водийсининг дастлабки ирригацион рельефли харитасини тузган бўлиб, ўн беш йил мобайнида Ўзбекистон сув хўжалигини қурди ва конструкция қилди.)

— ...Яхши,— Юсупов сабрсизлик билан Лебедевнинг сўзини бўлди,— сен, Иосиф Дмитриевич, бизга шуни айт-чи, америкаликлар шундай канални қанча вақтда қуриб битказадилар (у пайтларда Америка суръатлари диққат марказида эди)? Ҳаммасини— лойиҳа, канал, ишшоотларни қўшиб ҳисоблаганда...

Лебедев тик турганича ўз дафтарларини варақлаб, керакли жойини топди ва ўқий бошлади... Калифорния штатидаги Умумамерика канали— Имперпаль водийсидаги икки юз олтмиш минг гектар ерни Колорадо дарёсидан сугориш учун мўлжалланган. Узунлиги бир юз йигирма тўққиз километр. Энг янги ер қазиниш машиналари ёрдамида тўрт йил қурилган... Вайоминг штатидаги бир юз ўн километрлик канал қурилишининг тажрибаси. Лойиҳа ўттиз учинчи йилда тасдиқланган. Қурилиш уч йилдан кейин— ўттиз олтинчи йилда дастлабки тўрт

километрлик участкада бошланган. Ўттиз еттинчи йилнинг олти ойи мобайнида бир ярим миллион кубометрдан сал кўпроқ тупроқ қазилган...

— Тўхта...— Юсупов столни уриб қўйди.— Улар бундай унум билан ишласалар, ишни қачон тамомлайдилар?

— Канал умуман беш-олти йилда қуриб ботирилиши мумкин.

Юсупов киноя билан кулиб қўйди— америкаликлар суръати унга унча ёрдам бермади.

— Бўпти,— деди у,— Американи қўя турайлик. Ахир улар социализм қуришаётгани йўқ-ку... Ун беш минут танаффус эълон қиламан.

Фаргона тажрибаси жаҳон ирригацияси тарихига ноёб, мислсиз воқеа бўлиб кирди. Асрлар бўйи таркиб топган сув хўжалиги қурилиши андазалари дафъатан улоқтириб ташланди, инженерлик-иқтисодий мантиқ зил кетди, ҳатто ақл бовар қилмайдиган иш бўлди. Уч юз километрлик дарё— чуқурлиги тўрт, кенглиги ўттиз метрлик канал жуда қисқа муддатда— йиллар ва ҳатто ойлар мобайнида эмас— қирқ беш кунда вужудга келиши керак эди! Трассани текшириш ва лойиҳа тузишга икки ярим ой ажратилган эди!

...Эрталабга яқин биринчи секретарнинг бурчақдаги папирос дуди босиб кетган кабинетида шундай қарорга келишди. Уларнинг бошқа иложи йўқ эди. Улар бошқа қарор қабул қилолмасдилар.

Юсупов томоқ қириб кулиб юборди: кенгаш қатнашчилари қоғозларини стол устидан йиғиштириб портфелларига солишга улгуришмаган ҳам эдики, бир даста янги газеталарни олиб келишди. Шу замоноқ унинг «Правда» газетаси бош мақоласига кўзи тушиб қолди: «Мажлисбозликка чек қўйилсин».

Лебедев, бошқа мутахассислар Фаргона поездига шошилишарди. Улар билан Тешабой ҳам кетишни керак эди. У бутун кенгаш давомида чурқ этмади— мунозаралар вақтида мудраб ўтирганга ўхшарди (яхши билмайдиганлар, унга шубҳа билан қараб-қараб қўйишарди: қурилиш бошлигини зап танлашибди-да!)

Юсупов ёрдамчисини чақириб, илтимос қилди:

— Бирор егулик келтир... Тўхта! (Ёрдамчи эшикка яқинлашиб қолган эди) Газеталарга телефон қил. Эртага хабар чиқаришсин.

Ахборот эртасига, 10 июнда чиқди: «Ўзбекистон КП(б) Марказий Қомитети ва Ўзбекистон ССР Халқ Қомиссарлари Советида. Катта Фарғона канали қурилиши тўғрисида»¹.

«Правда Востока», 20 июнь сониди:

«Кеча 19 июнда, самолётда Москвадан ордендор кинорежиссёр, хизмат кўрсатган санъат арбоби («Броненосец «Потёмкин», «Александр Невский» картиналарининг постановкачиси) С. М. Эйзенштейн ва «Мосфильм» оператори, ордендор, хизмат кўрсатган санъат арбоби Эдуард Тиссэлар Тошкентга келдилар.

С. М. Эйзенштейн билан Э. Тиссэ ёзувчи П. Павленко сценарийси асосида сув учун курашга бағишланган катта бадний фильм яратиш учун таклиф қилинганлар. Яқин кунларда сценарий автори ўртоқ П. Павленко ҳам Тошкентга келади», деган хабар берилди.

Газетанинг ўша сониди: «Қўқон (телеграф орқали). 17 июнда Катта Фарғона каналининг трассасини белгилаш тўла-тўқис тугалланди. Лойиҳалаш-қидирув отряд-

¹ Қурилишга бевосита раҳбарлик Марказий Қомитет билан Халқ Қомиссарлари Советининг Усмон Юсупов, Абдужаббор Абдураҳмонов, Иўлдош Охунбобоев, Сергей Константинович Емцовдан иборат комиссияси зиммасига юклатилди. Тешабой Мирзаев қурилиш бошлиғи қилиб тасдиқланди. Қурилиш бошлиғи ҳузурида қуйидагилардан иборат техника кепгаши тузилди: раис — ер ишлари халқ қомиссари С. Азимов, ўрнбосарлар — профессор А. Н. Аскоченский ва инженер С. М. Курбатов, аъзолар — профессорлардан В. В. Пославский, Н. А. Янишевский, Е. В. Замарин, Д. Я. Соколов, инженерлардан Б. Д. Қоржавин, К. Н. Спнявский, И. Ф. Федодеев, Е. П. Рабиннович, Қ. Я. Қалабугин, Н. А. Казаков, В. М. Аполлосов, Қ. Қ. Шубладзе, И. Д. Лебедев, Н. Алиев, гидротехниклардан Мирзабой Кабирбоев, Одил Сандхонов.

Бошлиқ ўрнбосарлари қилиб қуйидагилар тайинланди: партиявий-оммавий ишлар бўйича — С. Қ. Емцов, ёшлар орасида сиёсий-оммавий ишлар бўйича — Ўзбекистон ЛКСМ МК секретари В. Исмoilов, техника қисми бўйича — Узводхоз бош инженери Б. Д. Қоржавин, маъмурий-молиявий қисм бўйича — И. Ефимов.

Қидирув-текширув ва лойиҳалаш бўйича бош инженер вазифасига профессор А. Н. Аскоченский, унинг ўрнбосари вазифасига — лойиҳа автори И. Д. Лебедев, йирик иншоотлар бўйича бош инженер вазифасига профессор В. В. Пославский, тупроқ қазииш ишлари ва майда иншоотлар бўйича бош инженер вазифасига — инженер И. Ф. Федодеев тасдиқланди.

Қўп тиражли дала газеталари редакторлигига: рус тилидагисига А. Т. Александровский, ўзбек тилидагисига С. Азимов тайинланди.

ларини Андижон ва Қўқон базаларига тўплаймиз, бу базаларда материалларни илмий асосда ишлаб чиқиш ва лойиҳалаш ишлари жадал олиб бориляпти.

Инженерлар ва техниклар лойиҳа тузиш устида кўтаринки руҳ билан ишляптилар. Аммо Қўқон ва Андижон шаҳар Советлари Катта Фаргона канали лойиҳасини тузиш устида астойдил ишлаётган мутахассислар учун қулайроқ яшаш шароити яратиш соҳасида ҳеч бир иш қилмаяптилар.

И. Д. Лебедев, Катта Фаргона каналини лойиҳалаш бўйича бош инженер ўринбосари».

Яширишнинг ҳожати йўқ: бу ташаббус ҳам, бўлажак канал ҳам нақадар муҳимлигини баъзилар тушуниб етмаган эди. Аммо дунёда ҳамма нарсадан кўра бир чеккада осойишта яшашни афзал кўрадиган кишилар ҳам бор эди. Улар яшаш деганда фақат сб-ичишу мириқиб ухлашни тушунардилар. Замона руҳига берилиб ҳаддан ошиб кетмаса-да, Юсупов бундай кишиларга— раҳбарларга ҳам, оддий ходимларга ҳам нисбатан жуда терс қарарди. Англашилмовчиликлар ҳам бўлиб турарди: баъзи кишиларнинг айбларини суриштириб ўтирмай, жаҳл устида ноҳақ жазолаш ҳоллари ҳам бўларди. Лебедевнинг ҳалиги телеграммаси асосида Қўқон меҳмонхонасининг директори ишга совуққонлик билан қарагани учун ишдан олинган эди; у ердаги ҳатто ягона умивальникда ҳам сув йўқ эди.

Канал трассаси қуриляётганда Юсупов бир куни Чўлоқ чойхоначини учратиб қолди: у қўлтиқтаёқда бўлишига қарамай, шақиллаб қайнаб турган катта самоварлар ёнида чаққон ҳаракат қилар, пиёлаларни ҳафсала билан ювар, дамлаб келган чойи эса ҳаммага манзур бўларди.

Юсупов чой ичиб, терлаган йўғон бўйнини даструмоли билан артар экан, чойхоначига миннатдорчилик билдирди ва, бу касбни ота-боболардан мерос қилиб олганга ўхшайсиз-а, деди.

Чўлоқ чойхоначи яккам-дуккам тишларини кўрсатиб, кулиб қўйди.

— Мен раҳбарлик ишида эдим,— деди ва мамнуният билан қўшимча қилди:— Қўқон шаҳрида меҳмонхона директори қилиб тайинлашган эди. Директор бўлганимга энди уч кун бўлганида ишдан олиб ташлашди. Тошкентнинг ўзидан буйруқ келди. Кўрдигизми, мен ҳам

ҳазилакам одам эмас эканман!— У мазкур воқеа катта раҳбарларга ҳам қизиқ бўлиб туюлгандир деган хаёлда шарақлаб кулди.

— Сизни ишдан олишни мен буюрганман,— деб тан олди Юсупов.— Хафа бўлманг, кечиринг.

— Раҳмат,— деди чойхоначи самимият билан қўлини кўксига қўйиб.— Ўзимда ҳам катта бўлиш истаги йўқ эди. Нима кераги бор бош оғригининг? Бу ерда, тоза ҳавода, минг марта яхшимасми!

Юсуповнинг йўлида меҳмонхона директорлигигача кўтарилган чойхоначиларгина учрагани йўқ, албатта. Аммо унинг яхши фазилати шу эдики, у ўз вақтида «тисарилиб», адолатсиз хафа қилинган кишидан кечирим сўрай оларди. Ташаккур айтишда ҳам саҳий эди. Талантли, ишга берилган кишиларни ҳар хил йўллар билан рағбатлантирар, обрўсини оширар, мақтар эди. Умумхалқ қурилиши— катта умумўзбек ҳашарида эса бундай кишилар жуда кўп эди.

Канал қурилишида Ўзбекистоннинг 170 минг колхозчиси қатнашди. Булардан мингдан ортиғи орден ва медаллар билан мукофотланди.

Ҳар ҳолда бу иш қандай бошланганини эслайлик. Аммо аввал бундан юз йиллар илгари ҳукмронлик қилган охирги Қўқон хони Худоёр даврига бир назар ташлаб ўтайлик. Бун қиёсий йўл билан яққол таассурот қолдириш учунгина эмас, балки воқеаларнинг моҳиятини чуқурроқ идрок этиш учун қилмоқчимиз. Бу воқеалар Ўзбекистон ва қўшни республикалар учун ҳаётий муҳим роль ўйнаган бўлса-да, уларнинг аҳамияти амалий натижалар билангина чекланмайди.

Шундай қилиб, Худоёрхон замонида Қорадарёдан янги қурилган Улуғнор ариғига сув очишди. Шу заҳоти сув сўл соҳилини уриб кетди ва оқим далаларни бостириб, экинларни ювиб кетди. Тантанали маросимда қатнашаётган мусулмон шайхлари доно маслаҳат беришди: сув уриб кетган жойга Тўхта исмли деҳқонларнинг таналари билан тўсиш керак. Юзга яқин кишини қўш-қўш қилиб боғлаб, раҳна етган жойни уларнинг таналари билан тўсдилар ва устларидан тош-шағал ҳамда чий бостириб юбордилар.

Янги канал қурувчилари орасида ана шу шўрлик Тўхта ва Тўхтасинларнинг набиралари ҳам бор эди.

Трассада тупроқ қазиш ишларини бошлаб бериш шарафи бошқа бир жафокаш— Чинбиби Бадалованинг

ўғлига насиб бўлгани ҳам диққатга сазовордир. 1916 йил қўзғолонининг қатнашчиси Чинбибини чор маъмурлари турмага ташлаган эдилар. Унинг ўғли Усмон шу авахтада туғилган эди. Усмон тепаликка чиқиб, халққа таъзим қилди. Ҳамма ёқни карнайлар садоси босиб кетди. Бу карнайлар неча юзлаб марта босқинчиларга қарши жангга чорлаган эди. Қўл-оёғи боғланган Тўхтасинларни бемаъни ўлимга олиб кетишаётганида ҳам шу карнайлар наъра тортган эди. Улар ўч ва қасос олишга, оғир мажбурий ишларни ўташга, зolim ҳокимларга таъзим қилишга чорлар эдилар.

1939 йил 25 июлда карнайлар Ўзбекистонда озод меҳнатнинг буюк байрами бошлангани ҳақида баралла янграб хабар беришди: бундай меҳнатни вужудга келтира олган давр ҳақида Ленин бундай деган эди: «Ташаббускорликни, мусобақани ва дадил починини ҳақиқатан ҳам оммавий равишда кенг ёйиш имконияти фақат эндигина туғилди» (26 т. 419-бет). Бу — социализм давридир.

Чинбибининг ўғли Усмон кетмонини озод кўтарди. Кетмон ёрқин қуёш нурлари остида ярақлаб кетди. Тўн кийиб, белларига хилма-хил белбоғлар боғлаган мингларча кишилар қўлларидаги кетмонларини баландга кўтардилар.

«Сиз дурадгор ўз ўртоғи учун уйни қандай қилиб қуришини кўрганмисиз?»— деб сўраган эди ўз ҳикояларидан бирида доно ёзувчи. Сиз ҳунарни санъат даражасига кўтарадиган ҳалол меҳнатни кўрганмисиз, демоқчи бўлган эди бу билан.

«Сиз қулларнинг авлодлари ўзлари ва ўз фарзандлари учун истиқбол йўлини қандай қилиб қурганларини кўрганмисиз?»

74 яшар Тожимат Хидиров трассага «Ленинизм» колхозидан икки ўғли— Бозорбой билан Эргашнинг изидан келди. Соқолларига оқ тушган бу ака-ука оталарнинг бу ерга келишини хаёлларига ҳам келтиришмаган эди. У гоҳ пиёда, гоҳ дуч келган юк машинасида юриб, бу ерга етиб келди. Эргашнинг ёнида туриб, деҳқончасига кафтига туфлаб ишга тушиб кетди ва дастлабки кунда уч норма—йигирма тўрт кубометр тупроқ қазиди. Эртасига ўттиз олти кубометрга етказди. Кўп ўтмай у кунига 66 кубометр тупроқ қазий бошлади. Тожимат ота сингарни саккиз азамат ҳозирги бир кубометр ковшли эксковатор ишини қила олиши мумкин эди.

Оқсоқол Ўзбек ёнида Николай Бочко меҳнат қиларди. Илгари Москва — Волга каналда ишлаган бу қурувчининг тажрибаси ҳақида Сулаймон Азимов редакторлик қилган газета бундай деб ёзган эди. «Уртоқ Бочко ўйига қулай замбилгалтак ясаб олди, 3 та белкурак ва замбилгалтак юрадиган 20 метрлик тахта кўприк тайёрлади. Бошқалар тупроқни аввал кетмонда қазиб олиб, сўнгра замбилга ташлаётган бўлсалар, у тупроқни бир йўла замбилгалтакка солиб чиқариб ташламоқда».

Фақат озод меҳнат, ўзи учун қилинган меҳнатгина ижодкорликни келтириб чиқариши мумкин. Канал қурувчилари ишида қазиб чиқарилган миллионларча кубометр тупроққина эмас, ана шу жиҳат ҳам ғоят муҳим эди. Юсупов канал қурилиши ҳақидаги ғоясини собитқадамлик билан ҳимоя қилганида ана шу жиҳатни ҳисобга олган эди. У билар эдики, агар керак бўлса одамлар белларигача сувда юриб ишлай оладилар, сув тубида сепоя тиргакларини мустаҳкамлаш учун марварид қидирувчилар сингари бардош билан сувга шўнғиб ишлай оладилар. Улар бу ишларни оддий бир ишдек қилардилар ҳам.

Инженер Клавдий Никанорович Синявский умрининг қирқ йилини Ўрта Осиё чўлларини суғоришга бағишлади. Катта Фарғона каналида у бешинчи участкага раҳбарлик қилишни ўз гарданига олди. Бу — рельефнинг мураккаблиги жиҳатидан энг қийин участкалардан бири эди. Баъзи кунлари, айниқса иш бошланган пайтларда қатъий ҳисоб-кинобларга ўрганиб қолган инженер қалбини: улгура олармикчимиз, эплай олармикчимиз, деган шубҳа тимдалар эди. Кейинчалик у Тошкентда, кечқурун беҳи мураббоси билан чой ичиб ўтиришганида уйдагиларига канал ҳақида гапириб бераркан, ўзида кулиб, дафъатан ўзини нозанинлар кўз ўнгида жуда оғир тошни кўтариб қойил қолдириш учун цирк майдонига чиқиб қолган ширакайф телеграфчидек ҳис қилганини тан олган эди.

Аслида эса аҳвол мураккаброқ эди. Клавдий Никаноровични чўчитаётган нарсаси бир лаҳзалик хижолат эмасди. Мўлжалдаги ишни мағлубият билан тугаллаш алам қилади, албатта, аммо ёки унинг ўзига ортинча ишониши, ёки инженерлик маҳоратининг етишмаслиги оқибатида маъна шу барча қоракўз колхозчиларнинг ҳафсасини бир қилиб қўйиши мумкинлигини ўйлаганида юраги янада жинллаб кетарди. Зотан Синявский ўзини

шунча ишонтирмоқчи бўлса-да, деярли имкони йўқдай туюлган ишга колхозчилар астойдил ишонардилар.

Иш бошланишининг учинчи кунда Клавдий Никанорович учун дастлабки кутилмаган воқеа юз берди: унинг участкасига ўғли Георгий — механизация кафедрасининг доценти келди. Отпусқа олиб, трактор ишларига раҳбарлик қилиш учун келибди. Ҳа, айтгандай, трассада механизмлар: тракторлар, экскаваторлар, юк машиналари ҳам бор эди. Механизмлар кам бўлса-да, ҳар бир машина, ҳатто эскириб қолган «Рустон-Бисайрес» экскаваторлари ҳам иш унуми жиҳатидан уларни яратган конструкторларнинг ўзлари ҳаёлларига келтирмаган рекордли натижаларга эришаётган эди. Аммо одамлар мўъжиза яратишаётган эди... Клавдий Никанорович баъзан маълумотларга ўқиб эмас, балки ўзан вужудга келтирилган, дамбалар қад кўтараётганини кўра туриб ўз кўзларига ишонмасди.

Қурувчилар ақл бовар қилмайдиган, қилиш мумкин бўлмаган ишларни қилишди — қилганда ҳам астойдил ва завқ-шавқ билан қилишдики, бу завқ ҳарорати қаригунча қалбда сақланиб, дунёга бекорга келмаганининг эслатиб туради.

Езёвон ишооти қурилиши учун шағал келтириш қорғу, лекин транспорт йўқ эди. Шунда прораб Туркин заковати оддий бир киши колхозчилар билан биргаликда оддийгина туби ясси баржалар қурди. Уларга шағал ортишганида деярли ён деворларининг ҳошиясигача сузга чўкди. Туркининг ўзи олдинги баржада туриб олиб, худди тажрибали капитанлардай кўрсатмалар бериб борди. Бу эса ҳазилкашларга дастак бўлиб, унга «Езёвон флотилиясининг адмирали» номини беришди. Туркин заҳархандаларни ҳам, совуқ гапларни ҳам («Мана кўрсаткичлар: буларнинг ҳаммаси чўкиб кетади») писанд қилмади. Шағал манзилга етказиб келинди.

Шу муносабат билан кўп ўтмай бошланган уруш эсга тушиб кетди. Бу урушда афсонавий «катуша»лар ҳам, битмас-туганмас халқ заковати ҳам баб-баравар қурол бўлган эди. Фақат бир фактни айтиб ўтиш кифоя қилса керак: агар оддий солдатлар тол новдаларидан чапига ўшлаган «ботқоқда юрадиган» мосламаларни ўйлаб топишганида машҳур «Багратион» операциясининг шу қадар муваффақиятли чиқиши қийин эди, албатта. Бу операция натижаеида совет қўшинлари ботқоқликлар

орқали гитлерчилар Германияси чегарасига чиқиб олишган эди.

Табийки, Катта Фарғона каналида инженерлар билан қидирувчилар заковати янада яққол намоён бўлди.

Нориндан Қорадарёгача трасса тўртта пиллапойдан ўтиб, 18 метр пастга тушади. Пиллапойларни қура бошлашлари биланоқ кўпдан қутилган хавф вужудга келди: катта куч билан тушадиган шалола канал четини ювиб кетиши мумкин эди. Инженер В. Поярков шалола кучини кесиб учун дарҳол копуссимон қия девор лойиҳасини тузди, инженер А. Тюленев эса консолли пиллапой деб аталадиган ажойиб конструкцияни таклиф қилди: оқим нов тубидаги тешиклардап туширилади, у кўплаб майда оқимларга бўлиниб кетади. У пастга қаттиқ ёмғирдай ёғиб туради. Консолнинг янги хили канал четининг бузилишига йўл қўймаслик билан бирга нов узунлигини, сепоялар қоқиш чуқурлигини қисқартириш ва демак харажатларни икки барабар камайтириш имконини берди.

Фарғона канали катта мактаб бўлди. Тошкент тўқимачилик комбинати ва шаҳарнинг бошқа корхоналари юборган ишчилардан бу ерда колхозчилар бетончилик ва арматурчилик маҳоратини ўрганишди.

Аммо канал фақат шавкатли ва қимматли ишлар кўргазмасидангина иборат бўлди деб ўйлаш керак эмас. Ўста кўрмаган кишиларда ҳунармандларга хос билим ва маҳорат бўлмайди, бундан ташқари фаҳм билан қилинган иш кўпинча таваккалчиликка асосланган бўлади.

Август тонги барвақт бошланган иссиқдан ҳали ғира-ширага ўхшарди. Қалта энгли оқ кўйлак ва каламенка фуражка кийиб олган Юсупов оғир нафас олиб, Қоржавин билан бирга участкама-участка юрар, инженерларнинг гапларини эшитиб, тобора тажанглашарди.

— Дамба тайёрланмаган пойдеворга қўйилибди: пастки қатлам тозаланмаган, юмшатилмаган.

— Дамба билан тупроқ орасида бир қатлам қолиб кетибди. Бу қатламга сув сизилиб кириши мумкин.

Участка бошлиқлари ўзларини оқламасдилар — хайрихоҳлик қилишни сўрардилар.

— Буларни нима қилса бўлади? Соғ тупроқни чиқариб ташлаб, дамбага қум келтириб тўкишибди.

— Шу ҳам гапми... Менинг участкамда дамбада ёгочларни қолдириб кетишибди. Мана бундай-мана бундай келади!

— Ҳаммасини назорат қилишга улгуриб бўлади дей-
сизми?

Унинчи ва йигирма иккинчи участкаларда дамбалар
яхшилаб шиббаланмаган эди. Қоржавин синчков кўзла-
ри билан бунинг сабабини дарҳол аниқлади.

— Катта қатлам қилиб шиббалашган, бунинг устига
сув сепиб турилмаган.

Дамбалар, дамбалар...

Юсупов тажанг бўлиб, қаҳрланган эди:

— Бундай каналнинг кимга кераги бор,а? Бутун сув
дарҳол чўлга ёйилиб кетади. Нимага қазияпмиз, нимага
куч сарфлаяпмиз ўзи?

Жазирама офтоб худди қумларни эритиб юборгудай
бўлиб турган пайтда — соат ўн еттида Юсупов участка
бошлиқларининг шошилиш кенгашини чақирди. Қор-
жавин кўлда чизилган схемаларни кўрсатиб, ҳар бир
участканинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган
технология ҳақида батафсил гапириб берди. Бир оз қи-
зишиб ҳам олди.

— Бизга хўжакўрсинга қилинадиган иш керакмас.
Канал ишлаши лозим.

— Худди шундай! — Юсупов бош силкиб қўйди.
Офтоб ва шамолда қорайган чехрасидан тажанглиги
сезилиб турарди. Ўрнидан туриб гапира бошлади. Ҳар
бир киши ҳамма таъна гапларни фақат ўзига тегишли
деб ҳис қиларди. — Инструкторлар группаларини тузиш
керак, — деди Юсупов. — Вазифа: ҳар бир қурувчига
дамба ётқизиш қоидаларини тушунтиришдан иборат.
Бугина эмас. Бу иш нима учун шу қадар муҳимлигини
ҳар бир киши англаб олиши зарур. Колхозчилардан ўзим
сўраб кўраман. Беистисно ҳар бир киши идрок қилиб
олсин. Тушундингларми? — Бир оз тин олиб, бир ҳўплам
кўк чой ичди-да, юмшоқроқ қилиб қўшиб қўйди. — Бўл-
маса биз бир қўлимиз билан қурган, иккинчиси билан
бузган бўламиз. Бундай қилиш ярамайди.

Лойиҳачиларда ҳам айб бор эди. Қўқоннинг жану-
бидаги жойни натурага кўчириш вақтида қўпол хатога
йўл қўйилгани аниқланди. Колхозчилар қазиган бир не-
ча километр трасса беҳуда бўлиб чиқди. Одамларни иш-
дан тўхтатиб, Юсупов ҳузурига боришга қарор қилинди.
Айбларини бўйинларига олиб, шошилганликларини рў-
қач қилишмоқчи бўлишди: жуда қисқа муддатларни
унинг ўзи белгилагани-да, ахир... Юсупов ҳамма гапни
дарҳол фаҳмлаб изоҳларни тўхтатди.

— Шундай ҳам бўлади... Конкрет айбдорларни топса бўлади, албатта, аммо ҳеч кимни жазоламаймиз. Хатони тўғирлаш керак.

— Ҳамма чоралар кўрилди. Трасса тўғрилаб юборилди.

— Ундай бўлса, ишни давом эттираверипглар.

Қош қорайиб, иш тугагач, яна трасса бўйлаб йўлга чиқди.

Катта Фаргона канални ҳақида фильм яратмоқчи бўлган Эйзенштейнда бу манзарани Темур юришлари билан қиёслаш фикри тугнлгани ҳам бежиз эмасди: чўлда ўнларча километр жойда чироқлар шодаси кўзга ташланарди. Яқинроқдан қарасангиз, қўйидаги манзарани кўрасиз: нонвойлар тандирдан иссиқ нон узишяпти; ошпазлар эртага бўладиган паловнинг гуручини ҳафсала билан тозалашяпти; ўзининг соқоли ўсиб кетган озгингина маҳаллий яҳудий сартарош ерга қараб миқ этмай ўтирган паҳлавоннинг сочини қиртишлар экан, оғзи тинмай ҳазил-мutoйиба қиляпти; унинг ёнида кийим тикувчи жойлашиб олган, у ҳатто лавҳа ҳам осиб қўйибди, аммо лавҳанинг маъносини англаб олиш жуда қийин эди: «11-устахонадан буюртмалар фақат ўз материалидан қабул қилинади»; ямоқчилар енгил болғачалари билан тўқилатиб қўядилар. Пастда, янги қазилган ўзанда, Маргилондан келган оқсоқоллар, кенг яғринли, қизларникидай қайрилма қошли хушрўй андижонлик йигитлар худди томоша залида ўтиргандай жойлашиб олишган эди. Аммо улар креслода эмас, тезда сув оқиб келиши шубҳасиз бўлган ўзан тубида чордана қуриб ўтиришарди. Тўғон устида тахтадан саҳна ясалган. Юк машиналаридаги иккита кучли прожектор нурлари кеснишган жойда Ўзбекистон булбули Ҳалимахоним куйларди.

Ўзбек қўшиқларининг шинавандалари машҳур қўшиқнинг авжини орзиқиб кутишарди. Ҳалимахоним ўзининг завқ-шавққа тўла кучли овози билан бу гал ҳам қойил қолдиришига ҳамма амин эди.

Юсупов машинанинг чапг босган қанотига суяниб турарди. Мапа, орзиқиб кутилган пайт ҳам келди! Ҳалимахон ашуланинг охирини қийиб қўйди. Ранг-баранг тўнли кишилар ўрниларидан туриб, қадоқ қўллари билан ғарсак чалишарди; улар ашуланин олқишлаб қийқиринишарди. У эса қўлини кўксига қўйиб таъзим бажо келтириб, кичик ансамблига ишора қиладди. Кексайиб қолган найчи завқ билан яна бир нафис куйни бошлаб юборди,

доирачи унга жўр бўлди. Ҳалима яна қўшиқ бошлади.

Ёрдамчи журъат этиб эслатиб қўймоқчи бўлди:

— Эрталабгача Фарғонага етиб боролмаймиз, Усмон Юсупович. Ахир сиз Москвадаги икки жой билан гаплашишингиз керак.

— Э-э, қўятур,— деди Юсупов деҳқончасига қўлини сийтаб.

Ёрдамчи илдаммай қўя қолди.

Ўнг томонда, узоқда кинопрожектор нури порлаб турибди. Қўшни участкада янги фильм қўйиб беришаётган эди. Ёнг яхши парсаларнинг ҳаммаси каналга юборилган эди.

Юсупов зўрға машина зинасига оёқ қўяди. Қаламиш-ка фуражкасини олиб, устарада қирилган бошнинг артди. — Яша-э, Ҳалимахон!

Яна ярим йилдан кейин Ҳалимахоним, Тамарахоним ва ҳали ёш бўлган Мукаррама Турғунбоева ашула ва рақс билан канал ўзанидан юриб ўтишади. Улар кетидан Фарғонанинг катта суви изма-из оқиб келади.

Кўп йиллар ўтгач, Петр Павленко Адабиёт институти студентларига ўзи ҳақида гапирар экан, ёнг бахтиёр хотираларидан бири — Катта Фарғона каналида бўлган кунлари эканини айтган эди. Бу ерда ҳамма иш худди тугал коммунизм давридагидай бўлган эди. Павленко бу ерда, ўнинг ўз таъбири билан айтганда, ҳамма жойда коммунистик меҳнат қандай бўлишини ифодаловчи халқнинг жонли кучини кўрди. Бу гап ижодий завққа эмас, балки юқорида келтирилган фактларга асосланган эди; ёзувчи фақат бу фактларни умумлаштириб ва яқун чиқариб, халқ қурилишининг бош сиёсий якуни нимадан иборат бўлганини белгилаб берди. Унинг иқтисодий аҳамияти ҳақида гапирадиган бўлсак, шуни эслатиб ўтишнинг ўзи кифояки, урушнинг дастлабки йилида Ўзбекистон 1940 йилдагига қараганда кўпроқ пахта берди ва ҳосилдорлик бўйича дунёда биринчи ўринга чиқди, кенгайди. Канал қазилмаганида бундай бўлиши мумкин эмасди.

Ғалаба учун пахта нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтирмаймиз. Буни ҳамма билади. Бундай қараганда хўжалик ишларидан жуда йироқ бўлган шoirа Анна Аҳматова (уни ҳеч ким хушомадгўйликда айблай олмайди) Тошкентда китобхонлар билан учрашув вақтида қуйидаги гапларни айтганлиги бежиз

эмас: Ленинград даҳшатли қамал кунларига нонсиз бардош берди, пахта бўлмаса, демак порох бўлмаса, Ленинградга янада қийинроқ бўларди.

Юсупов ўз гарданига жуда катта маъсулиятни олиб, ўша жуда мураккаб йиллар нуқтаи назаридан қараганда ғоят қалтис ишни бошлаганида Фарғона канали бўлажак урушда ҳарбий заводлар даражасида улкан роль ўйнашини ўйлаганмиди? У бундай фикрini ҳатто энг яқин кишиларига ҳам айтмаган эди, шу боисдан бу фикр унга мансуб деёлмаймиз. Аммо бир нарса муқаррардир. Бу нарса бир неча бор таъкидланган: Юсупов партиявий арбоб, раҳбар эди. Бунинг маъноси шуки, у истиқболни кўра оларди ва эртанги кун учун зарур бўлган ишларга оммани бугун отлантира оларди.

Йиллар ўтиб, Катта Фарғона канали четига ўтқазилган толлар сояси қуюқлашди, техника-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича янги ирригация иншоотларидан анча орқада қолди, аммо у ҳамон одамларга ҳалол хизмат қилиб келмоқда. Унга Усмон Юсупов номи берилди ва бу жуда адолатли иш бўлди.

Юсупов ўша хотирали 1939 йилда асосан Катта Фарғона канали билан шуғулланган бўлса-да, бошқа ишлари ҳам кўп эди. Бунда гап фақат расмий докладлар ва мақолалар ҳақида бораётгани йўқ, албатта; бундай доклад ва мақолалар ҳар доимгидек кўп эди: Ўзбекистон КП(б) МК пленуми ва ВКП(б) съезди, партия Программасини ўзгартириш юзасидан комиссия мажлислари, Лоғон каналининг тантанали очилиш маросими, Тошкент партия ташкилотининг актив йиғилиши, СССР Олий Советининг учинчи сессияси, чорвачиликка бағишланган область кенгашидаги доклад ва нутқлари, газеталардаги мақолалари шулар жумласидандир. «Правда Востока» газетасида У. Юсупов Фарғона канали тўғрисидагина эмас, балки ўша ёз фаслида қазилган 43 километрлик Зарафшон канали ҳақида, Тошкент ёшлари қурган Комсомол кўли ва истироҳат боғи ҳақида, ўзини социалистик жамият деб ҳис этган, ўз меҳнаткаш ўлкасига астойдил содиқ бўлган, инсониятнинг сермашаққат тарихида ниҳоят адолатга асосланган тузум тантана қилганига ишонган халқнинг руҳиятида ифодаланган умумий оммавий кўтаринкилик ҳақида ҳам ёзган эди. Совет кишиларининг ана шу кўтаринки руҳий ҳолати тез орада бошланган урушда ҳам галаба қозонишининг гарови бўлди.

Уруш эса ҳар қачонгидан ҳам яқинлашиб қолган эди. 11 сентябрда Юсупов Учқўрғонда нутқ сўзлади. Бу ерда алоҳида Бош участкадаги ишлар тугалланган эди. У одатдагидай ҳаяжонланиб гапирди ва унга ишонч, ифтихор, мароқ билан кўз тикиб турган кишилар,— бугун қирқ беш кун давомида Усмон ака улар билан бирга бўлган эди,— унинг деҳқончасига содда сўзларидан яна шунинг учун ҳам ғоят таъсирландиларки, Юсупов уларнинг ўзларига ва қўшниларига жуда ўхшаб кетарди, аммо унда доимо куч ва ишонч барқ уриб турарди, бу куч ва ишончини ўз халқи билан баҳам кўрарди.

— Бугун ҳаётимиз чакки эмас. Эртага бундан ҳам яхшироқ бўлади!

Карнайлар садоси узоқларга тарқаларди. Дошқозонларда ош дамланаётган эди.

Юсупов шарқликларга хос илтифот кўрсатиб, участка бошлиғи Камолов ва илғорлар билан дастурхон атрофида бирга ўтирди. Секин-аста аския бошланиб кетди. Юсупов учқўрғонликларни ҳафа қилмаслик учун кулгига қўшилиб ўтирди. У бир соатдан кейин янги газеталарни ўқиб ҳамма хабар топадиган воқеадан — немис фашистларининг қўшинлари Польшага бостириб кирганидан хабардор эди. Совет чегараларига уруш учқунларигина эмас, балки алангалари яқинлашиб келаётган эди.

Машинада Юсуповнинг ёнида Сергей Константинович Емцов ўтирарди. У Тошкент округ партия комитетиде бирга ишлашган эски сафдоши, яхши ўртоғи эди. Қотмагина, серҳаракат Емцов Усмон Юсупович томонга энгашиб, ҳаяжонланган ҳолда сўради: энди ғарбий чегараларда нима бўларкин?

Юсупов индамади. Кейин катта кафтини Емцов қўлининг устига қўйди.

— Мени вилт қийнаяпти, Сергей Константинович. Вилт. Жуда ёмон мараз экан-да бу! Шу йилнинг ўзида қанча пахтани нобуд қилди,— у Емцовни елкасидан қучоқлаб, сўради:— Фарғона селекция станцияси узоқмасми? Бир кириб чиқмаймизми? У ерда янги нав етиштиришганмиш. Вилтдан сира қўрқмайди, дейишади.

Ил охирида Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида умумиттифоқ миқёсда янги қарор қабул қилиниши керак эди. Москва учун материал қандай тўпланаётганини Юсупов эътибор билан кузатиб борарди. Жонли толани тамомила қуришиб юборадиган вилтга — пахта ракига бардошли навларни

жорий этиш ҳақидаги сатрлар қарордан ўрни олса ғоятда жонз бўлармиди. Бундан буёнги ишларнинг моҳияти мумкин қадар кўпроқ майдонларга чигит экишдангина иборат эмасди. Вилтнинг олди олинмаса, у ҳосилнинг учдан бир қисмини нобуд қилиши ҳеч гап эмас.

Янги муваффақиятли навлар ҳақидаги бир оз шовшув аралаш хабарларни Юсупов бир неча бор эшитган эди; одатда улар практика синовидан ўтолмасди. Ҳозирги гап бошқача эди. Юсупов реал фактлар асосида буни сезиб турарди. У Фарғона тажриба станцияси раҳбарлари, хусусан ажойиб агроном Румшевични, обрўли мутахассислар деб биларди. Уларнинг ўзлари ўз ишларига баҳо беришда жуда босиқ эканликлари, янги нав бошқа табиий зоналарда, масалан, Хоразмда ўз афзалликларини намоён қила олиши хусусида ҳатто шубҳа билдирганликлари эътиборга сазовор эди.

Емцов ҳам Румшевичнинг ишларидан хабардор эди, албатта: у хурсанд бўлиб кетди.

— Биласизми, улар ўтган йили кузда тупроққа ата-йин вилт юктириб, ўз навлари ёнига участкада касалланган ғўзаларни ўтқазиб кўришди. Улар етиштирган нав соппа-соғ бўлиб чиқди!

Юсупов ҳаммасини ўз кўзи билан кўрди ва ҳаммага эшиттириб, ўз кўзларимга ишонмаяпман, деди. Станцияга дарҳол энг яхши агрономларимизни тўплашни таъинлади.

У ана шу кенгашга келди; шубҳаланувчиларнинг гапларини айниқса эътибор билан тинглади, лекин улар ҳам навнинг яхши эканлигини тан олишарди. Масала муҳокамаси Қишлоқ хўжалик халқ комиссарлигига кўчирилди.

Кузда, вақт ярим кечага яқинлашиб қолганида Юсупов халқ комиссарига телефон қилди.

Халқ комиссарининг гапидан бирор аниқ фикрни англай олмади. Шундан кейин сўради:

— Хўп, майли. Фарғона нави ҳам вилтга бардош беролмайди деяйлик, аммо ҳосилдорлиги ва бошқа кўрсаткичлари бўйича ҳозирги навлардан яхшироқми ахир?

— Ҳар ҳолда улардан қолишмайди.

— Шундай экан, уни баҳордан бошлаб барча ишлаб чиқариш зоналарида, катта майдонларда жорий қиламиз. Яхшироқ бўлса бўладики, ёмонроқ бўлмайди.

Энди эса мутахассислар шунини таъкидламоқдаларки, агар ўша нав жорий этилмаганида ғўзага ишлов бериш

учун куч етишмаган уруш йилларида пахта далалари вилтдан нобуд бўлиши мумкин эди. Тезда унинг ўрнини «108-ф», сўнгра эса «Тошкент» навлари эгаллади. Энди кекса пахтакорларнинг гапига қулоқ солинг:

— Илгари бўлса: янги навни энг керак бўлган пайтда худонинг ўзи юборди, дейишган бўларди. Аслида эса унга Юсупов йўл очиб берди. Олимлар янги навни айни пайтида етиштиришди, Юсупов эса қўллаб-қувватлади. Бошқа киши эмас, худди Юсуповнинг ўзи қилди бу ишни.

Катта Фарғона канали ва навларни алмаштириш, Чирчиқ ГЭСлари каскадидан энергия олиб ишлайдиган ва далалар қувватига қувват қўшувчи азотли ўғит тайёрлаб берадиган, ҳозирги кўламларда ҳам жуда катта бўлган Чирчиқ электрохимкомбинати — буларнинг ҳаммаси экин майдонларини кенгайтиришнинг энг муҳим омиллари эди. Равшанки, ибтидоий усул билан, маҳаллий ўғит ҳисобига унча катта майдонларни семиртириб бўлмасди, албатта.

Чирчиқ комбинати — ўша йилнинг учинчи муҳим вазифаси, пахтачиликнинг истиқболи ҳақида Юсупов кўрсатаётган ғамхўрликнинг учинчи ҳалқаси эди; бу — унинг толмас ғайратиниғина эмас, балки ҳайрон қоларли даражадаги изчиллигини, ўз ҳаракатларида оқилона асосланган собитқадамлигини кўрсатувчи далиллар.

Тошкентда, Марказий Комитетда кундалик эрталабки ахбороту маълумотлар орасида Чирчиқ ГЭСлари каскади биринчи навбатининг қурилиши қандай бораётгани ҳақидаги хабар ҳам албатта бўларди. Унинг қурилиши ниҳоясига етай деб қолган эди. Тогнинг уч сулуви, учта дарёси — Чотқол, Угом ва Кўксув Тошкентдан эллик километр нарида ягона оқимга — Чирчиқ дарёсига қўшилади. Унда баланд тоғ музликларидан келадиган сув оқади; кесиб юборгудай совуқ бўлган ана шу сув водийга тушгач, гўё қирғоқларидан тезроқ йироқлашиб, текисликда ором олишга шомиллгандай яйраб оқади. Шу ерда, Ғазалкент посёлкаси ёнида Чирчиқ йўли бош иншоот билан тўсилди; лойиҳа тузишда қатнашган француз инженерлари уни Барраж (тўғон) деб атадилар. Бу ном унга яқин посёлканинг номи бўлиб қолди. Дарёнинг саёзлашиб қолган ўзанидан ўттиз метр баландликдаги бетон билан тўсилган сув омборидан Юсупов билан А. Н. Аскоценский Чирчиқ бўйлаб бир неча бор юриб ўтишган. «Сазводпроеиз» лойиҳа институтининг асосчиларидан би-

ри, унинг бош инженери ва Катта Фаргона каналининг бош инженери бўлган Аскоченский «Чирчикстрой»га ўн йил бошчилик қилган эди. Бу ўз билими ва сувни ўз иродасига бўйсундириши билан Юсуповни қойил қолдирадиган кишилардан бири эди.

Ишга тушириш учун тахт қилиб қўйилган станцияларни кўздан кечириб чиқишди.

— Сенинг фикрингча азотли ўғит комбинатини қачон ишга тушириш мумкин?— деб сўради Юсупов.

Аскоченский энг яқин деганда 1941 йил бошларида ишга тушириш мумкинлигини айтди.

— Барвақтроқ ишга тушириш керак, сентябрда бўлгани маъқул. Энергия бер.

— Энергия бўлади.

— Халқни худди Катта Фаргона каналидагидек отлантирамиз,— деди Юсупов.— Тезроқ битириш кераклигини халқ тушунади. Кўрасан: фаргоналиклар канални қандай қуришган бўлса, тошкентликлар ҳам Чирчиқни шундай қуришади.

Декабрь ойида ВКП(б) Марказий Комитети билан СССР Халқ Комиссарлари Советининг «Чирчикстрой» тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Унда, азотли ўғит комбинатини ишга тушириш муддати: 1940 йил сентябрь, деб белгиланган эди.

Катта Фаргона каналидаги тупроқ ишлари сентябрда тугалланди. Қолхозчиларнинг кўплари олдиндан мўлжалланганидек ишчи кўлларга муштоқ бўлиб ётган далаларга қайтишди. Ўзбекистон салкам бир ярим миллион тонна пахта териб олди. Бир ярим миллионга етказиш иштиёқи жуда зўр эди (фақат 50 минг тонна етмасди) чаноқда қолган охирги чигитгача теришди, очилмаган қора кўрак ичидаги тола чувиб олинди; кўсакнинг қотиб қолган учларни кўлни ёриб юборарди. Кимдир Юсуповга Қўшма Штатларда кузда гўзапояни қолган-қутган пахтаси билап ёқиб юборишармиш деди. Арзонроқ тушаркан.

— Уларни шунинг учун ҳам буржуй дейишади-да,— деб дарҳол эътироз билдирди Юсупов.— Уларга даромад, бизга эса пахта керак.— У яна қўшиб қўйди.— Улар гўзапоянигина эмас, галлани, қаҳвани ҳам ёндириб ташлашади.

Қаҳва ҳақида гапирганида унга ачишмасди. Унинг

таъминни хушламасди. Машҳур «тўқсон беш» кўк чойига нима етсин! Каналга сув қўйиладиган кунда оқсоқолларни ва илғорларни хушнуд қилиш учун Юсупов қийин бўлса-да, бир неча яшик «95» чойидан топтирди.

Бир неча тантана: Совет Ўзбекистонининг ўн беш йиллиги, каналнинг очилиши ва қурилиш қатнашчиларининг мукофотланиши бир вақтга тўғри келиб қолди. Мингдан ортиқ киши орден ва медаллар билан тақдирланган эди. Аскоченский, Лебедев, Федодеев, Коржавин, Пославский Ленин ордепи билан; Юсупов, Охунбобоев, Абдурахмонов Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланишди. Бу — Фарғона зафарномасининг ажойиб хотимаси бўлди.

Шуниси қизиқки, Юсупов ҳаётида шу пайтгача энг муҳим бўлиб келган ғоят катта иш тугалланиши билан Юсупов сурур қилиш ўрнига чарчаб, бир нарсасини йўқотгандай бўлиб қолди. Рассом ўз асарига охириги сайқални бериб бўлганидан кейин, ёш артист премьерга ўтганидан кейин қандай ҳолатга тушса, у ҳам шу ҳолатга тушгандай эди. Бу — янги иш бўсағаси эди. Юсупов бу ишнинг Катта Фарғона каналидан қийинроқ бўлишини биларди, аммо тезда Ўзбекистон партия ташкилоти зиммасига тушадиган тарихий вазифанинг кўламини тасаввур қила олмаган эди, албатта.

Уруш бошланиб кетган эди. Каналдан сув оқа бошлаган кунни шимолда, Фарғонадан мингларча километр нарида, қорда кўзга ташланмаслик учун оқ халатга бурканиб олган йигитлар фин дотларига ҳужум қилишаётган ва ўққа учиб йиқилпшаётган эди.

Ҳар бир кишини аяш керак эди.

Юсупов Фарғона водийсига жўнаб кетиш олдидан пастки қутидан каттагина тўплам бўлиб қолган қоғозларни олди: канал қурилишидаги иш раҳбарларининг нотўғри хатти-ҳаракатлари ҳақидаги ахборотлар; бошқача иш тутишаётгани, нотўғри фармойишлар чиқаришаётгани, атайинми ёки тушунмасдан шундай қилишаётганмиди, бунинг ким билади дейсиз, аммо объектив қараганда зараркунандалик қилишаётгани хабар қилинганди уларда... Оддий дафтарлардан, қизил чизиқли идора қоғозларидан йиртиб олинган бу «ҳужжат»ларни биттама-битта йиртиб ташлади. Уларнинг айримларига қўйилган имзони англаб бўлмас, айримларидаги имзолар эса аниқ ёзилган, ҳатто неча йилдан бери касаба союз аъзоси эканлиги ва билет номери ҳам кўрсатилган эди.

Бу қозғол парчаларнинг бадхонлар четга суриб қўймоқчи бўлган кишиларнинг қўли билан йўл очилган оқимга иргитиб ташлаш маъқулроқ бўларди. Бугун мана шу йўл очган кишилар бу куннинг қаҳрамонлари эди. Уларни республика Олий Совети Президиумининг раиси Йўлдош ака Охунбобоев қучиб табриклаётган эди. Михаил Иванович Калинин мамлакатда қанчалки севиқли ва муътабар бўлса, Йўлдош ака ҳам Ўзбекистонда шунчалки муҳаббат ва эътибор қозонган эди.

Юсупов ҳам Лебедевни, Пославскийни, қурлиш бошлиғи Тешабой Мирзаевни, Мамажон полковни Курбановни, кўринишдан унча жуссадор бўлмаса-да, ишда афсонавий натижаларига эришган Дўнан Дўсмаатовларни қучоқлаб, уларга ташаккур билдирди.

Дўстона дастурхон ҳам ёзилди. Мана энди бахтиёрликдан ҳаяжонда бўлган кишилар орасида, уларнинг қувончига шерик бўлиб ўтирганида Юсупов жисман чарчаганини сизди. Аммо яна шошилиш керак эди. Тошкентда Марказий Комитетнинг навбатдаги пленуми таёрланаётди, Юсупов эса Халқ Комиссарлари Совети билан биргаликда қабул қилинадиган ва ўз кўрсатмасига биноан бир неча марта қайта ишлаб чиқилган пахтачиларни янада юксалтириш тадбирлари тўғрисидаги қарорни яна бир бор кўриб чиқмоқчи эди...

Ушбу китобда пленумлар, бюролар, съездлар, резолюциялар, қарорлар тез-тез тилга олиниб турилгани учун китобхонлар гина қилишмасин тагин. Мажлисларга сарфланадиган вақт беҳуда кетади деган фикр кенг тарқалганини биламиз. Бошқаларни билмаймиз-у, аммо Юсупов ҳар бир соатни гоёта қадрлар эди; у ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам вақти беҳуда кетишига йўл қўймасди. Агар у мажлисларни баъзан чўзиб юборган, баъзан минбардан кўпроқ гапириб юборган экан, буларнинг ҳаммаси беҳуда қилинмаган, чунки мана шу кўзга кўринмайдиган, аммо бевир, тинкани қўритадиган барча ишлар: муҳокамалар, кенгашлар, фикрларни таққослашлар энг мақбул ифодаларни топишдаги қийинчиликлар оқибати-натияда жамиятга керакли ишга айланди. Романтикадан йироқроқ бўлган партиявий иш мана шунанга.

Юсуповнинг сергайрат ёрдамчиси ҳар беш минутда телефон қилиб турарди. Аэродромнинг метеорология

лунхтидаги қиз ҳорғин овоз билан бир хил жавоб қайтарарди: илгаригидай кўриниш ёмон, об-ҳавонинг яхшила-нишидан умид йўқ. Аммо навқирон ёрдамчи умидини узмасди.

Қўшни хонадагилар хахолаб кулишар, бир-бирларига гал бермай чуғурлашарди. Ҳовлида қуруқ майда қор шигаб ёғарди — бу янги йилга номатлуб совга бўлди, негаки, канал тантанали вазиятда пшга туширилганидан кейин мана шу қор туфайли Фаргонадан жўнаб кетиш-нинг иложи бўлмай қолди.

Гап орасида Юсуповнинг эсига бир нарса тушиб қолди:

— Пенсон қаерда? Суратларни кўрсатсин.

Каналга сув қуйиш пайтини акс эттирувчи суратни кўргиси келиб қолганди.

Тошкентлик машҳур фотомухбир Пенсонни топиб келгани одам юборишди. У митингдан чиқибоқ «Правда Востока» учун суратларни тайёрлаш мақсадида Тошкентга жўнаб кетган экан.

Яна чой ичиша бошлашди. Шу пайт машинасидан хабар олиш учун аэродромга дам-бадам қатнаб турган самолёт командири Гусев кириб келди. Унинг қулоқчиний қордан оппоқ бўлиб қолган, тугмаси солинмаган чарм камзули эса жиққа ҳўл эди. У ҳаммага маълум гапни айтди:

— Бугун ҳаво очилмайди, Усмон Юсупович.

— Водопьянов бўлиб кет-э... — Юсупов креслонинг суянчигига таяниб ўрнидан туриб, нариги хонага чиқди. Телефон трубкасини олиб, бундай деди:— Яхши қиз! Мен Юсуповман. Тошкентни улаб юборинг.— Телефончи қиз, алоқа йўқ, деб жавоб берди.

Унинг жаҳли чиқиб кетди:

— Бу қанақа жой ўзи? Битта қор ёғса бутун хўжалик ишдан чиқиб қолар экан-да!— Сўнгра дарҳол ўзини босиб олди:— Майли...

Трубкани жойига қўйди.

— Утир,— деди ёрдамчисига.

Ўзи қарама-қарши девор ёнига иккита каравот қўйилган қўшни хонага кпрди. Алоҳида курси устига қўйилган графин бўш бўлиб, кузда осилган оч қизил рангли духоба пардани чанг босиб кетган эди, айвонга чиқиладиган эшик эса михлаб ташланганди.

Каравотлардан бирида шофёр омонатгина ёнбошлаганча ухлаб ётарди.

Пардани очди. Обком биносидаги иккита портрет оралигида лампочкалар ёрдамида қуйидаги сўзлар ёзиб қўйилганини кўрди: «Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, ўртоқлар!»

У этигини, кителини ечиб, шофёрни уйғотиб юбормаслик учун оҳистагина бўш каравотга ётди. Бир оз шишган оёқларини маза қилиб узатди-да бирпасда ухлаб қолди.

Девор орқасидаги гурунг тинмасди. Идишларнинг жаранги эшитиларди: байрам дастурхони ёзлаётган эди. Бир минг тўққиз юз ўттиз тўққизинчи йил билан хайрлашиляётган эди.

6

«БИРГАЛАШИБ ИШЛАЙМИЗ»

Гап бирор лавозимга одам танлаш ҳақида борганида у бошқаларнинг тавсиясига унча қулоқ солмасди. Юсупов атрофидаги кишилар буни яна шундан ҳам билардиларки, уларнинг беистисно ҳаммасини Юсуповнинг ўзи қидириб топган эди. Мана шу кишилар — бевосита ёрдамчилари, Марказий Комитет ва Халқ Комиссарлари Советининг ходимлари, лойиҳа ташкилотлари ва область ташкилотларининг ходимлари бўлмаса, Юсупов ўз режаларини ҳам, ўзи қўллаб-қувватлаган режаларини ҳам рўёбга чиқара олмаган бўларди. Ҳамишагидек асосий ролни умуман партия — 65 минг ВКП (б) аъзоси ва аъзоликка номзодлари ўйнар эди, аммо кўп нарсаси аппаратга, раҳбарларга, асосли равишда масъул деб аталувчи ходимларга ҳам боғлиқ эди. Улар Юсуповнинг баъзан сира кутилмаган саволларига кутилмаган пайтларда жавоб беришларига тўғри келиб қоларди. Марказий Комитет бюроси олдида ўз тармоқлари, ўз участкалари учун жавоб берардилар. Мақтовни кам эшитардилар. Кўпинча ўша пайтларда таомилга кирган ифода билан айтганда «пўстақлари қоқилар» эди. «Партия билетингдан ажраб қоласан» деган гап эса қуруқ пўписагина эмасди. Шундай бўлса-да, улар Юсупов қўйган вазифаларга бўйсиниб, ўзларини аямай ишлашарди. Аммо улар вазифаларга ҳамиша ҳам сўзсиз бўйсунмас-вермасди, чунки Марказий Комитетнинг биринчи секретари айрим ҳолларда ғалати вазифаларни ҳам бериб

қўярди, лекин унга ётиги билан тушунтириб, фикридан қайтариш мумкин эди; у ўз хатоларинигина эмас, хабардор эмаслигини ҳам тан олишдан уялмасди; ўз вақтида «чекиниб», ўзига бўйсинувчилардан — обком секретарими ёки шофёрми эканлигидан қатъий назар — кечирим сўрай оларди. Аммо у ўзининг битмас-туганмас ғайрат-шижоати билан барчани руҳлантириб ўзига эргаштира оларди — бунга ҳамма тан олади.

Юсупов сафдошларининг баъзилари сўнгги вақтларгача Тошкентда ва Москвада катта лавозимларни эгаллаб келишди. Бенистисно уларнинг ҳаммалари Усмон Юсупович билан биргаликда ишлаган йилларини худди ёшлик пайтларини хотиралагандай эслаб юрадилар, ваҳоланки, ҳаммалари ўша вақтдаёқ ёш жиҳатидан ҳам, ҳаётий тажриба жиҳатидан ҳам етук кишилар эди. Масалан, Юсуповнинг сафдошларидан бири — Р. М. Глухов билан муносабатлари қуйидагича вужудга келган эди. Бу ҳол типик бўлгани учун қуйида келтирилади.

1939 йил ёз фаслининг бошларида Тожикистондан Юсупов қабулига Родион Михайлович Глухов келди. Бу ўттиз тўрт яшар кишининг йигирма йиллик иш стажига бор эди. У ишни Тошкентдаги Қизил Шарқ устахонасида слесарликдан бошлаган эди. Ун саккиз ёшида партия сафига кирган. Сирдарё қишлоғида галлани яширган қулоқларнинг адабини берган. Амударё соҳилидаги Чимбойда бандитларни қўлга туширган. Йигирма беш мингчилар қаторида Салдатское ва Майское қишлоқларида дастлабки колхозларни тузган. Тўқимачилик институтига ўқишга юборилган ва айни вақтда Ўрта Осиё бюросида умумлаштириш группасининг инструктори бўлиб ишлаган. Тожикистонга ишга юборилган. У ерда озиқ-овқат саноат халқ комиссарининг ўринбосари вазифасигача кўтарилган, Тожикистон Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринбосари бўлган.

У Юсупов ҳузурига ана шу лавозимдалигида келган эди. Усмон ака Глуховни Ўрта Осиё бюроси мажлисла-рида кўриб юрган бўлса-да, шахсан танимасди.

Гап Тожикистоннинг Катта Фарғона канали қурили-шидаги иштирокчи ҳақида борарди. Сўхбатни Юсупов билан иккалалари бошлашди, кейин Охунбобоев ҳам келди. Тожикистон канални Қўқондан Конибодом томон қазий бошлайди, деб келишиб олинди.

Иш бошланмасданоқ Глухов қийин муаммога дуч келиб қолди: бўлажак канал трассасини қазишда қатна-

шўвчи районлардан бири — Ашт райони бўлажак каналдан бир қултум ҳам сув олмас эди: бу райондаги колхозчиларни ишлашга қандай қилиб ундаса бўларкин?

Глухов Ўзбекистонда ўзини алоҳида эътиборига умид қилиши мумкин бўлган меҳмондай ҳис қилиб, Юсуповдан телефон орқали маслаҳат сўради. Юсупов бирор кўрсатма бериб ўтирмади-да, шахсон ўзи бориб, Ашт районидаги колхозчиларни тўплашни илтимос қилди ва улар олдида нутқ сўзлади.

— Аштлик биродалар,— деди у,— ўлкамизнинг қадимий удумига кўра қўшнилариңгизга ёрдам берингиз, Фарғона каналидан кейин эса биз яна биргаликда Шимолий канални қура бошлаймиз,— шунда сизнинг райониңиз ҳам сув олади. Бу ваъдани сизларга партия номидан мен, Юсупов беряпман.

Илгарилари Глухов бундай воқеаларни, яъни комиссар нутқ сўзлаганидан кейин жангчилар кўкракларини қалқон қилиб кучли душманга ҳужум бошлашини фақат фильмлардагина кўрган эди. Бешариқдан Конибодомгача бўлган участка (Конибодом ўзининг беқиёс қантак ўриги билан ва Хўжа Насриддин ватаи эканлигига даъвогарлиги билан ҳаммага маълум) тамомил тошлоқ ерлар эди. Бу ерларни қазिशмади, балки чўкичлар билан парчалаб олишди деса тўғрироқ бўлади. Маана шу оғир участка 29 кунда қазиб бўлинди. Глухов гурур ва ифтихор билан буни Юсуповга хабар қилганида ундан қўйидаги жавобни эшитди.

— Сен ишни биттирибсан-у, биз ҳали тамомлаганимиз йўқ. Бизнинг Бош участкада аҳвол оғир. Бизга камидан ўн минг киши юборолмайсанми-а?

Бундан сал илгари Юсупов Ашт колхозчиларига қандай мурожаат қилган бўлса, Глухов ҳам тожикларга худди шундай гаплар билан мурожаат қилди. У ўз сўзларининг ниҳоятда ҳақ эканига астойдил ишонарди: у партия номидан гапирётган эди.

...Тожиклар ёрдамга келдилар.

Қишда Глухов каналнинг Тожикистон территориясидаги иккинчи навбати қурилишига бошчилик қилди.

Унга яна Тошкентда, Юсупов ҳузурда бўлишга тўғри келди. Шимолий канал қурилиши ҳақидаги масалани келишиб олиш керак эди. Юсупов ваъда қилганидек, бу қурилиш ҳар иккала республика кучлари билан ўша 1940 йилда тугалланди.

Ёз фаслида Юсупов Глуховни Тошкентга таклиф қил-

ди. Ҳозир ўзини фахр билан юсуловчи деб атайдиган барча кишиларга айтилган гапини Глуховга ҳам айтди:

— Сен менга ёқиб қолдинг. Биргаликда ишласанг қалай бўларкин?

Глухов розилик билдирди.

— Ундай бўлса Абдурахмонов (республика Халқ Комиссарлари Советининг Раиси) ҳузурига бориб, ҳужжатларини расмийлаштириш ҳақида келишиб ол. Госпланда ишлайсан, сенга бериладиган биринчи вазифа: ирригация учун материал ресурсларни керак. Қидириб топасан.

Глухов бу ресурсларни қидириб топди. Ҳамма қурилиш майдонларига, аввало Чирчиқ электрохимкомбинатидаги эндигина битирилган иккинчи навбат қурилишига шахсан ўзи борди. Сўнгра бошқа корхоналарда бўлди. Бекор ётган техника воситаларини ҳам, тахлаб қўйилган бинокорлик материалларини ҳам топди. Госпланда «Чирчиқстрой» бошлиғи Логинов иштирокида кенгаш ўтказди. Логинов ўжар, қаттиқроқ одам эди, аммо иш манфаатларини ва Юсупов ирригацияга нақадар катта аҳамият бераётганини яхши тушунарди.

Ортиқча техника ва материаллар ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисида акт тузилди.

Юсупов мамнун бўлди.

— Баракалла!— деди ва газеталарда ресурсларни сафарбар этиш, фойдаланилмаётган имкониятлар қақндаги масалани кўтаришни тайинлади.

Ҳар кун минглаб масалалар билан шуғулланадиган Юсуповнинг Глуховни унутмаганлигидан у ҳайрон бўларди. Юсупов ҳақиқатан ҳам уни унутмаган эди ва унга яна бир муҳим ишни топширди. Чирчиқ — Ёўзсув йўли (ҳозирги ажойиб шоссе) шу қадар ишдан чиққан эдики, ҳатто ундан тракторлар ҳам юролмайдиган бўлиб қолган эди. Қиш яқинлашиб келаётир: корхонага хом ашё ва станцияга ўғит ташиш қандай бўларкин? Юсупов телефон қилиб, қандай таклифларинг бор, деб сўради. Глухов фақат битта имконият борлигини айтди: Октябрь байрами кунлари йўлни ёпиб қўйиш ҳамда бари бир шундоқ ҳам ҳаракат тўхтаб қоладиган уч кун нчида ремонтдан чиқариш мумкин. Лекин ҳамма нарсани тахт қилиб ва олдиндан режа тузиб қўйиш керак.

Глухов бу ишдаги ёрдамчиларни — Шамсуддинов (бўлажак Фаргона область партия комитетининг секретари) ва Пашковский (йўл-эксплуатация бошқармаси-

нинг бошлиғи) каби ҳали ёш эди. Улар уч кечаю уч кундуз ухламадилар, аммо 10 ноябрда эрталаб ремонт тугаллангани ҳақида рапорт беришди.

Бир ҳафтадан кейин тунда Юсупов унга телефон қилиб, бундай деди:

— Биз маслаҳатлашиб, сени Давлат контроли комитети раисининг биринчи ўринбосари қилиб тайинлайдиган бўлдик. Александр Васильевич Кудрявцевдан (Ўзбекистон КП(б) МК иккинчи секретари) ҳужжатларни олиб, Москвага инструктаж олиш учун бориб келасан.

Уруш йилларида Глухов республика Халқ Комиссарлари Совети Раисининг ўринбосари бўлди. Оғир саноатнинг барча тармоқларига раҳбарлик қилди. Ҳозирча эса Родион Михайлович Глуховнинг тақдирини типик эканлигининга такрорлаб ўтмоқчимиз, холос. Телефон орқали қилинган илтимос («Мен бу йигитни анчадан бери билмаман. Госпланда ишлаш иштиёқи бор...») ёки шу мазмундаги хат, ёки катта кенгашлар танаффуси вақтида шама қилишлар («у билан бир гаплашиб кўринг, ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз») фақат салбий роль ўйнаши мумкин эди. Юсупов фақат битта мезонини: иш билан текширишни тап оларди. Ақл, маълумот, мустақиллик, ташкилотчилик қобилиятлари, қатъият, дадиллик ва албатта, кенг фикр юрита олиш, умумий вазифалар ва мақсадларни тушунтириш — мана шу фазилатларга эга бўлган кишиларнинг у юқори лавозимга муносиб деб ҳисобларди. Бу — расмий тилда ходимларни ишчанлик ва сиёсий хислатларига қараб танлаш деб аталади. Шунини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчимизки, ижобий характеристикаларга ҳам, салбий характеристикаларга ҳам ғоят танқидий, анкетадаги айрим графикларга эса лоқайд қараб, улар фақат статистика учун керак, деб ҳисобларди.

Биринчи секретарь қуйидаги латифани кўп айтарди: бир киши қандайдир муҳим конференция тугаганидан кейин гардеробда янглишиб бировнинг пўстинини кийиб олибди, бироқ янглишганини тезда билиб қолиб, кечирим сўрабди. Аммо бу воқеа бутун умр бўйи унга доғ бўлиб қолган экан. («қандайдир пўстини воқеасига аралашган эди шекилли...»)

— Нима?— деб дағдаға билан сўрарди баъзан Юсупов,— «пўстини воқеасига аралашганмиди?»— ва хулоса чиқарарди:— Бекор гап! У менга ёқади.

Таниқли ходимларнинг миллатини биларди, баъзан ҳатто, исмини эмас, балки миллатини айтиб чақирар,

аммо бунда ўзини «ўзбек халқининг ўғлини» деб атагандек енгил ҳазил-мutoйиба руҳидан четга чиқмасди: «Арманига айтинглар, Ангренга ўзи борсин» (ёқилғи соҳасида ишловчи Борис Григорьевич Мирзабеков ҳақида); ёки ўз қайнатасини ҳамиша ҳурмат қилса-да, у ҳақда гапирганида: «Хохол келди. Ҳозир у билан маза қилиб суҳбатлашамиз», дерди.

Аммо Юсуповнинг бирор киши ҳақидаги фикри, ёки айтайлик, уни юқори лавозимга кўтариш ҳақидаги мулоҳазаси унинг миллатига боғлиқ бўлган бирор воқеани ҳеч ким эслай олмайди. У ўз халқини севарди, ўзбекча шеърни ҳам, музикани ҳам, урф-одатларни ҳам, таомларни ҳам ардоқларди; у ўз халқини, унинг истиқболни ўйларди, бу истиқболни эса социалистик Советлар мамлакати деб аталувчи бутун улуғ мамлакат тақдири билан чамбарчас боғлиқ тарзда тасаввур қиларди. Кези келганда айтиш керакки, унга ўзбекчани тушунадиган кишилар билан муомала қилиш осонроқ эди, аммо, масалан, Тешабой Мирзаевни фақат шу боисдан Катта Фарғона каналига бошлиқ қилиб тайинламаган эди. Халқ орасидан етишиб чиққан инженерлар кўп эди, Тешабой эса яқин ўтмишда саводсиз батрак эди. Аммо табиатнинг ўзи Тешабойга катта ақл, энг муҳим жиҳатни назардан қочирмаган ҳолда мингларча тафсилотларни кўра билиш, воқеаларга дарҳол тўғри баҳо бериш, дадил қарорлар қабул қилишдан иборат ажойиб қobiliн-ят инъом этган эди — у туғма раҳбар эди, шу боисдан Юсупов республика учун ҳам, ўзи учун ҳам шу қадар катта аҳамиятга эга бўлган ишни Тешабой Мирзаевга дадиллик билан ишониб топширган эди. Ўзбекистон халқ комиссарларининг ҳаммаси Мирзаевга бўйсундирилган эди, «жуда айёр, ҳар нарсага шубҳа билан қарайдиган, ҳар жойда ҳозир, ҳар бир гапдан хабардор, ҳар қандай обрўни тан олмайдиган» киши сифатида ном чиқарган Тешабой худди шу халқ қурилишига бошчилик қила оладиган бирдан-бир киши бўлди.

Одамларга баҳо беришда Юсупов янглишган пайтлар ҳам бўларди. Юсуповга аввал ёқиб тушмаган, кейинчалик унинг ўкинчига сабаб бўлган одам ҳали ҳаёт эканлиги сабабли бу ерда унинг номини тилга олишни эп кўрмадик. Тундроқ, имирсилаган ва ланжроқ бўлган бу киши ер тузувчи бўлиб ишларди.

— Ичсанг кераг-а?— деб сўради Юсупов қовоғини солиб.

— Бўлиб туради.

Топшириқ берган эди, унча иштиёқ билдирмади. Бунинг устига Юсупов таклиф қилган қисқа муддатга вэтироз билдириб, шошган қиз эрга ёлчпмас, қабилида қўполроқ гапни айтди.

Уни кичпроқ вазифага қайтариб юборди. Урушдан кейин эса янги ерларнинг тупроқ харитасида танишроқ фамилияни учратиб қолди. Иш раҳбарини таклиф қилди. Ўша киши бўлиб чиқди, аммо у янада тундрок эди.

— Ташламадингми?

— Ҳамма қатори фақат байрамларда нчаман. Қовогимнинг шини буйрак касалидан.

— Группанг жуда яхши харита тузибди. Билимдон кишилар мақташяпти,— деб қўшиб қўйди.— Биз сенга ўхшаш мутахассисни беш йил қидирган эдик. Марказдан таклиф қилган эдик — эплай олмади. Ўша пайтда сен билан тил топа олмаганимизга ачинапман,— ва хулоса қилди:— Сенга мукофот берамиз ва яна, тўхтаб тур-чи,— трубкани олиб ҳукумат поликлиникаси бош врачини чақирди-да, ҳалиги кишининг фамилиясини айтди:— Бу ўртоқни яхшилаб текширишдан ўтказиб, курортга юборинг.— Ҳар ҳолда ўша пайтда топшириқни бажарияндан нима учун бош тортганни сўради. Унутмаган экан.

Ер тузувчи ўша жавобни такрорлади:

— Ҳеч нарсa чиқмасди.

— Нима учун менга тушунтирмадинг?

— Юрагим дов бермади. Мен ахир Марказий Комитетнинг биринчи секретари билан ҳар куни гаплашиб юрибманми?

— Кўриб турибман, сен тап тортадиганлардан эмасга ўхшайсан. Тўғриси айтиб қўяқол — шарманда бўлишдан қўрққапсан.

— Шундай бўлса бордир.

У даволаниб, ёшн бўйича пенсияга чиқиб жетди.

Бунинг аксича ҳоллар ҳам рўй бериб турардики, булар туфайли унинг ўзи уялиб ва афсусланиб юарди. («Кўр эканманми-а...»).

Матлубот кооперациясида бир киши маҳсулотларни япниксиз ташишни таклиф қилиб қолди. Ҳар доим бўлганидек ва айниқса урушдан кейинги йилларда тахта олтин бараварида қадрланарди. Бу таклиф мингларча сўм тежам берди.

Марказий Комитет бюросида Юсупов ўша матлубот

кооперациясининг ўзидagi масъул лавозимга ана шу кишининг номзодини қўллаб-қувватлади. Бу ўртоқ халқ тийпини нақадар қадрлашини иш билан исботлади, деб ҳам қўйди. У эса пкки йилдан кейин ўғирлик қилиб қўлга тушди.

— Мени унинг ёнига ўтқазиб қўйиш керак,— деди Юсупов куйишб.

Аммо қўлимизни кўксимизга қўйиб, унинг томонини олган ҳолда айтишимиз мумкинки: мерган ҳам ўқни ҳамisha нишонга аниқ тегизавермайди. Юсупов қанчадан-қанча кишиларнинг истеъдодини куртаклигидаёқ сезиб, уларни қўллаб-қувватлади, санъат, адабиёт ва фаннинг катта йўлига олиб чиқди. Ҳозирги машҳур қўшиқчилар Саодат Қобулова билан Саттор Ярашевни, раққоса Гулнора Маваевани, олим Азиз Қайумовни — бошқа яна кўпгина таниқли маданият арбобларини Юсупов том маънода топган деса бўлади. Уларнинг ҳаммаси умр бўйи Усмон акадан астойдил миннатдордирлар. Санъат кишилари социалистик жамиятда ўйнайдиган ролни Юсупов нақадар тўла ва яққол тушунганлигини кўрсатувчи мисолларни кейинроқ яна келтирамиз. У инсонга овқат, уй-жой, кийим-кечакнинг ўзи кифоя қилмайди, ҳаёт тўлақонли бўлиши учун шеър ҳам, музика ҳам, театр ҳам керак, дер экан, бу қуруқ сафсата эмасди. Юсупов бу фикрни тингловчилар озми-кўплигига қарамай такрорлашни яхши кўрарди. Баъзан антракт вақтида партернинг биринчи қаторидаги ўрнидан туриб, залга ўгирилганча, Марказий Комитет биринчи секретарининг бу иши айрим кишиларга эриш туюлишидан хижолат тортмасдан, бу гапни таъкидларди. Кўпинча Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ташаббуси билан қабул қилинган фан, маданият, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга онд кўллаб ҳужжатлар, қарорларни санаб кўрсатиш мумкин. Бу қарорлар умуман Юсуповга хос қунт ва собитқадамлик билан амалга ошириларди.

Марказий Комитет аппарати собиқ ходимларининг хотирлашларича, Усмон Юсупов уларни имтиҳондан ўтказган — улар 1940 йилгача бўлган лотин алифбесини эмас, балки янги алфавитни қанчалик яхши ўзлаштирганликларини текшириб кўрган. У Ўзбекистон Олий Совети тегишли қонун қабул қилишидан илгарийёқ расмий ҳужжатларнинг янги алфавитда ёзилган ҳолда тақдим этилишини талаб қилган. Ўзи уни ҳаммадан

аввал ўрганиб олган. Шу нарса ҳам муҳимки, ўзбек тилини ўрганаётган ва билган европалик ходимларни Юсупов табриклар эди.

Марказий Комитет олий ўқув юртларининг ишини чуқур ўрганарди. Транспорт институтида ўқув ишларининг қандай йўлга қўйилганлиги ҳақида масала бюрода кўриб чиқилди. У ерда дирекциянинг розилиги билан ўқитувчиликка яроқсиз кишлар жойлашиб олишган эди. Медицина ва педогогика институтларида, ҳатто университетда марксизм-ленинизм асослари юзаки ўрганиларди. Бу кафедралар етакчи мавқени эгалламаган эди. Бу ҳол Юсуповга айниқса қаттиқ тегди.

-- Менинг ўзимдай одам ҳар куни кечкурун соат тўққиздан ўнгача классикларнинг асарларини ўрганаман!

Бу—шунчаки айтилган гап эмас, ҳақиқат эди. Ҳатто ўз умрининг сўнгги ўн йилда, совхоз директори вазифасида ишлаётганида ҳам Юсупов мунтазам равишда Маркс, Энгельс, Ленин асарларини камоли эҳтиром билан ўқирди. Бундан кўзлаган бошқа бир мақсади ҳам бор эди: қўл остидагиларга намуна кўрсатарди. Юсупов «Гота программасини танқид» асарини худди керак жойидан цитата келтирганида одамлар ҳайрон қолишар ва буни ўзларига таъна деб билишарди, чунки бу асарни айрим кишилар унутишган бўлса, баъзилари умуман ўқиб чиқишга ҳафса қилишмаган эди.

У олимларни истиқбол эгалари деб биларди. Юсупов барча докторларнинг (улар 1940 йилдаёқ юздан ошиб қолган эди) ва ҳатто деярли барча фан кандидатларининг, айниқса маҳаллий аҳоли орасидан чиққанларининг исм-фамилиясини ҳам биларди. Урушдан олдинги йилнинг бошларида СССР Фанлар Академияси Ўзбекистон филиалининг таъсис этилишига бағишланган тантанали мажлисга келди. Ҳозироқ республикада етмиш бешта илмий-тадқиқот муассасаси бўлиб, уларда уч мингдан кўпроқ илмий ходим ишлаётгани ҳақида ифтихор билан гапирди. Ҳар галгидек ёзилган текстни унутиб, истиқбол ҳақида, Марказий Комитет илм-фанни ривожлантириш учун қандай тадбирларни белгилаётгани ҳақида завқ билан гапира кетди, ўзининг орзуларини ўртоқлаша бошлади. Асосланган илмий фактларгагина ишонишга ўрганган кишилар унинг гапларини иштиёқ билан тингладилар, у айтган гапларнинг ҳаммаси амалга оширилишига ишонч ҳосил қилдилар.

Ҳа, сув омборларининг тўлқини шовиллайди, электр станциялар ток бера бошлайди, Чорвоқ тўғони Чирчиқ оқиб келаётган тоғ дарасининг энг тор жойини тўсиб қўяди; тўғоннинг нарёгида дунёдаги энг мусаффо сув билан тўлдирилган катта денгиз мавж уриб туради, депгиз атрофида эса дам олиш уйлари, пионер лагерлари қурилади. Бу соғломлаштириш ва дам олиш зонасига пойтахтдан электричкалар қатнай бошлайди. Мирзачўлдаги асрлар давомида жазирамада қақшаб, шўр босиб ётган юз мингларча гектар ерларга ҳаёт бахш этилади. У ерда шаҳар типигаги уйлари ва асфальт ётқизилган йўллари бўлган посёлкалар қад кўтаради. Далаларда етиштирилган пахта машиналарда териб олинади.

Воқелик, ҳар қачон бўлганидек, орзудан ўзиб кетди. Юсупов Ўзбекистон Фанлар академиясининг муассасалари бутун бир шаҳарчани эгаллаб, унинг составида Шарқдаги дастлабки атом реакторига эга бўлган ядро физикаси институти ва мамлакатдаги энг йирик электрон-ҳисоблаш марказларидан бири вужудга келишини ўйламаган эди.

Баъзи масалаларда у ортиқча ҳаёлларга ҳам берилиб кетарди. У Тошкентнинг Навоий кўчаси бўйлаб кенг канал қазилиб, бу каналда худди Москвадагидай дарё трамвайи юришини, ана шу дарё трамвайида болалар сайр қилишини, соҳил бўйлаб чойхоналар ва кафе-морожнийхоналар очилишини орзу қиларди.

Йўқ, асоссиз ҳаёлпараст эмасди. Унинг орзулари социализмнинг чексиз имкониятларига ишонч асосига қурилган эди.

У ўз орзулари ҳақида баъзан якшанба кунлари хонадон дастурхони устида, баъзан қўшиқ эшитаётганида, баъзан санъаткорлар билан ярим кечагача чўзилиб кетадиган суҳбатлару ҳазил-мутойибалар, аскиялар вақтида ҳаяжонланиб гапирарди. Ўша пайтда ҳали ёш бўлган Комил Яшинни Юсупов Ҳамзанинг вориси деб атарди. Яшин халқнинг революциядан кейинги янги шароитдаги тақдирини, оғир курашда ўз инсоний шавкати-ни қарор топтирган ўзбек хотин-қизлари тақдирини акс эттирувчи пьесалар яратди. Яшин биринчи ўзбек миллий операси бўлган «Бўрон» либреттосининг муаллифи эди. Опера музикасини эса М. Ашрафий (ўша пайтда таъкидланганидек комсомол композитор) билан профессор С. Н. Василенко ёзишган эди. Операдаги асосий аёл қаҳ-

рамон партиясини Яшининг рафиқаси, дастлабки ўзбек актрисаларидан бири Ҳалимаҳон Носирова пжро этди.

Юсуповнинг шулар билан, шоир Шайхзода билан дўстлиги, композитор Тўхтасин Жалилов билан, театрда ишловчи Мамажон Раҳмонов ва унинг рафиқаси Шаҳодатхоним билан, Камтар Отабоев, Саодат Қобулова, Холхўжа Тўхтасинов, Маъмуржон Узоқов билан дўстлиги неча йиллар давом этди. Марказий Комитет биринчи секретарининг фикри, унинг артист ёки шоирга муносабати бадний кенгашларда ва матбуотда ҳисобга олинарди, албатта, аммо бу дўстлик гаразли ҳомийликдан узоқ эди. Юсуповга яна шу жиҳатдан қойил қолш керакки, у севадиган рақс ва қўшиқ ижрочилар, шоир ва адиблар ҳақиқатан истеъдодли кишилар эди: улар буни неча марта лаб ишончи тарзда исботлашди.

Кишининг қадри қанча баланд бўлса, унга баҳо беришда шунчалик кўпроқ талабчанлик қилинганидагина объективликка риоя қилинган бўлади.

Кези келганда шунини айтиш керакки, Юсупов ўз фарзандларига нисбатан ҳам худди шундай эди. (Инецца Усмоновнинг эслашича, у тўртинчи синфдалигида диктантдан икки баҳо олганида, отаси бу ҳолининг тасодифий эканига ишонмай, уни ўйиндан ва морожнийдан вақтинча маҳрум қилиб қўйишини билиб йиғлаган экан.)

Бу ерда эса гап диктант ҳақида бормас эди.

Ёзувчилар союзи кенгайиб, янги-янги кишилар адабиёт майдонига кириб келишарди; уларнинг баъзилари истеъдодли бўлсалар-да, умумий маълумотлари чекланган, ўзбек ва жаҳон адабиётининг ўтмишидаги намояндалари ижоди билан таниш эмасдилар. Марказий Комитет қарори билан ёзувчилар учун марксизм-ленинизмни, адабиёт назариясини, рус ва Ғарбий Европа адабиёти меросини ўрганиш юзасидан семинарлар ташкил этилди. Ҳозирги адабиёт оқсоқоллари ўша йилларни, семинарлардаги машғулотларни, улар билан Юсуповнинг ўзи ўтказган суҳбатларни мамнуният билан эслайдилар; бундай суҳбатлар аҳён-аҳёндагина ўтказилган бўлса-да, улар мана шу кишининг сиймоси каби умр бўйи хотирда қолган. Юсупов ҳақида ҳамма бир овоздан: «У чинакам большевик эди»,— дейди. У ўзи ҳимоя қиладиган катта ғояларга ҳам, ўзи айтаётган ҳар бир сўзга ҳам астойдил ишонарди. Сўзлаётганида ўз гапининг моҳиятини чуқур идрок этиб ҳаяжонланар ва бу ҳаяжон даврадаги ёзувчиларга ўтарди. Ғоят берилиб гапирганидан овози тобора

кўтарилди боради, бу эса унинг нутқида янада кўпроқ жозиба бағишларди. Жўшиб кетганида қўлларини силтаб гапирарди-да, бир оз ўзини босиб олганида катта бошини қуйи солиб турарди.

Юсунов театр ва музыкага алоҳида меҳр билан қарарди. Қашшоқ Қовунчи қишлоғида опаси бўздан тикиб берган кўйлагиди бу ерга аҳён-аҳёнда келиб турадиган ашулчиларнинг концертига бориб, сеҳрлангандай қотиб ўтирарди.

Театр ҳаётий эҳтиёж эди. У премьераларга ҳам (бунда Марказий Комитет секретарининг иштироки воқеага алоҳида аҳамият касб этарди), ниҳояси кўринмайдиган ишлар орасида вақт топиб оддий спектаклларга ҳам бориб турарди.

У ёки бу ижрочида, айниқса ижрочи аёлга айтилган ҳар бир сўз, ҳар бир эътибор белгисига нақадар аҳамият берилишини тасаввур қилмоқ учун ниҳоятда таъсирчан ва жиззакан бўлган театр муҳитини билиш керак. Бошқа минг-минглаб ҳолларда ҳеч ким эътибор қилмайдиган ёки унутиб юбориладиган воқеалар қанчадан-қанча мулоҳазаларга ва беҳуда гапларга сабаб бўларди. Шунинг учун ҳам Юсунов томошабин сифатида ва айниқса партия раҳбари сифатида гоят талабчан эди. Театр ходимлари у республикада санъат савияси халқ маданиятининг ўсишидан орқада қолаётгани ҳақида жуда қаттиқ гапирганини эслашади. У ижодий диапазоннинг кенг бўлишини, репертуарга рус ва чет эл драматургияси асарларининг киритилишини талаб қиларди.

Ўттизинчи йилларда ўзбек саҳнасида Шекспир трагедиялари, Островский ва Горький пьесалари, Погдиннинг «Милтиқли киши» асари қўйилди.

Тошкентнинг Беруний майдонида қад кўтариб турган бино пештоқига зарҳал ҳарфлар билан: «Улуғ Ватан уруши йилларида қурилган» деб ёзиб қўйилган. Бу — ўша оғир йилларда мамлакатда қурилган бирдан-бир театр биноси — Муқимий номидаги музыкали театрди. Бу — халқ ишончининг ва санъат жангвор қурол эканлигини тан олишнинг далилидир. Усмон Юсунов ана шу қурилишнинг илҳомчиси ва ҳомийси бўлган эди.

Бунда оддий деҳқонга хос режа ҳам бор эди: уруш йилларида Тошкентга кўчиб келган бир гуруҳ талантли архитекторлар ижодий иш билан эмас, балки техникавий иш билан шуғулланишарди. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретарини Улуғ Ватан уруши

йилларида кўрган кншигина бу қурилиш Юсупов учун қонуний бир иш бўлганини тўла англаши мумкин.

Уша огир ва қаҳрамонона унутилмас йилларда Усмон Юсупович Юсуповнинг характери — ленинчи революционерларнинг бутун авлодига хос бўлган умумий хусусиятлари ҳам, фақат унинг ўзига хос бўлган алоҳида хусусиятлари ҳам яққол намоён бўлди.

7

ВАТАН УРУШИ ОРДЕНИ КАВАЛЕРИ

Юсуповни дафн қилиш чоғида тобут орғида унинг олган мукофотларини таомил бўйича бахмал ёстиқчаларда кўтариб борар эдилар; мотам иштирокчилари сафи узоққа чўзилиб кетган эди: олти-та Ленин ордени, иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени... Ўртоқлардан бирин алоҳида ёстиқчада олтин нурлар фониде товланган қизил юлдуз — I-даражали Ватан уруши орденини кўтариб борарди. Қонда бўйича мукофот узоқ давом этган ҳарбий хизматлар учун бериларди. Башарти бирор кишининг кўксиде I-даражали Ватан уруши ордени порлар экан, демак, ишонч билан айтиш мумкинки, бу одам юзлаб ҳарбий юришлар ва жангларини бошидан кечирган.

Юсупов бу орденни ҳақли равишда тақиб юрар эди.

У уруш ҳақидаги хабарни бошқалар каби, тўсатдан, уруш ҳақида ўйламаган бир дақиқада эшитди. Авваллари шундай вақтлар ҳам бўлганки, Юсупов, ўзининг иқрор бўлишича, «ана бошланиб қолади, мана бошланиб қолади», деб кутган ҳам. Ҳаммамизнинг хотирамизда бир умрга унутилмас бўлиб қолган июнь, ўша якшанба куни Юсупов камдан-кам учрайдиган ҳодиса — дам олншга қарор қилган эди.

У тоғли Нурота районида эди. Сугорилмайдиган ғалла экиладиган массивлардан қандай фойдаланилаётганини ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлган эди. Бу иш унинг кўп вақтини олгани йўқ, у шофёрга «бьюик»ни чўлга ҳайдашни буюрди. Чўл жуда ҳам чиройли бўлиб, унда баланд ўсган, ҳали ширадор ўтлар, ҳар жой-ҳар жойда оролча шаклида мағрур баҳори гиёҳу чечаклар гуркираб турарди. Водийдан чиқаверишда ғалласи ўриб олинган

буғдойзорларда қуёш нурида олтин рангда товланиб ётган қолдиқ поялар орасида беданалар писиб ётадилар — улар яқинда ўтказилган ўрим-йиғим палласида чўчиб, яна ҳам эҳтиёткор бўлиб қолгандирлар; аҳён-аҳёнда ёз тонги тинчлигини бузиб тўрғайлар патиллаб, чарх уриб қолардилар.

Юсупов, одатича бу сафарга ҳам ов милтигини ола келган эди. У ҳозир ёввойи эчкилар ўтлаб юрган сойликка тоғ этагидаги бу йўлсиз жойлардан автомобиль ўта олиши мумкинми-йўқми эканини сўради.

— Бу машина эмас — йиртқич-ку! — қудратли моторнинг бир текисда гувуллашига ҳавас билан қулоқ солганча жавоб қилди шофёр.

Бирдан орқа ва ўнг томонда устма-уст ўқ овозлари эшитилди. Яна бир, иккинчи марта янгради. Ўқ узишлар тартибсиз ва тез-тез такрорланди. Юсупов тўхташни буюрди, машинадан чиқиб, орқа томонда дўнгликларда сакраб-силкинганча кетларидан шошиб келаётган усти очиқ машинани кўрди. Машина зинасида кимдир турарди. У оқ фуражкасини боши устидан айлантирарди. Бу билан у Юсуповнинг диққатини ўзига жалб қилмоқчи бўларди. Юсупов ҳеч қанча ўтмай бу киши Самарқанд область партия комитетининг секретари Чиковани эканини пайқади.

— Уруш, Усмон Юсупович! — чолиб келаётиб қичқирди Чиковани.

Бу хабар уни шу қадар ҳайратлантирдики, гўё бу урушнинг яқин орада юз беришини кутмагандек эди. Чиковани эрталаб радио хабар қилган ахборотни гапириб берди.

— Менга телефон қилишмадими? — сўради Юсупов.

— Тошкентдан телефон қилишди. Москва чақиряпти. Самарқанд йўлида Юсупов жим борарди; фақат станцияга етиб келганларида у шаҳарга кирмади, ўзининг вагонини Тошкент томон жўнаётган биринчи поездгаёқ улашни буюриб:

— Ҳа, халқимиз огир кулфатларни бошидан кечирадиган бўлди, — деди.

Чиковани бошқача кайфиятда эди. Бошқа кўп кишилар каби у ҳам бошда фашистлар жангнинг дастлабки кунларидаёқ яксон қилиб ташланади деб ишонган эди. Тез кунларда Тошкентдан фронтга жўнаб кетган унинг дўстлари ҳам шундай кайфиятда эдилар — улар орасида партия ходимлари: Кудрявцев, Филимонов, Котовлар

дам бор эдилар. Дўстларни Юсунов ҳам кузатиб қолди, улар, табиийки ҳазил қилишиб, уни жуда яқин кунларда Берлинда ўтказиладиган партия конференциясига таклиф қилишга ваъда бердилар. Ўрин келганда шуни айтиш керакки, агар жилла бўлмаганда СЕПГ съездини назарда тутилса, бунга ўхшаган воқеа худди шу Берлиннинг ўзида, маълумки, амалга оширилди, аммо у вақтларда бунга етишни қанчаллик узоқ, унинг йўлларида қанчаллик даҳшатли тўсиқлар мавжуд эди. Юсунов ўша июнь кунлари бу қийинчиликларни ҳаёлга келтира олганмиди? У энг муҳим нарсани — меҳнат қилиш кераклигини яхши биларди.

«Ўртоқлар, лоақал масъул ходимларимиз ўртасида фақат 8 соат ишлаб, қолган 16 соатни бекорчилик, дам олиш ва ухлаш билан ўтказиш одатини тарк қилиш вақти келди... Жонбозлик кўрсатиб, чарчоқни билмай 16 соатлаб ишлаб, ўзларингизнинг шахсий намуналарингиз билан кенг меҳнаткашлар оммасини фидокорона меҳнатга рағбатлантиришингиз керак... Уруш шафқатсиздир; уруш бизларни ўз куч ва ғайратимизни чексиз оширишга, умум иши учун жонимизни аямай тер тўкишга мажбур этади» — бу Юсуповнинг урушнинг биринчи ойларида Тошкент коммунистлари олдида сўзлаган нутқидан.

Ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, бизнинг ғалаба қилишимизга у ишонар эди.

Урушнинг учинчи куни Тошкент тўқимачилик комбинати ишчилари ҳузурида сўзлаган нутқида: «Гитлер ва унинг малайлари бизнинг судимиздан яширинмоқ учун ҳозирнинг ўзиданоқ спчқон ишнинг излайверсинлар», — деган эди.

Сиртдан қараганда, Тошкент ҳали урушдан аввалги ҳаётни бошидан кечираётгандек эди; Карл Маркс ва Киров кўчалари бурчагидаги гастрономда аввалгидек «Тузик» конфетли қутини қучоқлаган бахмал ойна деворга орқаси билан суянганча тик турар, шу ернинг ўзида, кондитер бўлимида бу конфетдан харид қилиш ҳам мумкин эди. Кинотеатрларда комедиялар қўйилар ва улардан олдин Қраматорск огир машинасозлик заводининг ишга туширилиши ва Қоктебелда парашютчи қизлар мусобақасига бағишланган киножурнал намойиш қилинарди. Эрта тоғда фаррошлар шошилмасдан челақлари билан ариқлардан сув олиб, тротуарларга сепар, хонадонма-хонадон юриб сут-қатик сотувчилар қичқиршиб ўзларининг келганликларини хабар қилардилар.

Аммо тош кўчалардан сочлари тозалаб олинган ва сафар тўрваларини орқалаб олган йигитлар букнкроқ кичик командир қўмондонлиги остида қадам ташлай бошлагандилар, шошилтиб Олой бозорига кетаётган уй бекалари бир зум тўхтаб: «Шундай ёш йигитчалар-а...» — деб қайғули беш чайқаб қўйишар ва ғоят хушёр патруль вокзалда эркакларнинг ҳужжатларини кўздан кечирарди. Трамвай бекатидаги радио карнай мудофаа фондига ҳозирнинг ўзидаёқ беш ярим миллион сўм тўпланганини хабар қиларди.

Урушнинг биринчи кунлариданоқ Ўзбекистон ўзини сафарбар қилинган деб ҳисоблаган эди. 23 июнда Октябрь революцияси номли (Ленинграддаги Путилов, Киевдаги — «Арсенал» каби революцион анъаналар бешиги бўлган собиқ Қизилшарқчилар устахонаси) завод ишчилари ўз ташаббуслари билан смена ишларини одатдагидан икки соат олдин бошладилар ва ҳар бир ишчи икки-уч кунлик нормани бажардилар. Янгийўл районининг колхозчилари зиммаларига пахта, сабзавот ва галла бўйича икки баробар кўпроқ, уларнинг сўзи билан «ҳарбий»ча ҳосил етиштириш мажбуриятини олдилар.

Республиканинг ақл-идроки, қўмондонлик пункти бўлган Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети деярли кеча-кундуз давомида иш олиб борарди. Бу ердан умумий кўргазмалар эмас, корхоналарга ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришга кўчиш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида аниқ топшириқлар бериларди; кўпчилик мутахассисларнинг армияга жўнаб кетишлари муносабати билан ишчи кучи резерви керак бўлди, шу сабабли кадрларни тезлик билан тайёрлаб етиштириш тадбирлари белгиланарди. Металл, хом ашё, ёқилғи, асбоб-ускуналар, инструментлар ғоят эҳтиётлик билан ҳисобга олинарди; ҳарбий юклар ва қўшинларни ташишга киришиб кетган темир йўл ишлари назоратга олинганди.

Ўзининг синовлардан ўтган иш услубига содиқ бўлган Юсупов мутахассисларга аввалгидан ҳам кўпроқ суяниб ишлар (ҳамма соҳалар бўйича, шу жумладан медицина ва маданият соҳаларида ҳам гуруҳлар тузилган эди) ва уларнинг фикрларига қулоқ соларди.

Аммо, ҳеч қандай лофсиз айтганда, Ўзбекистоннинг уруш давридаги тарихий миссияси ҳали олдинда эди. Уни олдиндан кўриш қийин эмас эди: душман ҳарбий районларни эгаллаб олиб, Киев билан Москва томон келмоқда эди. Урушнинг бешинчи кунда ВКП(б) Мар-

казий Комитети ва СССР Халқ Комиссарлари Совети кишиларни ва мол-мулкни кўчириш ҳақида махсус қарор қабул қилдилар.

Шарққа қараб миллионлаб кишилар, станоклар ва машиналар, тракторлар ва автомобиллар, архивлар ва қимматбаҳо музей буюмлари, мол подаларидан иборат гоёт зўр оқим оқиб келмоқда эди. Кишилик тарихи кўламин жиҳатидан бундай нарсани билмасди ва билиши ҳам мумкин эмас. «1941 йилнинг иккинчи ярмида ва 1942 йил бошларида саноатнинг кўчирилиши ва унинг Шарққа «жойлаштирилиши»ни уруш вақтидаги энг кучли ташкилотчилик ва инсоний жасоратлар ҳисобига киритиш керак»,— деб ёзган эди инглиз публицисти Александр Верт.

Ҳозирги замонимиз нуқтан назари билан боқиб, у адолатли хулоса чиқарди. У вақтларда, 1941 йил ёзида эса ҳамма нарса энди бошланаётган эди.

Биринчи бўлиб Ленинград бомбардимонидан қутулиб чиққан тўқимачилик машинасозлиги заводи етиб келди. Эвакуацияга раҳбарлик қилган кишиларга «Тўқимачилик» сўзи гипноздек таъсир кўрсатган. (Ўйлаб ўтиришга ҳам вақтлари бўлмагани учун уларни айблаб бўлармиди.) Демак, Тошкентга жўнатиш керак. Завод эса ўқ-дори ишлаб чиқаришга мосланиб келган.

Бу биринчи тажриба эди.

— Қандай жойлаштириш кераклигини тушунтириб ўтирмайман,— деди мажлисда Юсупов,— фронтдагидек ҳаракат қилинглар, аммо ҳамма асбоб-ускуналар энг сўнггисигача қабул қилиниб, жойлаштирилсин.

Ўртоқлар Ленинграддан келган корхонани Тошкент тўқимачилик комбинатининг ҳали битмаган ип фабрикаси корпусига жойлаштириш мумкинлигини мўлжалладилар (бу гал ҳам корхонанинг номига қараб!), аммо яшиқлар учун бутун Ўрта Осиёда камёб бўлган тахтани қаердан олпш керак?

— Ҳеч қандай баҳонага ўрин йўқ! Деворларни бузасизми, идораларнинг полини бузасизми, бу сизнинг ишингиз,— жавоб қилди Юсупов, шу билан гапга нуқта қўйилган эди.

Ўзбекстонда У. Ю. Юсупов вакили бўлган Давлат Мудофаа Комитетининг қарорида қайд қилинганидек алоҳида аҳамиятга молик бўлган корхона — Ростсельмаш эшелонлари Тошкентга қараб келмоқда эди. Ростсельмаш йўлдалигидаёқ машҳур «катиоша»лар ва 120-

миллиметрли миномётларга снарядлар ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрила бошланган эди.

Марказком секретари Ефимов, бошқа масъул ходимлар Юсуповнинг: «Бош қотириш керак!» деган севимли сўзларини эндигина том маъноси билан тушунгандай бўдилар.

Бош қотирдилар: Ростсельмашга ип фабрикасини эгаллаган Ленинград цехларини қўшдилар, хўш, кейинчи? Мураккаб ва катта ҳажмдаги ускуналарини сиғдириш учун деворларни, вагранкаларни ўрнатиш учун шифтларни буздилар. «Сиз бизга ҳамма зарур нарсани етказиб беринг — биз пжро қиламиз!»— деган аслида тўғри, аммо бошқа вақтга, бошқа шароитга мос келадиган тушунчани ҳам Юсупов биринчи бўлиб бузди.

Фронтида старшиналаргина эмас, ҳатто маршаллар ҳам оғзинга келган сўзни айтишга тортинмасдилар. Юсупов МК бюроси мажлисида бундай деди:

— Кимки арзимаган баҳона билан, объектив сабаблар, расмий ваз-корсон излаб, асосий ишнингизга тўсқинлик қилса, бундайларнинг қовурғасини сиңдириб ташлаш керак.

У, ҳар қандай ресурсни изланг ва топинг, деб талаб қилди. Фронтидаги каби, қилиш мумкин бўлмаган нарсани ҳам қилинг. Топпирнқ шундай эди: қайси даражада бўлишидан қатъий назар, агар сен раҳбар бўлсанг — демак сен командирсан, шунинг учун фикр қил, ташаббус кўрсат, хато қил, йиқил, яна тур ва жангнинг давом эттир. Ҳа, сенинг бошинг таҳлика остида, ундан жудо бўлишинг ҳам мумкин, шунинг учун ҳам бу уруш-да.

Унинг оғир дамларни осойишталик билан ўтказмоқчи бўлганларни ошкора равишда кўргани кўзи йўқ эди, уларни кўрганда ғазаби қайнаб кетарди. «Ўзбекистон — бу фронт орқаси эмас, Ўзбекистон — жанг майдони».

Шундай кишилар ҳам учрайдиларки, улар кўчма ошхона яшаш учун темир йўқ деган арзимас гапни МК бюросида масала қилиб кўтардилар, дерди у ғазабланиб.

— Бочка топинг! Оддий темир бочка. Ундан қозон ўрнида фойдаланиб, карам шўрва пиширмақ учун катта билим талаб қилинадими? Тайёр нарсага ўрганиб кетгансизлар. Бу одатларни ташлаш зарур, тайёр қилиб беришларини кутиб ўтирмай, ҳар қандай шароитда илож топиш керак. Ёки бошқа бир нарса: электр ускуналари, лампалар етишмайди. Ўз ҳуқуқларингдан фойдаланиб парклардаги гирляндаларни олинглар, мумкин бўлган

ҳамма жойда, ҳатто ресторанларда ҳам учта лампа ўрнига битта қолдиринглар. Бошқаларини кечаси ишлаши зарур бўлган кўчиб келган заводларга беринглар.— Ва ниҳоят, нафасини ростлаб бўлгач, бўғиқ овоз билан, ҳамма тушуини учун кескин равишда дейди — бу сафсатабозлик эмасди:

— Агар мудофаа учун зарур бўлса, ҳатто Халқ Комиссарлари Совети билан МҚ биносини ҳам ҳарбий заводлар учун мослаштиришга тайёрман.

Улар Хоразм кўчасига чиқадилар. Ярим тун, ҳамма ёқ қонқоронғи. Чекишниб, аста-секин гаплашадилар: Абдуллаев, Эгамбердиев, Емцов, Хўжаев, Попов...

— Агар лозим бўлса, у бутун аппаратни ташқарига чиқариб қўйиб, бу ерни цехга айлантирмайди деб ўйлайсанми?

— Айлантиради ҳам.

Кейин шофёрларга қисқа буйруқлар берилади:

— «Текстиль»га...

— «Полиграф»га...

— «Заготзерно» омборларига...

Ўзлуксиз иш давом этаётган қурилиш майдонларининг адреслари: бу ерларда ғарбдан келтирилган заводлар оёққа турмоқдалар. Ҳар бир совет кишиси солдатга айланганидек, беистисно ҳамма заводлар ҳарбий заводларга айланмоқда.

Ҳамма нарса ҳам силлиққина кечавермади; келганларнинг ҳаммаси ҳам ўзларини меҳмондай тутавермадилар. Тонг чоғида Халқ Комиссарлари Совети Раиси муовини кабинетига секретарининг қаршилигига ҳам, ичкарида мажлис кетаётганига ҳам қарамай, одоб-адибани йиғиштириб қўйиб, ҳаяжонланган икки киши — Қольчугинск кабель заводининг бош инженери билан партторги кириб келдилар.

— Биз темир йўл устида турибмиз. Агар сиз кам деганда цехлар учун ўттиз минг ва яшаш учун йигирма минг квадрат метр жой берилишини қатъий ваъда қилсангизгина биз юklar тушириладиган жойга ўтамиз. Бўлмаса Москвага телеграмма юборамиз-да, йўлимизда давом этамиз. (Қаерга борадилар? Бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмагандилар.)

Республика партия Марказий Комитетининг Ўзбекистонда жойлашиб қолишлари учун ҳамма корхоналарни

қабул қилиш керак деган кўрсатмасидан яхши хабардор эканликларига, айниқса кабель заводи каби қимматли объектдан воз кечиш гуноҳ эканлигига шама ҳам қилиб қўйдилар.

Раис муовини ғазабланиб кетди. Ўз ходимлари ҳузурида эканларидан аниқша ҳам қилмай, сўзлар билан бопла савалади. Хулоса қилиб бундай деди:

— Олти минг квадрат метр — сизларга тегадиган жой шу, кейин, бу ердан ҳеч қаерга жилмайсизлар. Агар саботаж қилсаларнинг ҳарбий давр қонунин билан жавобгарликка тортамин. Боринг, бу ҳақда ўз дирекциянгизга хабар қилинг.

Пешинда Кольчугинск заводининг директори Сафонов етиб келди. Уни «Заготзерно»нинг ҳар бири мийг квадрат метрлик олтига бинодан иборат омборларига олиб бордилар. Сафонов, ўзининг тобе кишиларидан ўзгачароқ йўл тутиб, шаронт билан келишган ҳолда, фақат подстанцияни қаерга жойлаштириш мумкинлигини сўради, холос.

Кольчугинскиликлар ўзларининг олдиндан кўра билишлари билан ҳақ эдилар. Урушдан кейин кабель заводи йирик корхона бўлиб ўсиб кетади. У мамлакатнинг кўп шаҳарларини таъмин қилади ва маҳсулотларини чет элларга ҳам экспорт қилади. У республика учун ҳам ғоят зарур корхона бўлади. Бу гапларни республикамизга келтирилган ҳар бир корхона ҳақида ҳам айтиш мумкин, бундай корхоналар эса юздан ортиқ эди.

Уруш йилларида Ўзбекистонда қудратли ва химмахил индустрия вужудга келтирилдики, буларнинг бари кейинроқ республика ифтихорини ва унинг қудрати асосини ташкил қилдилар. Юсупов буни олдиндан кўра билди. У ҳаминша яширмасдан, уруш ўтиб кетади, заводлар эса қолади ва улар пахтачилигимиз учун хизмат қиладиган «биз республикамизда ҳўжалигимиз учун зарур бўлган ҳамма нарсани ўзиниз ишлаб чиқарамиз», ўзбек ишчилар синфининг мутахассислар отрядлари пайдо бўлади, дер эди.

Юсуповча: «Ҳамма нарсани қабул қиламиз!» деган даъват очкўзлик ва худбинлик нуқтаи назаридан эмав, балки республика тараққиёти вазифалари билан умумдават манфаатларини уйғулаштириб олиб борини нуқтаи назари билан боғлиқ эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу даъват фақат келажакдагига наф берарди. Уруш пардаси орқасидаги бу сама-

рани ҳар ким ҳам кўролмас эди, аммо унинг чексиз ташвишу тараддуди, масъулияти шу бугуноқ кишилар зиммасига юклаб қўйилган эди. Бу ерда шунини айтиш ўринли бўлардики, қўшни ва узоқ ўлкалар раҳбарлари баҳона излаб эмас, оқилона ва ишончли асослар билан «эътироз» билдирганларида Давлат Мудофаа Комитетининг фикрига қўшилиб, у ёки бу корхонани Ўзбекистонга йўллар эди. Уларнинг ўзлари: «Юсуповга юборинг, қабул қилади», дер эдилар. Ўзбекистон бу корхоналарни республика партия Марказкоми келажакка улардан кўра доинишмандона назар билан қарагани учунгина қабул қилгани йўқ. Бу нарса ҳар қанча муҳим бўлишига қарамай, иккинчи даражали масала эди. Олдиди эса ҳарбий вазифа — фронтга қуро-ляроғ ва ўқ-дорн етказиб бериш, ўз ҳарбий бурчини шараф билан бажаришдек улуғвор вазифа турарди.

Бу шунчаки баландпарвоз сўзлар эмас эди.

Бутун куч, бутун қувват бугунги куннинг вазифаларининг ҳал этишга сарф қилинди, бу вазифаларнинг истиқболдаги ишлар билан муваффақиятли қўшиб олиб борилгани эса, очигини айтганда, партиявий раҳбарлик санъати эди. Ўша вақтларда Юсуповни ҳамма ҳам дарҳол тушуниб етмади. Унинг атрофидаги энг яқин кишилари орасида уни самимият билан огоҳлантирган ўртоқлар ҳам бор эди: «Эплай олармиканмиз? Ахир ҳар бир завод — бу план демек, энди бу планга биз жавоб берамиз, чунки корхона Ўзбекистонники бўлиб қолади. Булар энергия ва хом ашё талаб қиладиган станоклардир. Булар нон, бошпана, болалар боғчаси, мактаб ва касалхоналарга муҳтож бўлган кишилардир».

Бугунги кунда баъзи бировлар Юсуповга хос бўлган бу бағри кенглик, собитқадамлик оқибатда ўзига панд бериб қўймасмикан дея шубҳа билдирганларини эслаб, руҳан эзиладилар. Бу шубҳалар ошкора айтилганда, у шундай жавоб қилди:

— Кўрпангга қараб оёқ узат, дейдилар ўртоқлар, бу эскп услубдан келиб чиқади: фонд берсалар қурамиз, бермасалар — қаёқдан оламиз? Бермасалар, ҳар галгидек халқимизга мурожаат қиламиз. Халқ тушунадн. Ҳарбий саноат учун халқимиз иложи борини ҳам, йўгини ҳам юзага чиқаради.

Ажойиб ишларни амалга ошира оладиган халқнинг куч-қудратига бўлган қизғин ишончнинг яна бир далолати эди бу.

У ўша кунларда Тошкентдаги агитаторлар ва пропагандистларга мурожаат қилди:

— Ватан уруши кунларида биз кишиларни фронтда ҳам, фронт орқасида ҳам чексиз қаҳрамонликларга олантирувчи большевистик ҳақиқат сўзини ҳар қачонгидан ҳам ортиқроқ қадрламоғимиз зарур.

Қаҳрамонна ишлар амалга оширилди.

1941 йил 7 ноябрда, Қизил майдонда авваллари ўтказилган тантаналироқ ва басавлатроқ ҳарбий парадлар қаторида, Кремль деворлари ёнидан ўтиб, тўғри атиги ўнлаб километр наридаги олдинги маррага жўнаб кетган совет кишиларининг ирода ва чексиз қаҳрамонликларини юксак даражада намоён қилган ўша унутилмас ҳарбий парад ўтказилаётган вақтда Тошкентга: «Авиация заводини қабул қила оласизми?» деган шифрли телеграмма келди.

Заводларнинг цехлари жойлаштирилиши мумкин бўлган ҳамма жойлар ишғол қилиниб бўлгандек эди, уларнинг кўплари поезд составларидан кўчириб келтирилгандан 1,5—2 ой ўтгандан кейинроқ фронт учун махсуслот бера бошлаган эди.

Юсупов шошилиш равишда МҚ бюросини тўплади.

— Таклиф бор — завод қабул қилинсин.

— Усмон Юсупович, тасаввур қиласизми, қандай катта нарса бу? Янги бино қуриш керак — ягона чора шу.

Юсупов бундай деди:

— Қачон қурамыз? Немислар Москва остоналарида. Цехлар қуриш эмас, самолётлар етказиб бериш керак. Бир ой ичида бериш керак. Берамыз ҳам!

Юсупов қандай йўл топар экан, деб ўртоқлар жимгина кутишарди.

— Ўзимизнинг корхоналаримизни кўчирамыз. Менимча, полиграфкомбинат биносини бўшатамыз. Яна нимани бўшатиш мумкин?

— Граждан ҳаво флотининг ремонт заводиши.

— Аэродромдаги ангарларни.

Шу ердан, ҳамманинг иштирокида Юсупов Давлат Мудофаа Комитетига, Шчербаковга қабул қилинган қарорни хабар қилди, унинг саволига жавоб берди, жавобнинг маъносидан берилган саволни ҳамма тушунди:

— Дастлабки вақтларда очиқ ҳавода йиғилади. Кейинроқ цехлар қурамыз.

Трубкани қўйди, қўлининг қирраси билан столга урди:

— Йигирма тўрт соат ичида, эшитяписизларми, ўртоқ Ефимов ва ўртоқ Глухов — сизларнинг зиммангизга юкланди: йигирма тўрт соат ичида полиграфкомбинат ва бошқа объектлар бўшатилиши шарт. Эшелоплар Тошкентга қараб жўнашга буйруқ олдилар.

Керамика плиталари ётқизилган янгигина полларга куни кечагина ўрнатилган машиналарни кўчириш комбинат директори Василий Фёдорович Архангельскийга қандай оғир бўлганини билсангиз эди! Тўғри, ишчиларга ҳеч нарсани айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Бу ер авиация заводи бўлишини улар билган эдилар, аммо лом билан деворларни бузиш жуда оғир ботарди; Василий Фёдоровичнинг ҳаво ранг панеллар сал тирналганида одамларга қандай танбеҳ берганлари ҳали хотираларидан кўтарилмаган эди, мана энди бўлса...

— Шароит талаб қилганда Днепрөгэсин ҳам портлатдилар,— деди Архангельский одатдагидан ҳам букчайиб.

Биринчи платформалар стиб келганларида цехлар бўшатиб қўйилган эди.

Фронтда: «Аравадан тушибоқ — жангга» деган ибора мавжуд эди. Авиаторлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин эди. (Ҳа, айтгандек, Тошкентнинг кўплаб полиграфчилари уларга қўшилиб кетдилар).

Ўзлуксиз зериктирувчи ёмғир қуярди. Энг қимматли станокларга ёниб қўйилган брезент филсфлар устини изғирилли шамол учириб, узиб туширган катта-катта чипор барглари қоплаганди. Ҳамма — ишчилар ҳам, инженерлар ҳам, завод директори Борис Дмитриевич Лисунов ҳам очиқ майдондан кетмасдилар. Шу ерда кўчма ошхонадан овқатланар, карточка бўйича бериладиган ишчи нормаси — 800 грамм понни шу ерда олар, шу ерда станоклар орасида, ўртоқлари вахтани ўтаётганларида, бир неча соат мудраб олардилар.

Худди бир ойдан кейин Юсуповнинг кабинетидан Давлат Мудофаа Комитетига: «Лисунов хўжалиги» маҳсулот ишлаб чиқара бошлади, деб ахборот берилди. Биринчи десант самолётлари Тошкент осмонда «ишлатиб кўрилмоқда» эди.

Ўз-ўзидан равшанки, Ўзбекистоннинг ўз саноати ҳам, металл ишлаш саноатигина эмас, тўқимачилик ва ҳатто озиқ-овқат саноатлари ҳам ҳарбий изга тушиб олган эди. Атиги ярим йил ичида хўжаликлар ҳарбий изга ўтган эди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг ўз кучи билан

амалга оширилди. Урнатилган иқтисодий алоқаларни эса уруш эзиб ташлади: материалларга, саноат хом ашёсига, асбоб-ускуналарга, эҳтиёт қисмларга бўлган муҳтожлик дарҳол намоён бўлди. Булар ҳақида МКга ёздилар, бўлимлардан эса Юсуповга айтдилар. У аппаратни тўплаб, ўзига хос бўлган қатъият билан деди:

— Менинг ҳам, бошқа секретарларнинг ҳам маълумотларни ўқиб ўтиришга вақтимиз йўқ. Бундай иш услубини тўхтатиш керак, ўртоқлар. Хўш, унда нима қилиш керак, деб сўрайсиз. Мен сизларга шундай жавоб бераман: корхоналарга бориш керак, жойларда имконият топишга, ҳарбий шароит қондалари бўйича сансалорлик ва бюрократизмга қарши курашда уларга ёрдам қилиш керак: халқ билан, большевиклар билан маслаҳатлашмоқ керак.

Тошкент тикувчилик фабрикасида деталлар тузгани учун машиналар сафдан чиқиб борарди. Буларни энди Москва ёнидаги Подольскдан юборади деб умид боғлашга ўрин йўқ эди. МК инструктори партия аъзоларини тўплаб: «Нима қилиш керак?— деб сўради.— Бизнинг маҳсулотимизни фронт кутмоқда. (Бу маҳсулотлар фақат гимнастёркаларгина эмас, парашютлар ва қурол-аслаҳалар учун филофлар ҳам эди). Биз жангдамиз. Худди жангдагидек ҳаракат қилайлик».

Партия аъзоси Примовнинг фронтчи жанговар бригадаси — токарлар, слесарлар, темирчилар — оддий деталларни, кейинроқ эса энг мураккаб ва қийин деталларни ҳам ўзлари тайёрлай бошладилар. Ҳамма машиналар биттаси ҳам қолдирилмай, ишга туширилди.

Деярли ҳамиша қолоқлар қаторида бўлиб келган маҳаллий ва кооператив саноатлари ҳам жонлантириб юборилди. Улар маҳаллий хом ашёни, рангли металл чиқиндиларини изладилар (баъзан олимларни ҳайратда қолдириб топдилар ҳам!) уларга дастлабки ишлов бериб, ҳарбий заводларга етказиб бердилар, ўзлари эса йирик корхоналарнинг чиқиндиларидан фойдаландилар. Фронт Ўзбекистондан самолётлар, авиамоторлар, миномётлар, озиқ-овқатлар олиб турарди. Москва ёнида биринчи марта «катюша»дан ялпи ўқ узилганда Ўзбекистон ҚП(б) Марказий Комитетида бир-бировларига қувонч-ла: «Биз отдик», дейишди шивирлашиб — реактив снарядларнинг Тошкентда ишлаб чиқарилиши ҳарбий сир ҳисобланарди.

Уруш бошланганидан бир ярим йил ўтгач, Юсупов Шимолий Тошкент канали қурувчилари ҳузурида нутқ

сўзлади (айтгандек, бу учрашувда Тошкентга кўчиб келган Алексей Толстой билан Владимир Луговскойлар ҳам иштирок этган. Юсуповнинг нутқини эса ўзбек тилидан ажойиб шопр ва катта қалб эгаси, уруш туфайли отаоналаридан ажраб келган болаларга «Сен етим эмасан» дея мурожаат қилиб, миллионлар қалбини тўлқинлантирган Ғафур Ғулом таржима қилиб берганди).

— Ҳар битта фашист марази учун,— деди МК биринчи секретари,— биз ҳеч бўлмаганда биттадан авиабомба, биттадан снаряд ва граната, бир неча юзлаб ўқ етказиб берамиз. Башарти ҳар бирга бўлмаса ҳам, ҳар ўнтасига — биттадан «катюша» етказиб берамиз,— у атайлаб мана шундай меҳр билан кичрайтириб айтди ва кўпчилиги колхозчилар бўлган қурувчиларга тушунтириб берди:— Аслида «Катя»ни кичрайтириб «Катюша» дейишадн. Тўғри, одатда Катенькани севадилар — бу яхши иш, аммо мен сизларга шунн айтишим керакки, бу шунақа «Катенька»ки, у фашистлардан гўшт ҳам, суяк ҳам қолдирмайди.— Одамлар ҳаяжонланиб қарсак чалиб юбордилар.

Ўзбекистондан плмбаланган вагонларини милтиқли қизил аскар қўриқлаб борадиган эшелон кетидан эшелон жўнаб кетарди.

«Биз ўнлаб муҳим мудофаа корхоналарини жойлаштирдик, йиғдик ва ишга туширдик... Тўлиқ асос билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон уруш вақтида Совет Иттифогининг жиддий ҳарбий саноат марказларидан бири бўлди», деган эди ўзининг бошқа бир нутқида Юсупов.

Эшелонлар Ўзбекистон томон ҳам келарди. СССР Фанлар академиясининг бир неча институти (тўрт юз чоғли олимлар), Белоруссия Фанлар академияси, Ленинград консерваторияси, Франко номидаги украинна академик драма театри, Москвадан эса Ленин Комсомоли, Революция номидаги, Давлат яҳудий театрлари кўчиб келдилар.

Ёзувчиларнинг катта бир гуруҳи келди, улар орасида Алексей Толстой, Анна Ахматова, Якуб Колослар ҳам бор эдилар.

Ленинград, Киев, Харьковдан келган, жануб қуёшида дарҳол қорайиб кетган, даҳшатли даврга қарамасдан бепарво ва шўх йигит-қизлардан иборат бўлган студентлар тўдаси институтлар асбоб-ускуналарини вагонлар-

дан туширдилар, ётоқхоналарда икки қаватли нарлар қурдилар.

Фрунзе номли Олий ҳарбий академиянинг тингловчилари гишт тротуарлардаги қўлмаклардан ярқираган этиклари билан усталик билан сакраб ўтиб, дарсларига шошилдилар.

Ўзбекистонга келган кўплаб ҳарбий ўқув юртларидан бири бўлган алоқа академиясининг курсантлари Марказий телеграф ҳовлисида эрталаб зарядка қилиш учун сафга турардилар.

Станциялардаги чарчоқдан тажанг бўлиб кетган навбатчилар шошилишча тузган ва киноя билан «беш юз қувноқ» деб атаган, ҳар бир разъездда тўхтайвериб тошбақа қадам билан, албатта Тошкентга етиб келишга интилган поездлар қанчадан-қанча эди. Илқ ва осойишта ўлкага оталари урушнинг биринчи кунларидаёқ чегаранинг ўзидаги жангларда ҳалок бўлган оилалар келардилар; фашистлардан ҳалос бўлишга интилган киевликлар ва одессаликлар, ёндирилган Смоленск ва жароҳатланган Минск аҳолиси келарди; Молдавия ва Буковинадан келардилар...

Келувчилар сони ўн минглаб эмас, юз минглаб ҳисобланарди. Уларнинг ҳар бирига кунига ақалли биттадан нон керак. Урушга қадар Ўзбекистон ғалланинг учдан икки қисмини ҳозир душман эгаллаб турган ўлкалардан келтирарди. Ноябрьда, эвакуация тўлқини энг юқори чўққига чиққан пайтда ҳисоблаб чиқилганда фақат бир неча ойга етадиган ғалла қолганлиги маълум бўлди.

Ҳар кимга ёгингарчилик ва совуқдан асрайдиган бир бошпана керак эди, ҳарбий заводларнинг цехларини қуриш учун эса гишт, тахта ва ҳатто мих ҳам етишмасди.

Тошкент вокзали ёнидаги майдонда қочоқлар аёллар панасида, чамадонлар ва тугунлари устида қатор тизилишиб ўтиришарди. Маҳаллий Советлардан тортиб Халқ Комиссарлари Советигача ошиғич тузилган комиссиялар (эвакуация қилинганлар иши бўйича республика комиссиясига Юсупов ҳам аъзо эди) бу кишиларни ҳисобга олиш ва жойлаштириш билан шуғулланардилар. Ҳаммаларини қабул қилиш ва бир қадар бўлса-да бир йўла ҳаммаларининг эҳтиёжларини қондириш жисмоний томондан ҳам, янги имкониятларни излаш ва топиш зарур эканлиги жиҳатидан ҳам мумкин эмасди, имкониятлардан эса охиригача фойдаланиб бўлингандек эди.

Кўчиб келганлар орасидаги энг суёт иродалилари ҳовлима-ҳовли юриб бошпана сўрардилар, энг орсизлари эса — фронтда қўрқоқлар бўлгани каби, шундай орсизлар ҳам бор эди — гирибондан олардилар. У қадар қари бўлмаган бир ҳолаининг бир тўда болаларининг шаҳар ижрокоми раис кабинетида бошлаб кириб, токи Совет ҳокимияти бизга квартаира тошиб бермагунча бу ердан чиқмаймиз, деб туриб олгани каби чўпчакнамо гаплар оғиздан-оғизга кўчиб юрарди.

Бу ривоят уйдирмалар билан кўпчилиб-шиширилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Яна апиқроғи, фронтдаги аҳвол тўғрисида ваҳимали миш-мишлар билан бир қаторда душманлар тили билан бу ривоят атайлаб тарқатилган бўлиши мумкин. Бунинг устига ҳозирги оғир кунларда икки ва баъзан уч марталаб чўзилиб кетган навбатларда туриб қолншга мажбур бўлган баъзи обивателларнинг яхши кунларда дилларида мудраб юрган худбинлик торларни жаранглай бошлаганди. Келгинди хотин Олой бозорида кўзлари ўйнаб турган олиб сотардан охирги ўнта тухумни савдолашиб ўтирмай олиб қўйганида тошкентлик дунпадурустгина уй бекасига қандай алам қилганини тушунмай бўладими (бисотидаги бор-йўғидан ажраган жуда кўп одамлар қаторида Тошкентга серпул кишилар ҳам келгандилар).

Денгиз тўлқини қумлоқ қирғоққа сон-саноксиз шўр сув томчиларини, уларга қўшиб эса тамаки қолдиқларини, занглаган темир парчалари ва бўш шишаларни ҳам чиқариб ташлайди-ку, ахир.

Яқиндагина Минскда бичиқчи-тикувчи, Ленинградда санъатшунос бўлган ҳорғин аёллар қоқ ерда ўтириб, оғир болғалар билан миша болванкаларидаги гадир-бурдуликларни текислар эдилар. Киевлик эибли оилаларнинг қизлари, Одессадаги машҳур профессор Столяров номли мактабдан келган болалар токарь ва фрезеровкачилик қилардилар.

Ешлар ўзларини уруш тугамасдан армияга чақиришларини истаб, паспортларидаги тутилган йилларини — сўнгги иккита сон «25» ни «23» қилиб беўхшовгина тузатишга уринардилар. Шу билан бирга мунсфиқлар, олиб сотарлар, ўғрилар ҳам бор эди. Гарчи улар кўп бўлмасалар ҳам, тонг қоронғисидан заводга шошиладиган кўпчиликдан фарқ қилиб, кўзга ташланиб турардилар.

Хатто шаҳар партия активни мажлисида Юсуповга: «Тошкентда кераксиз элементлар тўлиб-тошиб кетди.

Эшелонларни парироққа жўнатиш яхши эмасмикан?» деган хатни бердилар.

— Қаёққа жўнатиш керак?— ўз навбатида жаҳл билан деди Юсупов.— Рим папасигами?

У ўзининг якунловчи сўзида ҳамма нарсани жой-жойига қўйди:

— Бизга урушдан қаттиқ азоб чеккан кишилар келмоқдалар. Уларнинг кўплари фашистлар террорининг даҳшатларини бошидан кечирганлар. Уларга диққат-эътиборни кучайтириш, қардошлик ёрдами қўллни чўзмоқ керак, бунинг ўрнига баъзи жойларда уларни камситмоқдалар, уларга совет жамиятига бегона кишилардек муомала қилмоқдалар. Партия активи бундай кайфиятларга зарарли, антисовет кайфият сифатида кескин зарба бериши керак. Кўчиб келганларга маиший шароит яратишга, уларни иш билан таъмин этишга диққат-эътиборни кучайтиришга, умумий ишимизга тезроқ аралашиб кетишларига қаратилган барча чораларни кўриш керак.

Марказий Қомитетнинг, унинг биринчи секретари сўзлари билан айтилган фикри ва кўргазмаси ана шундай эди, кейин эса одамларда аллақачон ҳар қандай қийин шароитдан ҳам йўллни топиб чиқиб кета олиш қобилиятига ишонтирган Усмон Юсупов сифатида маслаҳат берди:

— Идораларни сиқиштиринглар; иш столларини йўлакларга қўйсанглар ҳамки, ётоқ учун лоақал бирорта хонани бўшатинглар.

— Ота-боболаримиз қилганидек лой ва сомондан вақтинча капалар қуришлар, иссиқ ва қуруқ бўлади ҳар қалай.

— Нонни нима қиламиз?— Ундан кишилар қайта-қайта сўрар эдилар.

Киши баъзан қизиқ устида жардан сакраб ўтади-да, кейин орқасига ўгирилиб, ҳайрат ва ваҳима билан: қандай сакраб ўтдим-а?— деб ўзига-ўзи савол беради. Уруш йилларида Юсуповга яқин бўлган кишилар ўзларида худди шундай туйғу ҳис қиладилар. Улар аҳолига навбатдаги озиқ-овқат карточкалари тарқатилгани тўғрисидаги ахборот билан танишар экалар, истиқболдаги йилни очликсиз ўтказа олармиканми, деб даҳшатга тушганларини яширмаганларини хотирлайдилар. Гарчи ҳозиргача мумкин эмасдек туюлса ҳам, кўриб турибсизки, ҳамма тирик қолди-ку.

У республикада биринчи, партиявий раҳбар эди. Марказий Комитетдан, Юсуповдан бошқа қонун чиқарувчи, ижрочи органлар мавжуд бўлиб, ҳеч қачон Марказком нуфузидан фойдаланиб уларни четлаб иш тутган эмас; аксинча, доимо: «Хўжалик, совет ташкилотларига тааллуқли ишларнинг ҳаммасини фақат ХКС мажлисларида кўриб чиқиш, унинг қарорларини қатъий ва сўзсиз бажарилиши зарур деб ҳисоблаш керак. Бир масаланинг ўзини ҳам МКда, ҳам ХКС да муҳокама қилиб ўтириш мутлақо ортиқча, такрорлаш бўлади», деб таъкидлар эди. Кўрсатилган ташаббус учун Юсупов ҳеч қачон ҳеч кимга таъла қилмас ва ҳеч кимни жазоламас эди. Бунини ҳамма биларди. Аммо шунини ҳам билардиларки, натижа фойдали бўлиши керак эди. Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларининг ақалли бир қисмига пахта ўрнига галла экишдек, даҳшатли демай қўя қолайлиг-у, ҳар қалай ғоят улкан масъулиятни ким ҳам ўз зиммасига олиши мумкин эди?

Юсупов ҳаётининг ўзгаришлари билан биринчи партиявий раҳбарини яна бир карра саркарда билан таққослашга олиб келадди. Ҳа, у солдатга ўхшаб бошини ўққа тутиб бермайдди. Аммо, кўпинча ҳозирги давр ва келажак олдида шундай оғир масъулиятли ишнинг зиммасига олиб бир ўзини шундай қарорга келтиришга тўғри келардики, баъзан бир кечада сочлари оқариб кетарди.

Юсупов ўз қондасига амал қилиб, аввало МКнинг ҳамма аъзоларини, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи ҳамма кишиларини ишлашга ва ўйлашга мажбур қиларди. Биз фақат ўз ресурсларимизга қараб иш қилишимиз мумкин, деган бир масалани ҳеч қачон, авваллари ҳам, кейин ҳам шу қадар кўп такрорламаган эди. Бундай шароитда аҳолининг қандай қилиб нон билан таъминлаш мумкин? 20 сентябрда у Тошкент партия ташкилотини активига худди шу масалада мурожаат қиларди. У экин майдонининг бу йилгига нисбатан 120 минг гектарга (турган галки, фақат Тошкент областини назарда тутган) кўлайтириш зарурлигини айтади. Гап фақат галла ҳақидагина эмас, қанд лавлагини устида ҳам борарди. (Ўзбекистонга ўнлаб қанд заводлари кўчириб келтирилган эди.) Илгари бу экинни Ўзбекистонда экамган эдилар, эндиликда муқаррар зарурият тугналганди.

— Ҳар бир донни ҳисобга оламиз,— Юсупов кузги бугдой экиш планини бепарволлик билан бажариб, кейин ҳосилсизликни баҳона қилувчи баъзи бир урушдан ол-

динги йиллар тенденциясига узил-кесил зарба бериш учун огоҳлантиради. (Ғалла экиладиган ерлар лалмикор ерлар бўлиб, ҳосилнинг тақдири худо инъомига, об-ҳавога боғлиқ эди.)

Икки ҳафтадан сўнг МК аппарати ходимлари мажлисида у яна эсга солади:

— Лалмикор ерларга кузги ғаллани сепишни яқин ўн-ўн беш кун орасида тугатиш керак, бўлмаса фурсат ўтади. Ғаллани шартли суғориладиган ерларга экиш керак, баҳорги тошқин сувлардан фойдаланиб экинларни икки марта сугориш керак.

У ўзи берган тавсиянинг тўғри эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилмагани учун мутахассисга мурожаат қилади:

— Шундай қилиш мумкинми, ўртоқ Мальцев?

— Мумкин.

У қайси районларда ғалла майдонини кенгайтириш мумкинлигини хотирасига суяниб санай бошлайди:

— Фақат Оржоникидзе районининг ўзидагина бир минг-бир минг беш юз гектар. Масалан, «Темир қалам» колхозида. Бу ерларда иккинчи марта — тариқ сепиш мумкин.

Ҳаракат қилиш керак, Тожикистонга ва бошқа районларга бориб, уруғлик сотиб олиш керак. Бу ҳақда ўртоқ Инжелевскийдан сўрасангиз: «Мен ғалла билан шуғулланмайман», дейди. Гогсадзедан сўрасангиз: «Сиз мендан адашиб сўраяпсиз, Мальцевдан сўранг», деб жавоб беради.

Бир ҳафта ўтгач, область партия комитетлари ва об-лнжрокомлар раислари, республика ташкилотлари раҳбарлари билан ўтказилган уруш бошлангандан кейинги энг катта мажлисда бундай деди:

— Биз қандай қилиб бўлмасин ғалла етиштиришни икки ярим-уч баробар оширишимиз керак. Текширишлар шуни кўрсатдики, колхозларда бўш ерлар мавжуд; колхозчиларнинг томорқаларидан ҳам фойдаланиш керак; аввало ғалла ҳосили олиб, кейин сабзавот экиш керак. Ёки аввало сабзавот экиб, кейин тариқ ёки мош сепиш керак. Боғларда, тоқзорларда қанча ерлар бўш ётибди? Баъзан мутлақо кулгилли фактларга дуч келасан: катта майдонга тўрт туп дарахтни экиб қўйиб, буни боғ деб атайдилар. Нима учун шундай жойлардан ғалла экишда фойдаланилмайди?

Йигирма йил ўтгандан кейин «Халқобод» совхозининг

директори Усмон Юсупов, гарчи ғаллага бўлган эҳтиёж у қадар кескин бўлмаса ҳам, худди мана шундай қилади.

У йўналишни, оқимни белгилаб беради, сўзга чиқувчилар унинг гапини маъқуллабгина қолмайдилар; улар ҳар хил таклифлар киритадилар: «Заводларнинг ёрдамчи хўжаликлари поллиз экинлари эмас, шолли экинлари керак», «Тошкент ўз ресурслари ҳисобига донга бўлган эҳтиёжни таъминлашни керак», «Лалмикор ерларда ҳосилдорлик ҳар гектаридан олти центнердан, суғориладиган ерларда эса—15 центнердан кам бўлмаслиги керак».

Юсупов колхозчиларга мурожаат қилади. Улар Шимолий Тошкент канали қурилишига отланадилар.

— Наҳотки мамлакатимиз учун мана шундай оғир вақтда иттифоқ ҳукуматидан ўн миллион пуд ғалла сўрайдиган бўлсак? Йўқ, бундай қилиш нотўғри, бу орсиэлик бўлади, бу большевикларга хос иш бўлмайди: фронт қийинчиликлари устига қўшимча қийинчилик орттирган бўламиз. Хўш, унда нима қилиш керак? Ғалла масаласини шу ерда, Ўзбекистонда ҳал қилиш керак, ўзимизни таъминлашимиз керак.

У ўз халқининг дилини билар ва унга мурожаат этарди:

— Тасаввур қилиб кўринг-а: оч фарзандингиз йиғлаяпти, қари онангиз бир парча нонсиз қуруқ чой ичяпти, сиз бўлсангиз уларга нон топиб беролмайсиз. Бу бизлар ҳал қилишимиз керак бўлган қийинчиликлардан минг катта қийинроқ.

Биз республиканинг ички имкониятларидан фойдаланиб кўн ишларни қилишимиз мумкин. Шулардан бири — мана шу чўлга сув чиқариш. Ана шунда мана шу ёз бошидаёқ бу чўл ҳар гектаридан икки-уч эмас, ўн беш центнердан ғалла беради.

1942 йил 28 мартда каналдаги тупроқ қазиниш ишлари тўғалгани. Суғориш палласи бошланганида каналга сув қуйилди. Шимолий Тошкент канали, афсуски, улкан ғалла масаласини ҳал қила олгани йўқ. Унинг қурилиши Ўзбекистон КП(б) МҚ бешинчи пленуми томонидан белгиланган муҳим тадбирлардан бири эди. Пленум урушнинг дастлабки йили охирида ўтказилиб, қурол-аслаҳа ва ўқ-дори ишлаб чиқариш, 1942 йилга ҳарбий-хўжалик плагини ишлаб чиқиш ва ҳарбий вақт шароитида ташкилий-партиявий ва сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш масалаларига бағишланган эди. Пленум олди-дан жуда катта куч сарфлашни талаб қиладиган ва таш-

қи кўринишидан кўпчиллик ҳақиқий ишлар каби, партия фаолиятининг чинакам мазмунини ташкил этадиган ишлар амалга оширилди. Пленум ёки съезд мажлислар, президиумлар, стенограмма ва қарорлар қабул қилинишидан анча аввал бошланади. Ҳозир биз сўз юритаётган Пленум МК бюроси томонидан батафсил инструкция билан таъминланган бригадалар жойларга жўнатилганида бошланган эди. Бу бригадаларга энг масъул ходимлар — МК секретарлари, ХКС раиси муовинлари бошчиллик қилдилар. Улар ниҳоятда қисқа муддат ичида ҳар бир областнинг ички ресурслари ва ишлаб чиқариш имкониятларини аниқладилар ва ҳисобга олдилар. Улар област партия комитетлари ва облизрокомлар ходимлари билан биргаликда ахборотлар, жадваллар, хариталар устида тонг оттирдилар, ана шундан кейин энг муҳим бўшланди: районларга, энг йирик колхоз ва совхозларга борилди; бошланғич партия ташкилотларининг мажлислари ўтказилиб, уларда оддий партия аъзолари кўпинча ўз фикрларини, таклифларини айтдилар, кейин булар пленум қарорларига киритилиб, партиянинг коллектив ақл-идроки билан ишланиб чиққан кўргазма-буйруқ тариқасида қайтиб келдилар.

1941 йил декабрида қабул қилинган кўрсатма бошвизлардан ўқ-дори ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиришни, рағли металлар қазиб олишни кенгайтиришни, ҳарбий заводларнинг узлуксиз ишлашларини таъминлаш учун янги электр станцияларни ишга туширишни, ҳамма турдаги муҳим қурилиш материаллари; цемент, оҳак, бор, черепица, толь ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни талаб қилди.

Экин майдонларини ярим миллион гектарга, ялпи дон ҳосилини 15 миллион центнерга кўпайтириш мумкинлиги ҳисоблаб чиқилди (1941 йилда 5,5 миллион центнер ғалла олинган эди).

Қишлоқларга яна шаҳарлардаги партия аъзолари орасидан — агрономлар, механизаторлар, бухгалтерлар ва оддий ишлаб чиқариш ташкилотчилари юборилди.

Меҳнат fronti ҳам, худди ҳарбий ҳаракатлар фронтидегидек, тантанавор суръатда ғалабадан ғалаба сари одим ташлаш эмасди. Ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, ғалла етиштириш тўғрисидаги талаб асосий экин, пахтага эътиборни сусайтириб юборишини Юсупов билганмиди, олдиндан кўрганмиди? Бугун бу саволга унинг бир ўзи

жавоб қилган бўларди ва айни вақтда, нима учун у, бугун истеъмол қилиниши чекланган иккинчи даражали нарсани деб муҳим нарсани (Ўзбекистон учун ҳар қандай нарсадан қатъий назар энг муҳим нарса пахта эди) кейинги планга суришдек бебошликка, жойларда суғориладиган ерларга пахта эмас, дон етиштиришга йўл қўйган ўртоқларни маълум вақтгача тартибга чақирмагани, бошқа пайтларда эса бундай ўзбошимчаликка мутлақо мурасасиз бўлган Юсупов нима сабабдан индамаганини ҳам айтиб берган бўларди.

Бу саволларга жавобни сиёсий арбоб Юсуповнинг табиатидан эмас, оддий инсон Юсуповнинг қалбидан излаш лозимдир балки. У оч қолган болаларни кўрганда унинг юраги қонга тўлиб кетарди. Улар эса Ўзбекистон томон эрта улғайган кўзларида: исиниш, осойишталик, тўйиб овқатланиш умиди чақнаб, узлуксиз оқиб келардилар. Унга мана шулар таъсир этган бўлса ажаб эмас.

Биз болаларни тилга олдик, бироқ гап ўн икки соатлаб сменада ишлашга куч топиши зарур бўлган ишчилар, колхозчилар (улардан ҳар қайсисининг қарамоғида ками бплан олти жон бор) Тошкент теварагидаги чўлларда ҳарбий ишни ўрганиб, кейин Сталинград остоналарида душман билан жанг қилган солдатлар ҳақида ҳам борарди.

Бунинг устига унга энг юқори даражадаги ташкилотда — ВКП(б) МҚ Секретариатида гап эшитишга тўғри келди. У ерга яна Абдурахмонов билан Глухов ҳам чақирилган эдилар. Пахтачилик ҳақида масала қўйилган эди. ВКП(б) МҚ секретари Шчербаков шундай гапирдики, шароитнинг ўзи ҳам шундай эди, ҳар бир сўзи мияси ва дилдан бир умр чиқмайдиган бўлди. Ҳеч нарсадан тортинмай, бемалол сўкаверди — тор доирада суҳбат қилинаётган эди:

— Суғориладиган ерлардан ғалладан юқори ҳосил олишни ҳар қандай аҳмоқ ҳам эплайди. Ахир уруш ниҳоясиз эмаслиги нига тушунмайсизлар, ҳозирдаёқ талайгина ғалла экиладиган районлар озод қилинди, пахтаи эса бизга Ўрта Осиёдан бошқа ҳеч ким бермайди. Марҳамат қилиб, пахта билан шуғулланмишлар!

Юсупов бундай қаттиқ гап эшитишни билган ва бундан баттароғига ҳам тайёрланган бўлса керак. Бундан ташқари, уни жазолаган ўртоқлар ҳам, ким-ким-у, аммо Юсуповнинг пахтани асло унутмаслигини билган бўлсалар керак.

— Бориб ишлайверинглар,— дейишди у ва ўртоқларига охирида.

Улар ишга киришдилар.

1944 йил пахтаси учун кураш бошланди, бошқача айтиш мумкин эмас. Дала шийпонларнда: «Пахта ҳосили учун кураш билан фронтда ҳужумга ўтиш — бир занжирнинг икки ҳалқасидир» дейилган шиорлар осиб қўйилган эди. МК нинг иши чақиригу даъватлар билан чекланмади. Партия ва давлат аппаратларидаги энг кучли ходимлари (1700 коммунист ва 2000 га яқин комсомол) қишлоқлардаги раҳбар ишларга юборилди. Амалда ҳар бир колхозда улардан жилла бўлмаганда бири бор эди. Булар вазифани равшан тасаввур этувчи, принципиал, МК қарорларидан бир қадам ҳам чекинмайдиган гвардиячилар эди. (Пахта ҳам, дон ҳам етиштириш тўғрисидаги кўрсатма ҳали ҳам ўз кучида эди.) «Биз Юсуповнинг кишилари эдик,— эслайди партия томонидан Андижоннинг узоқ бир колхозига юборилган ўртоқлардан бири.— Биз МК номидан иш кўрар эдик. Ҳар биримиз истаган масала билан шахсан Юсупов ҳузурига кириш ҳуқуқига эга эдик».

«Бир амаллаб оғир кунлардан ўтиб олсак, кейин ишимизни қилиб қиламиз»,— қабилдаги уруш даврига хос бу азалий кайфият қишлоққа ҳам етиб борган эди.

Большевиклар: «Далалардаги техникани ҳозир, бугун оқ ишга тушириш керак», дердилар. Фронтга кетган механизаторлардан қолган тракторлар, ҳатто сеялкалар яроқсиз ҳолга келганди. 1500 коммунист ва комсомол — механизаторлар ва тракторчилардан кўчма ремонт бригадалари ташкил қилинди. Бир неча колхозга биргина бригада тўғри келарди, лекин булар фронтдагидек, кечакундуз ишлашга тайёр мастерлар эдилар. Аммо эҳтиёт қисмларни қаердан олиш мумкин?

Ишчиларга мурожаат қилдилар. Заводларнинг партия ташкилотлари жанговар маҳсулот ишлаб чиқаришга зарар етказмасдан колхозларни эҳтиёт қисмлар билан таъмин этишга қарор қилдилар. Шаҳар яқиндагина ўзини очликдан қутқарган қишлоқни оталиққа олди. Цехлардаги: «Сен бугун фронт учун нима қилдинг?» деган плакат ёнида: «Сен бугун қишлоқ учун нима қилдинг?» деган иккинчи плакат пайдо бўлди. Баҳорда, гарчи урушдан аввалгисининг ҳаммаси бўлмаса ҳамки, ҳар қалай ўтган йилдагидан анча кўп трактор пахта далаларига чиқди. Партия Марказий Комитети уруш вақтини баҳона

қилиб кўрсатилган ҳеч қандай важ-корсон инobatга олинмасин; экинч палласида агротехникага қатъиян амал қилинсин, деб эслатди, талаб қилди.

Урушнинг дастлабки йилларида сугориладиган ерларга, албатта, дон экилган эди, аммо бир қисм массивларнинг яроқсиз бўлиб қоллишига олиб келган жиддий сабаблар ҳам бор эди. Ер ости сувлари юзага кўтарилди; далаalar ботқоқлашди, шўр босди. Бутун Бухоро, Қогои районларининг сув босиб кетди, бошқа кўпилаб районлар ҳам зарар кўрган эди. Ўз пақтида профилактик ме-лиоратив тадбирлар амалга оширилиши керак эди, аммо бунга ишчи кучи етишмас эди: барча совет ўлкалари каби Ўзбекистондан ҳам ҳар кун кишилар фронтга жўнаб турардилар. Ун олти яшар бухоролик болалар бўйлари барабар сув ичида туриб коллекторларни тозалар эдилар. Қоржавин бу тўғрида МК бюросида гапириб берган эди. Ҳатто биргина мана шу фактнинг ўзиданоқ ме-лиоратив ишлар ва ерни яроқли ҳолга келтириш қандай қийинчиликлар билан ўтказилганини тасаввур қилиш мумкин.

Асрлар давомида буюк заҳматкашлар бўлиб келган ўзбек хотин-қизлари, чоллар ва болалар пахтага гамхўрлигини яна ўз зиммаларига олдилар.

Бир хиллар ҳали ҳадисини олмаган, бир хилларнинг билагида кучи йўқ эди. Ёўзани эса жазирама офтобда ўн саккиз сантиметр чуқурликда чопиқ қилишлари, бунинг устига оч-наҳор — бу осон эмасди. Юсупов бу заҳматнинг нималигини жуда яхши биларди, шунинг учун ҳам пахтага ишлов беришнинг бориши ҳақида Фарғона об-комидаги тинчлантирадиган маълумотларни ўқиганида хурсанд бўлиш ўрнига безовталанди. Ўзи далаларни ай-лаииб чиқди; баъзи жойларда ёўза илдизи атрофи номи-гагина чопилганини, ўтлар ёўзалардан ҳам баланд бўлиб кетганини кўрди. Ҳақли равишда ғазабланиб, бақирди:

— Қимни алдаётимиз? Бу фронтда қўмондонликка ёлгон ахборот юборишнинг нақ ўзгинаси-ку. Бунинг учун отиб-ташлайдилар!

Обком секретарларидан жавоб бериш талаб қили-нарди. Улар, мана шунча майдонда қўшимча чопиқ ўтка-зилади, далага шунча киши чиқади, деб кўрилган тад-бирлар тўғрисида ахборот берардилар.

— Шу холосми?— сўради Юсупов.— Сийёсий-тарбия-вий ишлар-чи? Ғалаба учун ўз меҳнатининг қандай аҳа-мияти берилишини ҳар бир колхозчи тушунадими? Агар ту-

шунганида ўлиб қолса ҳамки, гўза ёпида бегона ўтни қолдирмасди.— У ўз қониқинини яширмасдан, комсомолнинг ташаббуси билан ҳамма жойда вужудга келган жанговар бригадалар ҳақида гапириб берарди.— Мен ўнлаб бундай бригадаларни кўрдим, улар жуда яхши ишлашяпти. Бу жанговар бригадалар бошқа бригадаларга қараганда икки-уч марта кўп иш қиляптилар, ишларининг сифати ҳам аъло даражада. Худди урушдагидек, нақ даланинг ўзида яшашяпти. Агар чайла қуриб улгурмаган бўлсалар, тўғри жўякларнинг ичида ётишади. Улар вақт билан ҳисоблашмайдилар, уларнинг соатлари йўқ,— бу жумлани алоҳида урғу билан такрорларди,— пайкалга бутунлай ишлов бериб бўлмагунларича улар қадларини кўтармайдилар. Улар шунча кучни қаёқдан оладилар? Бунинг босси юксак даражадаги онглилик. Улар даладаги кетмон кўтарган машиналар эмас, балки комсомоллар, партиянинг жангчиларидилар.

Ҳар бир мажлисда, ҳар бир минбардан, ҳар қандай ҳужжатда — ҳамма нарсада сиёсий маънони кўриш ва уни кишиларнинг онгига етказиш керак, деган қатъий талаб қўяр эди.

— Биз бандлигини рўқач қилиб ташвиқот-тарғибот ишларини менсимайдиган раҳбарларни жазолаймиз. Төр маънодаги амалиётчилар эмас, партия томонидан республикага бошлиқ қилиб қўйилган сиёсий арбоблармиз.

Энди мана бу бир печа рақамни юқорида айтилганларга солиштириб кўринг-а: 1944 йил 10 декабрида Ўзбекистон пахта тайёрлаш давлат планини бажарди. Утган йилга нисбатан ҳосилдорлик ҳар гектардан тўрт центнердан кўпроқ ошди. Уч юз ўттиз тўрт бригада ҳар гектардан ўттиз центнердан ҳосил кўтарди. 1943 йилга нисбатан уч юз ўн икки минг тонна ортиқ пахта топширилди.

«Пахта далаларида қаҳрамонона меҳнатлари билан Ўзбекистон колхозчилари уруш вужудга келтирган қийинчиликларни қандай енгиш намуналарини кўрсатдилар. Уларнинг галабаси — СССРнинг барча халқларини ягона оилага бирлаштирган ҳаётбахш совет ватанпарварлигининг галабасидир»,— деб баҳолаган эди бу меҳнат галабасини «Правда».

Келгуси қишлоқ хўжалик йили ҳам аввалгилари каби ўзига хос тарзда оғир келди: баҳор кеч кирди, тракторлар деярли бутунлай ишдан чиқиб қолди. Аммо ўтган декабрдагидан кўпроқ ҳосил йигиб олинди. Илғор пахтакорлар ордени ва медаллар билан мукофотландилар. Икки

минг олти юз йигирма бир киши. Бир киши — тагин Ленин ордени билан мукофотланган Усмон Юсупович Юсупов эди.

Уруш йиллари у уйнда камдан-кам бўларди. Баъзан ойлаб областларда юрар, йирнк қурилишларда туриб қоларди. Хоналари ним қоронги ва эски мебеллар билан жиҳозланган Гоголь кўчасидаги уйда пайдо бўлганида кичкинагина байрам бўлиб кетарди. Дастурхон устида Сталинград ҳақида сўзлаб берарди: пичоқ ва вилкалар эса армияларни ифодаларди. Ҳамма савол берарди, етти ёшли Инна ҳам:

— Нега улар печкаларига ўт ёқмайдилар? (Юсупов совқотиб қолган итальянлар ҳақида гапирган эди.)

Катта ўғли Леонид ҳам фронтда бўлиб, биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов қисмларида хизмат қиларди, аммо она каттайган эди: қизи Зоя туғилган, беш яшар рус қизи Фаинани ўз тарбияларига олгандилар.

Юлия Леонидовна Енгил саноат халқ комиссарлигида хизмат қиларди, аммо ҳамма сингари ташвиши биргина идора ишлари билан чекланмас эди. У болалар уйлари билан ҳам шуғулланарди. Бир куни сочлари қирқилган бир рус қизи чиройли ва яхши кийинган Юлия Леонидовнага кўзи тушибоқ «ойи» деб юборди-да, кейин хато қилганини фаҳмлаб жим қолди. Юлия Леонидовна қизини уйига олиб келди. Усмон Юсупович билан маслаҳатлашиб ўтирмади; унинг маъқуллашини биларди. Унинг ўзи ҳам ихтиёридаги хизмат вагонини йўл ва вокзаллардан йиғган болалар билан тўлдириб келарди. Уларни болалар уйларига, ёшлари каттароқларини ишга жойлаштириб қўярди.

Қор ёғиб турган совуқ кунда кўмир кони қурилаётган Ангренда (халқ қурилиши усули билан қурила бошланган эди) баракларни оралаб кетди. Аввало ишчилар ошхонасига кирди, чўмич билан қозонни ковлаб кўрди:

— Бунинг картошкаси қани?— қўрқиб-писиб турган бошлиқдан сўради ва бехато хулоса қилди:— Ўзларинг бўлашиб олгансанлар. Майли, аниқлаймиз.

Баракда ўн етти ёшлардаги озғин, заифроқ йигитни кўрди. У Донбассдан экан, қўлига нима тушса шуни тамадди қилиб то Ўзбекистонга етиб келгунча бир йил кезибди. Етим, шахтёр ўғли экан.

— Бу ерда сизга бериладиган овқат билан сенга яқин орада эт битмайди.— Кейин шофёрга қараб деди:— Уни машинага ўтқазиб, вагонимизга олиб бор.

Ҳали ёш, эндигина ўттизга кирган шофёр Виктор Орда йигитчани станцияга олиб бориб, унга ўз ич кийимини берди. Тошкентга келганда:

— Буни қаерга юборамиз, Усмон Юсупович?— деб сўради.

— Гаражингга олиб бор, мени айтди дегин.

Йигит ишлади, ўқиди, кейин кўнгилли бўлиб Ленин номли ҳарбий билим юртига ўқишга кирди. Уни тугатиб, лейтенант бўлиб, фронтга кетди. Ҳалок бўлган бўлса керак: йўқса, ўзи ҳақида Усмон Юсуповичга, албатта, бирор хабар қилган бўларди.

Юсупов ҳаётига ғамхўр сиймо, кўпинча халоскор сифатида аралашган ҳеч бир одам уни унутган эмас, бундайлар эса жуда кўп эди. Масалан, худди ўша сафардан яна ёшгина тожик қизини ҳам олиб келишганди. Станцияда, иссиқ сув ўтган деворга суйканганча ухлаётган экан. Одатдагидай кўнгилсиз ҳодиса: отаси фронтда, онаси эса ўлган; қайси бир узоқ қардошлари қўлида яшаган, унга яхши қарамаганлар, хафа бўлиб, боши оққан томонга кетиб қолган.

— Боққа олиб бориб, супурувчи қилиб қўя туринглар,— буюрди Юсупов.

Тошкентдан ўн беш километр наридаги, Дўрмон олмазор ва токзорлари қуршовидаги МК боғида унинг ўзи камдан-кам бўларди. Оиласи ҳам шаҳарда яшар, Юлия Леонидовна, гарчи Усмон Юсуповичдан камроқ банд бўлса-да, у ҳам дам комиссарликда, дам мажлисларда алламаҳалгача ушланиб қоларди. Дўрмонда Юсупов алоҳида қадрлаган кишилар яшардилар. Уларни мавқелари учун эмас, талантлари учун қадрларди. Ҳофиз Фазлитдин Қори билан шоир Чархийнинг номини тилга олишнинг ўзи бу кишиларнинг кимлигини англатса керак. Улар орасида ёшлар ҳам бор эди, масалан, Азизхон Қаюмов.

Юсупов уни Қўқонда кўриб қолади. Қобилиятли ёшларга ҳомийлик қилиб юрган шоир Чархий Юсупов шарафига Қўқон боғида ташкил қилинган чойхўрлик маросимига ўн саккиз яшар Азиз ва унинг ўн тўрт ёшли укаси Лазизни олиб келган эди (ҳозир Лазиз Пўлатович Қаюмов профессор, республикада энг йирик адабиётшунослардан).

— Бизнинг ёш шоиримиз.

— Қани, ўқи,— деди Юсупов.

Болаларнинг кийимлари юпунроқ, ўзлари уятчан,

чўчиброқ туришарди-ю, кўзлари беихтиёр мевалар солинган патнис ва иссиқ нонлар турган дастурхонга тикилган эди. Бошқалар қатори дастурхондаги нарсалардан кўнгиллари тусганини олиб ейишлари мумкин эди-ку, аммо бундай кишининг олдида...

Азиз пахтакорлар қурултойига бағишланган шеърни ўқий бошлади. (МК секретарига яна қанақаси ёқиши мумкин?) Бу шеър узундан-узоқ, анча зериктирарли бўлиб, шаҳар газетасида босилиб чиққан эди, Азиз эса бу билан жуда фахрланарди.

Юсупов унинг шеърини диққат билан тингладн ва:

— Биз шоир эмасмиз, албатта, лекин тузукроқ уришиб кўрсак, шунга ўхшаш нарсани ёза олардик. Бошқасини ўқи-чи.

— Лирикангдан ўқи,— деди Чархий.

— Бу бошқа гап,— деди Юсупов ва Азизга алоҳида эътибор билан боқди. Маҳаллий нефть техникумида ўзига ёққани учун эмас, камбағалликдан ўқиётганини билиб олди: уни Тошкентга юборишга эса отасининг қўли қисқалик қилар экан.

Юсупов яна яхшилик қилди. У ҳаммага эшиттириб талантдан ташқари кишида яна билим ҳам бўлиши кераклигини, ўшандагина талант мустақамланиши ва равнақ топиши мумкинлигини айтди.

Болалар ҳурмат билан тинглар, иссиқ нон ҳидидан эса бошлари айланар эди. У, албатта, буни тушунди. Ўрнидан тураётиб, деди:

— Сизлар шу ерда қолинглар. Чой-пой ичиб олинглар, болалар.

Болалар олдин нонга ташландилар, кейин олча тепасига чиқиб, чўнтаklarини тўлдириб олдилар... Кутилмаган бу зиёфат, Юсупов билан бўлган суҳбатлари сингари хотирларида сақланиб қолди.

Кейинроқ маълум бўлишича, у ҳам унутмаган экан.

Кўп ўтмай Азизни шаҳар комитетига чақириб, уни Тошкентга жўнатишларини ва у Юсуповнинг секретариатига бориши кераклигини хабар қилдилар. Уруш вақтида жуда мураккаб бўлган масалалар (ҳарбий ҳисобдан чиқиш керак эди, пойтахтда пропискага ўтиш учун руҳсат олиш; ҳатто поездга билет олиш осон эмасди) дарҳол ҳал қилинди ва Азиз саржадан тикилган гимнастёрка ва чўнтагида беқадр уч сўм пул билан Тошкентга келди. Ўз-ўзидан тушунарлики, Юсупов дарҳол у билан шуғуллана олмасди. Аппаратдаги ўртоқлар ёш шоирни Янги-

йўл театрига юборилди деб ўйлаган эдилар. Ўша вақтларда шундай томоша маскани бор эдики, гарчи у ерда камдан-кам спектакль қўйилса-да, ҳаддан ошиб кетган штатида актёрларгина эмас, кўплаб ёзувчилар, олимлар, рассомлар ҳам бор эди. Бу қоидага ҳилоф иш тўғридан-тўғри Юсуповнинг кўрсатмаси билан қилинган эди. Моддий жиҳатдан қийналиб қолган талантли кишиларни қўллаб-қувватлаш ва ҳатто сақлаб қолиш учун шундай қилинган эди.

Янгийўл театрида хоразмлик машҳур ҳофиз Шерозий, адабиётчи ва музикачилар, шулар орасида Ойбек ва Юнус Ражабийлар — Ўзбекистонда номлари фахр билан тилга олинган шуларга ўхшаш улўф зотлар унчалик қадри бўлмаса ҳам маош, литрли озиқ-овқат карточкаси билан (шундай ибора ҳам мавжуд эди) нарсалар олар ва энг муҳими кунига уч марта овқатланардилар.

Навбат Азизга келганда, Юсупов уни Дўрмонга жўнатди. Йигитни у ерда ёрдамчи хўжаликка ишчи қилиб тайинладилар, тўқувчилик цехида ҳам, боғда ҳам ишладди, кузга келиб САГУнинг Шарқ факультетига ўқишга кирди. Йиллар ўтиши билан Азиз Пўлатович йирик олим бўлиб етишди, Ўзбекистон Маданият институтининг ректори бўлди.

Айтишларича, Юсуповнинг характериға шахсий нўбмлар, эсда қолувчи хатти-ҳаракатлар ҳам баҳона бўлмаган (Москвага кетаётганида чўлдаги кишиларға пачкалаб чой улашарди; колхоз мактаби ёнида латта қўғирчоқ ўйнаётган болаларға автомобиль насоси билан дам берилган футбол тўпларини бериб кетарди. Шунини ҳам айтиш керакки, буларнинг ҳаммаси — чой ҳам, коптоклар ва бошқа нарсалар ҳам,— Юсуповнинг ўз пулиға сотиб олинган бўларди, у ёнпда пул сақлаёлмас эди). Агар Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг биринчи секретари жангоҳлардан келтирилган болаларға бутун гайрат-шижоати ва қалб қўрини сарфлаб ғамхўрлик қилмаганида буларнинг бари шунчаки бир гап бўлиб туюларди. Зеро сўз урушдан жабр кўрган болалар хусусида боряпти. Ўзбекистоннинг марказий эвакуационидан ўн минглаб болалар ўтдилар, улардан биронтаси ҳам ҳалок бўлмади, биронтаси ҳам қаровсиз қолмади.

Юсуповнинг болаларға муносабати бошқача эди; бунда фарзандсевар халқимизнинг ўзига хос хусусияти намоён бўлди. Эвакуация қилинган болалар ортилган вагонлар Тошкентға етиб кела бошлаши биланоқ унинг

таклифи билан Халқ Комиссарлари Совети қошида жабрдийда болаларни жойлаштириш ва тарбиялаш бўйича комиссия тузилди. Комиссия составига кирган активлар олдида Юсупов нутқ сўзлади.

— Бу болаларга биз худди ўз фарзандларимиздай қарашимиз керак. Фақат аблаҳ ва текинхўрларгина бу болаларни менсимаслиги мумкин, фақат ашаддий инсоният душманларигина бу бахтсиз болаларнинг эҳтиёжларига бепарво қараши, ёрдам қилмаслиги мумкин. Қўшимча бир-икки соат ишлаш мумкин ва лозим, махсус фондлар, уй буюмлари йиғишни ташкил қилиш, болаларни жойлаштириш ва тарбиялашга тааллуқли бўлган яна бир қатор тадбирларни амалга ошириш керак.

Шу ерда Юсупов ўз фазилатини намоён қиладиган яна бир таклифни киритди:

— Ўйлайманки, Ўзбекистонга етиб келган эвакуация қилинган болаларнигина жойлаштиришга тўлиқ имкониятимиз мавжуд бўлиб қолмай, **балки Куйбишевга қадар бутун темир йўл бўйлаб сочилиб кетган болаларни йиғиб олишга ҳам имкониятимиз бор.** Ҳозирнинг ўзидаёқ, бирор кун ҳам кечиктирмай, йўлда қолиб кетган болаларни йиғиб келгани ўз вакилларимизни жўнатишимиз керак, улар болалар учун овқат ва кийим олиб борсинлар, ҳаммасини Ўзбекистонга олиб келсинлар.

Уша пайтларда ўзбек халқи ўзининг азалий болажонлигини, совет ҳокимияти йилларида туғилиб камолга етган юсак интернационализмни намоён қилди. Тошкентлик темирчи Шомахмуд аканинг хотини Баҳри опа билан биргаликда шон-шараф излаб эмас, одамийлик қилиб турли миллат фарзандларидан ўн уч болани ўз тарбияларига олганлари ҳаммага маълум. Болаларнинг ҳаммаси муносиб равишда битта — Шоаҳмедовлар номини қабул қилганлар.

Мактаб ёшигача бўлган гўдакларни Ўзбекистоннинг минглаб аҳолиси ўз оилаларига олдилар. Юсуповлар уйида вояга етган Фаина ҳам шулар жумласидандир.

Бу халқнинг ягона интилиши, ҳиммати эди, бунинг аҳамиятини заррача камситмаган қолда, шу нарсани эслатиш лозимки, урушдан жабр кўрган болаларга ғамхўрлик қилиш асосан Совет давлати зиммасига тушган эди, ҳар қалай; у сон-саноқсиз етимларни парвариш қилди, тарбиялади ва катта ҳаёт йўлига олиб чиқди.

Ҳа, яширишнинг ҳожати йўқ, Юсуповнинг, гарчи бу у қадар мақтов бўлиб эшитилмаса ҳам, кимгадир марҳа-

мат қилиш имконияти бор эди, аммо шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, у умумдавлат проблемаларини ҳал қилиши керак бўлган бир одам, ҳаммадан ҳам кўпроқ айрим ҳодисаларга аҳамият бермай ўтиб кетишга, бундан кўп-лаб шундай хулосалар чиқариб, айрим шахсларга эмас, барчага тааллуқли чоралар кўриш ҳуқуқига эга бўлган одам эди. У кўпчиликка тааллуқли иш билан жуда муваффақиятли шуғулланди, аммо назари азоб чекаётган кишига тушиб қолганида бунга бефарқ қарай олмасди.

Кузда, Қўқонга етмасдан, йўл четида ҳолдан кетиб ётган, соч-соқоли ўсиб кетган бир кишини кўриб қолди. Қўзлари ёруғ жаҳонга бефарқ тикилганча чўзилиб ётарди.

— Уғлим, тўхта,— деди у Ордага.— Ким ва нима қилиб ётганини бил-чи.

— Одессадан келган яҳудий экан. Уч кундан бери ҳеч туз тотмадим дейди,— деди Виктор.

— Чақир.

Юсупов қўл олишди.

— Қасбингиз нима?

— Сарроч. Агар керак бўлса, тикувчилик ҳам келади қўлимдан.

— Керак, сен бўлсанг йўлда чўзилиб ётибсан, эҳ, сени қара-ю.

— Оиламни изладим. Шу атрофда дейишганди. Хотиним, қизим. Излайвериб оёғимда оёқ қолмади — бунақада топиб бўлармиди? Ортиқ кучим қолмади.

— Топамиз.

— Э-э, шунчаки айтяпсиз қўйяпсиз-да.

— Унга бирон нима бер, Виктор.

Нон, колбаса, чойни кўриб у қалтираб кетди. (Орда ҳамиша кўк ва қора чой солинган иккита термос олиб юарди.)

Биринчи колхоздаёқ Юсупов уни раиснинг қўлига топширди:

— Мана сенга керакли одам. У эгар-жабдуқларинг-ни тузатиб, усти-бош ҳам тикиб беради.

Икки ҳафтача ўтгач ўша атрофдан ўтиб қолишди.

— Қани, колхозга бур-чи.

Сарроч кичкинагина хонада ўз оиласи билан яшаётган экан. Ҳурматли меҳмонни чой билан меҳмон қилар экан, шошиб қолди — энди у бу одамнинг кимлигини билиб олган эди.

У яхшилик қилишни, халқнинг хурсанд бўлишини ях-

ши кўрарди, аммо кези келганида, агар иложи бўлса, бир кишини хурсанд қилиш фурсатини ҳам қўлдан бермасди. Тошкентга кўчиб келган ёзувчи Василий Яннинг «Чингизхон» романи учун Сталин мукофотига сазовор бўлганини биринчи бўлиб билган эди.

— Владимир Иванович,— ёрдамчиси Поповни чақирди,— Янни бу ерга топиб кел.

У одатдагидек вақтга аҳамият бермаган эди, Попов эътироз билдирди:

— Алламаҳал бўлиб қолди, Усмон Юсупович. Ундан ошди.

— Топиб кел.

Қоронғида бахтиёр Ян-Янчевецкпйни олиб келдилар.

— Суюнчи,— деди Юсупов табассум билан.

Адабиётчилар, айни вақтда сиёсатчиларнинг ҳам кенг ҳаётий планга чиқиш деганлари мана шу бўлса керак. Ўзбекистон КП(б) МК бюросида Тошкент ва барча об-ластларнинг барча энг масъул ходимлари иштирокида «Меҳнаткашлар соғлиғини сақлаш ва маиший шароитини таъминлаш соҳасида партия ва совет органларининг вазифалари тўғрисида» масала муҳокама қилинди. Биринчи бўлиб Юсупов сўзлади:

— Биз МКда маслаҳатлашиб кишиларга муносабат масаласини ҳозир жиддий масала қилиб қўйишга қарор бердик. Бу масала партиямиз учун ҳамиша энг муҳим бўлиб келган. Уруш даврида бу масала айниқса долзарб масала бўлиб қолди. Аммо, Ўзбекистон партия ташкилотининг бу соҳада анча ишларни амалга оширганлигига қарамай, кишиларга йўл қўйиб бўлмайдиган муносабатда бўлинаётгани ҳақида кўп сигналлар олмоқдамиз.

У хатлардан ҳам, ўз кўзи билан кўрганларидан ҳам, айниқса Ангрендан мисоллар келтирди.

— Одамларга бепарво — бюрократик муносабатда бўлинган ҳар бир ҳолатга қатъий сиёсий жиҳатдан ёндашиш зарур деб ҳисоблайман...

...Уртоқларимиз баъзан ўз обрўларини бир томонлама тасаввур қиладилар. Улар фақат планни бажариш керак деб ўйлайдилар. Аммо коммунист-ташкилотчи обрўни планни бажаришдан ташқари, энг нозик нарсада — одамларга қилган муносабати билан орттиради.

Унинг ҳар бир нутқида мана шу тема жаранглайди:

— Аввало — кишиларга муносабат ҳақида. Уларга баъзи раҳбарлар сингари муносабатда бўлиш мумкин эмас. Бирлашган участкада колхозчилар тўрт кун даво-

мида жўхори гўжа билан яшаганлар, колхозчиларнинг овқатига масъул бўлган Азизовга ўхшаган раҳбар эса ҳар кун шўрва ичиб, палов еган... Кишиларга қилинган бундай беорликка тоқат қилиб бўлмайди. (Юсупов Шимолий Тошкент канали қурувчилари олдида нутқ сўзлаган эди.) Биринчи талабим шуки: халқ қаерда бўлса, раҳбар ҳам ўша ерда бўлиши керак, барча қийинчиликларни халқ билан бирга бошидан кечирмоғи зарур. Раҳбарнинг иссиққина жойда ўтиришга ҳаққи йўқ. Фронтида бундай «командир»ларни отиб ташлайдилар.

Партия Марказий Комитети ҳам план бўйича ишларди, аммо белгиланган бу барча тадбирлар устига Юсупов деярли ҳар ҳафтада дам партия ходимларидан катта бир группасини тўплаб, улар билан ҳарбий хизматдагиларнинг оилаларига ёрдам бериш тўғрисида гаплашади (тез орада колхозлар улар учун 75 минг пудча ғалла, 200 минг пудча сабзавот, 10 минг қўй, 2 минг бош сигир ажратдилар, 60 минг уй ва квартиралар ремонт қилиб берилди), дам райком секретарларидан то МК секретарларигача тўплаб, улар билан шаҳарларни озик-овқат ва ёқилғи билан қандай таъминлаш масаласи юзасидан маслаҳатлашади. Ҳузурига шаҳар атрофидаги тўрт район раҳбарларини чақириб: «Сизлардан шахсан ўзим илтимос қиламан, қўшимча сабзавот ва картошка етказиб берсанглар»,— дейди ва улар берадилар.

У ўзини, аynи вақтда бевосита қўл остидаги кишиларни сира ҳам аямас эди, ўша йилларда эса айниқса, буни алоҳида таъкидлаб ўтиш учун айтаётганимиз йўқ, албатта.

Бир кун, 1944 йил эди, у ўз кабинетида ҳушидан кетиб қолди. МКнинг навбатдаги бюроси ўтаётган эди.

Бу биринчи марта хасталаниши эди, бундай бўлмаслиги ҳам мумкин эди, аммо у дам олиш нималигини билмас, курортларга борадиганлардан куларди. («Ессентукини ўйлаб топибдилар! Шоҳимардонимиз юз карра афзал»). Кузатиш учун уни поликлиникага олиб бориб бўлмасди. Паст бўйли, семизлигига қарамай чаққон, ҳаракатчан, оиланинг дўсти бўлмиш профессор Қаценович жаҳли чиқиб, бунчалик ишлаш соғлиққа таъсир қилмай қолмайди, деб тушунтирмоқчи бўларди. Мана шундай бўлди ҳам. Юсупов ётиб қолди, бир ҳафта ўтгач эса Қаценович уни коридорда кўрди. Юсупов телефон излаб юрганди. Профессорнинг жаҳли чиқиб кетди, оёқ учида туриб, ҳатто Юсуповнинг нақ юзига теккизгудек қилиб

бармоғини силкитиб: «МК секретари бўлганингиз учун истаган нарсамни қилишим мумкин, деб ўйлайсиз шеклли. Мен арз қиламан...» — деди.

Четдан қараганда бу қизиқ туюларди: оғир гавдали, копдай кенг пижамада, бир оз ўзини йўқотиб қўйган Юсупов ва савлатли, ғазабидан сакраб, унга танбеҳ бераётган профессорни бир кўз ўнгингизга келтиринг-а. Юсупов унинг сўзларига қулоқ солмасликка журъат этмади. У кейинроқ, бирин-кетин юз берган инфаркт ётқизиб қўйган пайтларда ҳам, ҳукумат касалхонасида ётиб:

— Каценовични чақиринглар. Мени ўша даволасин, — деб талаб қиларди.

Ўшанда, биринчи зарбадан кейин ўзига келгач, сал енгил тортиб жилмайди, ҳамма касаллар каби мулойимлик билан сўради:

— Менга бу касофат қаердан илакишдийкин-а?

Каценович бош чайқади:

— Бекобод, Фарходстрой — ҳаммаси бирга қўшилиб.

— Бўлмаса нима қилишимиз керак эди, Александр Львович?

Ҳа, бошқача бўлиши мумкин эмас эди. Ҳарбий заводлар ҳам, пахта ҳам, дон ҳам керак эди; кишиларга юракни ҳам инъом қилиш керак эди. Фарҳодга ҳам, Бекободга ҳам соғлиғини бериши керак эди.

1941 йил кузидаёқ, ғарбдан Ўзбекистонга заводлар ёпирилиб келаётганда Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг иккинчи секретари Константин Михайлович Ефимов айтган эди:

— Ҳарбий корхоналарнинг нони — бу металл. Уни қаердан оламиз? Фақат Уралдан олиш керакми? У ерларда ҳам эҳтиёж ошиб кетди.

Юсупов унинг гапини маъқуллаб, Сталинга: «Ўзбекистонга ўз металлургия корхонаси зарур», деган телеграмма юборишни таклиф қилди.

Кўп ўтмай Глухов Свердловскка учиб кетди. Уни у ерда қора металлургия саноати министрининг муовини Меркулов қабул қилди. Ўзбекистон металлургия комбинатини қуришга розилик олинди. Қурилиш майдонини танлаш учун Тошкентга академик Бардин етиб келди. Комбинат кўп сув талаб қилганлиги сабабли Бекобод посёлкасида жой танладилар. Унинг яқинида Алишер Навоий поэмаси қаҳрамони шарафига қўйилган Фарход ГЭСи қурилмоқда эди. Афсонавий Фарҳод жасорат кўрсатиб, ўз халқининг орзусини рўёбга чиқарди. У Сир-

дарёга қояни қулатиб, сувнинг йўлини тўсди, сув эса далалар ва боғларга йўл олди. Бу жасорат оғир уруш йилларида Ўзбекистоннинг кишилари — оддий колхозчилар, ишчилар, инженерлар томонидан дostonда, орзуда эмас, туб маъноси билан амалда такрорланди. ГЭС машина шу қурилатган комбинатга энергия билан сув бериши керак эди.

Бекобод ва Фарҳодда қурилишга энг кучли ходимлар: Ш. Ч. Айтметов, М. З. Мирзааҳмедов, Т. П. Чернов, А. А. Саркисов, Б. Ғ. Мирзабеков, А. Н. Аскоченский раҳбарлик қилдилар. Буларнинг ҳар бирига Юсупов ўзига ишонгандек ишонарди. Шунга қарамай МК биринчи секретарининг йўли аввало майдон танлашдан (Пахталик ва қулоқчин кийиб олган Юсупов ёмғирда бўкиб, йўлсиз жойларда ҳамма қатори ўз «бьюик»ини лойдан итариб чиқариб) бошлаб то домна печи, «300» прокат стани, айланма каналнинг тантанали очилиш маросимигача комбинат ва ГЭСдан узилмаганди.

Бу қурилишларни амалга ошириш осон бўлмади, аммо қилинган ишларни ўтган ўттиз йил чўққисидан туриб баҳоланса, ҳатто комфорт (агар ҳар бири қирқ кишига мўлжалланган ертўлалар ҳақида, пахталик нимчалар ҳам бардош беролмайдиган баданни тешиб кетадиган Бекободнинг ёввойи шамоли ҳақида ўйланса бу сўзни ишлатишнинг ўзи ҳам ғалати бўлиб туюлади) талаб қилмайдиган кишиларни ҳам эзиб ташлаган қийинчиликлар, тартибсизликлар ва маиший ноқулайликлар сояда қолиб, тарихий жиҳатдан республика учун ҳам, бутун мамлакат учун ҳам кўп ишлар қилинганини кўрасиз. Металл берилди, электр токи берилди. Висла ва Берлин остоналаридаги Зеел тепаликларидаги фашист истеҳкомларини парчалаб ташлаган бомба ва миналар орасида Ўзбекистон металлдан қуйилгани ҳам бори эди. Булар муносиб баҳоланди. Булар унутилмайди. Аммо буларнинг ҳаммаси тарих бўлиб қолди. Бошқа шароитларда туғилиши мумкин бўлмаган тажриба сақланиб қолди, масалан, ёғоч-тахта бўлмагани учун Бекободда жуда катта масштабда қайта тикланган ўзбек халқ усули — томни гумбазсимон усулда ёпишнинг қўлланилиши қандай аҳамиятга эга бўлди!

Шуни ҳам айтиш керакки, цехлардаги ўз ҳажми билан кишини ҳайратга солувчи гумбазсимон шифтлар Юсуповни биз аввалроқ айтганимиз ўша Муқимий номли театрни қуришга рағбатлантирди. Бу бино халқ опти-

мизмининг, галабага бўлган ишончининггина ёдгорлиги бўлиб қолмай, архитектура, бинокорлик нуқтаи назаридан ҳам ажойиб намунадир.

Театрнинг ўша Бекобод комбинатини қурган инженерлар раҳбарлиги остида уч ойда қуриб битирилганини, 1943 йил ноябрида темирчилик, қозон, компрессор, ремонт цехлари, металл заводга келадиган темир йўл тармоғи ва айни вақтда Юсупов революциянинг XXVI йиллигига бағишланган тантанали мажлисни очган театр биноси ҳам фойдаланишга топширилганлигини тилга олмаслик мумкинми. Залда республиканинг энг яхши кишилари, фронт қаҳрамонлари, бинокорлар орасида биринчи ўзбек металлурглари ҳам ўтирардилар; кўпчилиги колхозчилар бўлган Ўзбекистонлик 800 киши Урал заводларида рус усталаридан мартен ва прокат ишларини ўрганиб келдилар. Бир неча ойдап кейин А. Серов ва Ҳ. Ганиевлар биринчи ўзбек металлни эритдилар.

Бекобод билан Фарҳод тажриба тўплаш жойи, кадрлар тоблаш маскани бўлдилар. Кенг миқёсда умумлаштира билиш қобилиятига молик бўлган ўткир кўз, сезгир қалб, ақл-идрок қаҳрамонона ва кундалик ҳаётимизда учрайдиган, кўтаринки руҳдаги ва оддийгина дагал фактлар тўдаси орасидан ғоят қимматли воқелик ҳамда истиқбол белгиларини кўра олади. Ўша вақтларда ёш жиҳатидан ёшроқ бўлса ҳам, аммо тажрибали партия ходими, ёзувчи ва журналист бўлган Шароф Рашидович Рашидов қурилишда иштирок этиб «Қудратли тўлқин» деб аталган романни яратди — ҳа, айнан шундай, негаки, ҳаёт картиналари, образлар ёзишга киришишидан анча аввал ёзувчи қалбида туғилади, вояга етади. У ҳақли равишда умумий буюк ғалаба байроғи остида ягона, фахрли сафда фронтчи ўзбеклар билан елкама-елка турган фронт орқаси меҳнаткашлари ҳаётини тасвирлаб берди.

Юсупов кўплаб отрядларни жангга кузатиб қоларкан, шундай деб эслатарди:

— Сизлар армияга марш қилиб юриш учун кетаётганинглар йўқ; сизлар, ўзбекларнинг таъбири билан айтганда душмanning «бошини кесишга», қонини тўкишга кетаётирсизлар. Баъзи бировлар, бундай дейиш маданийлик бўлармикан, дейиши мумкин. Ҳа, таъкидлайманки, бундай дейиш маданийликдир, чунки олий даражадаги ҳаққонийлик, чинакам одамгарчилик, чин гуманизм ва маданпаят — буларнинг ҳаммасининг тақдири фашист

йиртқиқчларининг бошларини кесиб ола билішнимизга боғлиқдир.

Ўзбекистонда тузилган қисмлар СССР пойтахтини ҳимоя қилдилар. 1753 жангчи ўзбеклар «Москва мудро-фааси учун» медали билан мукофотландилар. Шухрат қозонган Панфилов дивизиясида 180 В. И. Ленин номли ҳарбий билим юртида тарбияланганлар бор эди.

1941 йилда совуқ, деразаларига тахта қоқилган Эр-митаж биносиди академик Орбели раҳбарлигида буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейига бағишланган сессия ўтказилди. Жаҳон санъати асарлари машҳур ҳазина хонаси атрофига қум солинган қоплар тахлаб ташланганди. Пулков тепалигидан отилган фашист снарядлари бу ерларга ҳам етиб келарди, у ерда, олдинги маррада, музлаб қолган окопда, Фарғона ўғлини Қажум Раҳмонов, ўзи ҳалок бўлган жангга киришдан олдин: «Фашистлар Советлар мамлакатига бос-тириб кирганида Фарғона водийсининг ҳам титраб кетганини сездим, кўксиди ўзбекнинг виждонли юраги уриб турган ҳар бир киши ўзига: «Олға юр, душманини тўхтат, ўз уйингни, ўз оилангни ҳимоя қил», деди.

«Москвасиз, Ленинградсиз, Совет Россиясисиз озод Ўзбекистон ҳам йўқ...» деб ёзган эди.

Инглиз «Дейли Мейл» газетасининг гитлерчилар Совет Иттифоқига ҳужум қилиш арафасида, «беҳисобу турли хил ўлкалардан ташкил топган СССР ҳарбий шароит билан тўқнашганидаёқ парчаланиб кетиши мумкин», деб ичиқоралик билан қилган башорати амалга ошмади.

Юсупов русларнинг «Оғир болға ойнани янчар, пўлатни тоблар...» мақолига ўзича таъриф бериб: «Болға зарби ёнғоқни чақади, қилич эса ҳар зарбадан тобга келади. Оғир синов йилларида халқларимиз дўстлиги фақат мустаҳкамроқ бўлиб қолди», деган эди.

Кейинчалик, Ўзбекистон КП(б) X съездида қилинган ҳисобот докладида ғалабанинг аҳамиятини баҳоларкан, Юсупов ғалабанинг энг муҳим яқуни «ўзбек халқининг Улуғ Ватан урушида кўрсатган сабот-матонати ва уюш-қоқлиги партиямиз тарбиявий ишларининг ажойиб самараси, унинг ҳаққоний миллий сиёсатининг тўғридан-тўғри натижасидир» деб қайд қилган эди.

Миллионлаб кишиларимизнинг хатти-ҳаракати, кун-далик амалга оширган ишлари жасорат билан тенг эди. Ўзбек йигити Тўйчи Эрингитов рус ўртоқларини қутқа-

риш учун, Ленин шахрини қутқариш учун Волхов ёнида душман пулемётини гавдаси билан тўсди. Ҳалок бўлган солдат Умаржоннинг отаси Усмон ота худди ўша ҳарбий қисмга қўнғилли бўлиб бориб, снайперлик қилди. Унинг ҳисобида эллик учта ўлдирилган душман бор эди. Афсонавий партизан командири Мамадали Топиболдиев — Белоруссияда бир қишлоқ унинг номи билан аталади — ўн икки миллат вакилларида ташкил топган отрядга бошчилик қилди.

Совет ҳокимияти улар ва уларга ўхшаган кўплаб ўзбекларни тарбиялади, уларни интернационалистлар қилиб етиштирди, ягона совет халқи оиласи аъзоси эканликларидан ғурурланиш туйғусини сингдирди. Партиянинг хусусан уруш йилларида амалга оширган сиёсий, тарбиявий ишларининг ҳиссаси ҳам катта эди. Ҳаётда синалган, ҳаммага маълум ва ўзига хос маҳаллий ша-роитда вужудга келган ҳамда халқнинг характери-ни билишга асосланган хилма-хил формада олиб борилган ишларнинг ҳам ёрдами тегарди. Бу ишларда ҳам кўпинча ташаббус Усмон Юсуповичники бўларди. 1941 йил-нинг кузида у МКга беш юз нафар чолларни тўплаб, улар билан узоқ суҳбатлашди.

— Баъзилар нима учун Юсупов бундай ишлар билан шуғулланаётир деб ажабланадилар. Мен бу ишни ўртоқ-лар билан бирга ташкил қилдим, чунки бу сиёсий иш-дир. Халқимиз ёши улугларни қанчалик қаттиқ ҳурмат қилишини билиш керак. Бу қарияларнинг сўзлари — шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, уларнинг орасида кўп йиллик партия аъзолари ҳам, профсоюз аъзолари ҳам бор,— маҳмадоналар, миш-миш, иғвони тарқатувчилар ва олиб сотарлар билан курашишимизда ёрдам беради.

Катталарнинг сўзлари, катталардан ибрат олиш...

Уруш бошланганда Тошкентдаги кўҳна Хадра май-дониди армияга янги олинганлар ҳузурида Ўзбекистон-даги граждандлар уруши иштирокчиси кекса Ҳасан ота нутқ сўзлади. У минглаб ўзбек ва рус ёшлари қўз олди-да ўртоқлари билан бирга фронтга жўнаб кетаётган ўғлига ўзининг жанговар қиличини тутқазиб, умумий душманга аёвсиз қирон солишни буюрди.

Юсупов бюро мажлисини кўпинча фронтдан МК га келган мана бундай хатларни ўқиш билан бошларди.

«...Самарқандлик колхозчи Пўлаталиев армияга ўзи-нинг икки ўғлини жўнатди ва ўзи ҳам пулемётчи бўлди. Донгдор ўзбек жангчиси жанглардан бирида 18 гитлер-

чиларни йўқ қилди ва: «Ватан учун!» деган нидо билан жангчи ўртоқларини ҳужумга бошлади. Пўлаталиев биринчи бўлиб немис траншеясига етиб борди. У кўрсатган намунадан руҳланган турли миллатлардан иборат бўлган совет жангчилари ўлимни ҳам писанд қилмай олға ташландилар».

Унутилмас жасоратлар, қайтариб бўлмас йўқотишлар вақти эди бу. Юсупов кўпинча бирор ўртоқнинг ҳалок бўлганлиги ҳақидаги хабарни айтганида, токи у «ишни бошлайлик» демагунича ҳамма қайғули сукутда ўтирарди.

Машъум тақдир тақозоси биланми ё ҳеч кимга шафқат қилмайдиган умум бошига келган фалокат жатиданми, кўпинча яхши кишилар фақат фронтдагина эмас, фронт орқасида ҳам ҳаёт билан видолашиб турардилар.

Юсупов ўзи туғилган кунда, 1943 йил 1 мартда, Ўзбекистоннинг биринчи президенти, ўн йиллаб елкамаелка туриб ишлашиб келган, энг қадрдон дўсти Йўлдош Охунбобоевни дафн қилди. Гарчи 1925 йил февралда, биринчи (таъсис қилувчи) қурултой томонидан эндиgina ташкил қилинган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Марказий Ижроия Комитети раиси қилиб сайланганида у эндиgina қирқ ёшга кираётган бўлса ҳам, халқ орасида, Ҳукумат уйида, мажлислардан ташқарида уни «ота» деб атардилар. Ҳозирги оилаларда бундай оталарнинг ҳатто тўнгич фарзандлари мактабда ўқийдилар. Йўлдош ота эса қўл остида ишлаган ўртоқлар учун ҳам,— у ўз лавозимини сайланган биринчи кунидан то том маъноси билан вақтсиз вафот қилган кунигача (ўша вақтда у 58 ёшда эди) эгаллаб турган эди,— ва ҳар бир ўзбек учун ҳам доимо ота ҳисобланарди. Полкларда ана шундай бўлади, хизматга янги келган солдат ҳам, чакка сочларига оқ оралаган офицер ҳам сеvimли командирини бир хилда ҳурмат-эҳтиром билан «ота» деб атайди.

Йўлдош Охунбобоевни ўзлари чексиз ишонган, маслаҳатгўй, ҳақли равишда тажрибали ва донишманд, оғир дамларда мададкор, иккиланиш дақиқаларида эса суянчиқ бўладиган раҳнамо ҳисоблаб, астойдил ота деб атардилар.

Йўлдош ота Охунбобоев бу китобда ҳамиша Усмон Юсуповнинг ёнида туради, унинг барча ишлари ва фикр-хаёллари, муваффақият ва шубҳалари, қувонч ва қайғуларига шерик.

Агар Юсупов халқ қурилишлари учун жон фидо қилган бўлса, Йўлдош ота сўзсиз халқнинг жони бўлиб хизмат қиларди. Шунчаки демократизмни намойиш қилаётган бўлиб кўриниш учун эмас — бутун тап-жони билан меҳнаткаш халқ ичидан чиққан одам учун қуруқ савлат тўкиш мутлақо ёт нарса эди, — чин кўнгилдан ишлаб, Ангренда қурилаётган кўмир қонида чангга ботган деҳқонлар қаторида замбилгалтак гилдирадди; қўлига кетмон олиб Катта Фарғона, Шимолий Тошкент каналларида, белларигача ялангоч, танаси қуёшда қорайган қурувчилар билан бир сафда туриб, кунлик нормани бир неча соатда бажариши мумкин эди, бу ҳақдаги хабар бир зумда бутун қурилиш бўйлаб таралар, кишиларни руҳлантириб, дилларга шодлик бахш этар, уларнинг чинакам халқ ҳокимиятига бўлган ишонч-этиқодларини яна ва яна мустаҳкамлар эди.

1925 йили Ўзбекистон КП(б) МК секретари лавозида бўлган Акмал Икромовнинг тарихий биринчи қурултой минбаридан туриб берган тавсиясини камбағал фарзанди, батракдан чиққан Йўлдош Охунбобоев ўзининг бутун ҳаёти билан оқлади:

«...Раис шундай одам бўлиши керакки, ҳар бир батрак, ҳар бир деҳқон бевосита унинг ҳузурига кела олиши ва у билан бемалол дардлаша олиши, деҳқонлар билан батраклар унга ишонадиган бўлишлари керак... Шу боисдан биз ана шундай фазилатларнинг барчасига эга бўлган номзодни қишлоқ хўжалик области бўлган Фарғонадан топдик. Биз у ёқдан бир парча ҳам ери йўқ... Марғилон уездидаги «Қўшчи» союзида ишловчи батрак, худди ўша ўртоқ Охунбобоевни топдик».

У ўз халқининг жонли тарихи эди. Ҳатто унинг туғилиши ва унга берилган исм ҳам рамзийдир. 1885 йилнинг июли бошларида унинг отаси аравасоз Охунбобо ўз оиласи билан жазирама иссиқда Шохимардонга зиёратга кетаётган эди. Охунбобонинг хотини Ойимтилла йўлда ўғил кўрди. Бу воқеа, афсус, отани у қадар қувонтирмади, унинг қарамоғида ўн чоғли овқат талаб оғизлар бўлиб, туя ётса сигмайдиган бир парчагина ери бор эди. Чақалоққа қандай исм қўйиш тўғрисида узоқ ўйлаб ўтирмадилар: йўлда дунёга келган экан, демак Йўлдош бўлади. У ўзининг дастлабки мустақил қадам босишиданоқ янги ҳаётга йўлдош ва революция курашчиси бўлиб қолди.

1916 йили подшо ва маҳаллий бойларга қарши кўта-

рилган Марғилон қўзғолонида иштирок этди. «Менда чоризмга қарши чуқур нафрат уйғонганди. Мен кишиларни унга қарши чиқишга даъват этишга аҳд қилдим».

Уни турмага ташладилар, калтакладилар, аммо бундан дилидаги ғазаб ва курашиш аҳди янада мустаҳкамланди. Гражданлар уруши йилларида у ўзи қишлоқ советига раҳбарлик қилган Жойбозор қишлоғининг сўйиллар билан қуролланган камбағалларнинг босмачилар билан жангга кўтарди. Кейин фақат ўзигагина маълум бўлган тоғ сўқмоқлари билан Мадаминбек галаларини қувиб бораётган отлиқ отрядни йигирма икки кун бошлаб юриб, ниҳоят қизил аскарларни босмачиларнинг орқа томонига олиб ўтди.

Камбағаллар бир йилдан кейин уни меҳнаткаш деҳқонлар манфаатини ҳимоя қилувчи «Қўшчи» союзига раис қилиб сайладилар. У ҳам Юсупов сингари ҳақиқатини дилдан сизди, истиқболни олдиндан пайқай олди. 1928 йилдаёқ у Ертешар қишлоғида «Қизил Ўзбекистон» деб аталган қишлоқ хўжалик артелини тузди, ўзи унга аъзо бўлиб кирди, унинг аъзолигини фахрий унвон деб тушуниш керак эмас: республика Марказий Ижроия Комитетининг раиси ҳар бир бўш кунини ерда ишлашга бағишлар эди. Артель меҳнаткаш деҳқонлар учун машъал, янги ҳаёт намунаси бўлди.

У жуда катта давлат ишини олиб борарди, аммо шахсий намуна кўрсатишни ҳам юқори қўярди. Айтгандек, бунга унинг азалдан деҳқонча дилида вужудга келган бошқа истаги ҳам бор эди. Бир гал у ўз отпускасидан Тошкент яқинидаги икки гектар тошлоқ ерга пахта экишда фойдаланди ва ҳатто шундай ердан ҳам юқори ҳосил олиш мумкин эканлигини исботлади, аини вақтда, пахтадан яхши ҳосил етиштирганидан қувонадиган деҳқон каби астойдил мамнун бўлди.

Табиатида соғлом омилкорлик билан тизгинсиз романтика уйғунлашиб кетган янги тузум ёшлиги ҳар иккаласида — Юсуповда ҳам, унинг ёши каттароқ дўсти Охунбобоевда ҳам акс этган эди. 1928 йили, кунларнинг бирида Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитети раиси ажойиб аппарат — телефото ихтирочилари ҳақида эшитиб қолади. Ҳозирги телевизорнинг ўтмишдошини подшо ғазабига учраган украин шоирининг ўғли Борис Грабовский билан Бориснинг ўртоғи Юрий Белянский Тошкентда қурмоқчи бўлганлар. У пайтларда бундай ғоялар кўпларга телбалик бўлмаса ҳамки, ҳар ҳолда амалга

ошириб бўлмайдиган ҳаёлпарастлик бўлиб туюлган эди. Кечаги батрак — чоракор, узоқ вақтларгача кетмондан кўра такомиллашган иш қуролини кўрмаган, республика бошлиғи ихтирочиларни қабул қилди, улар ўз ихтироларининг фақат схемаларини кўрсатиб, жўшқин фикрларинигина баён эта олдилар, Охунбобоев уларни тушунди ва қувватлади. У республика Халқ хўжалиги юқори Советига йўлланган қуйидаги хатга имзо чекди: «Ушбу лойиҳани ХХЮС техник советида кўриб чиқишни ва мазкур аппаратни тайёрлаш учун зарур бўлган маблағ ҳажмини белгилашни илтимос қиламан».

1928 йил 26 июнда Тошкентда жаҳонда биринчи марта тўлиқ электрон шакл тасвирини кўрсатиш амалга оширилди, аммо биз учун бу ҳаммага маълум факт эмас, биринчи ўзбек президентининг шахсини акс эттирувчи иш бизни қизиқтиради. 1941 йилнинг қаҳратон қиши, урушнинг энг оғир вақтида Охунбобоев ўзбек халқининг делегациясига бош бўлиб, Фарбий фронтга совғалар: мевалар ортилган эллик икки вагонни олиб борди. Генерал Говоровни оталарча қучди. Генерал делегацияни табриклаб:

— Қор босган Москвадан қуёшли Ўзбекистонгача минглаб километр масофа бор, аммо бу масофа бизларни ажратолмайди. Бизлар сиз учун қанчалик яқин ва азиз бўлсак, сизлар ҳам биз учун худди шундайсиз,— деди.

Бу гўё яқингида бўлиб ўтгандай: Тошкент вокзали. Йўлдош отанинг бошида телпак, соқол-мўйлови кузалган...

Март ойининг нам шамоли мотам митингига тўпланган минглаб кишиларнинг юзларига урилади. Юсупов фуражкасини сиқимлаб олган қўлини кўтариб, деди:

— У халқ донишмандлиги, тажрибасининг тимсоли эди. Биз уни ота деб атардик. Алвидо, отамиз.

Охунбобоевга Тошкентда ҳайкал ўрнатишни орзу қиларди, аммо конкурс, лойиҳалар билан жиддий шуғулланишга имконияти бўлавермади, бир амаллаб ҳайкал ўрнатишни эса истамасди. Ҳайкал Юсупов вафотидан кейингига ўрнатилди. Гранит супага ўрнатилган бронзадан ясалган ҳайкал Марказий Ижроия Қомитети раиси кўпинча пиёда юриб, чоллар билан чойхонада суҳбат қуришни яхши кўрадиган майдонга ўрнатилди.

Келаси йил ёзда, Юсуповнинг ўзи эндигина лабиринт хуружидан тузала бошлаган пайтда, атоқли шоир, Россиядан эвакуация қилинган ёзувчиларни қа-

бул қилиш ва жойлаштиришда жуда кўп куч сарфлаган, Ёзувчилар Союзининг серғайрат раҳбари Ҳамид Олимжон автомобиль фалокати натижасида ҳалок бўлди. Ҳаёт риштаси эрта узилган Ҳамидга, унинг хотини ҳали жуда ёш шоира, кўзлари қоп-қора, жингалак қора сочлари баланд пешанасига тушиб турадиган Зулфияга ачинди.

Юсупов, барча продаси кучли кишилар каби ҳар қандай мусибат ва уни ўйлашдан қутулишнинг ягона чораси — иш эканини тушунарди. У врачларнинг, шу жумладан ўзи гапларига қулоқ соладиган ўша А. Л. Каценовичнинг ҳам, барча ташвишли ва асосли огоҳлантиришларига ҳам қарамай, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам аямасдан, жуда қаттиқ ишга киришди. Ҳаққоний равишда қайд қилинадикки, муҳим нарсаларнинг барчаси, шу жумладан жасорат ҳам, ғоят кучли жисмоний ва руҳий кучларнинг сафарбар қилиниши туфайлигина вужудга келади. Тўзгунча ишлаш киши характерининг қусури эмас, балки ёзувчининг ҳам (бу ҳолат тушунарлидир шу ҳақда ўйланса, ҳамisha Бальзак хотирга келади), сиёсатчининг ҳам, партия раҳбарининг ҳам талантидаги бошланғич хусусиятдир. Бундан ташқари Юсупов кўпинча қўли остидаги кишилар ёки бошқа ташкилот ва муассасалар МКсиз шуғулланиши мумкин бўлган ишлар билан ўзи шуғулланарди. Унинг синалган, ишончли аппарати бор эди, аммо Юсуповнинг мижози ўзи шунақа эди: қўйилган вазифаларни тушунмаслик деб номланган нарсалар — номаъқул кўрсатмалар, айрим хато қабул қилинган қарорларга дуч келиб қолса — бевосита ўзи бу масалалар билан шуғулланар, ишнинг моҳиятини охиригача аниқлар, кейин эса, ўзи ҳақ-ҳуқуқи ва обрў-эътиборига муносиб узил-кесил қарор қабул қиларди. Масалан, ҳамма жойда юра оладиган, қишлоқ райкомларининг секретарлари жуда ҳам муҳтож бўлган «газик»ларнинг тақсимланиши масаласини олайлик. Уруш йиллари, ҳатто урушдан кейинги йилларда ҳам бу машиналар бармоқ билан саналарлигига эди, райкомлардан бирининг ҳовлисида Юсупов бирдан учта автомашинани кўриб қолади: яроқсиз деб топилиб армия ҳисобидан чиқарилган «Жип», ҳали мутлақо тузик «эмка» ва янги «газик». Одатича бўғилиб кетади; автомашиналар тақсмоти тўғрисида маълумотни келтиришни буюради. «Сизлар бу ерда тоза боплабсизлар. Бу билан ўзини шуғулланаман». Аммо ўзи ҳам қаердадир хато қилади.

бунингсиз бўлмайди, албатта, яна унчалик муҳтож бўлмаган кишига беради.

Бошқа гиналар, катта ишларда бунингсиз ҳам бўлмайди, унутилиб кетади. Бу автомашиналар билан бўлган гиналармиди? Йўқ. Айтганидек, МҚ ва унинг биринчи секретари ўзига тегишли бўлмаган функциялар билан биринчи марта шуғулланишлари эмасди: ўзлари фақат ўша бадном «газик»лар билангина эмас, тракторлар, культиваторлар, ўғитлар билан ҳам — оғир вақтларда тиллога тенг бўлган барча нарсаларнинг тақсимоти билан шуғулланардилар. Ўзбекистон Компартиясининг XI съездида минбардан туриб Марказий Комитетни бу иши учун танқид қилдилар. Юсупов илгари ҳам ўша Шчербаков оғзидан автаркия ҳақидаги гинани эшитганди. Маъноси-ни дарров тушунганди-ю, бари бир луғатдан бу кам ишлатиладиган сўзни топиб келишни буурганди. Луғатни олиб келган ўртоқ: «Сиз қанақасига яккаланиб қолган одам бўлдингиз, Усмон Юсупович?»— дея эҳтиёткорлик билан ачинган бўлди.

У қошларини чпмпрди, сўзини бўлди:

— Партия бизни иш учун танқид қилади. Танқидга қулоқ солиш ва хатони тузатиш керак.

XI съездгачаёқ кўп нарсаларни янгича баҳолади, тушўнди. Гарчи оғир ва масъулиятли даврларда сиёсатга, демокки, Марказкомга алоқаси бўлмаган бирор масала ёки иш умуман бўлмайди, дейиши мумкин ёки бўлса ҳам, ўзини оқлаб ўтирмади. Бундан ташқари, яна бир нарсани эслатиши мумкин эди: неча марталаб ниҳоятда жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳатарли қарорлар қабул қилинганида, бирор инсон, ҳатто коллектив ерган ҳам эмас, шахсан у, Юсуповнинг ўзи бутун масъулиятни зиммасига олганди. Ўша уруш пайтида ғалла экдиргани масаласини олайлик. Ўшанда уни койиб қўйди-лар, холос, борди-ю жаҳл устида, яна тагин ўзи бўлганидами...

Ҳа, у хулоса чиқариб олганди — съездда келтирилган барча фактларнинг 1941—1946 йилларга тааллуқли эканлиги бежиз эмас эди. Қилинган танқидлар юзасидан ўшанда ҳам, кейин ҳам нолигани йўқ. Агар лозим бўлса, ҳар қандай жазо олишга ҳам тайёр эди. Шунингдек, яна битта Юсуповча характер: текшириш комиссияси келганида уларга ҳамма нарсани борица, ҳеч нарсани яширмай, бўямай кўрсатишни талаб қилди. Шундай бир воқеа бўйи берганди, МҚда у қадар узоқ вақт ишламаган бир

киши қилган ишидан мамнун бўлиб, Марказ учун қандай усталик билан ахборот тузганини — ҳаммасини тўппатўғри, бирон камчилиги сезилмайдиган қилиб қотириб ташлаганини айтганди.

— Қолдиринг,— деганди Юсупов қуруққина ва ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, бир соатдан кейин бўлимга телефон қилиб, ўша ўртоққа яхшиси амалий ишга боришни маслаҳат берганди (у агроном эди). Лекин бари бир унга тушунтирганди:— Партия ҳамиша ҳақиқатга суянади.

Бундай муқаддас ҳақиқат учун туғишган оға-инисини ҳам аямас эди. Бунини бошқача тушунмаслик керак.

Укаси Эсон Юсуповнинг бутун умри ўша Янгийўл, собиқ Қовунчи қишлоғида, ундан узоқ бўлмаган Чиноз билан Шўралисойда ўтди. Усмон билан Назира каби у ҳам аввал ўша пахта тозалаш заводида меҳнат қилди; партияга кирди, уни завод ташкилотига секретарь қилиб сайладилар, кейин райишроком раиси, уруш йилларида эса — Янгийўл район партия комитети секретари бўлди. Аммо унинг кўтарилишида Усмон Юсупович роль ўйнагани йўқ. Эҳтимол, фамилияларининг бир хиллигининг таъсири бўлгандир, бироқ бу ишда унинг иштироки бўлмаган. Усмон Юсупович ўзи билган одамларни яхши лавозимга тавсия қилган ҳоллар ҳам бўлган. Эсон — бу ҳисобга кирмайди, унинг акасига ҳурмати ниҳоятда баланд эди. Эсоннинг ўрта миёна ходим эканини ифодаловчи белгилардан бири шуки, у акасига тақлид қила бошладди. Усмондан фарқ қилароқ, у қизишиб кетганида ўзининг дарҳол тутиб ололмас, вазиятни оқилона баҳолашга, бировнинг олдида гуноҳкор бўлса ҳатто узр сўрашга ҳам қодир эмас эди. Эсон инжиқ боладек тўрсайиб олар, қайсарлик билан ўз айтганини қиларди. Юсуповдаги қатъийлик унда ўз бошимчаликка айланган эди. У иш юришини учун юсуповчасига талаб қилишни ўрганиб олган эди. У гўё юсуповчасига ўзининг аямас эди; эртадан-кечгача далада кезиб юрар, фақат ишни биларди; пала-партиш кийилиб, энгашганича жўякдан жўякка сакрар, ерни ўзи ковлаб, текшириб кўрарди. Баъзан Усмон, ҳатто МҚ секретарлигига кўтарилганидан кейин ҳам шундай қилгандек бўлиб туюларди. Бироқ сиртдан қарагандагина ўхшашлик бор эди, холос. Ўша Янгийўл район партия комитетинда Усмон сирли боқиш билан, бардош қилиб, саксонга колхозининг ҳар биридаги аҳвол тўғрисида, нуқ-

сон ва камчиликларни тугатиш борасида қачон ва қандай кўрсатма берилганлиги ҳақидаги ахборотларни соатлаб тинглай оларди. Кейин узоқ вақтлар далада бўларди, сўнгра эса секретарлар Юсуповнинг бу кўрсатмаларидан ҳар бирининг тўғрилигини, унинг қандай бажарилганлигини текширганини билардилар. Хулоса қилиб ё мақтар («Шундай давом эттиринглар»), ёки койир («Ёмон ишляпсизлар: жойларда сизларга қулоқ солмайдилар. Расмийатчилик билан, ишни билмасдан кўрсатма берасизлар») ва энг ишончли фактлар келтирар эди. У партия комитетига раҳбарлик қиларди, Эсон эса звено бошлиғидай тутарди ўзини. Кишиларни ҳузурига чақириб уришар, қайнаб кетар, дўқ қиларди. У ойлаб, йиллаб умрини майда-чуйда нарсалар, обрў орттириш оворагарчилиги билан ўтказиб юборди (ҳар қандай одамнинг дарҳол ва сўзсиз итоат этишини обрў деб биларди). Кишилариинг унинг гапига қулоқ солмаслиги, ҳатто ўзи раҳбар бўлган колхозда ҳам Эсонни алдаётганликлари, Усмонга эса ҳамма халқ комиссарлари сўзсиз итоат қилишларидан дили огрирди. Аччиқланар, кўпинча ўринсиз қўмондонлик қиларди.

Уни аяб кўп нарсаларни Юсуповдан яширардилар. Аммо, Эсон тўғондаги сув тақсимлагичнинг қулфини юлиб олиб, Чинозга кетаётган сувни Янгийўл далаларига суриб юборгани, чинозликларнинг шикоятларини текшириш учун МКдан келган ўртоқнинг, Юсуповнинг укаси аралашган ишни бости-бости қилиб кетганим маъқул, қабилидаги ҳолатларни кечирмас эди.

— Сен қандай қилиб партия вакили бўласан?— дерди жаҳл билан Юсупов,— сендайларнинг адабини бериб қўйиш керак!

Эсон райком раҳбари сифатида занф эди, шунинг учун Юсупов унга иккинчи секретарь қилиб синалганп ўртоқ Николай Сидирович Стройчукни юборади. Кўпинча кечалари Николай Сидировични телефон қўнғироғи уйғотиб юборарди:

— Ҳ-ҳ, ҳ-ҳ!..— трубкада таниш нафас садоси эшнтилар ва кейин эса — салом! Нима учун Юсупов билан ошна-огайнигарчилик муносабатида бўляпсизлар? Нима учун унинг айбини хас-пўшляапсизлар? Унинг иштаҳаси очилиб кетибди, МТС директорини дўппосламоқчи бўпти. Гап бундай: бюрога чақирса чақираверсин-ку, аммо ҳеч қандай пўписа: «Мен сени судга бераман!» деган гаплар бўлмасин.

Биринчи район конференциясидаёқ Эсоннинг ўрнига Стройчук биринчи секретарь қилиб сайланди.

Эсон икки томонлама изтиробда қолди. У акасининг ўзи тўғрисидаги фикрини жуда қадрларди. Бир кунни Юсупов онасини кўргани келиб, у ерга Эсонни ҳам чақиртирган эди. У жуда бахтиёр ва хурсанд бўлиб ҳаммага: «Ярашдик», деб айтди.

Ойимниса ҳали ҳам ўша Янгийўл билан қанд заводи оралиғидаги эски уйда яшарди. «Ая»— Юсупов ҳам, ҳамма яқин кишилари ҳам уни шундай деб атардилар— мункиллаб қаригунича ҳам меҳнатдан қолмади. У чевар каштачи эди. Қаптархонада оғир йилларда унинг шу ягона ҳунари оилани очликда ўлиб кетишдан сақлаб қолган эди. Эндиликда бўлса, келинлар учун жияклар, набиралари учун дўппилар тикарди. Вақти-вақти билан неваралари келиб, баъзан узоқроқ вақт туриб қолар, ундан мусиқий, образли халқ тилини ўрганардилар; шаҳарда бундай сўзларни эшитмайсан. Усмон Юсупович, ҳаммамизга ўхшаб онадан ширинроқ таом пиширадиган киши йўқ деб ишонарди. Руҳан чарчаган дамларида унинг ҳузурига келарди. Айвонда ўтириб, кампирнинг шошилмай гапирган сўзларини эшитарди. Ая уқадар саводли бўлмаса ҳам, ҳаётни тушунарди, унинг ўзи ҳам бир вақтлар активистка бўлган эди: кадрдон Қаптархонага бориб, хотин-қизларни паранжи ташлашга ташвиқот қилган эди.

— Она ҳар биримиз учун — муқаддас инсондир,— Юсупов бу сўзларни дунёдаги ҳамма оналарга қарата айтган эди. Шофёрлик касби ҳеч қачон таъсирчанлик мойиллик уйғотмаган Виктор Орданинг ҳозиргача ҳикоя қилиб юришича, уруш вақтида агар Москвага поезд билан борадиган бўлиб қолса, Усмон Юсупович Оренбургга етганда дастурхон тузалган бўлишини буюраркан — у ерда Викторнинг онаси яшарди. Шахсан ўзи Дарья Федоровнани вагонга таклиф қилар, у билан чой ичиб ўтириб, ҳол-аҳвол сўрар экан. Ёрдамчисига:

— Обкомга телефон қилинг. Навбатчи машинани юбориб, кампирни уйига олиб бориб қўйсин,— дейишни унутмас экан.

Ая эллагинчи йилларда қазо қилди. Катта ўғлининг шон-шухратига ҳам, ёши анчага бориб, ҳаммадан кўра кўпроқ она сўзига муҳтож бўлиб қолган даврига ҳам гувоҳ бўлган эди. У ўз кечинмалари ва оғир фикр-хаёллари хусусида эмас — ўзини овутишни ҳатто онасига ҳам

йўл қўймас эди,— фақат она суҳбатидаги у қадар аҳамиятли бўлмаган: бу йил ширии-шарбат узумнинг мўллиги, анор суви наҳорда ичилса фойдали эканлиги (Юсуповда диабет топгандилар) ҳақидаги сўзларга муҳтож эди. Ая киши дилини қувонтирадиган гапларни айтишга жуда уста эди.

Юсупов ҳар гал унинг ҳузуридан чеҳраси очилиб, ҳар қандай ишларга, режаларга шўнгиб кетишга тайёр бўлиб кетарди.

Уша вақтларда, Эсонни қайта сайлаганларида, гарчи ҳали жанглар бўлаётган ва совет территориясининг бир қисмигина душмандан озод қилинган бўлса ҳам, Юсуповнинг фикр-хаёли яқин келажакка қаратилган эди. Республика ҳозирнинг ўзидаёқ уруш ташвиши билангина эмас, тинчлик даври тарадуди билан ҳам яшамоқда эди. Электростанциялар қурдилар, Ангренда кўмир билан ишлайдиган ТЭЦ қурилиши бошланди, Олмалиқ қўрғошин-руҳ комбинати, Самарқанд ва Қўқонда суперфосфат заводларига асос солинди. Шу нарса равшан эдики, бу қурилишлар бир неча йилдан кейин, демак ҳеч ким шубҳа қилмайдиган ғалабадан кейин ишга тушириладилар.

— Ҳарбий заводларнинг қандай қилиб пахтачиликка ишлашлари тўғрисида бош қотиришлар,— масъул ходимларга эслатади Юсупов. Уша пайтлардаёқ яхши конструкция пайдо бўлиши биланоқ минаял ўрнига пахта териш комбайнлари чиқариши керак бўлган Ташсельмаш учун, дарё ва якорь минаялари ўрнига сеялкалар чиқарадиган Ўзбексельмаш учун; миномётлар эмас, химия ускуналари чиқарадиган Ўзбекхиммаш учун; аэриабомбалар эмас, ўзининг қадрдон маҳсулотларини чиқарувчи экскаватор заводи учун; мамлакатда ўз соҳасининг энг йирик корхонаси бўлиб қолажак Текстильмашга айланувчи Ростсельмаш учун: кўчиб келган 270 ва ўзимизнинг 150 та йирик корхоналарнинг ҳар бири учун янги ишлаб чиқариш планлари, техникавий топшириқлар тузила бошлаган эди.

Яқин келажак ҳақида ўйлар экан, кишиларда вақтинчилик, хурсандчиликка ҳам эҳтиёж туғилади, дерди, яна шу нарсани таъкидларди:

— Сен тушунгин: Ҳалима ёки Қори Ёқубов... Бундайлар ҳар кун и туғилавермайдилар. Уларнинг овозларини набираларимиз учун асрашимиз керак.

Вақт топиб, Москва билан, халқ комиссарлиги билан гаплашди, Подольскка вакил юборди: эҳтимол, у ерда

бирорта пресс топилиб қолса. У ерда, машинасозлик заводининг ахлатлари орасидан чиндан ҳам иккита пресс топилди. Уларни Тошкентга олиб келдилар. Уларни вақтинча омонат хонага ўрнатдилар ва тез кунда МК бюроси мажлисида биринчи пластинкалар: Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР гимнларини эшитиб кўрдилар. Олмалиқда мебель фабрикасини лойиҳалаштирдилар ва Юсупов пианино ишлаб чиқаришни назарда тутишни ҳам таклиф қилди. Вақти келиб унинг кўп орзулари қатори бу ҳам амалга оширилади.

У жуда кўп ранг-баранг гуллар, яхши музика ва қўшиқларни орзу қилар эди. Володя Варламов галаба тўғрисида хабар қилганида биринчи айтган сўзлари шу бўлди:

— Мана энди халқ қаңдай яхши яшайди. Биз бунга муносибмиз.

Улар поездда Андижонга кетмоқда эдилар. Варламов Юсуповнинг розилигини сўрамасдан купега чопиб кирди.

— Тўғри тушундингми ўзи?— бари бир такроран сўради Юсупов.

Энг яқин станциядан самолёт чақириб, Тошкентга учиб кетдилар.

Галаба паради куни у пойтахтда эди. Юлия Леонидовна билан бирга «Москва» меҳмонхонасига тушдилар. 110-хонанинг деразалари байрамдагидек безатилган, гавжум. Манеж майдонига қараган эди. Парад бошланишида ёмғир томчилай бошлади, кейин шаррос қуйиб берди, аммо диллари шодликка тўла кишилар бундан ҳеч қанча хафа бўлмасдилар. Чиройли парад мундирлари кийган маршаллар билан офицерларни меҳмонхонага зўр хурсандчилик, шод-хуррамлик билан қўлларини кўтариб кирардилар.

У учинчи қаватда турарди, бир оз нафас сиқнишига қарамай лифтидан фойдаланмас эди. Панжарага сўяниб, зинапояда турганча, қўлларини баланд кўтариб қарсак чаларди. Меҳмонхонанинг кенг вестибюлига кириб олган, кўплаб уруш қаҳрамонлари ва генералларни юзларидан таниганликларидан болаларча мағрурланиб турган москвалик икки ўсмир, уни ҳам кўриб қолди, бири биридан сўради: пагонсиз китель кийган, аммо мукофотлари жуда кўп бўлган бу киши ким? Кейин, унинг битта ҳам жанговар ордени йўқ, деб баҳслашаётганлари Юсуповнинг қўлоғига етиб келди.

У бу ҳақда Юлий Леонидовнага айтди, ҳар икковларини болаларга илжайиб боқдилар.

Кечқурун улар Кремлдаги байрам зиёфатига пиёда кетдилар. Шаҳар, бутун олам ёруғ ва озода эди. Горький кўчасида бахтиёрлик, хурсандчиликдан сармаст кишилар жуда кўп эди. Салют янграрди, ранг-баранг мушакбозлик юлдузлари сочилиб тушарди.

Боровицкий дарвозасида Юсупов хотини икковларини кузатиб келган ёрдамчилари ва шофёр билан айрилишди.

— Кейин айтиб бераман, ҳаммасини,— ваъда берди хайрлашаркан.

У дарҳақиқат тонгдаёқ ҳаммаларини уйқудан тургазди. Ўз ғурурини яширмасдан, уни ҳам 1-даражали Ватан уруши ҳарбий ордени билан мукофотланганларини айтди. Зиёфат ҳақида («Биргина шундай кечани кўриш учунгина дунёга келса арзийди»), Сталиннинг нутқи ҳақида ҳикоя қила бошлади. Хотирасига айниқса жойлашиб қолган: «Ғолибларни ҳам жазолаш мумкин ва лозим» деган сўзларни бир неча марта такрорлади.

Тез кунда бу сўзларнинг маъносини ўз вужудида туйди.

Унинг ҳаётидаги яна бир катта иш Чоржўй — Қўнғирот темир йўли бўлди.

Ҳар галгидегидек, бу иш ҳам орзудан бошланди. Амударё мансабида жойлашган ва то Орол денгизигача чўзилиб кетган Хоразм билан Қорақалпоғистонга Тошкентдан самолёт билан ёки жануб томондан буюк Осиё дарёсини ғарбга, Каспийгача борадиган темир йўл кесиби ўтган жойдаги туркман шаҳри Чоржўйдан пароход билан етиб бориш мумкин эди.

Юсупов у йўл билан ҳам, бу йўл билан ҳам юриб кўрган. Бугунги кун назари билан қаралганда беўхшов бўлган биплансамолёт Сирдарё билан Амударё ўртасида минг километрлаб чўзилиб кетган Қизилқумни ниҳоятда узоқ вақтда учиб ўтарди. Волга дарёсида хизматини тугатиб келган эски пароходчалар пастга, Орол томон зўр-базўр судралардилар, орқага қайтишда, Чоржўй томон оқимга қарши сузганда эса деярли қуввати етмай қоларди. Бунинг устига инжиқ дарёда фарватер ўзгариб турарди; бечора «Налим» ва «Язь» дам-

бадам бир-икки соат орасида ҳосил бўлган саёзликда туриб қоларди.

«Язъ!», «Язъ!»— қирғоқдан бақирардилар,— «На-лим»нинг қайдалигини кўрмадингми? Уч кеча-кундуз бўлди келмаяпти.

— Ким билади дейсан! Бирор жойда ўтиргандир.

Ҳамма бало шундаки, қадимдан деҳқончилик тараққий қилган, бир вақтлар бутун дунёга машҳур бўлган, аммо кўчманчиларнинг ваҳшийликлари туфайли заволга учраган бепоён Хоразм ўлкасига юк ташишнинг барча оғирлиги ана шу заиф пароходчаларнинг зиммасига тушарди. Совет ҳокимияти ўрнатилиши билан Хоразм тиклана бошлади. Катта ердан ажралганлик тўсиқ, енгиб бўлмайдиган ғов бўлиб қолди. Агар юқорида айтганимиз «Налим» саёз ерда туриб қолса, сеялка ва культиваторлар белгиланган жойга ҳосилни йиғиб олиш вақтигагина етиб бора олардилар. Ҳосилдор ерлардан олинган пахталар ҳам той-той бўлиб йиллаб қолиб кетган вақтлар ҳам бўлган. (Бир гал Урганчда 15 йиллик той пахталарни топганлар.) Пахталарни жуда бўлмаса Чоржўйгача ЛИ—2 самолётида етказишга уриниб кўрдилар. Харажатини ҳисоблаб кўрганларида «уловидан тушови қиммат» деган мақолнинг ҳаққонийлигига яна бир қарра ишондилар.

Машҳур Чоржўй кўпригидан Амударё бўйлаб қумларни кесиб ўтиб Оролгача борадиган темир йўл жуда ҳам зарур эди. Юсупов қулай шароитдан фойдаланиб бу тўғрида Сталиннинг эсига солди. Ниҳоят мана 1947 йилнинг ёзида орзу рўёбга чиқди: СССР Министрлар Советининг Чоржўй—Тошсоққа ўртасида темир йўл линияси қуриш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Қурилишга раҳбарлик қилиш қора қуюқ сочларига эндигина бир ярим оқ оралаган, қўйкўз Ғани Хўжаевич Хўжаевга топширилди. Истеъдодли темирйўлчи, бутун ҳаётини транспортга бағишлаган Хўжаев Чоржўйдан Қорақалпоғистонга темир йўл ўтказиш ҳақидаги орзу ва режаларни жон-тани билан маъқуллаган эди. Хўжаевнинг темир йўлдан фойдаланиш соҳасидагина эмас, уни қуриш бўйича ҳам катта тажрибаси бор эди. Бутун уруш давомида фронтга, айниқса Кавказ учун олиб борилган жангларга бевосита алоқадор Тошкент темир йўлининг узлуксиз бошлиғи бўлиб ишлади. У ижодкор ва дадил одам эди. Уруш бошидаёқ устма-уст иккита хайфсан олди: Ангрендан Тошкентга— ўша Ростсель-

машининг қозонхонасига, совуқ баракларга кўмир етказиб бериш керак эди, Ангренга темир йўл шохобчасини қуриш учун рельслар йўқ эди, ўшанда Хўжаев ҳамма маъсулиятни ўз устига олиб, камроқ аҳамиятга эга бўлган Қўқон—Наманган линиясидаги иккинчи йўлни бузиб олишни буюрди. Гарчи расмий бўлмаган суҳбатларда, яша, шаҳарга кўмир етказиб берднинг, десалар ҳам, бу иш учун жазо олган эди.

Тез кунда Хўжаевни Москвага Қизил Армиянинг фронт орти ишлари бўйича бошлиғи Андрей Васильевич Хрулев ҳузурига чақирдилар.

— Кавказда шароит оғир. Биз фронтни ҳамма зарур нарсалар билан таъминлашимиз керак. Давлат Мудофаа Комитетининг қарори бор: жуда қисқа вақт ичида Жиззахдан Самарқандгача иккинчи йўл қуриш керак.

Хўжаев асосли равишда эътироз билдирмоқчи бўлди: жонни фидо қилиб бўлса ҳамки, уриниб кўриш мумкин, аммо «Темирланг дарвозаси»даги тўққиз километрлик тоғу тошдан техникасиз йўл очиб бўлмайди-ку?

Суҳбат транспорт ишлари билан шуғулланувчи, ВКП(б) МК секретари Андрей Андреевич Андреев ҳузурида давом эттирилди. Айтгандек, «давом эттирилди» деган сўз аниқ эмас эди. Суҳбат калта бўлди:

— Давлат Мудофаа Комитети талаб қиляптими, демак, кўрсатилгандан ҳам қисқароқ муддатда қуриб битирасиз.

Қуриш мумкин эмас эди-ю, аммо иложи топилди. Перегонда—эҳтимол жаҳонда биринчи марта бўлса керак,—жонли сигнализация қўлланилди: ҳар бир километрга, демак, оддий кўз билан кўринадиган жойга байроқча билан фонарь ушлаган партия аъзоси қўйилди. Ҳаракат накетли эди: перегонда (12 километр) битта ўрнига саккизта поезд. Поездлар деярли узлуксиз жанжирсимон (сигналчи «йўл бўш» деб кўрсатгани ҳамон) Самарқандга кетардилар, у ерда эса тайёр паровозлар кутиб турарди. У ёғига қарши поезддан хавфланмасдан (чунки йўл икки изли эди) Каспийга қараб ўқдек учиб кетардилар.

Ҳозирги кунда жилмайиб, ҳарбий ҳийла сифатида гапириб бериладиган бошқача тадбирлар ҳам бўлган. Мана шулардан бири: немислар танкерларни Каспий бўйлаб Гурьевдаги нефтни қайта ишлаш заводиға ва орқага—Красноводскка ўтишга қўймас эдилар. Ўшанда темирйўлчилар (Хўжаев бунда асосий роль ўйнаганди)

учдан икки қисми нефть билан тўлдирилган цистерналарни денгизга туширишга қарор қилдилар. Гурьевгача ва орқага қайтишда уларни катерлар тортар эдилар — бу душман самолётларини унчалик қизиқтирмасди, цистерналар эса сувда салгина кўринарди.

Хўжаев хизматни кичик станциялардан бошлади, ўттиз ёшга кирганида эса Андижон бўлимининг бошлиғи эди. 1939 йили Тошкент темир йўлининг бошлиғи Владимир Алексеевич Ухтомский (бутун Россияга машҳур бўлган машинистнинг ўғли) ўзига муовин қилиб олди.

Талантли кишиларни Юсупов дарҳол пайқаб, аниқлаб оларди. Хўжаев МҚ биринчи секретарининг ўзи ҳақида билишини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган эди, у эса ҳеч қандай қоғоз-поғозга қарамай, шаҳар партия активи билан ўтказган суҳбатида унинг номни тилга олиб, ишларини мақтади.

Урушнинг бошида Ухтомскийни Горький темир йўлига ўтказишди, Хўжаевни эса Тошкент темир йўлига бошлиқ қилиб тайинлашди. У 35 ёшда эди. У ўшандаёқ МҚ аъзоси қилиб сайланди. Юсуповнинг кўплаб сафдошларидан бпри бўлмиш бу одамнинг босиб ўтган қисқача йўли мана шундан иборат.

Хўжаевни у иродаси, тиниб-тинчимаслиги, жонбозлиги, ишга ўзини фидо қилишга тайёр эканлиги учун ҳам севарди. Юсупов «газик»да Хўжаев ва лойиҳанинг бош ижнерери Иван Иванович Скубий билан бирга 410 километрлик трассани икки марта айланиб чиқди. Машина баъзан юмшоқ кумга тикилиб қоларди. Машинани тез чиқариб олиш мумкин бўлмаса, яқинроқдаги қишлоққа пиёда жўнар эдилар. Ҳатто колхозларда ҳам партия активи йиғилишларини ўтказардилар (Хазорасп, Урганч, Тўрткўл каби шаҳар ва посёлкаларда — ўз-ўзидан маълум, лекин йўлда учраган бундай қишлоқлардаги мажлислар планлаштирилмаган эди). Халқни қўрилишга қандай жалб этиш тўғрисида гап бўларди. Шунинг ҳам айтиш керакки, узоқ вақт ташвиқот қилишга тўғри келмас эди. Бутун Амударё ўлкаси бу темир йўлни кўришсин аллақачонлардан бери орзу қиларди.

Мана, ниҳоят бошланди... Деярли юз минг киши отлар, аравалар, кетмонлар, чўкичлар билан ишга чиқдилар. Туркман колхозлари туялар юбордилар. Қирқ кун ичида Чоржўйдан Хазораспгача полотнони кўтариб бўлинди. — Бу беш миллион кубометр тувроқ ағдаринг демак эди! Бу яна битта жасорат эди. Авлодлар йўл ҳақи-

да (олдинига ҳар қандай об-ҳавода лоақал арава юрадиган йўл бўлса ҳам майли) орзу қилган эдилар, партия айтдики — йўл бўлади. Шу сабабли бошқа вақтларда енгиб бўлмайдигандек туюладиган қийинчиликлар ҳам енгиб ўтилди.

Бўлиб ўтган ишларни ақалли тахминан тасаввур қилиш учун қисқача тасвирлаб ўтайлик.

Қуёшда ҳарорат 75 градус эди (соя жойининг ўзи йўқ эди). Жазирамада кул ранг тусга кирган осмон, оч-сарғиш қум. Кишилар эгниларида пахталик, бошларидаги папахларини кўзларигача бостириб олганлар, уларга қайнатилмаган сувни ичишга ва ювинишга рухсат қилмайдилар. Сувни тежаш учунгина эмас. Бир стакан сув ичилса, оғиз чайқалса ёки юз-бўйин чайқалса бас, қондириб бўлмайдиган чанқоқлик пайдо бўларди. Гупларда тинимсиз чой қайнаб турарди; ундан ҳўплаб-ҳўплаб томоқни ҳўллаб турардилар.

Хўжаев ҳам қурувчилардан фарқ қилмас эди. Офтобда қорайиб, кирлаб, кўзлари ичига ботиб кетганди. Бир куни авваллари машиналари билан қумда қатнаб, кира қилиб юрган шофёрлар Питнак пристанидаги кичкина ошхонада Хўжаевнинг кўзи олдида гаплашиб қолиб, бундай дедилар:

— Омад кетди, оғайнилар. Илгари у ёқдан-бу ёққа бир бориб келсанг, тўрт минг чўнтакда бўларди. Ана энди аблаҳ Хўжаев насибамизни бутунлай қияди деяверинглар.

Хўжаев маъқуллаб туриб, булар минглаб пулларини соғиб олган колхозларнинг ҳоли не кечганини сўради, шу пайт унинг шофёри келиб қолди-да, унга генерал деб мурожаат қилди (У темир йўл ҳаракати генерали эди).

Шунда боягилар ҳангу-манг бўлиб оғизлари очилганича қолдилар. «Худди кинолардагидек!» — деб гапириб берарди кейин Хўжаев.

Бу қирқ куннинг йигирма кундан кўпроғида Юсупов бирга бўлди. Яхши ишларни кўрганида ўзини бахтиёр сезиб, яйраб кетарди. Тупроқ ишлари битгач, трассада 17 минг киши билан битта йўл ўрнатувчи машинани қолдирдилар. Бошқаларни уйларига жўнатдилар. (Бунда латифаном вақеалар ҳам бўлди; баъзи бир чўл йигитларини самолётга куч билан итариб киритдилар).

Барибир Юсуповнинг кўнглида ташвиш бор эди. Бу ўлкаларда ҳосилнинг аҳволи ёмон эди: баҳор чўзилиб кетди, ёўза ривожлана олмади: ҳар тупда фақат уч-тўрт-

тадан кўсак бор эди. Шунга қарамай... ўз эрки билан энг қизғин вақтда колхозчиларни дала ишларидан ажратиб олди.

Барча ҳосилни ҳеч нарса қолдирмай йиғиб олдилар. Ёшлардан бўлган баъзи раҳбарлар мустақил иш бошлашданоқ муваффақиятсизликка дуч келдик деб азобланиб, тобе кишилариини ҳатто кўрпаларнинг пахтасигача тўкишга мажбур қилгандай бўлдилар. Ишга сарҳисоб ясалганди. Республиканинг 365 минг тонна пахтани кам бергани маълум бўлди. Юсупов жуда яхши билардики, ҳеч қандай сабаб: апрель ойининг совуқ келиши ҳам, июнь ойи ўрталаригача чўзилган ёмғирлар ҳам (кўп районларда чигитни икки, ҳатто уч марта қайта экдилар; нам тупроқ ва паст ҳароратда чигит кўкармасдан чириб кетди) инobatга олинмайди. Бензин билан керосин етишмаганидан техниканинг туриб қолганини ҳам баҳона қилиб кўрсата олмайсан. Қишлоқ хўжалик ишлари қизғин пайтда, гарчи асосий пахта етиштирувчи областлардан узоқда бўлса ҳам кенг кўламда олиб борилган қурилишни (у хоҳ айибдор бўлсин, хоҳ айбсиз бўлсин) эслатадилар унга.

Ўзбекистоннинг уруш йилларида амалга оширган (бунга ҳали кўп вақт бўлган йўқ эди) бағоят улкан ишларни эътиборга олишларнга умид боғлаган ҳолда, у Политбюро қаҳириги билан Москвага борди. Республика ғалабадан кейин ҳам ўз ишлари доирасида қолиб кетгани йўқ. Украинага, Краснодар ва Ставрополь ўлкаларидаги вайрон қилинган колхозларга ёрдам сифатида икки минг трактор билан автомобиллар, юзлаб паровозлар, бир неча минг ремонт қилинган вагонлар, саккиз минг от, 170 минг қўй ва эчки юборилди. Юзлаб кўнғиллилар Сталинград, Донбассни тикладилар...

— Пахта етиштиришни ташлаб қўйишга сизга ким ҳуқуқ берди? Мамлакатга пахта жуда зарур,— дедилар унга.

У шу қадар кўп койиш эшитдики, ўзини мақтов эшитишга эмас, биринчи галда танқидга бардош беришга мослай оладиган Юсупов ярим тунгача давом этган мажлисдан терлаб-пишиб қайтди. Москванинг 25 градусли совуғнда-я.

Унга ва Халқ Комиссарлар Советининг раиси Абдураҳмоновга хайфсан эълон қилдилар. Аммо гап жазолашда эмас. У кўп ўйланди, нимада хато қилинган; у ўзига ҳам, бошқаларга ҳам (ёрдамчилари Попов, Куд-

дин буни яхши билардилар, шунинг учун ҳамдарлик билан жим ўтирардилар) ўзини оқлашга уринишга йўл қўймас эди.

— Партия бизни ишда йўл қўйилган камчилик учун, кейин бизнинг яхшироқ ишлашимиз учун танқид қилди,— бу жумлалар Юсупов учун том маънога эга эди.

У, турган гапки, тушкин ва хафа эди, эҳтимол, республиканинг эмас, ўзининг келажаги тўғрисида маъносиз хатоликларга ҳам боргандир; бу ҳақда шубҳа бўлган эмас. Ақлли кишилар, агрономлар, ирригаторлар, хўжалик ходимлари тўпладилар. Пахтани кўпайтиришнинг иложи топадилар. Ҳа, ҳамма йиллар ҳам бир хилда бўлавермайдди. Ўзбекистонда совуқ, узоқ давом этадиган баҳар истиснодир. Юсупов ҳеч қачон ва ҳеч кимга ўзининг заиф томони ва шубҳалари ҳақида иқрор бўлган эмас. Шу парса жуда аниқки, кейинги кунни уни МҚнинг дачасига чақириб, у ерда Сталин Юсуповнинг шарафига қадаҳ кўтарган:

— Сени муҳокама қилдик, жазоладик, ammo сен талантили, етук, ўз халқингнинг катта дўсти бўлган одамсан. Биз сенига ишонамиз.

Яна бошқа парса ҳам кундай равшан. Юсупов табииатнинг ниҳонликлари деб аталадиган машъум тобелликдан ниҳоят қандай қутилиш йўллариини ҳам кўнун билан изларди. Халқ билган ягона парса худога ишониш эди. Келажак ҳақида сўз борган ҳар бир жумлага «худо хоҳласа» дейилган нбора қўшилиб айтиларди. Энди энг қўрқоқчилик йилларида ҳам далаларга сув берадиган сув омборлари ва каналарга ишондилар. Хоразмга техника олиб бориш, Хоразм ва Қорақалпоғистондан ҳатто ўша вақтларда ҳам ўн минглаб тонна пахтани олиб кетиши мумкин бўлган худди ўша темир йўлга ишонардилар. Агротехника пахтанинг янги навлари, ўғитлар, машиналар ишончли ҳосил олишга имкон бердилар.

Агар яна қаттиқ совуқ бўлса ёғингарчилик чўзилиб кетса-чи?

Бунинг ҳам иложи бор эди. Буни Юсуповнинг ўзи ҳам биларди, мутахассислардан ҳам ўрганди. Болалигида Бухорадан жануби-шарққа қараб кетган кенг ўлка, Қарши ҳақида ривоятлар ва қўшиқлар эшитган эди. Оқсув, Қашқадарё, Танхоз ва Лангар дарёларининг қуриб йўқолиб кетишига бефарқ қараган амир ва беклар вақтида заволга учраб, ташландиқ бўлиб кетган энг унумдор ерлар — Қарши, Қарши... Бу чўл мутахассисларнинг

ҳисобига кўра ҳар йили бир миллион тонна пахта бериши мумкин. Шу нарса ҳам мумкин, бу ерда, республиканинг жанубида иқлим (аниқроғи микро иқлим) бошқачароқ. Кўпинча Самарқанд томонларда баҳорги ёмғир ёғаётганда, Қарши ва қўшни Сурхонда ёздагидек қурғоқ ва иссиқ бўлади. Қарши чўлига тақдирнинг ўзи Ўзбекистон пахтачилигининг ишончли резерви бўлишни ёзиб қўйган.

Уша Б. Д. Қоржавин бошлиқ тошкентлик олимлар урушдан сўнг тез вақтда Қарши чўлини қайта ўзлаштириш ҳақида батафсил доклад тайёрладилар. Бу режа қимматга тушар ва мураккаб эди, аммо бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Аввало камдан-кам учрайдиган, фикран бағоят дадил бўлган иншоот — жуда катта насос станцияларга эга бўлган 165 километрлик канал (ернинг рельефи шундаки, бошқача усул билан, яъни ўз оқими билан Амударё сувини каналга йўналтириш мумкин эмас) қуриш керак эди.

Борис Дмитриевич бу ҳақда, СССР Министрлар Советининг мажлисларидан бирида (Юсупов иштирокида, албатта, ахборот берди. Бу мажлисни узоқ вақт кутган эдилар. Қарши чўлига таалуқлигина эмас, умуман республикада пахтачиликнинг истиқболи тўғрисидаги барча зарур материалларни олдиндан тақдим этган эдилар. Юсупов Москвада мажбурий бекорчиликдан зерикиб кетди; ўз хонасида телефон ёнида, одатича ранги ўчган меҳмонхона гиламини оёқ учи билан тўқиллатиб ўтирарди. Ҳафта тугади. Тақдирнинг гавгосини қаранг, у «Метрополь» кино залига киришга аҳд қилганида қўнғироқ чалинса-я.

— Ўртсқ Юсупов, бу ёққа чиқинг!

Уни Сталин чақирган эди.

Хурсанд бўлиб қайтди. Сталин пахтачилик билан қизиқибди, селекция, механизация тўғрисида батафсил сўрабди. Юсупов академик Қанаш етиштирган павлар ҳақида, ссрҳосил-у, аммо кеч пишар, пахтакорлар умидини оқлаган Румшевич яратган машҳур «108—ф» навви тўғрисида гапирибди. Пахта ҳосилини йиғиб оладиган машина ҳақида ҳам гаплашибди. Шу нарса равшан эдики, миллионлаб тонналарни қўл билан — теримни икки, икки ярим марта кўпайтириш планлаштирилмоқда эди,— ҳатто «пахта семестри»га ўрганиб қолган студентлар билан шаҳарликларнинг ёрдами билан ҳам териб олиш мумкин эмас эди. Тошкентда

ҳозирдаёқ пахта териш машинаси бўйича конструкторлик бюроси ишламоқда эди, ҳатто ҳали қўпол ва кам унумли тажриба намуналари яратилган эди.

Сталин суғориш перспективалари тўғрисида Министрлар Советига ахборот беришни таклиф қилибди.

Қоржавиннинг сўзларини тинглардилар — у профессорчасига қизиқарли гапириб кишиларни ўзига жалб қила олар эди. Чин кўнгилдан афсусландиларки, даҳшатли урушдан сўнг ҳали ўзини тиклаб ололмаган мамлакат учун бутун чўлни ўзлаштиришга ҳозирча оғирлик қиларди: пул ҳам, техника ҳам кам.

Аммо, апча ишлар бошланган эди. Эллагинчи йилларда Қашқадарёга Зарафшон сувини келтирувчи қадимий Эски Ангор канали тикланди, жуда катта сув омборлари: беш юз миллион кубометр ҳажмдаги Чимқўрғон, 280 миллион кубометр сув сиғадиган Пачкамар қурилди. Саксон минг гектар ерга ҳаёт бахш этилди.

Яна шундай куп келадик, насос станциялар каскадлари бўлган 165 километрлик худди ўша канал Қарши чўлини кесиб ўтади, 18 метр баландликдаги қулочи 2,5 метрдан ҳам ошадиган парракли агрегатлар ҳар секундда қирқ кубометр Амударё сувини йигирма тўрт метр баландликка узатиб туради.

Қарши чўлининг тўлиқ ўзлаштирилиши мана шундай амалга оширилади. Янги ерлар беш юз минг тонна пахта беради.

Қоржавиннинг доклади, Юсуповнинг нутқи истиқбол сари йўл очиб берди.

Бу ишга ҳавас қўйган ва кўпларни ишонтириб, ортларидан эргаштириб бора олган кишилар ишининг ҳам, характерининг ҳам моҳияти мана шунда.

8

МОСКВАДА

20 мартда, Юлия Леонидовнанинг туғилган кунинида, Тошкент осмонида баҳор момагулдураги гумбурлаб, чақин чақнади, ёмғир қуйди. Юлия Леонидовна, ўз характерига содиқлигича қолиб, ўн бир яшар Инна болаларча соддалик ва мўжизага ишонч билан айтган сўзни очиқ айта олмади.

— Дадамлар албатта учиб келадилар, мана кўрасиз,

У етиб келди: ҳўл чарм кийимда, кенг елкали, қўлида бир даста Москвада олган Кавказ мимозаси билан илжайганча тўппа-тўғри бежоғлик тантана дастурхонига қараб юрди.

Барча шериклари каби вақтдан ўз истагича фойдалана олмас эди. Аммо у уйида кўп нарсаларнинг ўрнини боса оладиган анъана вужудга келтира олган эди. Ўзи муқаддас қилиб роя этиб келган нарсалардан бири: рафиқаси туғилган кунда у билан бирга бўлиш эди.

Унинг юбилеи — 50 ёшга тўлган кунини фақат оилавий шаронтда байрам қилдилар. Хотини ва болалари унинг расмларидан иборат альбомни совға қилдилар. Владик, Инна, Фанна расмларини отасининг босиб ўтган йўлини даврма-давр тасвирлайдиган қилиб жойлаштиришга ҳаракат қилдилар. Эсдалик хати ҳам қўшиб қўйилган эди. Гарчи бу хатда жиддий сўзлар ёзилган бўлса-да, ҳар қалай уни адрес деб бўлмас, чунки бу расмий сўз айни вақтда ножонз эди. Бу шаронтда унга бошқача мурожаат қилиб ҳам бўлмасди: ушбу оилада эр, дўст ва ота саналган кимсанинг ўзи шундай одам эди. Табиийки, унинг шаънига шундай сўзлар айтилдики, бўлак шаронтда улар баландпарвоз бўлиб туюлиши тайин эди.

«Эллик ёш—ҳаётингнинг қиём чоғидир. Сен ўзингнинг ёрқин қиём чоғингга қуруқ келганинг йўқ. Севикли халқнинг барча ғолибона ншларига сен революционер-большевикнинг дилини жо қилдинг. Сен ҳамиша социалистик Ўзбекистон учун, бахтли ҳаёт учун курашчиларнинг биринчи сафларида бўлдинг. Биз шу нарса билан фахрланамизки, сенинг номинг халқ орасида чуқур муҳаббат ва ҳурмат билан тилга олинади, биз халққа қандай хизмат қилиш кераклигини сендан ўрганамиз.

Биз сендан меҳнатсеварликни, камтарликни, меҳрибонлик, руҳий дадилликни ўрганганмиз, бундан кейин ҳам ўрганавераимиз. Биз ҳам сен хизмат қилгандек Ватан учун ҳормай-толмай хизмат қилишни истаймиз...»

Энг яқин хизматдош ўртоқлари, МК аппаратидаги ходимлар анъанавий корзинага солинган гуллар ва саҳтиён чармли папкага солинган адрессиз, қизғин ва чин қалбдан табрикладилар. Танаффус вақтида унинг кабинетига бюро аъзолари, МК партия ташкилоти вакиллари, содиқ ёрдамчиси ва дўсти Владимир Иванович Попов

Билан Ғани Хўжаевич Эгамбердиев кирдилар; кимдир қисқача путқ сўзлади; Усмои Юсуповичнинг қўлини сиқди-да, чиқиб кетдилар.

Таитанали мажлис ҳам, зиёфат ҳам бўлгани йўқ. Буларнинг ҳамаси ҳам бўлиши мумкип эди-ю, аммо Юсуповнинг бундай дабдабали юбилейга ҳатто ишора қилинишига қандай қарашини ҳамма биларди.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан уни Ленин ордени билан мукофотладилар. Бу Юсуповга хизматлари эвазига берилган олтинчи Ленин ордени эди.

Сталининг ундан пахтачилик ишлари ва истиқболлари ҳақида ҳар қачонгидан кўра батафсилроқ суриштиргани бежиз эмасди.

Юсупов Фарҳод ГЭСига митингга келганида шу фикр бошига келди. Икки агрегат ток бера бошлаган эди. Станцияда республиканинг 25 йиллигига бағишланган катта таитаналар ўтказилди. Бу ажойиб иншоотни қурган барча кишиларни Юсупов муносиб даражада тақдирлади ва унинг айтишича ўзи ҳам сабоқ олди.

Фарҳодга кетмон ушлашдан бошқа нарсани билмайдиган минглаб кишилар келдилар. Бу ерга келиб улар сваркачи, арматурачи, бетончи, электриклик касблари бўйича ажойиб мастерлар бўлиб қолдилар.

— «Мана,— деди Юсупов,— қудратли симлар орқали турбиналардан шаҳарлар ва колхозларга оқиб кетаётган ток билан бирга биз эришган энг муҳим самара шу».

Афсуски, Юсуповнинг бошқа жуда кўп путқлари каби, бу путқи ҳам стенограмма қилинмаган, магнитофонда ёзиш эса у вақтларда эндигина расм бўла бошлаган эди. Юсуповнинг уйида, тўғри, қайси бир ҳарбий бошлиқ томонидан, худди ўша Маршал Жуковнинг ўзи томонидан бўлса керак, уруш етказган зарарларини қоилад учуи (агар ёндирилган Белоруссияни ва талланган Украинани эсга олинса, келтирилган зарарга нисбатан арзимас ҳиссадир) Совет Иттифоқиға берилган асбоб-ускуналардан Ўзбекистонға ажратилганларини олиш учун Германияға борган ўртоқлар орқали бериб юборилган ўлжа қилиб олинган аппарат бор эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, путқларнинг ёзиб борилмаганлиги унинг эркин, бемалол сўзлашигга ёрдам қиларди. Юсупов бундай вақтларда расмий минбардагиға нисбатан эркингиға эмас, ёрқинроқ, образлироқ гапи-

рар эди. Мутлақо халқ тушунадиган услубда, айниқса ҳозиргидек тингловчилар фақат йигитлардан иборат бўлганда ҳазил-киноялар, қочириқлар ишлатиб гапирарди.

Айниқса Юсупов кўзларини айёрона қисиб (бундай ҳолларда унинг кўзлари бекплиб кетарди), мана Ширинсой оқими Фарҳоднинг ишончли қучоғига тушди, энди ундан чиқиб кета олмайди, деганида улар мамнуилик билан хоҳолаб жавоб қилардилар.

Тантана муносабати билан Москвадан келган атоқли партия ходими ҳам кулгига қўшилди. Кафеллари ялтираб турган машиналар залини кўришни тамомлаб, тўғон тепасига чиққач, шовқин солиб пастга оқиб тушаётган сувга ҳавас билан боқиб турган пайтларида ўша киши гўё тасодифан айтгандек қилиб, эҳтимол биз яқин вақтлар орасида қўшни бўлиб қолсак ажаб эмас, деб қўйди.

Юсуповни ташналик қийнади. У узоқ гапирганим учун чанқаетган бўлсам керак деб ўйлаганди, лекин митингдан кейин бир чойнак кўк чой ичди ҳамки томоғи қақраб, боши айланар, бўйни оғрир эди. Халқ ўзингга ўзинг табиблик қилшининг керак деган гапга парво қилмай юрадиган Юсупов ҳозирги аҳволини тап олди, ўз шаъмасига жавоб ололмаган атоқли партия ходими ҳам Усмон Юсуповичнинг кўринишидан мазаси йўқлигини пайқайди.

Ўйдагилар врач чақирдилар. Тез кунда ёқимсиз диагноз қўйилди — диабет дедилар.

У клиникада ётмади. Дори-дармонлар билан даволашиб, аҳволи яхшилапгач, хасталик устидан кулар, ўзининг бепарво беғамлиги билан Юлия Леонидовнани ҳам раижитарди.

Юсупов онласи доирасида яқинда сувларни алмаштирадилар, эҳтимол ўшанда бу сувлар даволаш хусусиятига эга бўлар, деб ҳазиллашаркан, гоҳо овозида гамгинлик аломати сезилиб қоларди. Уни Бутуниттифоқ даражасидаги — СССР пахтачилик министри фахрли лавозими кутарди. У, албатта, СССР Олий Совети Президиуми Фармони эълон қилинишдан анча аввал билган эди буни. Пахта иши унинг таин-жони эди-ю, лекин, ҳар қалай...

Туғишганлари, яқин ўртоқлари, ўша юбилей йилида Юсупов билан бирга бўлган сафдошлари хотирлайдиларки, у гўё буйруқ олган ва уни муҳокама қилишга ўрганмаган генералдек осойишта ва вазмин кўринса-да, ҳар қалай кайфиятида ўзгариш бўлган.

“ Бир кун кимдир, биров, унинг кўнглини кўтариш мақсадида, мана энди сиз Манеж билан Кремлнинг ёнгинасидаги Грановский тор кўчасида яшайсиз, дейди. У бунга қўшилиб, катта бошини қимирлатиб:

— Мен у ерда эркин-бемалол сайр қилишим мумкин. Бу ерда, чўлда, чўпон учрашади-да: «Салом Усмон ака», — дейди. Тўхтаб, суҳбатлашишим керак бўлади, — деб жавоб берган.

Тошкентда, биргина Тошкентда эмас, бутун Ўзбекистонда Юсуповни танимайдиган бирор киши топилмас эди. Унга кенг дача берилган Успенскийда эса (Сталиннинг ўзи: «Оиласи катта — ўша ерда яшайверсин» деб кўрсатма берган эди) Владимир Иванович Попов йўлда учраб қолган ҳали у қадар кекса бўлмаган, кўринишидан зиёлига ўхшаган кишидан, Юсупов қаерда туради, деган саволга, Парижда туради, деб жавоб олади. Бу қизиқчиноқ зиёли, ўз-ўзидан маълумки, собиқ князь Феликс Юсуповни назарда тутган эди. Попов буни латифа тариқасида айтиб беради ва Юсуповнинг нима учун афти тундлашганини дарров тушуна олмайди.

Нима ҳам дейиш мумкин, у иззати-нафсдан маҳрум эмас эди, аммо буни ўзича тушунарди: биринчи марта президиум столида пайдо бўлганида СССР Министрлар Советининг катта залида ўтирганлар орасидаги:

— Ўша ўтирган Юсуповми?

— Қани ?

— Муовиннинг чап томонидан учинчи... — деб шивирлашлар уни мамнун қилмаган эди.

Гарчи узоқ Хоразмдами, қаерда пайдо бўлса ўша ерда чанг босган, эски этикда, ранги ўчиб кетган кийим-далигига қарамай уни беҳато таниганларида ҳақиқатан жуда мамнун бўларди.

Москвага, янги министрликда ишлаш учун сафдош деб дадил айтиши мумкин бўлган кишилар: Аскоченскийни, Ефимовни, Поповни, Қудрипини, Голубевани, Чуфистовни, Бақулинини, Саркисовни таклиф қилди. Министрлиkning мақсади равшан — пахтачиликни асримизнинг бошидаёқ «пахта жаҳонни бошқаради» деб у қадар муболағасиз айтилган энг қимматли экиннинг асосий ишлаб чиқарувчиси бўлган Ўзбекистондагига эмас, балки бутун Иттифоқимизда, пахта ўсиши мумкин бўлган республикаларда ҳам кенгайтиришдан ва такомиллаштиришдан иборат эди.

Юсупов ўзига хос бўлган сабрсизлик билап министр-

ликнинг бу вазифаси дарҳол ўз натижасини бера қолса деб ўйларди, аммо ҳали кўп нарсалар қовушмасди. Ўзи ўргангандан бошқачароқ даражада алоқалар ўрнатиш керак эди, бошқача қийинчиликлар ҳам мавжуд эди: Ўзбекистонда Юсупов шахсининг ўзи ҳар қандай берилган кўрсатманинг эътиборини ошириб юборади. («Усмон Юсупович қўл қўйган», «Усмон аканинг ўзи айтган»). Мамлакатда, ўз-ўзидан тушунарлики, уни билардилар ва ҳурмат қилардилар, аммо ҳамма иттифоқ министрлари ҳам худди шундай эдилар.

Министрлар Совети Раисининг ёрдами керак эди. Шу нарса аёнким, унинг хузурига ўз масалалари билан кириш қанчалик мураккаб экаплиги Юсупов учун янгилик эмасди, аммо ойлаб кутишга тўғри келишини тасаввур қилмаган эди. Жуда зарур бўлган ишлар, масалан, Украинанинг қурғоқ районларида тажриба сифатида пахта экиш, кўп меҳнат талаб қилинадиган экинга баъзилар, юмшоқроқ қилиб айтганда, у қадар энтузиазм билан қарамайдиган Закавказьеда пахта майдонини кенгайтириш масалалари орқага сурилиб кетмоқда эди. Бу зарур ишлар орасида Ўзбекистонга тааллуқли ишлар ҳам бор эди. Юсупов афсус билан, агар аввалги ишимда бўлганимда Сталин мени ҳозиргача неча марталаб чақиртирган бўларди, деб такрор-такрор ўйлади.

Ҳаётида биринчи марта соғлиғининг почорлигидан ҳам полий бошлади. Органиزمи шимол иқлимига зўра ўргана бошлади. Эҳтимол, ёши элликдан ошгандан сўнг умри бўйи зўр бериб ишлаганлари ўзини сездира бошлагандир? Тунни бедор ўтказишлар ва тегишли дам олишдан воз кечишлар из қолдирмай ўтиб кетиши мумкин эмас-ку, ахир. Йигирма киши (бундан асло кам эмас), аксарияти Марказий Комитетнинг собиқ техник ходимлари, гурур билан гувоҳлик берадиларки, ҳар хил йилларда курортларга, шу жумладан Кисловодскдаги республика ихтиёридаги «Ўзбекистон» санаторийсига Юсуповнинг фамилияси ёзилган путёвка билан борганлар. Бундай ҳолларда дирекция путёвкани бошқа кишиларга бериш мумкин эмас деган пунктга аҳамият бермаган.

Москвада эса эллик икки ёшга кирганда истар-истамас тез-тез врачга мурожаат қилиб туришга тўғри келди. Ўша вақтларда йўлакай профессор А. Л. Каценович бориб қолади. Юсупов Александр Львовичнинг келганини эшитиб қолиб, уни дарҳол ўзининг дачасига таклиф

қилади. Профессор тушунарли сабабга кўра бундан таъсирланган эди. Шунинг ҳам айтиш керакки, у гарчи врач сифатида эмас, эски қадрдон сифатида энефатга чақирилган бўлса ҳам, буни ўз бурчи билиб, Юсуповни дарҳол кўздан кечиради. Қаценовичнинг маслаҳати билан унинг сўзига қулоқ солиб ўрганган Усмон Юсупович хирургга мурожаат қилишга рози бўлади.

Кўп ўтмай Юсуповнинг қалқонсимон безини операция қилдилар, энди аввалгидек медицина кўрсатмаларига қаршилиқ билдирмай, даволавиш зарур эканлигига тушунган ҳолда у умрида иккинчи марта курортга жўнади. Юлия Леонидовна ҳам у билан бирга эди. Бари бир ўз миинистрлиги ҳақида ташвишланарди. Кунига уч мартадан телефон қилиб, энг муҳим нарсаларни хабар қилиб туришни талаб этарди. Аста-секин денгизгача тушадиган, оёқ тагида гижирлаб турувчи қизил қум тўкилган аллеяда сайр қиларди. Денгиз тўқ яшил рангда бўлиб, майда булутчалар галаси шитоб-ла сузиб юрган мовий осмонга бориб тақалгандек эди. Пляждан беғам чўмилувчиларнинг қичқириқлари ва музыка садолари эшитиларди. Юсупов ҳансираб юқорига кўтариладиган йўлга бурилди. Йўлнинг икки томонида сарв дарахтлари гуркураб турарди. У иккита дарахт оралиғига зўрға суқулиб кириб тўхтади. Боғбоннинг мўлжалига қарамай, эски дарахт билан ёнма-ён, илдизидан янги бутоқ ўсиб чиқибди. Уни аяб, кесиб ташламаганлар, у анча баландлаб ўзининг юнқа ялтироқ барглари билан катта сарв дарахтининг учигача етиб олибди, аммо ўзининг охириги кучини тўплаб сийрак шохлари билан тепага қараб интилиши қандайдир аянчли кўринар эди.

Юсупов икки бармоғи билан ёш ниҳол танабини айлаштириб ушлади-да, хотинига мурожаат қилди.

— Бу дарахтнинг ёши кичкина деб ўйлайсанми?— сўради у.— Эҳтимол, мана булардан фақат беш йилча фарқ қилар,— у ботаниканинг учи билан бақувват дарахт танасини тўқиллатди.— Усавер деб қолдирганлар, бу бўлса қийналиб ётибди. Қўшинларига ҳам яхши эмас.

Кейин, оқ сеткали скамейкада ўтирганларида ўз фикрини аниқ қилиб айтди:

— Бугун кенгаш бор. Яна кенг қатор яхшими, тор қатор яхшими деб баҳслашишади. Мен стенограммасини юборишларини илтимос қилдим.

Юлия Леонидовна яна эҳтиётлик билан насиҳат қила бошлади. «Ахир врачларга, МКДаги ўртоқларга давола-

наман, дам оламан, деб ваъда қилдинг-ку». Аммо хотир-жам қола олмасди. Тор қаторлаб пахта экиш тарафдорлари енгиб кетиши мумкин деган жиддий хавф мавжуд эди. Баҳс абстракт-назарий характерга эга эмас эди. Унинг моҳияти шундан иборат эдики, пахта етиштиришнинг урушга қадар бўлган даражасидан иложи борича тезроқ ўтиб кетишга чин қалбидан манфаатдор бўлган бир группа мутахассислар маълум асосда пахта далаларида қатор ораларини яқинлаштириш билан ҳосилни кўтариш мумкин деб тахмин қилмоқдалар. Ғўзанинг қандай ўсишини кўрган кишигина, агар шундай деб айтиш мумкин бўлса: жўяк — ариқ — жўяк шаклида жойлашган пахта плантациясини яхши тасаввур қила олади. Улардан кам обрўга эга бўлмаган бошқа мутахассислар қатор ораларининг торайтирилишига булар ҳам асосли далиллар билан, қатъиян қарши чиқдилар. Юсупов ҳам ўйлардики, — ҳатто унинг деҳқончилик тажрибасининг ўзи шуни кўрсатарди — бир-бирига яқин жойлашган жўякларда ўсимлик бир бирининг нормал ўсишига халақит беради, юқорига қараб ўсишга интилади (ўша ўсолмай қолган сарв дарахтнинг бежиз сезиб қолган эмасди у;) барглар ва поялар кўп бўлади-ю, кутилган кўсак кам бўлади. Бундан ташқари, пахтанинг пишиб етпилиши чўзилиб кетади, демак, кўсакларнинг маълум қисми умуман очилмай қолади; пахта толасининг сифати ҳам пасайиб кетади.

Аммо Юсупов торроқ қатор оралигига ўтиш кўринишдан муваффақиятга олиб келгандек туюлишини тушунарди. Бир йил — икки йил умумий якун ҳар ҳолда юқорироқ бўлиши мумкин, оқибати сезилгунча эса кун вақт ўтиб кетади.

Бутуниттифоқ министри лавозими нарсаларга кенгроқ, атрофлича назар ташлашга ёрдам қилишини пайқади — бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Энди у фақат ҳозирги план ҳақидагина эмас, пахтачиликнинг келажаги ҳақида ҳам кўпроқ ғамхўрлик қила бошлади. Совет «оқ олтин»нинг тақдирини механизацияга боғлиқ деган асосий фикр ҳам мана шундан келиб чиқди. Кўп минглаб гектар ердаги ғўзага ишлов бериш (бир мартагина эмас!) ва энг муҳими, граммлаб миллионларча тонна пахтаги териб олиш учун ҳеч қандай, ҳатто бениҳоя меҳнатсевар қўллар ҳам етишмайди.

Тошкент ва Чирчиқдаги заводлар ҳозирдаёқ такомиллаштирилган культиватор ва сеялкалар чиқара бошла-

дилар. Қадимий рус шаҳри Владимирда пахта далаларини ишлашга мослаштирилган махсус модификациядаги тракторлар чиқарарди. Ўзбекистонда трактор заводи қуриш масаласини кўрдилар. Энг мураккаб пахта териш машинасидан тортиб барча машиналар комплекси оқилонга тугалланган, такомиллашган тарзда чамалаб қўйилган эди. Саф тортиб турган машиналарни кўриш учун Юсуповнинг синов майдонларига бориши шарт эмас эди. Машиналарни ҳам, далаларни ҳам — геометрик тўғри бурчаклар шаклида тарам-тарам бўлиб бориб, худди линза фокусига жамланган нурлар сингари уфққа туташган, ҳаво ранг ариқчалари бор яшил жўяклардан иборат кафтдек пайкалларни у бирма-бир ҳаёлан назаридан ўтказди. Яна ўша фикрга қайтди— қатор оралиқлари ҳар қалай қандай бўлиши керак? Унинг энг содиқ суянчиғи бўлган мутахассисларнинг фикрлари иккига бўлинди. Қатор ораларини торайтиришни вақтинча тадбир сифатида, тактик қадам сифатида қабул қилинг деб ишонтирмоқчи бўлдилар. Иттифоқ Министри лавозими ҳам уни стратег бўлиш керак эмас деган фикрга ундарди. Кўмондонлик пунктидан туриб қаралганда, бугунги бир центнер пахта келажакдаги бир тоннадан ортиқ бўлиб туюлган кишилар томонидан сезилмагангина эмас, балки очиқдан-очиқ менсилмаган кўп нарсалар равшан бўлиб қолди. Лоақал шу нарсани олиб кўрайлик, бутун янги техникани, жумладан пахта териш машиналарини ҳам, тор ўқлар билан чиқаришга тўғри келади, кейин ҳаёт 60 ва 45 сантиметрдан (баъзи бировлар бупи ҳам таклиф қилганлар) 30 сантиметрга ва ҳатто 1 метру 20 сантиметр кенгликдаги қатор оралиғига ўтишга мажбур қилганида эса жуда катта машиналар паркени яна қайта ишлашга тўғри келади.

У ҳаминша катта масшталблар тарафдори эди; у назария томонига ўтмасданоқ, кенг кўламлилик— бу социализмга органик хос хусусият эканини интуиция билан сезарди. Бу ҳамма нарсага, шу жумладан пахтачиликка ҳам тааллуқли эди. Юсупов раҳбарлик қилган министрликнинг тақдими билан СССР Министрлар Совети томонидан қабул қилинган умумий характерга эга бўлган биринчи ҳужжатнинг янги суғориш системасига ўтиш ҳақида эканлиги бежиз эмас эди. Гап шундаки, ўтмишда суғориладиган далалар кичик-кичик бўлиб, бу нарса жуда кўп миқдорда суғориш шохобчаларини қуришга мажбур этарди, ана шу эскича усул ҳали ҳам

сақланиб келинаётган эди. Бунинг натижасида суғориш канали бўйича жойлашган анча ерларни пахта экишда фойдаланилмай қолишга олиб келар, энг муҳими эса — техникани жорий қилишга тўсиқлик қилар эди. Иқтисод жиҳатидан у қадар муҳим бўлмаса-да, аммо Юсуповнинг ва албатта, бошқа кишиларнинг ҳам кўпдан жигига тегиб юрган бошқа нарсалар ҳам бор эди. Тор суғориш каналларининг тез ўт босиб кетишини, сув тўхтаган ҳамон унинг тагини балчиқ-чўкинди қоплаб кетишини, бундан мамнун бўлган ўргимчакларнинг каналнинг икки қирғоғини ёпишқоқ кул ранг тўрлар билан қоплашларини унинг кўрарга кўзи йўқ эди. Колхозчилар далалардаги зарур ишларини қўйиб, ариғу зовурларни тозалардилар. Юсупов шуни ҳам билардики, нам ана шу кўп сонли каналу зовурларнинг деворларига сингиб, ер остига кетар, ер таги сувларига қўшилиб, яхши ерларни ҳам ишдан чиқарар эди.

Юсупов министр давозимига киришган йилда ҳамма жойларда суғориш ариқларини фақат суғориш вақтидагина очишга ўта бошладилар. Кейин улар текисланиб ташланарди. У суғориш системасини аллақачон қайта қурган Ўзбекистондаги бир неча йирик хўжаликларнинг тажрибасини биларди ва вақтинчалик ариқларнинг қанчалик афзаллиги равшан эди, аммо шунга қарамай — одамларнинг табиати ўзи шунақа-да! — устунлиги сўзсиз равшан бўлиб, жорий этилиши учун янги техника, жумладан канавокопателлар ишлатишни талаб қилган бу янгиликка ҳам қарши чиққанлар топилди. Баъзи бировлар диққат билан эски система харажатларими ёки икки томонига тупроқ ташловчи катта плугли канавокопателлар ишлаб чиқариш арзонга тушадими деб ҳисоблаб чиқдилар. Баҳс яна айрим нарсалар устида эмас, тор доирада тушунилаётган зарурат билан келажакка кенг назар ташлаш ўртасида борарди. Бу баҳсни Юсупов мапа шундай тушунарди. Мана шунинг учун ҳам министрлик коллегиясининг қатъий талабига кўра СССР Министрлар Советининг қарорида суғоришнинг янги системасига ўтишда ҳар бир республика олдига ҳатто пахта экиладиган областларнинг ҳар бири олдига йиллик аниқ амалий вазифалар қўйилди ва бу тадбир 1950-1953 йиллар орасида ниҳоясига етказилиши қатъий планлаштирилган эди.

«Бахмал мавсум»да гуллар ва узумзорлар билан безанган Мисхорда дам олаётганида у 1952 йил учун

тахминий мана шу маълумотларни сўраган эди. Узумларнинг Қримдаги навлари, камситиш маъносида эмас-у, Юсуповнинг фикрича, барибир машҳур ўзбек «Хусайини» ва «Чарос»ларига етмасди. Бу ернинг узуми билан даволашлари унга, ҳақиқий фарғоналикка ёрдам беришига у қадар ишонмади-ю, аммо, ҳар қалай Москвага, курорт дафтарчасига: «Сезиларли даражада соғайиб кетди» деган ёзувнинг қанчалик адолатли эканини жонли шохиди бўлиб, бир мунча соғломлашиб қайтди.

Ҳар ким учун ҳам ҳаммаша зарур бўлган соғлиқ, ўша вақтларда унинг учун айниқса зарур эди. Министрликдан пахта далаларигача бўлган оралиқ (географик маънодагина эмас) хийла узоқлигини, раҳбарлар билан ижрочилар ўртасидаги узилишни жуда ёмон ҳис қиларди. Илгарилари Юсуповнинг тонг чоғида шофёрига «бьюик»ни «хоҳлаган томонига» ҳайдашни буюриб, елиб-югуришида ҳам маълум маъно бор эди. У, кўпинча қайси колхозга тааллуқли эканини ҳам билмай, пахта майдони ёнида машинасини тўхтатарди. Ҳар қандай батафсил хатда ёзилганидан ҳам баъзан кўпроқ нарсани даланинг ўзидан билиб оларди. Кейин эса муҳокама қилиш бошланарди. Эрта тонгда (бир пиёла чой ичиш учун эмас) энг чеккадаги ташлаб қўйилган участкада МК биринчи секретари йўқлапти деган хабарни эшитган колхоз раисининг қанчалик довдираб қолишини тасаввур қилиш қийин эмас. Ижронинг бажарилишини бундай усул билан текширишга асоссиз равишда танқидий қараш мумкин эмас. Аммо давр талабини ҳисобга олганда бунда ўзига хос маъно бор эди. Ўша йиллардаги раҳбарларнинг ҳаммаси (шуни ҳам айтиш керакки, фақат колхоз раисларигина эмас), эндиликда ўзларининг аввалги ваҳимага тушганларидан кулиб, ҳар бир чанг тўзони кўтарилганида ўзларига Юсуповнинг «бьюик»и келаётгандек бўлиб туюлганини хотирлайдилар.

Москвада, СССР министри бўлиб турганида у ўзининг мавқеидан мутлақо ҳузур-ҳаломат кўргани йўқ, аксинча, раҳбарлиқнинг ортиқ даражада марказлаштиришнинг харажатлари деб аталган нарсаларга ачинарди. XIX съездда бу марказлаштириш ҳақида минбардан айтилди-ю, аммо умумий тарзда гапирилди.

У қадрдон ўлкаларида ҳам бўларди. Аввало хизмати бўйича, 1953 йил феврилида пахтакорларнинг XI қурултойи ишларида қатнашди, тез орада, атиги икки ой ўтгач, Ўзбекистонга абадий қайтиб келди. Сталин вафот

қилди, дафн кунларидаёқ давлат аппаратининг қайта тузилиши эълон қилинди. СССР пахтачилик Министрлиги тугатилди. Усмон Юсупович Юсупов Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси қилиб тайинланди.

Юсупов СССР министри бўлган даврга тааллуқли кўп эпизодлардан бирини келтиришга тўғри келади. Буни Юсуповнинг қиёфасини тасвирлашга ёрдам берувчи, аynи вақтда ўша даврга хос ижтимоий ҳодиса деб қаралса ҳам бўлади. Ўзбекистон КП МК бюросининг мажлисида «Боёвут-4» совхозининг директорини ишдан олиш ниятида эдилар. Бу совхоз қолоққина эмас, барча йўллардан четда, ери Мирзачўлдаги энг шўрхок, республикадаги энг хароб хўжалик эди. Қийинчиликлар гирдобида азобланиб кетган директорни ёлғиз Юсуповгина қувватлаб чиққанини қайд қилиш керак. (Ушбу китобда «Боёвут-4» ҳақида кейинроқда батафсил ҳикоя қилинади.)

У шундай деганди:

— Совхозга бориб кўрамиз, кейин ҳал қиламиз.

Совхозга у Ўзбекистон ССР пахтачилик министрининг муовини Ш. Ч. Айтметов билан бирга борди. Улар совхозни бориб кўрдилар: посёлкада битта ҳам уй йўқ. Ишчилар ертўлада, директор палаткада яшарди.

— У одамларни билади, икки йил бўлди ишлаётганига, ўзини аягани йўқ,— деди директор ҳақида Айтметов, — ўзингиз кўриб турибсиз-ку буларнинг шароитлари қандайлигини.

Юсупов уларнинг турмушинигина эмас, далаларни ҳам кўрди, кейин бундай деди:

— Мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси касал экан. Бу ерда тузатиш эмас, ҳамма нарсани қайтадан бошлаш ва тугаллаш керак,— директорга қараб, елкасига қоқди:— Хафа бўлма! Ишлаш керак, ҳамма нарса изига тушиб кетади,— Айтметовга ўгирилди, у МКнинг тақсимоти бўйича «Боёвут-4»га оталиқ қиларди, Юсупов ҳазиллашди:— Уддалай олмасанг, ўртоқ Айтметовни министр муовинлигидан олиб, бу ерга директор қилиб тайинлаймиз.

«Фаришта омин деган» дейдилар бундай вақтда. Бу хароб бўлган «Боёвут-4» совхозига тез кунда Айтметовни эмас, Юсуповнинг ўзини директор қилиб тайинладилар.

СЎНГГИ ЧЎҚҚИ

Эътиқод унинг учун диний ақида ҳам, айниқса одат ҳам эмас эди. Унинг учун бу жамият олиндидаги маънавий масъулиятларнинг чуқур англаб етилган асоси — Юсуповнинг бутун ҳаёти давомида унинг дили-вужудини қамраб олган ҳисспёти эди (У ҳамма вақт: «Халқ олдида, одамлар олдида», дер эди). Башарти Станиславскийнинг машҳур ибораси билан айтганда ўзида театрни эмас, балки театрда ўзини севадиган актёр мағлубиятга маҳкум экан, сиёсатда фақат ўзини севадиган ва кўрадиган давлат арбоби ҳаёт вақтидаёқ муваффақиятсизликка, юмшоқроқ қилиб айтганда, вафотидан сўнг эса тезда унутилиб кетишга маҳкумдир. (Эҳтимол бундайларни эсга олишлари мумкин, аммо, афсуски, ўзи ўйлагандек ҳайрат ва миннатдорлик билан эмас, албатта).

Гарчи аниқ таърифлаб бериш ўз-ўзидан у қадар ёқимли бўлмаса ҳам, биз буни айтамыз. Юсупов кўламидаги арбоб учун, Юсуповнинг тажрибаси, Юсуповнинг хизматлари, Юсуповнинг ҳали фойдаланилмаган имкониятлари ва ниҳоят Юсуповнинг талантини ҳисобга олганда уни Министрлар Совети Раиси вазифасидан четлатиш ва Мирзачўлдаги бир ташландиқ совхозга директор қилиб тайинлашни нормал ҳодиса, қандайдир бир эзгу иш деб тасдиқлаш анойилик ва инсофсизлик бўлурди. Ҳа, бу тушкунлик бўлурди, аммо бошқачароқ киши учун, соддароқ қилиб айтилса, хизмат қилган ғоясидан кўра ўзи қимматроққа тушадиган одам учун бу тушкунлик бўлурди. Тарих, шу жумладан ҳатто ёш китобхонлар хотирасида бўлган энг янги тарих, бундай мисолларга бойдир, уларни китобхоннинг ўзи осонликча топа олади.

Юсуповнинг буюклиги, ҳар ҳолда шундай баҳо беришга биринчи марта журъат этдик, шундан иборатки, у ҳаётининг энг оғир давларида ҳам, эллик тўрт ёшида, соғлиғининг мазаси йўқ бир киши бўла туриб ўзига ачиниш, куйиб-пишиш ва айниқса ҳурмат-эътибор талаб қилмайди.

1954 йил декабрининг бадқовоқ осмондан қор бўлиб қорға, ёмғир бўлиб ёмғирга ўхшамайдиган ёқимсиз бир бало ёғиб турган совуқ бир куни эди. Бу ёғинлар Юсу-

повнинг шапка ва чарм камзулига ёпишар, дарҳол эриб, совуқ суюқлик бўлиб бўйнига оқиб тушарди. Бунинг устига тишлари чидаб бўлмас даражада огирди. Лунжи шишиб кетганди. У шарф билан лунжини ўради, худди жонини суғуриб олаётгандек сирқираган огриқни босиш учун босиб чекарди. Тиши огриётганини айтиб врачга бориши мумкин эди-ку, аммо кишилар буни қочоқлик деб баҳолаган бўлардилар. Нақ бошни айлантиргудек бир даражага етгунча пирамидон ютиб, ўзи учун фақат тиши огриётгани сабаблигина огир бўлиб туюлмаган МК пленуми мажлисида охиригача чидаб ўтирди. Пахта далаларидаги қатор ораларининг кенглиги ҳақида ҳаммадан кўп сўз юритилди. Ёўза парваришида тор қатор оралиқларига оммавий равишда ўтиш тўғрисидаги баъзи ходимларнинг фикрига қўшилмагани учун Юсуповга бир неча марта консерватизм ва бошқа огирроқ гуноҳларда айбашларни эшитишга тўғри келган эди. Юсупов ўзининг новаторлик характери бўйича бу фикрни мутлақо яроқсиз деган эмас эди. У ўзининг эски суҳбатдоши Рихард Рихардович Шредернинг маслаҳатини яхши эсларди: «Майдонга нисбатан қанча кўп ёўза поясига эга бўлсак, эртaroқ пишиб етиладиган кўсакларнинг сопи шунчалик кўп бўлади».

Шундай қилиб, ёўза туплари кўпроқ бўлиши керак! Аммо, Юсупов қишлоқда мавжуд бўлган моддий-техника базасига жавоб бера оладиган бошқа йўлни ҳам кўрган эди, буни кўрмай қолиши мумкин эмас эди. Ҳали ўша вақтлардаёқ Юсупов томонидан актив равишда қўллаб-қувватланган пахтачилик мутахассисларининг ташаббуси билан 60 сантиметрлик қатор ораларда қалинроқ ёўза ўстириш методини ва эртанги кунда кенг қаторларни ишлай оладиган маҳсулдор техникага мўлжалланган янги прогрессив кенг қаторлар схемаси методини илмий ва амалда ишлаб чиқиш бошланган эди. Практика шунини кўрсатадики, худди мана шу ишларнинг ҳаётини экамлиги ўзини оқлади. Келажакдаги миллионлаб тонна пахталар бунинг исботи бўлажак.

Аммо бу катта режаларни амалга оширишда Юсуповга бошқа вазифада иштирок этишга тўғри келди. У Ўзбекистон КП МК июль пленумида ва Тошкентда ўтказилган пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгашида ўз фаолияти атрофида хафа қиладиган тушунмовчилик ва субъектив янгилик фикрлар вужудга келганини кўрди. Минбардан туриб гапираётганида ўзига берилган савол-

лар ва танбехлар билан нима дейилмоқчи эканини тушунишга Юсуповнинг етарли тажрибаси бор эди.

У бўлаётган ҳамма нарсага, ҳатто бундан ёмонроғига ҳам тайёр эди. У ўзининг олий даражадаги фаолиятидан четлаштирилишини дадил, вазмин, муносиб тарзда обрў сақлаб қабул қилди. Бир вазифадан иккинчисига ўтказиш ҳақида гап бўлмаётгани тушунарли эди. Шунинг ҳам айтиш керакки, Юсуповга у қадар катта даражада бўлмаган дипломатик ишга ёки Матлубот кооперацияси соҳасида каттароқ лавозимга бориши мумкин эканлигини шама қилдилар. Бироқ, бунинг учун орқасидан юриб, илтимос қилиш керак бўларди. У бошқа йўлни таплади: ўзига иш таклиф қилгунларига қадар кутди. Унга «Боёв-4»нинг директорлигини таклиф қилганларида уни иккиланмасдан қабул қилди.

Шундай қилиб, коммунист, курашчи, юксак орзулар билан яшовчи ва буйёдор Юсупов фаолиятининг янги ажойиб боби очилади. Бу йўлнинг тугалланиши эмас, унинг таржимаи ҳолини янги, маънавий жиҳатдан тўлдирилган ажойиб бир даври эди. Бу илқироз эмас, парвоз эди; агар Юсуповнинг энди МҚ секретари, министр бўлиб эмас, оддий совхоз директори бўлиб ишлаётгандаги фаолиятининг энг камтарин масштабини эътиборга олинса (шундагина адолатли бўлади), бу парвоз — сўнги, аммо аввалгиларидан паст бўлмаган парвоз эди.

Тобе кишиларнинг дилларидаги: «Бизнинг ўрнимизда ўзларнинг бўлиб кўрсанглар билардиларинг» қабилдаги ўз бошлиқларига қаратилган норозлиликда фақат гинатаънагина эмас, балки эътироз ва шубҳа ҳам бор эди. Мана энди Юсуповнинг ўзи бир вақтлар кўп марта койи-ган, ҳақиқат йўлига юришга иссиҳат қилган, ҳатто ишдан олган — бундай ҳоллар ҳам бўлган — кишилар ўрнига келди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, сермашаққат ҳаётининг сўнги ўн йиллигида у қандай аҳволга тушиб қолди. Мана, ҳақиқатан эътибор қилишга, қизиқишга ва кишиларнинг хотирлашига муносиб бўлган жиҳатлар. Аввало жавоб бериб кўрайлик. Муқаддас «қандай?» ва «нима учун?» саволларига Усмон Юсуповичнинг ўз сўзлари билан жавоб қилайлик.

1955 йилнинг мартида — у Москвага СССР Олий Советининг сессиясига келди. Меҳмонхонага унинг ҳузурига қизи Иина — у университетда ўқирди — ва ўгли Владик хотини билан келди. Юсупов суҳбатни бошқа томонга буришга ҳар қанча уринмасин, яна гап айланиб қали

совуб улгурмаган мавзуга қайтаверди, шунда болаларидан кимдир барибир қизишиб ҳақсизликдан полиб қолди. Юсупов ўшанда минбардан туриб эмас, протокол учун эмас, фақат ўз оиласи доирасида бундай деди:

— Шунинг яхши билинларки: сизларнинг отангиз халқ, партия олдида ҳамиша виждонли, ҳалол бўлиб келди. Мен коммунистман. Менга янги иш топширдилар. Мен уни бажараман.

У совхоз коллективи билан танишиб, биринчи марта нутқ сўзлаганида ҳам мана шунга ўхшаш сўзлар билан бошлади.

— Ўртоқлар,— деди у,— сизлар, эҳтимол, менинг йигирма йилдан ортнқроқ республикани бошқариб келганимни биларсизлар. Партия мени сизлар билан ишлагани юборди. Мен сизлардан ўрганиб, сизлар билан бирга ишлайман.

Қўриқ, шўрлаб кетган ерга, электри йўқ ертўлага, бу узоқ жойга (йўл ҳам, кўприк ҳам йўқ; бўлимлардан совхоз марказига Боёвут разъезди орқали бориладди. Агар тўғридан юрилса атиги уч километргина, айланиб юрганда йигирма беш километр йўл босилади, бунинг устига кузда ва қишда тиззагача лой, ёзда қулоққача чап-тўзонга ботади киши) ёрдамчиларгина эмас — мана шулар анча бўлиб, Юсуповга таянч бўлган эдилар — балки тўғри йўлдан адашганлар, ҳатто жипоятчилар ҳам келган эдилар. Бу ерда суддап ва қамоқдан яшириниб юрганлар ҳам бор эди. Сурбетлашиб, ёввойилашиб, ўзларининг жазоланмасликларига ишониб қолган кишилар эди булар. Ягона милиционер, участковой бу беҳаёлар тўдасига олинсан боқиб, четлаб юарди. Бу тўдага қандайдир Капитан — Боёвут посёлкасининг тожсиз қироли раҳнамоллик қиларди. Улар Юсуповга ҳам ўзларини дарҳол таништириб, ўз ҳокимиятларини кўрсатиб қўймоқчи бўлдилар. (Бундай разил кишилар учун хизмат кўрсатганлик, ном, шахнинг қандай аҳамияти бўлиши мумкин!) Арзимас бир баҳона топдилар: улардан кимдир бир кун аввал идора биносини оқлайди, вақт ярим кечадан оғганда Юсуповнинг олдида уч ширакайф эркак келиб, сурбетларча: «Қилинган иш учун, хўжайини, пулни чўз...» дея талаб қилдилар.

Юсупов уларга, маош бериладиган кунни оласизлар, деди. Улардан кетишини илтимос қилди. Шунда Капитан қўлида пичоқ ўйнатиб, ўзининг жимжиллаётганида

тирноғини олди, сўнг пичоқнинг тигини унга қаратиб ўйнайверди.

Юсупов сира кутилмаган бир чаққонлик билан шартта девор томонга бурилди-да, ов милтиғини олиб:

— Қани!— дея жаҳл билан бақирди.— Ким кимни енгаркин? Қани!

— Сен, хўжайин, феълдор экансан,— деди Капитан.

Улар кетдилар ва бир неча кун кўзга кўринмадилар. Юсупов Тошкентдан милиция чақиради деб қўрқдилар. Капитанни клубдан (айтишга уят: устунлар устига ўрпатилган тупроқ том, аҳён-аҳёнда кўчма кино келиб турарди) ўзи тонди ва эрталаб ишга чиқишни буюрди.

Бу ишни Макаренко руҳида давом эттиришни жуда ҳам истар эдик, жилла бўлмаганда ўша Капитаннинг қандай ўзгарганини айтиб бермоқчи эдик, аммо бошқача бўлиб чиқди: кўп ўтмай у жипоят қилиб қўлга тушди (тўғри, бу совхозда эмас, поезда) ва Юсуповнинг назаридан ғойиб бўлиб кетди. Аммо унинг оғайнилари қолди, кўпларининг тақдирлари ва характерлари уникига ўхшар эди. Улар ҳақиқатан бошқа кишиларга айландилар: ҳозиргача «Боёвут»да меҳнат қилмоқдалар; энди сочлари оқарган амакилар ихтиёрий равишда Усмон Юсуповичнинг номини ҳурмат билан тилга оладилар.

Қўриқликлар яшаган аялчи бошпаналар ҳам, жиюнотчилар ҳам, ифлослик ҳам, қоронғилик ҳам, маданиятсизлик ҳам бари — бир қарашдаёқ яққол кўзга ташланарди; буни тушуниш учун куч сарфлашнинг ҳожати йўқ эди: ҳамма нарсани ўзгартириш, янгитдан бошлаш керак эди. Бунинг устига, Юсуповга ишчиларнинг эҳтиёжини тушунтириб ўтиришнинг зарурати йўқ эди. Ҳатто у ерда, юқори лавозимда ўтирганида ҳам ўша кирза этиклар билан чанг босган ботиқкалар босиб ўтган ҳаёт сўқмоқларини яна бир марта босиб ўтишга вақт тополмас эди (бундай истак эса дилида ҳамиша бор эди), мана, истак рўёбга чиқди, Юсупов енгил нафас олди, зотан улар билан қишлоқ чойхонасининг эскириб кетган шолчасида ўтирганида, Катта Фарғона каналида ва Каттақўрғонда котловашларни кезган чоғларида ўзининг бу оддий кишилардан ажралиб қолмаганини тушунди. Шунинг учун ҳам унинг дилидан аввало бу кишиларнинг майиший шароитлари билан шуғулланиш керак деган фикрнинг ўтиши жуда табиий ҳол эди. Мана шу ерда давлат кишини ва назариячининг ақл-идроки ва тажри-





Юлия Леонидовна ва Ҳасмон Юсупов.

«Мен колхоз тарафдориман!» Қовунчида энг сўнгги якка хўжалик вакилини қишлоқ хўжалик артелига қабул қилиш.





У ҳаётида икки мартагина курортда бўлган. Шимолий Қавказ, қирқин-
и йиллар бошларда.

У. Юсуповнинг устози ва дўсти, Ўзбекистоннинг биринчи президенти
И. Охунбобоев пионерлар орасида.



Ўзбекистон КП(б) МК секретари ўртоқ Ўсмон Юсунов Катта Фарғона канали қурилишида.

Бир пиёла қўқ чой. Катта Фарғона канали, 1939 йил, август.





«Жангга тайёрмиз!» Ўзбек комсомоллар дивизияси. 1939 йил.

Уруш бошлаганидан уч ой муқаддам.





Ўзбекистон — қамалда қолган Ленинградга.



«Раҳмат отахон!» Фронтига ёрдам сифатида маблағ тўплаган бағишланган митингда, 1943 йил.




Мемон Юсупов — СССР пахтачилик министри.

Яхши кайфият.
1945 йил.



Она уйда.
Чапдан ўинга.
Эсон, Владик.
Ойимписо биби ва
Усмон Юсупов.





Пахта учун мукофот. Чапда — СССР Олий Совети Президиуми
Раиси Николай Михайлович Шверник.



Мирзачўлда ҳам ток ўстирса бўлади. Юсупов ва машҳур халқ соҳибкори
Ризамат ота Мусамуҳамедов.



Оила даврасида.

Усмон Юсунов илгир нахтакорлар кенгаши делегатлари орасида.



баси яққол кўринди. У қуруқ қум устида қурилиш қилмоқчи эмас эди. Агар негизи мустақкам қилинмаса қурган нарсаларнинг ҳаммаси вайрон бўлиб кетишини у яхши биларди, негиз эса ҳамишагидек — бу ишлаб чиқариш эди.

Совхозда худди Москва ёки Тошкентдагидек: «Марказга кетдик» деб гаплашардилар. Боёвутдаги марказ — бу хом ғишдан қурилган уч хонали идора эди. Унинг ўнг томонида этикдўзлик дўкони, чап томонда эса фанердан ясалган сартарошхона бор эди. Марказнинг борйўғи шу эди. Юсупов идорада том маъноси билан тунар эди. Унинг ёнидаги ўт ўчирувчилар саройида плановик-экономист Василий Сергеевич Макаревич билан ўқитувчи хотини Раиса Фёдоровналар туришарди. Макаревич «Боёвут»га бир йилгина аввал келган эди, бунга қадар уни — калугалак кишини оғир қисмат кўп ерларни кезишга мажбур этган эди.

Ун етти яшарлигида туғилган ерларида комсомол активи эди, кооперацияда ишлади, ўттиз еттинчи йилда анча катта лавозимда Москва оближрокомида таъминот бўйича бошқарма бошлиғининг муовини эди, урушнинг бошидаёқ Эстонияда ярадор бўлди. Эллик ёшга яқинлашганида ўз ҳаётининг янги бобини Ўзбекистонда бошлашига тўғри келди. Тортинчоқлардан бўлмаган, ҳар қандай шароитда ҳам тақдирдан нолимайдиган бу киши, гарчи пойтахтда яшаган одам учун энди оламдан ажралиб қолган посёлкада яшашга тўғри келган бўлса ҳам, ўзини тақдир хафа қилган деб ҳисобламасди. Бу ерга ҳатто йўл ҳам солинмаган эди. Ҳар ким билганича йўл босар ёки баъзан омади келиб қолган киши Мирзачўлдап ҳеч ким юрмаган текис чўл орқали йўловчи машинада етиб келарди. Қамиш қоплаб олган ботқоқликлар устида чивин ва маскитлар тўдаси гувиллар эди. Якшанба куни Макаревичлар тўрт километр нарида бўлган «Боёвут-3»га бориб, у ернинг ошхонасида овқатланишдек лаззатни раво кўрардилар.

Қулайсизликларга у бардош берарди, чунки буларнинг бир умр давом этмаслигига ишонарди. Янги хўжалиқнинг истиқболсизлиги уни азобларди. «Баёвут»га жуда катта майдон ажратиб берилган эди-ку, аммо бу ерлар касал эди: иккинчи марта шўр боса бошлаган эди.

Шўр ерни кемирмоқда эди. Ҳатто янтоқ ҳам ўсмади; совуқ вақтларда (бу ерда совуқ ҳам бўлиб турарди) ер музламас эди. Қора қатқалоқ тагида балчиқ ётарди. Дренаж ишлари узлуксиз олиб бориларди, аниқроқ қилиб айтилганда шўр сувлар шох ва тош ташланган зорлар орқали коллекторларга ҳайдаларди. Аммо бу ишларнинг ҳаммаси ўз кучлари билан, илмий асоссиз, бирор нарсга экинш учун бирор участкани тозалашни — келгусини назарда тутиб қилинган ишлар эмас эди. «Боёвут-4» га қўшини хўжаликлар ҳам «ёрдам» қилардилар. Улар ўз ерларини сув бостириб суғориб бу ердаги пастликларини баттар ботқоқликка айлантирардилар. Буларнинг ҳаммаси ҳақида Макарович янги директор Усмон Юсуповичга умидсизлик билан сўзлаб берди. Тўғридан-тўғри шундай деди у:

— Совхоз оёққа туролмайдн. Дренаж ишлари ташхил қилинмаган. Бизга ажратилган фондлардан фойдалана олмаймиз: одам йўқ, сал тузукроқ посёлка бўлмагунча келмайди ҳам. Ундан кейин дала ишлари планлаштирилмайди, уларни қатъий циклар бўйича — экиш олдида, экиш вақтида, ўсиш даврида, йигим-терим вақтида қатъий планлар асосида ўтказиш керак. Ўтган йили шундай қилинди: ариқчалар очилди; сув берилди, культивация эса кечиктириб қўйилди; ер қуриб, қотиб қолди, ҳамма нарсани қайта бошдан бошлашга тўғри келди...

Макарович айтётган нарсаларининг кўпчилиги гарчи Юсупов учун маълум бўлса ҳам, у огир кафтларини тиззасига қўйиб ўтираркан, таибеху луқмалар билан суҳбатдошининг гапини бўлмади. Унинг боқиши сирли эди, Макаровичга аввал яқиндагина МК секретари бўлган одам ўзининг ғамгин қисмати ҳақида: совхозни хароб қилиш уят, уни кўтариш ҳатто ёш ва соғлом кишига ҳам огир, деб ўйлаётгандек туюлди. Юсуповни, афсуски, ёш ва соғлом деб бўлмасди: юзлари шишган, кўзларининг таги салқиган эди. Ниҳоят Юсупов ундан нима қилиш кераклигини сўради. Макарович эҳтиётлик билан жавоб қила бошлади, Юсупов хомхаёлликда айбласа керак деб ўйлади, аммо Юсуповнинг ўзи унга йўллашма берди. Василий Сергеевич кўпдан бери диланга тугиб юрган, лекин рўёбга чиқмайдигандек туюлган фикрларга мос келадиган фикрларни қўшимча қилди. Шунда Макарович қачонлардан бери унутилган кўтаринки руҳ билан ўзига — бош бухгалтерга биринчи гада энг муҳим бўлиб туюлган нарса — ҳар бир ишчида моддий ман-

фаатдорлиқни кучайтириш учун меҳнатга ҳақ тўлаш системасини ўзгартириш лозимлигини гапирди.

Юсупов унинг қўлини сиқди:

— Сен билан, Василий Сергеевич, тил топишиб кетадиганга ўхшаймиз.

Бўлим бошқарувчилари орасидан Юсуновга Асилбек Олтинбеков бир кўришдаёқ маъқул келиб қолди. Уни ва ўзига ёққанларнинг ҳаммасини отипи айтиб гапирарди. Ўтакетган расмийчилик тарафдори бўлган бир кишига бир кунни лима учун бундай қилишини тушунтириб берди:

— Сен ўз фарзандингни қандай чақирасан? Фамилиясини айтиб чақирасанми? Буларнинг барчаси фарзандларим эмасми, ахир?

Олтинбеков ҳали ёш — энди 25 дан ўтган эди, аммо пахтани яхши биларди: Мирзачўлда туғилиб ўсган. Кўп ўтмай Юсупов уни парторг лавозимига тавсия қилди.

— Нима учун мени?— сўради мамнун бўлган Асилбек.

— Мен келганимда бўлимнингдаги мавжуд камчиликлар ҳақида, қийинчиликлар ҳақида ортиқча гапирмаган биргина бошқарувчи сен эдинг. Ўзинг учун ҳеч қандай манфаатли талаб қўймадинг. Ҳаммада ҳам аҳвол ёмон — умумий чора кўриш керак, ўшандагина ҳамманинг аҳволи тузалади деган эдинг.

Ҳамма жойда аҳвол ёмон эди. Юсупов гапсиз-сўзсиз далаларни кезар, тепаликда узоқ вақт ўтириб Мирзачўлнинг оппоқ тупроғини бармоқлари билан ушлаб-уқалаб кўрарди. Кўп кишиларни шу нарса ажаблантирардики, совхоз ўлчови билан айтганда у биргина масъул хизматчилар, оқсоқоллар билангина эмас, балки ўсмирлар билан ҳам, уй бекалари билан ҳам суҳбатлашар, совуқда оёқлари қизариб кетган, эгинга эски-туски, яланг оёғига бошқаларнинг қалишини кийиб олган болалар тўпланган жойда ҳам соатлаб туриб, уларга конфект улашар, гўдакларни кулдирар эди.

Ҳамма онгли равишда сабрсизлик билан кутган умумий мажлис чақиришга шошилмас эди. Активлар билан яна хўроз қичқиргунча ўтириб чиқарди. Ниҳоят энг муҳим нарса нимадан иборат эканини айтди: ерни ювиш, шўрдан тозалаш керак.

Активистлар бир-бирлари билан: гарчи баланд парвоз қилмасак ҳам, буни анчадан бери ўзимиз ҳам тушунганмиз, дегапдай кўз уриштириб олдилар. Ер хаста экан,

ундан ҳосил кутиш мумкин эмас. Фақат пул ҳақида сен нима дейсан, ҳурматли Усмон Юсупович? Башарти бизга капитал харажатлар учун тиланчига берилгандек пул ажратилар экан, биз пулни қаердан оламиз? Одамлар, ишчилар қайқдан келди бунақада?

У буши олдиндан с. . . эди.

— Энг шўр босган ё, тарга шоли экамиз,— деди.

Ҳамма бир дақиқа жн қолди. Бу фикр ғоятда содда бўлиб туюлди; сўнг фикрла, ёғила кетди.

— Мутахассис шоликорла керак.

— Ажойиб коллектор тармс ч талаб қилинади.

— Шоли далаларининг оқава ва қўшни участкаларни босиб кетади. Пахта далаларини иккинчи марта шўр боса бошлайди.

Қимдир биров (энди Юсуповдан қ. ақишнинг нима
кераги бор?):

— Бу қаллоблик,— деди ҳатто.

У одамлар тинчлангунича кутиб турди. Уз блокпостиши варақлади.

— Мен буларнинг ҳаммасини ҳисобга олганман. Шоликларни колхозлардан чақирамиз.

— Улар келиб бўпти!

— Яхши шарт-шароит таклиф қиламиз. План — ҳар гектардан ўттиз беш центнердан. Ортиғи — сизники. Бешинчи бўлимдан бошлаймиз. Розимисан, Асилбек?

(Бир неча йилдан кейин ортиқ даражада шўр босган участкаларда шоли экилиб, кейин шўри ювилган ерларга пахта экиш тўғрисида ҳукумат кўрсатмаси қабул қилинади.)

Бундан кейин дарҳол йўл ҳақида гап с
ши учун «Баёвут» унинг бу ерга қандай е
бошланарди. Тош йўл қуришга уриниб к ишга ваъда
берди (буни тез вақтдаёқ Главголотност строй бошли
ги Саркисов ёрдами билан амалга ош ди), аммо би
ринчи навбатда тор йўлни темир йўл ў азишни таклиф
қилди. Биргина ташаббускорлик била узоққа бориш
мумкин эмаслигини яхши тушунарди аммо ўша Чор
жўй — Урганч темир йўл тармоғини риш тажрибаси
дан йўл қуриш тўғрисидаги қақирин да халқнинг ҳозир
жавоблигини ҳам биларди. Янгли адади. Атиги икки
ҳафта ичида чўлда рельслар ётқи лди ва станциядан
Боёвутга гудок чалиб титроқ диз э йўлга чиқди. Унинг
устиди олдинда оқ фуражка к ан мағрур, бахтиёр
Усмои Юсупович борарди.

Худди ўша халқ қурилишн методи билан (Қатта Фарғона капали руҳи сўнган деб ким айта олади!) иккинчи бўлимгача йўл солдилар, у ерда тош карьерн бор эди. Иш бошланиши олдидан чой ичиб ўтириб, мелиоратив отрядининг тракторчи ва шофёрларини тўплади.

Суҳбат очиқчасига, чин кўнгилдан олиб борилди.

— Гап бундоқ, азиз ўғилларим. Ҳамма нарса йўлдан бошланади. Йўл бўлмаса, уй-жой ҳам бўлмайди. Портвейнни ҳам,— бир оз тин олиб, айёрона кўз қисиб қўйди,— ўз вақтида келтира олмайдилар. Кеча ўзим кўрдим, бир ўртоқ бульдозерни учинчи бўлимдаги дўконга ҳайдаб борди,— яна жим қолиб, шовқин босилгунча кутиб турди.— Мана шунинг учун ҳам мен латифадагидек ўйлаб қолдим: ёки ҳар кишига биттадан бульдозер бериш керак, ёки йўл қуриш керак — мана шу икки чора бор, холос.

Шофёрларнинг соқоли қирилмаган сўлгин юзларида ҳануз маъюслик акс этиб турарди. У бунинг сабабини тушунарди. Энди ишонч билан деди:

Ўз-ўзидан маълумки, ҳар ким бу ерга тузукроқ пул ишлаш умидида келган. Қани, ҳаммамиз бирга ўйлаб кўрайлик-чи, хўш, агар иш кўламини кенгайтирмасак бундай маош қаердан келади? Берилган пулнинг ҳатто ярмини ҳам ўзлаштира олмаямиз. Айтайлик, мен сизларга бир марта нотўғри ведомостга қўл қўйиб берарман, бу фақат биринчи комиссия келгунигача-ку. Келиб кўрадиларки, ҳеч нарса қилинмаган, энг муҳими—кузда пахта бермасак, ҳамма нарса равшан бўлади-қолади. «Ойни этак билан ёпиб бўлмайди», деганларидек. Маош ҳам тузуккина бўлиши мумкин. Икки, икки ярим минг тўлашга кафолат бераман (дарвоқе, бу ваъда ҳам бажарилди. Икки йилдан кейин «Баёвут-4»да ўртача 2000 сўмдан маош олдилар). Кейин уй-жой масаласи. Мен ўйлаб кўрдим, ўртоқлар билан маслаҳатлашдик. Қурилиш материалларининг кўпини; хом гишт, қамиш кабиларни шу ернинг ўзидан топамиз. Пишиқ гиштни Янгийўлдан топишга ҳаракат қиламан. Ҳамшаҳарлар илтимосимизни рад қилмасалар керак. Бўлимга гиштни қандай қилиб ташиймиз деган масала турибди. Ҳозирги аҳволда машиналарни йўлда бузиб, гиштларни лойларга сочиб ташлаймиз-ку.

Шу йўсинда одамларни аста-секин ўзи бошлаган мақсадга — биринчи йўлни ҳашар йўли билан битириш керак, деган гапга кўндиришга ҳозирлади. Кейин меҳнат

ҳақлари юз карра ортиғи билан чиқиб кетажagini айтди. Сўзининг охирида деди:

— Ўзим диспетчерлик қиламан. Ҳар ким атиги уч мартадан юк келтирсин. Қачон ётиш ва туришларингиз билан ишм йўқ. Уч марта қатнаганлар кетаверади.

Беш километр узунликдаги йўлни бир неча кун ичида тамомладилар. Юсупов трассада куну тун кетмади. Ҳақиқатан худди диспетчерга ўхшаб кимнинг қапча марта қатнаганини ёзиб ўтирди. Ҳамма ёғи кыр-чир бўлиб кетган шофёр Умрзоқ унга қараб кабинадан қичқирди:

— Тўртинчи марта қатнасам бўладими, Усмон Юсупович? Уришмайсизми?

У «Урал-ЗИС»нинг зиначасига чиқиб, таъсирлангани ва хурсандлигидан Умрзоқни ўпди. Революциянинг биринчи йилларидаёқ совет кишилари дилларига сингдирилган, олимлар тилида социалистик ишлаб чиқариш муносабати психологияси ва меҳнатга социалистик муносабатда бўлиш деб аталадиган нарсанинг ҳақиқий, ўлмас эканлигига у бекорга ишонч ҳосил қилмаган эди.

Бу муқаддас нарсага бутун ҳаётида ишонди, аммо энтузиазм — бу позик ҳис-туйғу эканини, ундан фойдаланишда сунъиёмолга йўл қўйиш мумкин эмаслигини ҳам биларди. Шу бонсдан унинг ўзи ҳам бош қотирди ва бунга Макаревични ҳам (сафдошларининг ҳам ақл-идроки, билимидан фойдаланиш эди бу!); албатта юқори ҳосил олиш билан боғлиқ ҳолда қандай қилиб юқори иш ҳақи олишни таъминлаш чора-тадбирини топ, деб бош қотиришга мажбур қилди.

Василий Сергеевич кўп йиллар мобайнида биринчи марта руқи кўтарилди, ўзини Боёвут совхозидagi эмас, давлат миқёсидаги арбобдек ҳис қилди.

У шундай фикр юритди: агар далани механизаторлар бригадасига бirkитиб берилса, яъни бригадани трактор-далачилик (комплекс) бригадага айлаштирилса ва тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтказилса: ҳамма ишни ўзлари бажарсалар-у, дирекция фақат умумий раҳбарликни, агрономлар — илмий раҳбарликни амалга оширса қандай бўларкин? Ўз-ўзида маълумки, минимум иш ҳақи-ку таъмин қилинади, чунки кўрилган зарарнинг бир қисмини ўз зиммасига оладиган — бу, социалистик давлат, пландан ортиқ даромад эса бригаданинг фойдаси бўлади. Унинг гоёси, содда қилиб айтилганда, мана шундай эди.

Юсуповнинг кўрсатмасига мувофиқ Макаревич ўша квартира вазифасини бажарган ўт ўчирувчилар саройи-

да бир неча туңни бедор ўтказиб, доклад тайёрлади. Унда баён қилинган фактлар бекорга кетмади. Анча кечкиб (афсуски!), уч йил ўтгач СССР Фанлар Академиясининг Экономика институтидан чўлдаги «Боёвут» совхозига хат келди. Илмий секретарь Василий Сергеевичга унинг жуда катта снёсий ва амалий аҳамиятга молик бўлган масалани кўтарганини хабар қилди. Тажриба тариқасида бир неча бригадани меҳнатга ҳақ тўлашининг янги тартибига ўтказиш керак деб ҳисобладилар.

Бу умидвор қилувчи жавоб олинншдан икки йил аввалроқ Юсуповнинг совхозида Насиб Бекиров бригадаси Макаревич таклиф қилган усулда ишлаётганидан энди ким ҳам полиши мумкин эди. Биринчи куздаёқ, Насиб ва унинг бригадасидаги йигитлар пахтакорлар оламини ҳайратга солди: жуда кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда энг юқори ҳосил етиштирдилар. Бекиров Ленин ордени ва «Москвич» билан тақдирланди. Бу ҳодисада Юсупов билан Макаревични эсламадилар, уларнинг ўзлари ҳам ўз хизматларини расмий тан олишга интилмадилар. Тажриба муваффақиятидан бахтиёр эдилар. Демак, бу тажрибани ҳамма ерда жорий қилиш мумкин экан.

Юсупов Боёвутдан деярли ҳеч ерга чиқмасдан яшарди. Фақат зарур бўлганда Тошкентга, чақиришса районга борди. Айтгандек, бу чақирувлар ҳақида икки оғиз сўз. Энди унинг ўзи ҳам бошиқларнинг на тобе кишиларнинг ишлари ва ташвишлари билан, на кишиларнинг дам олишлари билан ҳисоблашларидан ғазабланарди. Ўзига ҳам, бошқаларга ҳам шафқат қилмайдиган юсуповча усул учун ўзини койир эди. У энди, афсуски, ўз юрагига дам беришга мажбур эди. Аммо, салгина оғриқ ўтиши билан унда ҳаётга ва ишга чанқоқ Юсупов уйғонарди. Ҳа, шунинг ҳам айтиш керакки, меҳнат қилиш унинг учун ягона пажот эди. Агар биров Юсуповни жазоламакчи бўлса, уни юксак лавозимдан эмас, умуман ишдан четлаштирмоғи керак эди. Айтайлик, катта пенсия, марказдан аъло даражада квартира, шофёр билан таъминланса — бир сўз билан айтганда ҳатто маиший ташвишлардан ҳам қутқарса бас эди. Баъзилар учун бундай яшаш — орзу, ўз фаолиятининг чўққиси бўларди. Усмон Юсупов учун бу эса тамом бўлиш деган гап эди.

Хотини ва майда болалари шу ерда, «Боёвут»да яшадилар. Ҳамма қатори далага ишга чиқдилар. Юлия Леонидовнани ва ҳатто Усмон Юсуповичнинг ўзини пахта

тўла фартуқ осиб олгап кулгили бир аҳволда кўрганлариди ҳам ҳеч ким буни одатдан ташқари нарса деб билгани йўқ, зотан, ҳар бир ишчи дилида унга нисбатан ҳурмат-эҳтиром туйғуси яшар эди.

«Боёвут-4»нинг бош механиги Мусаев Қўчқор Мусавич хотирлайди:

— Юсупов билан бирга яшаш қизиқарли эди, иштиёқ билан, осон ишлар эдик. Ота яхшп бўлса оилада ҳам мана шундай бўлади. Усмон ака келишлари билан биз, мана, халққа ғамхўрлик қиладиган бошлиқ келди, деб тушундик, умуман у киши истиқбол ҳақида ўйлар эдилар. Кўприкларни биз фақат ўша кишининг даврида қура бошладик. Терак ва толларни кесдик. Битта дарахтининг кесганингдан кейин дарҳол учтасини ўтқаз, дер эдилар. Кейин, еттинчи бўлимга сув бензовозда ташиларди. У киши техника бердилар, канал ўтказдик, қирғоқларида эса дастлабки боғларни барпо этдик.

Қаердандир гаплашиб келибдилар, магазинимизга тарвуз-қовун юборишди. Ҳар килограмми икки тийиндан!

Совхозимизда бўш ётган участкалар бор эди. У киши лалмикор ерларга буғдой экишни таклиф қилдилар. Ўз эҳтиёжларимиз учун яхши ҳосил ола бошладик.

Қўлимизни ҳалигача Юсупов номи билан аташади. У ерга балиқлар дарёдан қирарди, аммо уларни тутишар, гангитишар, ҳар ким билганича овларди. Юсупов соқчи қўйди, рибхоз билан келишиб майда балиқчалар келтирилди. Кейин рабкооп ошхонасига машиналаб балиқ етказиб бериладиган бўлди.

Совхознинг бош инженери Зиёев Шокир эслайди:

— Қозоқовулда биринчи ва иккинчи бўлимлар оралиғида каналнинг қирғоқни ўпириб кетгани сира эсимдан чиқмайди. Юсупов халқни кўтарди, ўзи «газик»нинг рулига ўтириб ҳайдаб келди, бир қучоқ қамишни қучоқлаб ўзини сувга ташлади. Уни итаришиб: «Ўзимиз тўхтатамиз, Усмон ака!»— деб қичқиришарди одамлар. У ҳеч гапга кўнмади. Албатта, бундай вақтда ким ҳам қўл қовуштириб тура оларди.

Механизаторлар етишмасди. Илгари мутахассислар сўраб заявка ёзилар, техника эса тураверар эди. Юсупов биринчи йилнинг ўзидаёқ совхозда курслар ташкил қилди. Ўқинш қўллапмалари олишга ва текин овқат беришга муваффақ бўлди (биз мактабдан атиги икки қадам нарида яшардик!). Ҳар йили эллик-олтмиш трактор-

чи ва шофёрлар тайёрланарди. Мен ўша курсларда ўқиганман. Кейин Содиқов Ашур (у ҳозир гараж бошлиғи) ва бошқалар ўқидилар; кўплар ўша ерда мутахассисликка эга бўлдилар.

Юсупов тўғрисида кўп гапириш мумкин. Мана, у кишиларга қандай муносабатда бўларди. Бир мисол келтираман. Бир кишини ишдан олиш керак бўлиб қолди. Ҳеч илож йўқ: ўтакетган ялқов, нима иш топширилса бузади. Буйруқ ҳам тайёрлаб қўйилди. Мен ўз кўзим билан кўрдим: Юсупов қоғозни олдинга қўйиб, пешонасини қалам билан қашиб ўтирибди.

— Бундай қилиш ярамайди, назаримда, Василий Сергеевич,— дерди у Макаревичга.— Бу одамнинг текинхўр эканлиги равшан, аммо унинг қарамоғида тўртта кичиктой бор. Биз уларни ҳам жазолаган бўламиз-ку.

Кенгашиб, кенгашиб, охирида бундай деди:

— Буйруқни бекор қил! У дангасани олдимга юборинглар. Мен унинг бир ақлини киритиб қўяй.

Болаларни жуда севарди. Уларга ҳамиша ғамхўрлик қиларди. Биринчи йилдаёқ бориб тожиклар билан келишиб келди — Уратепа ёнида, тоғда пионерлар лагери очди. Ишчилар учун «Целинник» санаторийси очди. Иш энг қизғин паллада ҳам: «Мана сенга путёвка, бир ҳафтага бориб кел, кейин икки карра яхшироқ ишлайсан»,— дер эди.

Агар кимдир даволаниши зарур бўлиб қолса, энг яхши клиникалар: Семашко номли касалхонага, профессор Федоровичга, қаерга керак бўлса йўлланма топиб берарди. Бирор киши рад қилса, унинг жаҳли чиқарди:

— Биз ҳатто тракторни ҳам бир йилда икки марта ремонт қиламиз, ахир сен одам, бригадирсан-ку.

Агар унинг ўзига баъзан: «Усмон Юсупович, нима учун ўзингиз даволанмайсиз?» десангиз, у сизга: «Ёшларни койиган нарса учун, қарияларни кечирадилар», дерди.

— У қилган энг катта иш нимадан иборат,— дейди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин номли колхознинг бош инженери, «Боёвут-4» совхозининг биринчи комплекс бригадасининг собиқ бригадири Насиб Бекиров — унга қадар механизация ҳақида кўп гапирардилар, у эса ишни шундай буриб юбордики, ҳамма ишни механизмлар бажарадиган бўлди. Техниканинг бекор туриб қолмаслигидан механизаторни манфаатдор қилиб қўйди. Масалан, авваллари трактор тўхтаб турар, трак-

торчи эса унинг соясинда ухлаб ётарди. «Тракторнинг туриб қолиши менинг айбим билан эмас, совхоз менга барибир минимум ҳақ тўлайверади», дерди, Юсуповнинг вақтида, бригадалар комплекслашган, башарти трактор бўш туриб қолса, культивация ўтказилмаса ёввойи ўтлар ўзани бўғиб қўйиб, ҳосил бўлмаслигини, оқибатда кам, арзимас ҳақ олишини ҳар бир киши тушуниб етганди... ва ҳоказолар. Бундан ташқари бригададаги ўртоқлар ҳам тинч қўйишмасди: «Сен бекор турибсан, сен учун ҳам биз ишлашимиз керак, даромадни эса тенг тақсимлаймизми». Қисқа қилиб айтганда, тракторчи қўлига очқич калитини олади-да, тракторнинг тагига киради. Эртасига эса тракторни ишга шайлаш учун қоронғидаёқ ишга келади.

Албатта, у одамларни биргина моддий манфаатдорлик билан ўзинга ром қилгани йўқ. Ҳамма уни тезда севиб қолган эди, чунки у халқ гамини ер эди. Маана бир мисол бу ерда биринчи йилларда безгак касали жуда кўп тарқалган эди. Чивин кўплигидан кўчага чиқиб бўлмасди. Юсупов мутахасссларни олиб келди, самолёт ёллаб, ботқоқликларга дори септирди ва безгак тугатилди.

Ҳар қалай, Юсупов «Боёвут»ни гуллаиб-яшлатиб юборди деб айта олмайман. Буни бирдан қилиш мумкин эмас эди. Аммо у бунинг учун замин яратди. Ҳа, бу заминни худди ўша Юсупов яратди.

Совхозда, ўқувчиларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, Юсупов бирор марта шахсан дуч келмаган бирор киши йўқ эди, ҳар бир кишида унинг ҳақида маълум даражада субъектив бўлса ҳам, аммо умумий, муҳим хусусиятларга мос тушадиган эсдаликлар ва таассуротлар қолган. Табиийки, бошқалар сезмаган хусусиятнинг парторг Олтинбеков пайқаб олган эди. Усмон Юсупович бутун районда энг кўп стажли коммунист эди, партия мажлисларига унинг бошланишидан ярим соат аввал келарди. У ёши улўғлик ва раҳбарлик ҳуқуқи тушунчасидан фойдаланиб президиум столи ёнида эмас, балки ишчилар ёнида, скамейкада ўтирарди.

— Партиявий иттизомни ва партиявий демократияни маҳкам тутинг,— деб талаб қиларди у Олтинбековдан.

Агар бюрога кела олмаса, ўн марталаб телефон қилиб, узр сўрарди.

Яна бир карра эслатиб ўтамиз: эътиқод унинг учун қотиб қолган ақида ҳам, одат ҳам эмас, Юсуповнинг қон-қонига сингиб кетган нарса эди.

Совхозга узоқ тоғ этакларидан, чўлдаги рйонлардан кўчиб келганлар кўп эди. Бу оилаларнинг қизлари кўчага чиққанларидан бошларига духоба нимчаларни ёпиб олишарди. Юсупов янги ҳужум бошламади. Кексаларга мурөжаат қилди, улар бошга нимча ёпинмасликни уқтирдилар. Бу билан у ўзининг чинакам шарқ фарзанди эканини, шарқ урф-одатлари ва ахлоқ қоидаларини яхши билишини яна бир бор тасдиқлади.

Терим палласи бошланганида биринчи бўлиб Усмон Юсупович бошлиқ кексалар — оқсоқоллар пахта теришга чиқардилар. Бу иш тантапали, ҳатто байрамдагидек ташкил этиларди. Карнайлар чалинар, дала шийпонларида палов дамлаш учун дошқозонлар қуриларди. Кексалар кетидан бир киши ҳам қолмасдан ҳамма далага чиқарди. Ҳеч кимни мажбур қилиш ёки кўпдирмоқнинг кераги йўқ эди. Шарқнинг таомили кучга кирар эди.

Биринчи карвон билан пахта пунктига совхоз директори Усмон Юсуповнинг ўзп жўнардди. Қўшнилardan ўтиб кетилса у ғурурланар, бегараз киёя қиларди.

— Хотинларнинг ёшга ўхшайди: узоқ ухлаб қолиб-сизлар.

Совхознинг шон-шухрати учун кўйиб-пишарди. Бугина эмас. Кузда, ёмғир ёғиб турган кечада, сўнгги центнерни топшириб планни бажариш учун ҳаракат қилишга ётган чоғда, кечаси келиб уйғотилди-да, планни бажариб бўлмади, олиб борилган охириги пахтадан ҳўллиги туфайли жуда кўп чегириб қолишди, деб хабар қилишди. У сакраб турди, сўкинди, одамлар уни уйғотганларига ачиндилар. Юсупов ўша кеча жуда ҳам касалманд кўринарди. Уни энди тўхтатиб қолишни ўйлаш ҳам мумкин эмасди. У юк машинасида пунктга жўнади. Ҳозир Юсупов лабораторияни қайтадан анализ қилишга мажбур қилади ва ортиқча чегириб қолганларни исботлаб беради, деб ўйлашди. Ўзини ҳимоя қила оладиган ҳўжалик раҳбарлари мана шундай қилган ҳоллар ҳам бўлган.

Юсупов кирза этиклари билан кўлмак сувларни кечиби, лабораторияга эмас, омборларга борди. «Боёвут-4» ҳозиргина топширган пахтанинг қаердалигини аниқлади, жаҳл билан бир сиқимини юлиб олди, бармоқлари билан эзиб кўрди, ҳатто ҳидлади ва туфлаб ташлади. Оғзига келган сўз билан сўкиниб, давлат биздан пахта беришни кутса-ю, биз бўлсак, шундай бемаъни нарсани топширсак, деди. Пахтани машинага ортиб, сушилкага олиб боришни буюрди. Навбатчи Юсуповга қуритнинг-қуритманг

барибир пахта учинчи навдан биричи навга айланиб қолмайди, деб пахтаи олиб қолмоқчи бўлди.

— Кўрамиз,— деди Юсупов жаҳл билан.

У бутун кечани сушилкада, қўлонса печь ёнида, чап орасида ўтказиб, пахта ёниб кетмасин деб ўзи назорат қилиб турди: пахтанинг қуриган вақтини аниқлаб, уни чиқариб олиш учун унинг тажрибаси керак бўлди. Эрталаб пахтаи ўзи биричи навга топширди. Пахта қабул қилувчиларнинг одатдагидек ўз фойдаларига янглишганлари, намлиги учун ортқча чегириб қолганлари маълум бўлди.

Юсуповни план бажарилиши билан табрикладилар. У бошқа нарса тўғрисида ўйларди. Рақамдан бошқа ҳамма нарсага бефарқ бўлганларни қаттиқ жазолашга ваъда берди.

— Уйлаб кўринг-а, нима уларни ташвишга солибди: ярим процент етмагани! Ҳўл пахтани топширишдан уялмайдилар! Давлат қабул қилиб олса бас, кейин моғорлаб кетмайдими...

Унинг юзлари шишган, ранги синиқиб кетган эди. Одатдагидан ҳам қийналиброқ нафас оларди.

Бу ташвишлар ва сушилкада ўтказган уйқусиз кечадан кейин ҳар қанча ўзида тутса ҳам бўлмади, ётиб қолди. Райондан врачлар келдилар, дарҳол клиникага ётиш керак, йўқса оқибати ёмон бўлади, дедилар.

У ўз ёрдамчилари қуршовида санитар машинасининг келишини кутиб ётарди. Олтинбеков ҳам, инженерлардан Пак ва Мақулбековлар ҳам, бош агроном Виктор Хайдуров ҳам шу ерда эдилар. Виктор яқиндагина ёш мутахассис номига эга эди. Институтни тамом қилганидан кейин курсдоши Маҳмуд Токов билан бирга иккиланмасдан ва айни вақтда ҳайратга ҳам тушмасдан (ҳали ёшмиз, бир-икки йил ишлаб кўрайлик деб) қўриқдаги совхозга келгадилар. Агар улар Юсуповга дуч келмаганларида, эҳтимол, чиндан ҳам яхшироқ жой ёки аспирантура топиб, «Боёвут»ни ташлаб кетиб қолган бўлармидилар.

У буларнинг ҳар иккаласига дарҳол мустақиллик берди: институтга қадар совхозларнинг бирида бригадир бўлиб ишлаган Токовни учинчи бўлимга бошқарувчи қилиб, Хайдуровни эса унга агроном қилиб тайинлади. Таваккал қилаётганини тушунган ҳолда, ўз қондасига содиқ қолди, уларни ишда синаб кўрди. Шу нарсани аниқ тасаввур қилдики, йигитлар ёш, соғлом, билимли, энг

муҳими, улар ўзларини ишда кўрсатишни истайдилар. Янглишмади. Улар тап тортмай меҳнат қилдилар ва ўсдилар. Атиги беш йилдан кейин ҳар иккаласи ҳам раҳбар бўлиб етишдилар: Хайдуrow «Боёвут-4» га бош агроном қилнб тайинланди, Токов эса янги совхозга директор бўлди. Ҳар иккаласи ҳам институтни тамомлаганларидан кейин Усмоп Юсуповдек мураббийга эга бўлганлари учун тақдирдан мамнун ва миннатдор эдилар.

Уша эсда қолган қайғули тонгда у хўжаликни Хайдуrowга топширишини, унга ишонишини айтди. Юсуповга, ўша ҳўл пахта учун кўпда қайгуришнинг ҳожати йўқ эди, деб таъна қилдилар. Яна бирор тонна пахта топиларди, агар план озроқ бўлмай қолганида ҳам, соғлиқ бундан қимматлироқ дейишди, Юсупов оғриқдап юзларини буриштириб, чин кўнгилдан деди:

— Очигини айтсам, сен нодонсан, давлат нуқтан назаридан фикрлаш керак, мана гапнинг моҳияти нимада. У эса — фақат план дейди... — Хайдуrowга боқди. — Мана бу Викторнинг муносабати тўғри.

Юсупов ўзи учун камтарона лавозимда ҳам, бошқа кишилар ўзларига раҳм-шафқат тилаб, таъпа ўқларидан ўзларини («Мен энди кичкина одамман, мендан нима ҳам истайсиз?») нозик қалқон билан ҳимоя қилишлар, мумкин бўлган мана шундай бир вазиятида ҳам давлат арбоблигича қолди. Совхозга раҳбарлик услуби ҳам, тор маҳаллийчиликка берилмаслик келажакни кўра билишни талаб қилиш ҳам, бевосита бутун республикага доир ишлар ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳам мана шундан келиб чиқади. Шулардан бири — комплекс механизациялашган бригадалар ҳақида айтилди; иккипчи муҳим, келажак тасдиқлаган, бошланиш жойп «Боёвут-4» совхози бўлган ташаббус — бу янги суғориш системаси эди.

Бу кашфиёт баъзи бир телевизион спектаклларда кўрсатилганидек аччиқ чой ичиб бедор ўтказилган тунлар ва томоқ бўғилгундек баҳслашувлар устида қилинган эмас. Ҳаётга юсуповча кенг нуқтан назар, амалиёт ва юсуповча азалдан хос бўлган Осиёнинг энг азиз нарсаси — сувга нисбатан тежамкорлик янги системага олиб келганди. Бевосита сабаб эса бу ерга Георгий Анисифорович Хорстнинг келиши бўлди. Бу бир вақтлардаги қурувчилар союзининг ишлар мудир, Меҳнат саройининг зинаси тагидаги фанера билан бўлиниган ҳоначада бирга ўтирадиган касбдоши Гоша эди. Уша вақт

лардан бери печа замон, аниқроқ қилиб айтганда ўттиз йил ўтиб кетди. Георгий Анисифорович энди Ирригация институтининг мелиорация кафедрасида ишларди, ўзи касалманд эди, студентларини «Боевут-4» совхозига, Юсуповга юборишларини эшитиб, кучини тўплаб, улар билан жўнадди.

Бу иккала шахсни характерлайдиган қизиқ бир тафсилот. Хорст студентлар билан бирга мактаб биносида яшарди, оқчил-яшил ғўза барглари оппоқ пахта жилва қилиб турган тикандек қаттиқ чаноқлар устида муздек шаблам ҳали кўтарилмаган тоғ палласида улар билан бирга далага чиқарди. У бир йил аввал Фарғонадан кўчиб келган тунд, кекса бригадирдан Усмои Юсуповни суриштирар, аммо унинг олдига ўзи кириб боришга журъат этмасди. Орадан ўттиз йил ўтди, бу анча узоқ муддат, бу йиллар орасида Юсуповнинг ким бўлиб хизмат қилганини, қандай энг юксак лавозимларни эгаллаганини, унинг атрофида кимлар бўлганини ўйламасдан бўладими... Унинг бой хотира хонасида қарорлар тикилган скорошиватель остига конспектини яшириб ўтирадиган озғин студент Гоша ўзининг кўрimsиз вужуди билан сақлашиб қолгани мумкин бўлган бирор холи бурчак топилади деб ўйлаш ниҳоятда соддалик бўлур эди.

Юсупов чиндан ҳам, бир-икки марта Хорстга кўзи тушганида ҳам, қоқиллиб кетгандек, бир қараб қўйиб, ёнидан ўтиб кетган эди. Хорст ҳам уни мана шундай яқиндан кўрмаганига кўп бўлган эди. Биз ҳаммамиз каби бу вақтда ўзининг ҳам, афсуски, йигирма ёшли вақти ўтиб кетганини унутиб қўйиб, Усмои Юсуповичнинг қандай оғирлашиб, ўзини олдириб қўйганини, юриш ва нафас олиши қийинлашиб қолганини ачиниш билан қайд қилди. Юсупов ҳар қалай бир кунни ўзи учун бу бегона эмас, яқин кишисининг нигоҳига тўқнаш келди. У Хорстга боқиб бир дақиқа туриб қолди ва бармоғи билан унинг кўксига нуқиб сўради:

— Айтинг-чи, сиз профсоюзда ишлаганимиз?

Хорст жавоб ўрнига қўлларини кенг ёзди.

Юсупов уни уйига таклиф қилди. Чой устида такрор-такрор таъкидлади.

— Яша. Шундай қилиш керак: касалга бўш келма, ишлайвер. Мана, мен ҳам ётиб, ётиб жонимга тегди. Худо ҳақки. Туриб кетдим.

Эски ҳамкасблар учрашганда бўлганидек, фақат ўтмиш ҳақидагина гаплашиб қолмадилар. Юсупов Георгий

Анисифорович билан Мирзачўл шаронтида суғоришни ташкил қилиш тўғрисидаги фикрлари билан ўртоқлашди (ахир мутахассис ирригатор-а, шундай имкониятни бой-бериб бўлармиди!) Янги ерларда, шу жумладан ўзи раҳбарлик қилаётган совхозда ҳам ғўзага ишлов беришнинг барча процесслари: ер ҳайдаш ҳам, суғориш эгatlари очиш ҳам, узунасига культивациялаш ҳам, ҳатто ҳосил йиғиш ҳам қисман машиналар билан ўтказилиб — механизациялаш асосида, ҳозирги замон талабида олиб борилаётган бир вақтда суғориш ишларининг Темирланг вақтидаги усул билан олиб борилишини уни кўпдан бери ташвишга солиб келар эди. Ҳар бир далага тақсимловчи каналдан қияликка кўндаланг қилиб ўқ ариқ оладилар, ундан кўп сонли жўякларга сув таралади, унинг ўнг ва чап томонларида ғўза туплари жойлашган ариқчалар бўлади. Жўяклардан жўякларга узлуксиз ўтавериб чарчаган, майиниб кетган кирза этикли, чанг ва терда қорайган яқтакли, унинг остидан эса қуёшда куйган кўкраги кўриниб турган сувчи ҳар бир жўяк бошида кетмон билан тупроқ уюмини суриб сув очади; далаининг чети-га етгани ҳамон орқага қайтишни керак; сув уриб кетмаслиги зарур, ғўза учун ортиқча сувнинг кераги йўқ, кейин сувнинг ўзи ҳам азиз. Бутун тун мана шундай ишланади, яхши ҳамки баъзан ойдин бўлади, йўқса фонарь кўтариб юришга тўғри келади. Сувчилар суткада уч-уч ярим гектардан ортиқ суғора олмас эдилар, ўша «Боевут-4» нинг пахта майдони минг гектарга яқинлашиб қолган эди. Одамлар эса ҳамиша етишавермас эдилар.

Энг ёмон томони шунда эдики, тракторда ишлаш қийин эди, баъзида кўндаланг каналлар — ўқ ариқлардан ўтишининг пложи бўлмасди. Шунинг учун ҳам пахтага ишлов беришни фақат жўяклар бўйлаб ўтказиш, кўндалангига эса кетмон билан ишлов беришга тўғри келарди.

Юсупов ҳам, Хорст ҳам, ҳар бири ўз йўли билан бир хил фикрга: ўқ ариқ олишдан воз кечиш ва уларни бевосита каналдан сув пчадиган тақсимловчи жўяклар группаси (вақтинча суғорувчи) билан алмаштириш керак деган хулосага келдилар. Бошқача қилиб айтганда, суғоришни жўякларнинг ўзи орқали амалга ошириш керак эди. Биргина бу тадбирнинг ўзи сувчиларнинг иш унумини икки марта оширарди. Бундан ташқари, ўқ ариқларни йўқотиш натижасида икки процент экни майдонини сақлаш мумкин бўларди (Мирзачўлда ўзлашти-

рилган миллионлаб гектар ердаги фойдани ҳисоблаб кўриш-чи!), ернинг мелиоратив аҳволи ҳам яхшиланарди.

«Ўзбекистон социалистик қишлоқ хўжалиги» журнаlining 1956 йилдаги ўн биринчи сониди бу ҳақда мақола босилди. Мақола, «Мирзачўлда ғўзани суғоришни рационализация қилиш йўллари» деб аталиб, унга «Боёвут-4» совхозининг директори У. Ю. Юсупов билан хизмат кўрсатган ирригатор Г. А. Хорст имзо чеккан эдилар. Жуда ҳам адоватчи кишиларнинг (яширишнинг ҳожати йўқ, шундай кишилар ҳам бўлган эди): «Шундай, Усмон Юсуповичнинг иш кўлами энди аввалгичалик эмас...» деган сўзга гап айтишга тиллари келмади.

Унинг иш кўлами аввалгича — умумдавлат миқёсида эди, Юсупов билан Хорстнинг таклифини ҳамма жойда бир хилда маъқуллаб қўтиб олдиларми, амалда қандай натижалар берди деган масаладан кўра мана шу нарса биз учун муҳимроқ эди.

У нолимади, ўз доирасида чекланиб қолмади.

Юсуповни кишиларнинг унутиб юбормаганликларини айтиб ўтиришга ҳам эҳтиёж бўлмаса керак. Гарчи совхоз катта йўлдан четда жойлашган бўлса-да, баъзан Главголодностепстройнинг бошлиғи Саркисов, баъзан бошқа дўстлари: Тошкент темир йўлининг бошлиғи Ғани Хўжаев ёки Йўлдош Бобожонов бориб турардилар. Биринчи йилларда Фарғона ва Жиззахдан колхозчилар келиб турардилар (булар эндиликда ўтмиш-у, ҳар ҳолда, яхши ишлар учун ҳеч ким бирор нарса демас); ишнинг энг қизғин вақтларида ҳам улар Усмон аканинг хўжалигига ёрдамлашмоқ учун жила бўлмаса бир неча кунга келиб кетар эдилар.

Уни ҳақли равишда ўзининг иккинчи отаси ўрнида кўрувчи Азиз Пўлатович Қаюмов биринчи куздаёқ чексиз шўр далалардан ўтиб, ҳузурига пиёда етиб келди. Йўл юра-юра чарчади, худди эртақдагидек, қўлида ҳасса ушлаган чолни учратди. «Боёвут-4»нинг маркази қаердалигини сўради. Чол ҳеч нарсани тушунмади. «Янги совхоз бор-ку, ўша қаерда?» — «Сен, ўғлим, Усмон аканикига кетяпсанми ўзи? Шундай демайсанми. Анави канал томонга бор...»

Азиз Пўлатович лойдан қурилган уйчага етиб келганда мутлақо қоронғи тушиб қолган эди. Пастак тахта тўсиқ орқасида бир неча дарахт бор эди. Кейин, ҳали у қадар ўсиб етилмаган ток учун сўри қурилиб қўйилган эди, афтидан, ток бу йил баҳорда экилган-

га ўхшайди. Буларнинг ҳаммаси Азиз Пўлатович учун юсуповча иш белгилари эди. Хонада хўжайиннинг фақат битта солдатча койкаси билан столи турарди.

— Мен энди тартиб ўрнатдим,— деди Юсупов Азиз Пўлатовичга,— койка девор ёнида турарди. Эски директор, агар ёмғир ёғиб қолса уни бутун хона бўйлаб судраб юаркан. Томни тузатишни истамаган. Барибир Мирзачўлни тез кунда ташлаб кетишни ўйлаган.

Ёриқ-тирқишлардан шамол уриб турарди.

— Қандай ухладинг?— сўради эрталаб Юсупов, Азиз Пўлатович саволнинг фақат ҳурмат, манзират учунгина берилмаганини тушунди.

— Яхши,— деди у.— Ўзингиз биласиз-ку, мен ахир қўқонликман. Бизда ҳамиша шамол бўлиб туради...

— Баракалла,— деди Юсупов,— сен ҳар қандай ёмон нарсадан ҳам яхшилик топа оласан.

Буни ўзи ҳақида ҳам айтганини таъкидлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Яна бир марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Насиб Бакировни эслайлик: «Юсупов «Боёвут»ни гулла-тиб-яшнатиб юборди деб айтолмайман... аммо у бунинг учун замин яратди».

Ишчи кучи етишмаслигидан қийналаётган совхозга кишилар келардилар. Уларни бу ерга кўп нарса: Юсуповнинг машҳурлиги, обрўси, содда қилиб айтганда, унга бўлган меҳр жалб қиларди. Бугина эмас. Кўчиб келувчилар, Юсупов бор жойда ҳамма нарса яхши бўлади: янги ерларда турмуш тезда изга тушиб кетади, умумий бадавлат хўжалик, яхши иш ҳақи, боғ-роғлар барпо қилинади, деб ишонардилар. Улар янглишмагандилар.

Қўшни қўриқ совхозларнинг директорларига нисбатан Юсуповга ишлаш бир қадар осонроқ эди. У ўзини шунчаки аяб, авайлаб ишлагани йўқ— мана шу нарса бошқалардан кўра унинг устунлиги бўлса керак— ўзининг ҳақлигини ва ҳуқуқини ҳимоя қилар экан, район ва ҳатто пойтахт раҳбарлари билан муносабатининг бузилишидан қўрқмади.

1958 йилда «Боёвут»га Форишдан одамлар кўчиб келдилар. Бола-чақалари ва уй асбобларини ортган уч юз хўжалик. Ҳозирча ҳаво очиқ кунларда вақтинча капаларга жойлашдилар, Юсуповнинг кўрсатмасига мувофиқ улар ўзларининг бўлажак уйлариининг деворларини хом гиштдан тиклай бошладилар, аммо тўсинлар ҳам, тахта ҳам йўқ эди. ёғингарчилик палласи яқинла-

шиб келарди. Ёзишмалардан идорадаги папкалар шишиб кетди. Телефонда эса ярим йилдан бери ваъда берардилар: «Эндиги навбат сизники душанбада жўна-тамиз».

У ҳамма ишларини қўйиб, врачларнинг огоҳлантиришларига қўл силтаб (бу навбатдаги юрак дарди ҳуружидан кейин эди), ўзи Тошкентга жўнади. Уч кун сурункасига бир қабулхонадан бошқасига қатнаб юриб, ҳар қандай қийинчиликни енгиб бўлса ҳам, қонун бўйича, давлат, партия ва инсоний йўл билан тегишли нарсани ундириб олишга уринди.

Тўртинчи кун, булутли тонгда у ўз станциясига беш вагон ёғоч-тахта олиб келди. Айтгандек, у яна шу нарсани ҳам аниқладики, ўша разнарядка бўйича қўшиси икки ой аввал ёғоч олган экан. Юсупов ранжиганидан тишларини ёғирлатгани йўқ. Бундай фактларни у мунсариб кутиб олди. Унинг учун ҳам баъзан ён босардилар, чунки у Юсупов эди. Бир кун унингга келаётиб Аюп Саркисов ўз «Волга»си билан «Боевут» балчиғига тикилиб қолди. Воқеа содир бўлган жойга Юсупов трактор олиб келди, ўзининг эски қадрлиги Аюпни лойдан тортиб чиқарди. «Хўш, энди йўл қуриб босарсан дейман, а?» — деб ҳазиллашди кулиб.

Главголодностестройнинг бошлиғи чиндан ҳам Юсуповнинг совхозига биринчи навбатда йўл қуриб беришни буюрди.

«Битта асал ари чақади, аммо бошқаси асал беради», дейдилар ўзбеклар.

Юсуповнинг бошқалардан аҳволи енгил эмасди. Шунинг учун ҳам «Боевут-4»га директорлик вақтида амалга оширган ҳамма нарсалари жуда азиз эди.

Унинг вақтида аввалги даврга нисбатан икки ярим марта кўп маош оладиган бўлдилар. Яхши уйлар қуриб олдилар, боғ ва тоқзорлар барпо қилдилар. Дарахт ўтқазишни азалдан жондилдан яхши кўрарди. Ҳовлиларга олма, олча, шафтоли ниҳолларини тарқатганларида кузовда унинг ўзи турган эди.

— Эшвой ака, йигирма тупини олинг.

— Биттаси қанча туради?

— Уч сўм.

— Қўй, қўй...

— Тўхтаб, гапимни эшиттинг. Ниҳоллар кўкарса ҳақини тўламай қўя қоласиз. Борди-ю, қуриб қолса — икки ҳисса қилиб ундираман.

Ҳақиқатан ҳам беш йил давомида дарахтларнинг кўкарганини текшириб юрди.

У боғ ўстиридигина эмас. У Мирзачўлга энг жанубдан, Термизининг ўзидан ялпиз ҳам олиб келди. Унинг ҳиди, ҳаммага маълум, жуда ёқимли, қурилган баргидан тайёрланган шира қоринни даволайдиган аъло даражадаги дори. «Боёвут-4»га электр токини уруш йилларида, ўзи Ўзбекистон КП МК секретари вақтида қурилган ўша Фарҳод ГЭСдан бердилар.

Электрлаштириш ҳам осон иш эмас эди, бунинг ҳам уддасидан чиқдилар. Биринчи павбатда водокачка қурдилар. Артезиан суви чиқара бошладилар. Район техникларини ҳамма янги уйларга радио ўрнатишга мажбур қилди. Мактаб билан касалхонани директорлик қилган биринчи йилидаёқ қурдирди— кадрдон Янгийўлдан гишт сўраб, уни биттама-битта санаб олди. Ишчилар кооперациясидаги муттаҳамларни қувиб юборди. Ишчилар учун янги маҳсулотлар, сабзавотлар келтирилишига эришди.

Лойиҳа институтига совхознинг бош планини ишлаб чиқишга буюртма берди, энди ҳамма қурилишлар шу планга мувофиқ олиб борилди. Бош планда совхознинг ўз пахта заводини қуришни ҳам кўрсатишни илтимос қилди, аммо бунинг амалга оширишга муваффақ бўлолмади.

Хўжаликни қабул қилиб олганида йигирма тўққиз бош сигир бор эди. Бир неча йилдан кейин молхонада уч юз бош соғлом сигир боқилар эди. Албатта, аҳамият жиҳатидан биринчи ўринда пахта турарди. «Боёвут-4» иккинчи йили янги ерларни ўзлаштириш бўйича ҳам, умумий ҳосил бўйича ҳам, ҳосилдорлик бўйича ҳам планни бажарди. Кейин ўсиш бошланди: жуда катта, ҳайратга соладиган ўсиш бўлмаса ҳам, оғишмай ўсиш бошланган эди...

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети совхоз директори Усмон Юсупович Юсуповни хўжаликнинг пахта ва бошқа экинлар ишлаб чиқаришдаги ютуқлари учун «Рекорд» радиоласи билан мукофотлади. Бу энг катта мукофотлардан эмасди, албатта: баъзи хўжалик ходимлари ҳатто «Москвич» олдилар. Аммо Юсупов бахтиёр эди: унинг ҳам ишига баҳо бердилар. «Рекорд»нинг устидаги чанглари ўз қўли билан артди. Уни умрининг охиригача асраб-авайлади.

Бир йилдан кейин уни Тошкентдаги анъанавий пахта-

корлар қурултойига, Навоий театрига таклиф қилдилар. У ҳаяжонланиб борди. Бу кўп кишилиқ катта йиғинлар, тантанали нутқлар ва олқишларни унутиб юборган кишининг мутлақо тушунарли ҳаяжонланиши эди. Театрнинг томоша залига киргач, йўлакка яқин, бир чеккага ўтирди: қаторнинг ўртароғига ўтиш унинг учун қийин эди.

Залда унга таниш бўлмаган шахслар, ёшлар кўп эди. Ёшлар ўзаро қизгин суҳбатлашишар эди. У кўз қири билан сездики, одамлар аҳён-аҳёнда ўзига қараб-қараб қўйяптилар, уни танияптилар. У яна шу нарсани, ўзига қаратилган бу боқишларда шунчаки бир қизиқиш эмас, унсиз изҳор қилинаётган хайрихоҳлик, эҳтиром ёки ундан ҳам ортиқроқ туйғу борлигини сезди. Танаффус эълон қилинди, у фойега чиқмоқчи бўлиб, йўлқанинг бўшагини кутиб турган эди. Ушанда кутилмаган нарса юз берди: уни президиумдан жой олишга таклиф қилдилар...

Уша ерда, қурултойда мукофотларни топширдилар.

— «Боёвут-4» совхозининг директори Усмон Юсупович Юсупов «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланади,— деб баланд овоз билан эълон қилганларида залдагилар бир кишидек оёққа қалқидилар. У залнинг тинчланишини узоқ кутди, кутолмади, микрофонга яқин келди, нимадир демоқчи эди, томоғига бир нарса тиқилгандек бўлди, қандайдир бегона, баланд овоз билан бир-бирига боғланмаган сўзларни айтди-да, жим қолди, ҳайратланиб қарсак чалаётган, қичқираётган кишиларга қараб турарди, бахтдан, ғурурдан кўзларда ёш пайдо бўлганидан заррача хижолат тортмади. Бу олти марта Ленин ордени билан мукофотланган Усмон Юсупов эди...

Яна бир нарсани айтмоқчимиз: Юсупов ҳаётлигидаёқ кенг йўл тантана қилди. Бир вақтлар «митти» паровозлар тутун бурқситиб зўриқиб ҳаракат қилган тор йўлли излар қудратли тепловозларга кулгили даражада мос келмаганидек, далаларда ҳам аҳвол худди шунинг ўзи эди: тўрт қаторли кучли СХМларнинг ҳам қадам ташлашлари учун кенг қаторлар керак эди. Машҳур «Малик» совхозида, донгдор директор Бочкаревада биринчи марта жўякларга якка қатор қилиб кенг қатор оралигида ғўза экиш усули қўлланилди ва барча пахта териш машиналарини ишга солиб, унинг ёрдамида барча ҳосилни

йиғиб олдилар. «Малик» совхозида одатдагидек бу гал ҳам юқори ҳосил олдилар.

Тез вақтда кенг қатор оралаб экиш Ўзбекистоннинг барча далаларига, «Боёвут-4»га ҳам етиб келди. Тўғри, бу пайтда Юсупов пахтачилик совхозини янги директорга топшириб кетган эди.

Ҳикоя қилаётган қаҳрамонимизнинг ҳақиқатан ҳам ёши улгайган чоғида ниҳоят роҳат-фароғатда яшашга эришиши жуда осон эди. Ўз ғояси ва халқи учун шу қадар кўп ва самарали меҳнат қилган олтимиш уч яшар бу кишининг тақдири том маъноси билан беташвиш ҳаёт бўлиши мумкин эди. Унинг пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлганига уч йил тўлганди. Турмуш-шароитни назарда тутилса унга кўп нарса керак ҳам эмасди: уй, ҳовлида ҳовузча, токзор ва гулзор — бор-йўғи шугина кифоя эди, қадрдон Янгийўлга кўчиб келиб, буларни амалга ошириши унчалик қийин эмас эди.

У бу ерга ҳақли равишда дам олишга чиққан, хизматлари эвазига олган, кенг кўксига ҳам зўрға сиғадиган мукофотларини тўлдириб тақиб олган ҳолда, Осиё оқшомида ўзбекона қилиб бир-бир чой ҳўплаб, худди мана шу Усмон аканинг гапларини жим ўтириб тинглаётган қўшнилари даврасида ҳеч нарса ҳақида ташвишланмасдан, аста-секин ўз хотираларидан ҳикоя қилувчи, тонг чоғларида эса мемуарлар ёзиб (маълумки, Юсупов мемуарлар ёзишга улгурмади, санаб ўтилган барча хизматларидан мана шунисигина афсусланарлидир) ўтирадиган кекса сифатида эмас, аксинча, юсуповчасига қайтиб келди. Унинг сўнгги қадамлари ҳам меҳнат қилиш билан боғлиқ эди, у бу қадамларни ҳам ўзининг ярим аср аввал иш бошлаган жойларидан бошлади.

Бу ер собиқ Қовунчи қишлоғидан узоқ бўлмаган Халқобод деган жой эди. Ўзларининг машҳур ҳамқишлоқлари шарафига бу жойга «Усмонобод» деб ном қўйгандилар.

У Москвага министр бўлиб кетаётганида Ўзбекистонга умуман қайтиб келиш-келмаслигини билмасдан, шундай деганди:

— Ҳақиқатан мен бир вақтлар Машковнинг, Алексеевнинг боғларида ишлаганман. Шуни айтиш керакки, бу ердаги нарсаларнинг ҳаммаси халқнинг қўли билан яратилган. Бу ер Халқобод бўлсин.

Бирор кимса бунга ўхшаш гапни айтса-ю, унинг орқасида кўзга кўринмас, ҳурматли солномачи доимо

тайёр туриб, ўша буюк кишининг ҳар бир сўзини авлодлар учун қайд қилса, бу сўзлар (ҳар бир хатти-ҳаракатининг ўзи ҳам) кишиларда таассурот қолдиришга мўлжалланган бўлиб туюлиши мумкин эди, бошқаларни билмадигу, аммо Юсуповнинг ўзига бино қўйиш хусусияти йўқ эди. Бунинг устига, шуни такрор айтаминки, у ўзининг яна Ўзбекистонда ишлашига кўзи етмас эди, модомики шундай экан, бунинг аксича: ўз номини абадийлаштиришга ҳаракат қилиш керакдек туюлади. Бироқ у ҳам донишманд, содда қилиб айтганда, ҳам шарм-ҳаёли ва тажрибали одам эди; бу баландпарвоз сўзларнинг беҳудалиги унга маълум эди. У ҳозир ҳам келажакда ҳам содиқ қолган нарса — бу меҳнат эди. У забардаст меҳнаткаш эди, меҳнат қанчалик қийин, гоҳо енгиб бўлмайдиган бўлса, меҳнатга сарф қилинган ҳар бир куни унинг учун шунчалик муҳим маъно касб этарди. Шунинг учун ҳам у ҳақли равишда чиқиши мумкин бўлган дам олишга кетмади, башарти унинг истагини бажо келтирмоқчи эканлар, у Иттифок ҳукуматининг қарорига кўра Халқободда ташкил қилинадиган республикада биринчи агросаноат бирлашмасининг директорлигидек оғир вазифани сўраб олди. Ҳа, кексайганида заифликка изн берди: «Боёвут»дан кетди, ялапғоч товоқлари билан ўткир янтоқларни парво қилмай топтаб, қўлида сирли рейка кўтариб Қовунчи тепаликларига чопиб юрган ёшлик кезларида дилида пайдо бўлган ва ҳали ҳам сўнмаган орзусини амалга оширишга эришарман деб ўйлади. Бир куни қия тепаликнинг энг чўққисидея тепаси оқ аралаш яшил ранг фуражка кийган жиддий ва камгап топограф қўли билан сигнал беради деб кутиб ўтирарди, топограф эса, тиззаларини зўрга бекитадиган бўйиштонли синчков ва жиддий қиёфали маҳаллий болани унутиб қўйган эди. Аввало Ўсмон топографнинг нима қилаётганини билиш учун унинг гавдасига тикилиб турди: қалин, чиройли дафтарига бирор нарсани ёзптимми ёки овқат еяптими? Кейин уфқ чизигида дам олиб ётган беҳисоб подага ўхшаб кетадиган сон-сановсиз тепаликларга маҳлиё бўлиб уни унутиб юборди. Тепаликлар ялапғоч эдилар. Бўйиш ётган ерлар жуда кўп эди, Унинг бошига табиий бир фикр келди: бу ерларда кўз илғамас жойларгача чўзилиб кетган боғлар яратилса... Боғлар баҳор марварид гулларига бурканса, Туркистоннинг ёрқин кузида эса — қаҳрабо, яшилтоб ва лаъл рангларга кўмилса.

Бу орзу ҳамма орзулар каби жуда чиройли эди, шунинг учун ҳам амалга ошмайдигандек туюларди. Мана, 1962 йилнинг охирида орзу қилишнинг эмас, уни амалга оширишни навбати келди. У кўчма маънода эмас, том маънода ўзидан кейин бог қолдириш истагини билдирди.

У хаста эди, буни ҳамма кўриб турарди ва шунинг учун унга яхшилик талаб, бу ишдан қайтишни маслаҳат бердилар. Аммо Юсупов учун бундай яхшилик нималигини ҳаммадан кўра ўзи яхши биларди. Биргина Юлия Леонидовнага иқдор бўлди:

— Майли, умрим қисқара қолсин. Шунинг учун ҳам шошилиш керак: дарахт ўтқазиш, ўтқазиш ва ўтқазиш керак. Мевасини биз емасак набираларимиз ейди.

Юсуповнинг ҳаётида ҳаммашагидек орзу бу гал ҳам вақт амри билан бирлашди. Давр қишлоқ хўжалиги билан саноат ўртасида янги, мустақкамроқ ва ишончлироқ, бевосита алоқалар ўрнатишни талаб қиларди.

Бундан қирқ беш йил аввал уч юздан ортқироқ аграр-индустириал комбинатлар яратиш планлаштирилган эди, аммо у вақтларда етарли маблағ ва техника бўлмаган эди. Орзулар фақат олтиншинчи йиллардагина амалга оширила бошлади, Ўзбекистонда орзунинг рўёбга чиқаришнинг пионери Усмон Юсупов бўлди.

Бўзсув массиви ортидаги қўриқ ва фойдаланилмай ётган тўққиз ярим минг гектар ерда мана икки алоқалар қилиниши керак эди: олти минг гектар ерда бог барпо этиш, деярли икки минг гектар ерга ток ўтқазиш. Холодильниклар қуриш, кам қувватли консерва заводини реконструкция қилиб, уни 70 миллион банка сабзавот ва мева консерваси бериш даражасига кўтариш, шунингдек, Янгийўл вино заводи йилига етти миллион декалитр вино ва коньяк бериши керак эди. Бирлашма ҳар мавсумда 115 минг тонна мева, 35,5 минг тонна узум, 350 тонна гўшт, 3 минг тонна сут, 80 тонна асал, 13 минг тонна сабзавот бериши керак эди. Юсупов ўзинча яна 8 минг тонна пахта ҳам қўшиб қўйди, буни дарахтлар баланд кўтарилгунигача орасига эймоқчи эди.

Шундай қилиб, унинг сўнгги уч ярим йиллик ҳаёти типч-осуда, фарогатда ўтди деёлмаймиз. Энди, китобхон Юсупов ҳақида кўп нарсани биллиб олганидан кейин, Юсуповнинг ҳаёти ҳатто ҳозир ҳам осойишта кечмаганига ишонч ҳосил қилади. Унинг ҳаёти тоғ ораларидан ҳайқириб чиқадиган, гоҳ тошиб-шарқираб, гоҳ келгуси ҳамлага ҳозирланаётгандек осойишта, кейин яна шитоб-ла

олға ташланадиган Водил оқимни эслатади... Бу ҳаракат ўз романтизмга қарамай, ҳар қалай шунчаки бир ҳаракат эмас. Унинг маъноси шундан иборатки, тоғ бағрида вужудга келган бу оқим осойишта заҳматкаш — каналга, минглаб ариқларга айланиб, миллионлаб томирларга жон ато қилиши ва ўлкага ҳаёт бахш этиши керак.

Кейинроқ, Юсуповнинг Халқободдаги фаолиятига баҳо бериб, одатдаги: «...Ўзининг бутун жўшқин куч-ғайратини, бутун ташкилотчилик ва раҳбарлик истеъдодини партия ўзига топширган ишга бағишлади», деб айтадилар. Бу бир тасодифий берилган баҳо эмас, ҳаққоний, одил баҳо бўлади. Бу ерда ҳам у шунчаки яхши директорлардан биригина бўлиб қолмай, Ўсмон Юсупов эканлигини кўрсатади. Иш кўламини беқиёс даражада кенгайтириб юборди.

Аввало комбинат Тошкентни ҳўл мева билан, мамлакатнинг бошқа районларини консерва билан таъмин қилади деб мўлжалланган эди. Юсупов катта Халқобод ғоясини ҳимоя қилиб деди:

— Яширишнинг ҳожати йўқ: Шимолда жуда кўп кишилар борки, йилига бир килограмм ҳам узум емайдилар, бошқа районларда эса жон бошига ўттиз килограммдан тўғри келади. Уларнинг бошқалардан қаери кам? Улар ҳам бизнинг совет кишиларимиз-ку. Уларга ҳам ўзбек узуми, шафтолиси, олхўрисини етказиб беришимиз керак.

У лойиҳачиларга тинчлик бермади, Юсуповга хос қизғинлик билан боғ-гигант ғоясини ҳимоя қилди. Худди мана шу вақтда катта химия ҳақида қарор чиқди. Кўп-лар ҳайрон бўлдилар, Юсуповни шаштидан қайтариб: сизнинг лойиҳангизни амалга ошириш учун керак бўлган бунчалик беҳисоб пулни сизга ким беради ҳозир, дедилар.

Бундай пайтда унинг жаҳли чиқарди:

— Янги директивадан бошқа ҳеч нарсани кўра олмайдиган кишиларгина шундай мулоҳаза қилардилар. Гўё бундан бошқа ҳеч нарса йўқ ва бўлмайдигандек.

Республика активида қўлида қизил олма ушлаб туриб гапирди:

— Мен,— деди,— катта химия учун иккала қўлим билан овоз бераман. Химия бизга кийим, пойабзал, мебель — хоҳлаган ҳамма нарсамизни беради. Аммо мана бу олмани (олмани боши узра баланд кўтарди) химия бермайди. Борди-ю, берган чоғида ҳам барибир уни емай-сизлар...

КПСС Программасидан аграр бирлашмалар ҳақидаги тегишли бандини келтирди. Қандай конкрет қарор қабул қилинмасин, Программа перспективани белгилловчи асосий ҳужжат бўлиб қолаверади, деди. Кейин яна Халқободга қайтди:

— Консерва заводларимиз бир йилда бир неча ойгина иш билан таъминланган. Гап бундагина эмас. Уларнинг нима чиқараётганига бир назар ташланг. Улар, кутилгандек, энг аълосини эмас, энг ёмон сабзавот ва меваларни қайта ишлаб берадилар. Агар бозорда мўл бўлса, мева бузила бошласагина колхозчи уни қабул пунктларига олиб келади. Агар давлатнинг ўзи кўп миқдорда мева етиштирмаса аҳвол ўзгармайди. Минг гектарлаб совхоз боғлари, заводлар, холодильниклар, қуриштиш корхоналари керак. Ишчилар яхши уйларда яшамоқлари ҳозирги замон мактаблари, касалхона, клублар бўлиши керак...

Лойиҳачиларни кўндирди. Янги лойиҳавий вазифа юзасидан 94 миллион сўмлик смета олди. Шундан сўнг бошини ушлаб қолди: бунча маблағ ҳатто Иттифоқ ҳукумати учун ҳам энг баланд чегара-ку, республиканинг бундай сармоя беришга ҳақи йўқ.

Бир вақтлар тарихий қурилишлар — Бекобод металлургия комбинатиға, Каттақўрғон сув омбори қурилишларига бошчилиқ қилган содиқ дўсти ва ёрдамчиси Ш. Ч. Айтметов билан узоқ бош қотирдилар. Яқинда Юсупов Тошкентда Айтметов билан учрашиб қолганди, у соғлиғи ночорлигини ва пенсияга чиқмоқчи эканлигини айтганди.

— Бу гапларни қўй! Сен қанақасига пенсионер бўласан? Халқободга кел. Бирга ишлаймиз.

Айтметов келди.

— Раҳмат сенга!— қувонч билан деди Юсупов ва шофёрға тайинлади:— Шу бугундан бошлаб Шомад Чўқаевични олиб юрасан,— шу ернинг ўзидаёқ Министрлар Советининг Халқобод тўғрисидаги қарорини унинг қўлига тутқазди.— Фақат диққат билан ўқиб чиқ-да, фикрингни айт.

Кечқурун Шомад Чўқаевич хотини Алисия Николаевнага:

— Мен Юсуповда ишляпман,— деди.

— Ким бўлиб?

— Худо ҳақи, билмайман. Буниси муҳим эмас. Ишляпман — вассалом.

У, вазифаси қандай аталишидан қатъий назар, Усмон Юсуповичнинг ўнг қўли эди. Улар биргаликда сметани қисқартиришнинг йўлини изладилар. Ирригация харажатларини етти миллион сўмга камайтирдилар. Яна бир марта эски усул — халқ қурилиши (ҳашар) йўли билан иш кўришга қарор қилдилар. Ўйлар учун мўлжалланган бир неча юз устакани шахсий қурувчиларга берадиган бўлдилар. Бошқа имкониятларни ҳам топдилар, аммо боғларни камайтириш ҳисобига эмас, Айтметов 49,9 миллион сўмлик (устомонликни қаранг: ҳар қалай 50 млн. эмас!) лойиҳавий харажат ҳисоби билан Москвага бориб, Госплан ва Госстройда лойиҳа ҳамда харажатларни келишиб келди ва тез орада Бўзсув ариғи ортидаги тспаликларда пшлар бошланиб кетди.

Ўзбекистоннинг барча областларига ўз одамларини жўнатди, уларнинг ҳар бирига Халқободда бошланган ишни тушунадигап ва қўллаб-қувватлайдиган кишилар номига хат тутқазди. Кўчатларни Фарғона водийсидан, машҳур Шредер номли институтдан, кўплаб боғларни бўлган колхозлардан олиб келдилар. Юсупов бу колхозларнинг ҳаммасини биларди. Хурмо ва ҳатто лимонларни Ўзбекистоннинг ўз субтропикаси — Сурхондарёдаги машҳур «Денов» совхоздан келтирдилар. «Известия»: «Ўзбекистонда бир миллиард дона — СССР аҳолисининг жон бошига бештадан олма етиштирадиган гигант боғ вужудга келтирилмоқда», деб хабар қилди.

Юсупов вақтида Халқободда ярим миллион туп олма дарахти ўтқазилди. Ҳар бир ишчига кўчатни қандай экиш кераклигини унинг ўзи кўрсатиб берар, чуқурга тупроқ солингандан кейин кўчатни бир-икки силкиб қўйилса, унинг томирлари яхши жойлашади, деб тушунтирарди. Ўз-ўзидан маълумки, дарахт экишга тааллуқли бўлган ҳамма нарсалар, баъзи бир ёшларни мустасно қилганда деярли ҳаммага аён аммо у бу ишни («мана бундай силкиш керак...») шундай усталик билан бажарардики, ҳатто тажрибали боғбонлар ҳам авваллари бу қадар усталик билан ишламагандек бўлиб туюларди.

Олтмишинчи йиллар...

Қудратли тракторлар Халқобод қияликларини осонлик билан текислар, кўп қаторли плуглар ва канавокопателларни ўйинчоқдай тортиб борар эдилар. «Бўлиқ ерлар («Боевут» дагидек шўрхок ерлар эмас), семиз лалмикор ерлар билан яйловлар мева дарахтлари ва тоқзорлар учун ажойиб тупроқ бўлиб хизмат қилдилар. 70 та

насос станциялари Бўзсув ва Шимолий Тошкент каналларидан (уруш давридаги халқ қурилишини эсланг!) боғларга сув чиқара бошладилар. Худди байрам чоғида саф тортган спортчи қизлардек ҳар гектар ерда юзлаб олма дарахтлари бир текис, бир чизиқда тизилиб туради, қайси томондан қараманг, бир хилда кўрinatedи. Бу уч яшар олмалар эрта баҳорда биринчи марта гулга бурканган чоғда беихтиёр ҳаммаининг дилига шу ўхшатиш келганди.

Олма фақат ўн-ўн биринчи йили расмана ҳосилга киради, шунинг учун уларнинг ораларига данакли мева дарахтлари: шафтоли, олхўрн, олча, гилос экдилар. Учинчи йилдаёқ шафтолилар шу қадар кўп мева қилдиларки, ҳосилини йиғиб улгура олмадилар. Заргалдоқ тусли, тилла ранг момик тукли меваларни остига тап-туп тўкилиб ётарди (шоҳлар мўл ҳосилни кўтара олмадилар). У бунга чидай олмади.

— Гапимин эшит, — деди Айтметовга, — дам олиш кунини шаҳардан одамларни олиб кел. Тоза ҳавода боғда ишлашадн, юз килограммдан теришадн, дам олиб, ҳордик чиқаришадн.

Эҳтиёткор киши ҳам топилиб қолди, у:

— Ҳаммаларини назорат қилиб бўлмайди.... — деб огоҳлантирган бўлди.

Юсуповнинг жаҳли чиқди.

— Агар ҳар бири беш-олти килограммдан олсалар нима бўпти? Сотгани эмас, егани олишади-ку! Ўзи ейди, болаларига олади. Саломатликка олишаверишсин!

Ўзи учун давлатнинг ҳар бир тийини муқаддас бўлган Юсупов бу сафар ана шундай деди. Шахсий эҳтиёж учун арзимаган нарсани олиш бу шаккоклик бўлар эди.

Мана шундай лавозимда, «олтин туб»да коммунист туриши керак. Бу ерда соф виждонли, халққа содиқ деян ва ҳоказо гапларнинг ҳожати йўқ. Коммунист сўзининг ўзи буларнинг ҳаммасини ифода қилади. Ғоя, эътиқодга хизмат қилишни ҳаётнинг бирдан-бир маъноси деб тушунадиган киши гарчи бир оз мутаассиб бўлса ҳам майли; виждони пок кишилардаги бу фазилатдан ҳам, бу сўзнинг ўзидан ҳам қўрқиб керак эмас.

Ҳар икковлари, Усмон Юсупович ҳам, Юлня Леонидовна ҳам коммунист эдилар. Қизик, шу нарсани ҳайрат аралаш хотирлайдилар, ишчилар ошхонасининг кассирига Юлня Леонидовна бир стакан компот учун беш тийин чиқариб берган.

Агар Юсуповларнинг ошкора душманлари бўлган бўлса — булар фашистлардан кейин бой жамоат хазинасига ўзларининг харом қўлларини чўзувчи таъмагирлар, юлғичлар ва ўғрилар эдилар.

Бир куни Халқободга Юсуповнинг ҳузурига денгиз ортидан (агар Қаспийни денгиз деб ҳисобланса) икки нухса келибди. (Гўё Ўзбекистонда муттаҳамлар топилмай қолгандек.) Улар тилла тишларини ялтиратиб, тоза-лаб қирилган бақбақалари дириллаб, бундай дебдилар: улар тезкорлик билан шампан виноси тайёрловчи ноёб мутахассислар эмиш, бу усул Ўзбекистонда ҳали маълум эмасмишу меҳнаткашлар бундай арзон вижирловчи вино ичишни жуда ҳам истармишлар.

Иккови ҳам идора эшиги олдида турарканлар. Юсупов уларни бино ичига киритмабди. Нарироқда Тошкентдан кира қилиб келган шахмат белги «Волга»да таксичи мудраб ўтирган экан.

— Эллик беш сўм,— дебди Юсупов.

Улар тушунмабдилар.

— Ҳар бир тилла тишлига ойига эллик беш сўм,— тушунтирибди у,— агар бир тийинни ўғирласаларинг — судсиз осаман. Ўз қўлим билан. Маъқулми?

— Ҳазиллашяпсиз шекилли,— дебди улар ва зўр-базўр тиржайиб, машина томон юришибди, Юсупов эса қизариб кетибди-да, ўз одамларига, машинани тўхтатиб, шофёр устидан акт тузишни буюрибди; бу ифлос қандай қилиб шаҳар таксиси билан районга чиққан, деб койибди.— Йўқолларинг!— бақирибди Юсупов, найрангбозлар зумда гердайиш ва сурбетликларидан асар ҳам қолмай, чопганча катта йўлга қараб жўнабдилар.

Юсуповнинг номи олдида бундай разилларни тилга олишнинг ўзи уят. Афсуски, ким яхши еб, яхши кийсаю тинч ухласа, давр-давр ўшаники, дейдиган махлуқлар бўлган ва бор. «Ҳақиқий эркакдай», деб қўшиб ҳам қўяди бундайлар.

Юсупов том маъноси билан ҳақиқий эркак эди. У кўп болали оиланинг отаси эди, ўзингиз ўйлаб кўринг, хотинидан ақалли мана бундай мазмунда хат олса қандай бўларди: «...Улмас билан Фарҳодга қишки форма ва Улмасга қишки пальто сотиб олдим. Аммо на менда, на Зояда, на Иннада қишки пойабзалимиз бор... Инна бир ойдан сўнг Ленинградга кетиши керак. У ерлар совуқ, унинг бўлса қишлик кийими йўқ.

... Уйимиз жуда совуқ, қозонхона жуда ёмон иситяпти;

бу қозон бошқа ёқилғига мўлжалланган экан — кўмир яхши ёнмайди. Утин ёқиб кўрдим — яхши иситди ва уй исиб кетди, лекин ўтинимиз йўқ.

Усмон, ҳузурингга боргим келади, аммо Нинанинг бир ўзини болалар билан қолдириб бўлмайди...»

«Боёвут-4» га юборилган бу хатдаги энг муҳим нарсаси турмуш машаққатидан нолиш эмасди, албатта.

«... Гап шундаки, сен учун ҳам, мен учун ҳам, айниқса болалар учун ҳаммамиз бирга бўлишимиз керак...»

У ўшанда Тошкентдаги уйини тузатиб ўтирмади — ҳаммаларининг совхозга олиб келди. Оиласи совхоз директори оиласи яшашни керак бўлган даражада ҳаёт кечирди. Фақат ана шундай даражада. Тўғри, шундай пайт ҳам бўлганди, у омонат кассасида пули йўқлигидан ачинган эди. Халқободдалигида уруш вақтида Ўзбекистонда яшаб кетган дўстлари Белоруссиядан меҳмон бўлиб келдилар. Уларни яхшилаб ош билан меҳмон қилди-ю, аммо хотинидан илтимос қилди:

— Маош олгунгача қолган пулни берсанг, шофёрни рабкоопга тўн олиб келгани юборсам. Агар меҳмонларни совға-саломсиз жўнатсам қанақасига ўзбек бўламан?

Унга пулни кассадан олиб, кейин дирекциянинг қарори билан расмийлаштиришни таклиф қилдилар. У қатъиян рад этди:

— Йўқ. Улар менинг шахсий меҳмонларим.

Бирор киши билан хайрлашаётиб, унга қовуни ёки узум бераркан, булар ўз боғидап эканини эслатишни унутмас эди. Бунда ўз шахсий хизмати билан гурурланиш ҳисси ҳам бор эди, албатта: мана шундай шўрхок ерларда қандай нарсалар етишдирдик, дегандек бўларди. «Боёвут»га Юсуповни ҳаммиша астойдил яхши кўрган Константин Михайлович Симонов ҳам борди. Қоронғи тушиб қолганда боққа чиқдилар... Юсупов машъал ёқишни буюрди ва гурурланиб анор, узум, беҳи, олма ва гулларни кўрсатди. Меҳмонларга тоққайчи тутқазди.

— Ўзингиз кесиб олинг. Мана бу «хўсайни», буниси «ғалаба». Олинглар. Буни ўзим ўтқазганман.

Халқободдаги ишлари учун Юсуповни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотладилар.

У минбардан туриб деди:

— Менинг орзуим — Мирзачўлни, янги ерларни ўзлаштириш эди. Мен буларни ўз қўлим билан амалга ошириш бахтига сазовор бўлдим. Умумий раҳбарлик қи-

лиш эмас, шахсан ишлаш орқали. Мен бундан бахтиёр ва мамнунман.

Ўзининг умри оз қолганини ақл-идроки билан эмас, ҳорғин юраги билан сезган эди. Ўзи ҳаётлигида асос солинган кўп нарсаларни кўришга муяссар бўлолмаслигини ҳам биларди, аммо келажакка умидворлик туйғуси билан яшарди. Ўрта Осиёда энг қудратли холодильникни, икки қаватли турар жой биноларни кварталларини, катта мактабни, унинг алоҳида ғамхўрлиги маҳсули бўлган нарса — Халқобод учун машиналар ва агротехникани билладиган ҳозирги замон мутахассислари — боғбонлар, узумчилар, сабзавоткорлар бригада бошлиқларини тайёрлайдиган олти юз ўринлик техникумни Юсуповнинг вафотидан кейин ишга туширдилар.

У буларнинг ҳаммасини ўз кўзи билан кўриши мумкин эди, аммо у ўз жисми, феъл-атворини ўзгарта олишга қодир эмасди: иш ҳақида ўйламасдан, куйиб-пишмасдан, жиддий ва майда-чуйда масалалар устида қайғурмасдан бир кун ҳам яшай олмасди. Ёшларнинг йўл бўйида чинорни қандай ўтқазаётганларини кўрганида: «Шундай қимматли дарахтларни хароб қиляптилар-а!» — деб жаҳли чиқарди. Жазирама офтобда, қанча вақт ўтганини ҳам билмай, ўзи дарахт ўтқазишга киришиб кетарди.

Бульдозерчи тасодифан, балки тажрибасизлик қилиб, шамшод ниҳолини кесиб юборади. Юраги ачишганидан Юсуповнинг юзи буришиб кетади. Шомад Чўқаевич қўрқиб кетиб, уни тинчлантиришга уринади:

— Бунчалик куйинишнинг кераги йўқ. Бошқасини экамиз. У қўл силкиб:

— Нимага тушунмайсан? Булар ҳам инсонга ўхшайди. Буларни парваришлаб ўстириш керак, — дейди.

— Ҳамма нарсани юрагига яқин оларди. Шунинг учун юраги бардош бера олмади, — Юсуповнинг эрта ўлимини Айтметов маъна шундай тушунтиради.

Медицина томонидан асосланганини талаб қилмайдиган бу хулоса эҳтимол энг аниқ хулоса бўлса керак. Юрак уриши муддатида олдин тўхтаган революционерлар, коммунистлар тарихда ва халқлар хотирасида қанчадан-қанча... Юсупов бу борада ҳам улар билан бир сафда бўлди. Тўғри, бир сирли мувофиқлик ҳам бор: Юсупов 1966 йил 26 апрелда Тошкентда ер қимирлаган худди ўша машъум кечада ўзини ёмон ҳис қилган эди. Халқободда ер тебраниши деярли сезилгани йўқ, аммо

статистиканинг кўрсатишича, ўлим сонини айниқса юраш касаллар орасида апрель — май ойларида бутун Ўзбекистон бўйича кўпайган. Ер қатламининг сирли ҳаёти билан инсон вужуди ўртасида қандайдир алоқа мавжудми? Эки биз ҳаммамиз — одамлар ҳам, дарахтлар ҳам, гранит ҳам — яхлит, бир бутун нарсамиз.

У бу алоқани 25 апрелда, ер қимирлаш арафасида сездим. Инженер ва техниклар кенгашини чақириб, ўзи вақтида етиб кела олмади. Келганида унинг синиққан юзида қатра қон йўқ эди. Ўзр сўради. «Бошладик», деди-ю, ўзи кўзларини юмди, кенг жаҳонда инималар бўлаётганига қулоқ солаётганга ўхшаб ўтирарди.

Бир кеча-кундуздан сўнг гавдасининг ўнг томони ишламай қолди, сўздан қолди. Бир печа қуи давомида врачлар, туғишганлари тўшаги тепасида бўлдилар. 6 май, кечқурун у ишора билан ҳаммадан холи қолдиришни ишора қилди.

Дераза очик эди. У Халқобод боғлари устида қизғиш қуёш нурлари ёриб ўтаётган ёзги чағу гардлар пардасини ҳаётан кўргандай бўлди. Ҳавода шафтоли ва олча гулларининг позик бўйи, тутаган таппи иси ва янги соғилган сут ҳиди келиб турарди. Яланг оёқ болалар эшакларини чоптирганча, зинғиллатиб ҳайдаб келаётган пода ўтиб кетди. Кўчада трактор тариллаб қолди; қуёшда қорайган, тишлари оппоқ ёш йигит бир зум директорнинг уйига боқди-да, чарчоқ, хурсанд ҳолда йўлини давом эттирди: эшиги олдида уни ёш хотини кутарди. Кейин хира, оч бинафша тусли осмонда қизғиштоб, юмалоқ ой гардиши кўринди. Илк юлдузлар милтиллай бошладилар. Ой нурида четлари жилоланиб турган қоп-қора ҳовузда ҳозир нилуфарнинг нозик барглари оҳиста чайқалиб тургандир. Нилуфарни ҳовузга унинг ўзи эккан, бу орзусини рўёбга чиқарган эди. Нилуфарлар кичкина қовушчаларни эслатувчи гунча чиқарган бўлиши керак. Уларни кўрмоқ учун ўрнидан туриши зарур...

Дафн маросимидан кейин Халқобода бўлган митингда Ўзбекистон КП МК биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидов нутқ сўзлади. У шундай деди:

— Биз Усмон Юсуповичнинг қўли билан барпо этилган боғда ўтирибмиз. Бу рамзийдир. Усмон Юсуповичнинг қасргани қадам етган, қўли теккан бўлса, ўша ерда боғлар, далалар, гуллар, ҳаёт пайдо бўлди. У боғбон эди. У партиянинг жангчиси эди. Партия уни қаерга юбормасин, у ҳамини галаба билан қайтарди.

Биз ҳаммамиз бунинг шохидимиз.

МУНДАРИЖА

Эркин Миробидов таржимаси

УСМОН ЮСУФ УҒЛИ	5
МУҚАДДИМА	26
БУРИЛИШ	56

Илҳом Фозилов таржимаси

«У ЗАВҚ БИЛАН УҚИРДИ»	82
ПАРВОЗ	100
«БИРГАЛАШИБ ИШЛАЙМИЗ»	156

Ҳамдам Олимтосев таржимаси

ВАТАН УРУШИ ОРДЕНИ КАВАЛЕРИ	168
МОСКВАДА	224
СЎНГГИ ЧЎҚҚИ	236

На узбекском языке

Борис Ресков, Геннадий Седов

У С М А Н Ю С У П О В

Издательство „Ёш гвардия“ — Ташкент — 1977 г.

Перевод с издания „Молодая гвардия“—МОСКВА — 1976

Редактор Э. Миробидов

Рассом О. Ахмаджонов

Расмлар редактори Қ. Алиев

Техн. редактор Л. Буркина

Корректорлар М. Мирзаев, М. Набиева

Босмахонага берилди 17/V 77 г. Босишга рухсат этилди 22/VII-1977 й. Формати 84×108¹/₃₂. Қоғоз № 1 Босма листи 8,5 + 0,5 вклейка, Шартли босма листи 14,28 + 0,84 вклейка. Нашр листи 15,19 Тиражи 30 000. Шартнома № 29—77 Баҳоси 1 с. 30 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети „Ёш гвардия“ нашриёти, Тошкент. 700129. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг 1-басмахонаси

Заказ № 289 Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21.